

УЗЛ
А39

Айёлий

Ҷалбимда давроним

*Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1978*

АйемиЙ

Қалбимда давроним

Шеърлар
Драмалар



200381



Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1978

Айёмий.

Қалбимда давроним: Шеърлар, драмалар (Сўз боши М. Қўш-
жонов).— Т. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 С.—272 б.

Айёмий (Юнус Юсупов) адабиётга ўттизинчи йилларда кириб келган
ижодкорлардан. Унинг 70 йиллик юбилейига бағишлаб чиқарилаётган ушбу
«Қалбимда давроним» тўпламига шеърий ва драматик асарларидан намуналар
киритилди. Бу асарларда инсонга бахт келтирган янги социалистик тузум
мадҳ этилади. Дўстлик, ҳамкорлик ғоялари тарғиб қилинади. Муаллифнинг
кўпчилик томошабинларимизга манзур бўлган «Ошиқ Ғариб йа Шоҳсанам»,
«Мавлоно Отаҳий» номли музыкали драмалари ҳам тўпламдан ўрин олди.

Айёмий. Время в моем сердце. Стихи, Драммы.

Уз

Ю $\frac{70303-227}{352(06)-78}$ 134—78

ЗУЛМАТГА — ҚАҲР, ЗИЁГА — МАДД

Адабиётимиз тарихида шундай ёзувчи ва шоирлар борки, уларнинг ҳаёт курашига амалий қатнашиб, социалистик маданият пойдевориغا биринчи гишт қўйганлар. Улардан баъзилари ҳамон сафимизда туриб ижод қилаётирлар, санъатимизнинг равнақи учун ўз ҳиссаларини қўшаётирлар. Шу хилдаги маданият арбобларидан бири хоразмлик Юнус Юсуновдир. Қўпчилик уни Айёмий таҳаллуси билан тилга олади.

Бирор сабаб билан ўтмишнинг эслайдиган бўлсангиз, Айёмий домланинг узоқдан бошлайди: «Мен бошланғич маълумотни эски мактабда олиб, 20 йилда комсомол сафига кирганман, 1921 йили эса Урганч шаҳрида комсомолнинг масъул секретари бўлиб сайландим...». Шу тарзда Айёмий домланинг биографияси давом этади. Унинг гапларини қизиқиб эшитасиз. «Бу ҳаётнинг ҳар бир ҳалқаси йирикроқ бир асарга материал берар экану», деган фикрлар ҳаёлингиздан ўтади. Дарҳақиқат, қатор район ва шаҳарларда ленинчи комсомоллар раҳбари бўлиб ишлаган, босмачи ва контрреволюциячилар ҳаракатини йўқотинишга бевосита иштирок этиш, қишлоқ хўжалигини қолдирилганлигини ишларида актив қатнашиш, кейин янги социалистик маданият асосларини тиклаш ишларида жонбозлик кўрсатиш булар Айёмий домланинг биографиясига тегишли умум этаплардир.

Борди-ю ёзувчилик ишларидан гап очиб қолгудек бўлсангиз, Айёмий домла «Маткаримбек деган катта феодални фош қилишга бағишланган менинг биринчи фельетоним — «Қонли қамчи» 1925 йили «Ниқилоб қўғини» номли газетада эълон қилинган», деган гаплардан турун очади. Бундан кейин у ҳар хил газеталарда чоп этилган қатор мақола ва фельетонларини санаб кетади. Бу мақола ва фельетонлар номларининг ўзи Айёмий домланинг қайноқ ҳаёт ичида бўлганидан, ўша даврларда синфий кураш жангу жадалида фақат комсомол сафида туриб эмас, балки қалами билан ҳам жанговар сафда турганини аниқлайсиз.

Юнус Юсуновнинг ҳамюртларидан у ҳақда фикр сўрасангиз, «Ҳа, Хоразм воҳаси маданияти ривожига Айёмий домланинг роли бениҳоя катта», деб жавоб берадилар ва у бошқарган ишларни санаб кетишади. Мана улар: Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбиле-

йини ўтказиш юзасидан тузилган юбилей комиссиясининг котиби, область эстрада-концерт директори, область санъат бошқармасининг раҳбари, Огаҳий номидаги область театрининг директори. Ёзувчилар союзининг Хоразм области бўлимининг раҳбари ва ҳоказо.

Кўряспизки, 40—50 йиллик Хоразм маданияти тарихини Юнус Юсуповсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Матбуот, адабиёт, санъат, бу маданиятнинг, бу соҳаларининг ҳаммасига ҳам Айёмий домланинг синган меҳнати озмунча эмас.

Мабодо Хоразм ўлкасида адабиёт ишларининг тарихи билан қизиқиб қоладиган бўлсангиз, бу соҳадан хабардор кишилар сизга шундай жавоб қилишади: «Ўз ижодини йигирманчи йилларда бошлаган Айёмий адабиёт ва адабий ижод фидойиларидан бири. У Хоразмда ўтган ижодкорларнинг асарларини қунт билан излади, тўплади, тадқиқ этди. У туфайли кўпгина ижодкорлар, уларнинг (конкрет асарлари юзага чиқди, миллий маданиятимиз фондига қўшилди». Дарҳақиқат, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар сингари йирик сўз усталарининг асарларини топиб, тўплаб, тадқиқ этиб, эълон қилишда Айёмий домланинг хизматлари бенихоя каттадир.

Қизиқсангиз адабиёт мухлиси яна фикрини давом эттиради: «Айёмий фақат тўпловчи, ёҳуд тадқиқотчигина эмас, у шеърят соҳасида анчадан бери ижод қилиб келаётган ўзига хос шоирдир. Қарийб 50 йилдан бери адабиёт мухлислари унинг шеърларини вақтли матбуот саҳифаларида ўқийдилар. Хонандалар ижросида ашула сифатида эшитиладилар».

Бугун Айёмийнинг шеърлари бемалол бутун бир томни ташкил қилиши мумкин. Тематик жиҳатдан эса улар ранг-баранг, Хоразм воҳасидан узоқ давр ҳаётининг поэтик ҳужжати, бир танқидчи ибораси билан айтганда «Хоразм ҳаётининг барометри». Уларнинг аксарияти янги ҳаёт, илғор тузум, социал тенглик, ҳур ватан, прогресс фидойилари — комсомол, партия ишларини улуғлашга, озод меҳнаткаш ҳаётини мадҳ этишга, дўстлик, ҳамкорлик идеяларини тарғиб қилишга бағишлангандир. У ўз шеърларини тўплам шаклида йиғар экан, 1938 йилда ёзилган «Май тароналари» деб аталган асарини биринчи бетларга қўйибди:

Баҳорни етаклаб, этаклаб гулни,
Ором дарёсини жўштириб, топиб,
Асрий меҳринг билан қондириб дилни,
Бир йил масофада юз доvon ошиб,
Гўзаллар гўзали, етиб келдинг май.

Шеър шу мисралар билан бошланади. Янги ҳаётнинг биринчи шарпаси — майга бағишланган бу шеърда янгиларга нисбатан шоир қалбиди жўшқин, ўчмас, қувноқ кайфият борлиги сезилиб турибди.

Қўлига қурол олиб, қалтамон (босқинчи)ларга қарши курашга отланган оддий кишилар қаҳрамонлиги, коллектив ҳаётнинг завқини сезган деҳқон жасорати, осмонни забт қилган ботир учувчи — Чкаловнинг парвози, Жайҳуннинг сувини буриб, янги ер очиб мўл ҳосил етказган, Хоразмни маъал область даражасига кўтарган йиғит ва қизлар меҳнати, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган Беруний фожияси, М. Горький, Т. Шевченко ҳаёти ва ижоди, ўзбек адабиётининг ривожиди сезиларли из қолдирган Огаҳий, Комил Хоразмий,

Аваз Утар ҳаёти йўллари — мана Айёмий домланинг поэзиядаги мавзу уфқлари.

У шеърларида нимани куйламасин, ҳаётнинг қай даврига мурожаат қилмасин, инсонга бахт келтирган баҳорни алоҳида шавқ ва завқ билан куйлайди. Унинг энг биринчи шеърларида ҳам шунки кўрамиз. Мана унинг шу кунларда ёзилган «Коммунизм ол байроғи» номли шеърдан бир парча:

Хазонни билмаган муқаддас баҳор,
Ҳаёт бахш этганга чаманлар очди.
Лениннинг замони топиб барқарор,
Кечаю кундузга сўнмас нур сочди.

Ўйламдан ўрип олган шoirнинг «Мурод завқи», «Бош эгиб ўтаман» сингари шеърлари ҳам шoirнинг қай даражада янги ҳаёт билан ҳамнафас эканидан дарак бериб туради.

Айёмий ўзининг янги ҳаёт ҳақидаги поэтик идеалларини анъанавий шаклга — арузга солиб ҳам айта олган ижодкорлардан. Бу жиҳатдан унинг шеърнати кўнроқ Ҳабибий, Чархий домлаларнинг ижодига яқин туради.

Хоразмда адабиёт ва маданият тараққиёти тарихи билан таниш ҳар бир киши Айёмий домла ҳақида фикрини яна давом қилдириши мумкин: «Айёмий домла фақат тадқиқотчи-ю, шoirгина эмас, балки ўзининг саҳна асарлари билан томошабинларни ўзига жалб қила олган драматург ҳам».

Айёмий домла суҳбатлардан бирида ўз драмалари ҳақида гапириб: «Мен 1922 йилдаёқ драма сирлари билан қизиқдим. Уша йили режиссёр Қадам Қутлиев ва ҳаваскор комсомоллар кучи билан саҳналаштирилган «Турма умрлари» номли драматик асар яратдим», дейди. Кўряписизки, бу драма Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романининг тенгдоши бўлиб, тарихий революцион темага бағишлангандир. Унинг бош қаҳрамони оддий ўзбек йигити, Исфандиёрхон замонида бадарга қилинган, бошқа юртларда юриб, революцион гоялар билан бойийди ва Октябрь революцияси туфайли озодликка эришиб ўл юртига қайтади ва революцион курашчилар сафига қўшилилади. 20 йиллар бошларидан бу хил ҳаёт материалга мурожаат қилиб асар яратини, албатта, новаторона иш эди.

Ҳозир Айёмий домла қатор драматик асарлар авторидир. Халқ оғзаки ижоди мотивлари асосида яратилган унинг «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» музыкали драмаси фақат республикамиздагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда кенг томошабинлар эътиборини ўзига тортди. Бу билан Айёмий «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» сюжетини «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра» каби соф инсоний муҳаббатни, инсон эркинлигини куйловчи сюжетлар даражасига кўтарди.

Айёмийнинг бошқа драматик асарларини тематик жиҳатдан икки гурппага ажратиш мумкин. Улардан бири янги ҳаёт учун халқ курашини акс эттирадиган драмалар. Булар «Республика ўт ичида», «Маузерли қиз» драмаларидир. «Республика ўт ичида» драмаси Хоразм коммунистлар партияси Марказий Комитетининг фаолиятига бағишланган бўлиб, томошабин кўзи олдида Хоразм Халқ Совет республикасини тузишдаги ҳаётий манзаралар намоён бўлади. «Маузерли қиз»да эса қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш давридаги синфий курашлар ва бу курашда комсомол активистларининг роли

тасвирланади. Кўряпсизки, бу ҳар икки драма ҳам Хоразм ўтмиши — революцион ўзгаришлар, синфий курашлар тарихига тегишлидир. Бу асарларнинг қиммати шундаки, улар архивларда ўтириб, қогоз титиб ёзилган эмас, балки шу воқеаларнинг бевосита иштирокчиси — ўзи курашчи бўлган ижодкор томонидан яратилгандир.

Айёмийнинг иккинчи бир гурӯҳга мансуб драмалари тарихий темада, хусусан, тарихий шахслар ҳаётини акс эттиришга бағишлангандир. Булар: «Қизлар исёни», «Мавлоно Огаҳий», «Тун ва нохун» драмаларидир. «Қизлар исёни» драмаси ўзбек, туркман ва қорақалпоқ адабиётида анъанавий темага айланиб қолган Хева хонининг «Қиз солиғи» деб аталган фактига асосланган. Айёмий бу тарихий фактнинг муҳим бир нуқтасини, яъни аёллар исёнини асар марказига олади. Одатдагидек, бу драманинг материали ҳам тарихий фактга асосланган. «Мен бу сюжетни машҳур шоира Хонимжон халфанинг сафдоши Онажон Сафаровадан олганман. Хонимжон халфа ва Онажон Сафаровалар саройда бўлганлар. Улар қизлар исёнининг бошида турганлар. Бу воқеанинг тарихи ҳам ана шунга яқинроқдир»,— дейди Айёмий домла.

«Мавлоно Огаҳий»да ёзувчи ўтмишда олиму фузалолар аҳволини, уларнинг тинимсиз таҳқирланишлари-ю, оғир ҳаёт азоб-уқубатларига дучор бўлишини акс эттирса, «Тун ва нохун»ни ўтмишда зиёлиларнинг зулматдан қутулиши учун йўл излай бошлаганликларини акс эттирувчи мотив билан бойитади. Драманинг бош қаҳрамони Комил Хоразмий рус халқи ҳаёт тарзи, маданияти билан қизиқади. Хева хонини бу улуг халқ билан дўстона муносабатда бўлишга чақиради. Аммо хон ва унинг атрофидаги амалдорлар, дин пешволари учун бу чақириқ сотқинлик деб қабул қилинади. Комил Хоразмий бошига оғир кулфат тошлари ёғдирилади. «Тун ва нохун» марказида шоир бошига тушган ана шундай драматик ҳолатлар туради.

Шундай қилиб, бу ҳар иккала гурӯҳга кирган драмаларнинг умум хислатларидан бири шундан иборатки, улар ҳаммаси Хоразм ўлкасининг шонли тарихий материаллари асосида яратилган. Уларга хос иккинчи бир хусусият ҳам бор: улар ҳаммаси бир мақсад, аниқ эстетик ғояни тарғиб қилади. Бу — асрлар оша ҳукмрон бўлиб келаётган зулмат ва жаҳолатни қоралаб, революцион ўзгаришлар натижасида барпо бўлаётган янги ҳаётни улуглаш. Зотан, Айёмий домланинг ўзи зулмат қаҳрининг гувоҳи, янги ҳаёт учун қўлига қурол ҳам қалам олиб курашнинг биринчи сафида турганлардан. Бугун ҳам у ёши саккизинчи ўн йилликка қадам қўйган бир чоғда ўзини жанговар сафда деб билади. У кейинги пайтларда ёзган шеърларидан бирида шундай қайд этади:

Гарчанд етмиш ёшим бор, йигитдекдир нафасим,
Эл ўтида ёнишлик неча ўн йил ҳавасим.

Домла Айёмийнинг ҳаёти, ижод йўли, шунингдек келажак ҳақидаги ўйлари ёш ва чексиз.

Матёқуб Қўшжонов.

**Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР
Давлат мукофоти лауреати**

ШЕЪРЛАР

БАҲОР УЛҚАСИГА

Гулга боқиб куйлаш одатим,
Сенда гуллар бўлмайди хазон.
Сенинг билан бахт-саодатим,
Шунинг учун куйлаш шараф-шон!
Оғушингда асрайсан мени,
Яна тўшаб гулдин пойандоз.
Шунинг учун куйлайман сени,
Ишқинг билан қиламан парвоз.
Гулзорингда кезолмас бойқуш,
Куяр унинг қаноти дарҳол.
Ҳудудингдан кечолмас куз, қиш,
Сенга етмас заррача завол.
Шоирликдан мурод, муддао,
Ўз тупрогин кўрмаклик азиз.
Сен-сен азиз, муқаддас дунё,
Сени шоир унутмас ҳаргиз.
Сийлаб букун қўлимга мени,
Қалам берди қудратли замон.
Шунинг учун куйлайман сени,
Хизматингда тайёрман ҳар он.
Шунинг учун менман бахтиёр,
Тилимдадир васфинг, тасвиринг.
Шунинг учун эй она диёр,
Минг том китоб бўлар ҳар даминг,
Менинг асли эзгу ниятим,
Сени куйлаб ўтмаклик мангу.
Сенинг билан порлоқ қисматим,
Сенсиз келмас кўзимга уйқу.

1937

МАЙ ТАРОНАЛАРИ

Баҳорни етаклаб, этаклаб гулни,
Ором дарёсини жўштириб, тошиб,
Асрий меҳринг билан қондириб дилни,
Бир йил масофада юз доvon ошиб,
Гўзаллар гўзали — етиб келдинг май.

Бутун водий гўё қип-қизил лола,
Чаманлар яшнатган роҳати жонсан,
Мисоли боғ-бўстон ёқут пиёла,
Минг-минг товланасан, чаманистонсан,
Муаттар қалб билан етиб келдинг май.

Истардим, коинот, башарий олам
Шу ҳусну зиёнгдан бўлса баҳраманд,
Йўқолса жаҳондан зулм, ҳасрат, ғам,
Жаҳон СССРдан пур олса дилбанд,—
Мангулик бахтларга тўлиб келдинг май!

1938

ЎЛКА ИШҚИ

Қанчалар кўрсам висолин тотли давроним менинг,
Гул каби ёрим билан кезсамки бўстоним менинг,
Қолмади қалбимда ҳаргиз зарра армоним менинг,
Тоғ каби қаршимда бўлди пахта хирмоним менинг.
Ҳамдамим, оромижон, дилбар нигорим, чоғларим,
Шавқ билан, завқлар билан тўлган баҳорим,
боғларим.

Даврими давронаси ишқи навосида унум,
Қайғудан бегонаман, шодлик билан қайнар куним,
Шодлигим, завқим, қувончим, шоди хуррам кун-туним,
Тўй-томоша бўлди элда, ҳам топиб ҳосил унум,
Мактабим, бахтим, севинчим, ифтиҳорим боғларим,
Ранг-баранг гуллар либоси лолазорим, чоғларим.

Ўйнасам, кезсам бу водий бахтимнинг парвонаси,
Гавҳар, инжу ва ёқут ўлкамиз дурдонаси,
От қўйиб тоғ-тоғ зафар қучди бу эл мардонаси,
Дам-бадам нурлар кийинди зўр буюк ошъёнаси,
Равнақим, меҳрим, шиорим, дилбарим, ҳур боғларим,
Райҳоним, ойдин қамар ҳам жавҳарим, шўх чоғларим.

Кўр кўзим нурланди энди, нури сўнмас зарра ҳам,
Улфатим ҳасрат эмас, кўзлардан оқмас энди нам.

Мен билан миллионли халқ озод яшаб, ўлкамда жам,
Шуълабахш юртим жамолин қайталаб ўпсам-да, кам,

Илҳомим, ақлим, ҳаётим, шавкатим, жон боғларим,
Севгилим ҳам, булбулим ҳам сунбулим, жон чоғларим.

Бўлса малъун улфатинг оғу билан қайнар ошинг,
Бу эса бошингда савдо, оққуси кўздан ёшинг,
Гарчи номард бўлса дўстинг ғавғодан чиқмас бошинг,
Торт ўзинг фисқи фасоддан, сўлғуси гул юз, қошинг,
Зўр ватан-чун мен қасамёд айладим, бор боғларим,
Келди кунлар, кулди бахтим, энди топдим чоғларим.

24 декабрь, 1939

ДУСТЛИК

Зулму асоратга тоб бермай, исён
Кўтариб золимни титратдим ҳар гал,
Бир тўфон кўрганда Нўҳ, мен минг тўфон —
Кўриб, демаганман «Тақдири азал».
Кайхусрав урдусин тўзгитиб ҳарён,
Амунинг қаҳрига қулатганим рост.
Ватан тупроғини бадандаги қон —
Дея асраганман, бир ота мерос.
Араб босқинчисин хандаққа суриб —
Олмос қиличим-ла чопган ўзбекман.
Қорақум саҳроси Мурғобдан кечиб,
Чингизнинг галасин отган ўзбекман.
Ҳарчанд уринсам-да, боқмади иқбол,
Юпун саргардонлик бўлди эмакдош.
Иzzати нафсимга ҳақорат, малол —
Етгандан етарди, кўзда қонли ёш.
Шу зайил саҳрода гангиган маҳал
Рус халқи қўлимдан тутди меҳри-ла.
Озодлик не эди айтиб мукаммал,
Йўллади тонг сари тафаккури-ла.
Шул сабаб Лениндир хаёлим, майлим,
Унинг ҳурматида тураман мангу.
Ундан сабоқ олди заковат, ақлим,
Шунинг-чун оташдир мендаги туйғу.

июнь, 1940

БИР ВАТАНКИ ЕР ШАРИДА ЯШНАЯЖАК БАРКАМОЛ

Эй фашистлар, ўлим сизни етаклабди шу онда,
Мана энди сиз кирасиз тобутларга бу ёнда.
Қўтарилди сизга қарши миллионларнинг мард қўли,
Қани энди ҳийла қилинг, топармисиз бир йўли,
Шу курашнинг зарби билан йўқ бўласиз, бу қонун.
На сиздан ном, дарак қолар, яксон этар бу тўлқин.
Ҳар гўдакдан кексагача посбондир ватанга,
Жон берсак-да, душман изи киргизилмас чаманга!
Қутургансиз, жон аччиғда югурасиз ҳар томон,
Сизнинг учун оқса майли денгиз-денгиз бўлиб қон.
Сиз дунёни ўтга солиб куйдирмоқни истайсиз,
Уруш учун сиз ҳурасиз, тинч ўлкани қистайсиз.
Сизга бўлмас мурод ҳосил, СССРга йўқ завоп,
Бир Ватанки, ер шарида яшнаяжак баркамол!
Бугун қалқди оёқларга барча ишчи, колхозчи,
Барча олим, касб эгаси, шоир, барча совхозчи,
Буйруқ берди виждонимиз «Олга бос!» деб бизларга,
Фашист итлар, қудратимиз кўрсатамиз сизларга.
Шунда бўлар сичқон ини сизга олтин баробар,
Сизга бўлмас мурод ҳосил, СССРга йўқ завоп,
Бир Ватанки, ер шарида яшнаяжак баркамол!

23 июнь, 1941

БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

Бир сиқим тупроқни суртиб кўзимга,
Бағримга босганман мисоли виждон,
Шу тупроқ руҳида қайтмай изимга,
Ҳаёт минбаридан ошганман довон.

Жанг-жадал маҳали шу азиз тупроқ
Ғаним гирдобидан асраб, қўллаган.
Бутун истиқболни кўрсатган байроқ
Қаби зафарларга мени йўллаган.

Она сути қаби муқаддас, эзгу,
Унингсиз ҳаловат, ҳузурдур ҳаром.
Мен ундан оламан заковат, туйғу,
То ҳаёт борича хулласи калом.

Шоирнинг ғурурин сўраса биров,
Денгларки: «Заминнинг ишқи-ла ул банд,
Ундан ажратолмас ҳар қандайин гов,
Ҳаттоки жангларда бўлса-да, гард-гард».

1942

ДУСТИМГА

Кел, эй, дўстим, ушбу боғларда
Булбуллардек сайраб ўтайлик,
Ғазал қилиб инсоннинг бахтин,
То ўлгунча куйлаб ўтайлик.

Тоғлар ошиб жанг оташида,
Халқинг учун бер десалар жон,
Отланайлик, эл ташвишида
Ўлмак шараф, шараф бегумон.
Ҳар мисрамиз тарона бўлиб,
Бера олсин ҳар дилга ором,
Авлодларга намуна бўлиб,
Яхши иш-ла қолдирайлик ном.

1943

САЛОМ, ҲУМАНИЁЗ

*(Қизил Армия сафида хизмат қилаётган дўстим
Жуманиёз Девоновга)*

Салом сенга, азиз биродар,
Умр кўргин дунё баробар!
Хоразмдан салом йўллайман,
Қабул айла, калом йўллайман.
У муҳтарам онанг ёдлайди,
Синглинг, қизинг сени отлайди.
Мен ҳам бўлиб уларга ҳамдам,
Сен ҳақингда сўзлаймиз ҳар дам.
Зафарларни қучиб қайт, дўстим,
Шарафларга тўлиб қайт, дўстим!

Июль, 1945

ЎЗБЕГИМ

Ул хазонрез ониди вайрона бўлган, ўзбегим,
Қўп асрлар ғам билан ғамхона бўлган, ўзбегим.
Неча Чингиз, неча Доро, неча Маҳмуд отлари
Тепкисин қасдига сен шерона бўлган, ўзбегим.
Баски букмай бор жаҳонгир олдида қаддингни сен,
Шонли жанг майдонида мардона бўлган, ўзбегим.
Рус бўлиб ҳамдари сенга бахтга томон йўл бошлади,
Сен анга қардош мисол дўстона бўлган, ўзбегим.
Неча миллат бир-ла қардош, бир ота фарзандидек,
Тонг насими ваҳидин ҳурона бўлган, ўзбегим,
Ном билан ва шон билан гулгун яшаб фасли баҳор,
Русу тожик, туркману ҳамхона бўлган, ўзбегим.
Беғубор қалбинг каби сен пахтадан олам ясаб,
Гул қўлинг нақши билан бўстона бўлган, ўзбегим.
Тарихи оламга кетган кашфи фан дарёсидин,
Ҳур замон даврида дурдона бўлган, ўзбегим.
Ул Берунийки, Павоний, Оғаҳий фарзанд эса,
Неча онлардекларга сен парвона бўлган, ўзбегим.
Фахр этарман сен билан барча қариндошинг билан,
Яхшиликлар бобида афсона бўлган ўзбегим.
Қанча ўргулсам эрур кам, боғу ҳуснинг файзидин,
Шул сабаб дил дафтарим назмона бўлган, ўзбегим.
Эътиқод майдонида Ленин сенга байроқ бўлиб,
Ҳар нафас тонг файзидек шодона бўлган, ўзбегим.
Гулла, яшна, умрбоқийлик сенга тақдир эрур.
Қуйласа Юнус учун достона бўлган, ўзбегим.

1945

Не бор башариятда —
 Олам-олам ҳиссанг бор.
 Ҳаёт камолотида —
 Нодир ўлмас ҳиссанг бор.
 Сепдан туғилмиш фарзанд
 Ҳаётни қайта қурди.
 Асоратни гард-гард
 Қилди-ю, ерга урди.
 Узоқ, оғир босдик йўл,
 Қонли гирдоб кечилди.
 Барчасида чўздинг қўл,
 Кўп муаммо ечилди.
 Бўронларда ҳамнафас
 Биздек шинелни кийдинг.
 Мушкул дамларда довқур,
 Аямай ёвни урдинг.
 Мана, бу кун олтин дам,
 Қарвонбоши, йўлдошсен,
 Биз билан ташлаб қадам,
 Ишимизда сирдошсен.
 Аскар боши — генерал
 Иссиқ кўксингда ўсди.
 Олий қўмондон маршал,
 Душманнинг йўлини тўсди.
 Пахтазорда, шахтада,
 Ўғил-қизинг қаҳрамон,
 Ишлаб бутун жабҳада,
 Тилларда бўлди дoston.

Шунинг учун азизсан,
Бизнинг замонамизда.
Шунинг учун лазизсан,
Яшайсан қонимизда.
Бу юриш-курашларда,
Такрор сенинг ҳиссанг бор.
Бу ажойиб ишларда
Асло ўлмас қиссанг бор.

8 март, 1946

Шоир ким деганда, дегайман оташ,
Оташда синалган олтин ҳам мудом.
Таслимни у билмас умрида яккаш,
Бошида савдои майли қатли ом.

Гурс-гурс қадамлар-у, дарёдек юрак
Жўшиб, шаршарадек тошиб бораман,
Олам қайғусида муқаддас тилак
Хайрига довонлар ошиб бораман.

Ана, ишхонаю саҳрою қирда
Меҳнат таронаси, тўлқину бўрон,
Советлар тупроғи бўлган ҳар ерда,
Инсон қўли билан яралган бўстон.

Инсон гўё дарахт, бермаса мева,
Бўлмаса эл ондин магар баҳраманд.
Қуруқ қора толдан фарқи йўқ, сира
Бахшида қилолмас умрини ҳарчанд.

Ушалар хотирдан ўтганда гал-гал,
Порлоқ юлдуз каби юз очур мисра.
Башарий умидлар қалбда бебадал,
Буларнинг жамидин гулгун қасида.

Ҳар мисра лафзини бўстондаги гул
Ўилгуси шоирки таҳсинга лойиқ.

Меҳнатда ва жангда ҳар озода дил
Шараф мажлисига айлағай тортиқ.

Аждодлар руҳига қиламан таъзим,
Навой, Пушкинга айтгум шукрона.
Қиндик қоним тушган юртим Хоразм,
Сенга шеър ёзурман, мен ёна-ёна.

1946

ГИЛАМ ТЎҚУВЧИ ҚИЗ ГУЛЧЕХРАГА

Уйим деворига осиглиқ гилам,
Қарайман-қарайман, қараб тўймайман.
Гўё кўз олдимда бир бутун олам
Намоён бўлгану, кўзни олмайман.

Қанчалик қарамай гиламга такрор,
Ўзига тортади фусункор санъат.
Гўёки ўзимни оралаб гулзор
Юрган ҳис этаман ҳамма вақт, ҳар вақт.

Санъат шундай эса гўзал, муҳташам,
Наққош фазилатин билай деб чопдим.
Қўнғимда бўлгандан ортиқ жамулжам,
Наққошда соф дилнинг меҳрини топдим.

Нурга тўлиқ катта уйдаги дастгоҳ
Ёнида учратдим камтарин қизни.
Унинг кўзларида бир меҳригиё
Борлигин ҳис этиб, шоширдим ўзни.

Унда ҳар дақиқа ҳар недин қиммат,
Ҳар қарич ишни ҳам бағрига босур.
Меҳнат гудогидан бошланган суръат
Сўнгги секундгача бориб қоғушур...

Гилам тўқувчилар боғни эслатса,
Дейилса бўлади Гулчеҳра — боғбон.

Наққош қиз мақталиб ҳар не дейилса,
Битилса бўлади бир катта достон.

Сенга бағишланган комил эҳтиром:
«Дилрабо санъатга қойил, офарин!»
Эрк элин қизисан хулласи калом,
Муборак бу гўзал хунари заррин.

Агар ўтмишда сен бўлсайдинг, қизим,
Бундай улуглашга бўлолмасдинг ёр.
Минг гулдан бир гулинг очмай, азизим,
Қисматинг охирда бўлар эди дор.

Мана, эрк элидир бахтинг бешиги,
Аллалаб бағрида камолот берди.
Сабабким очилмиш иқбол эшиги,
Тоабад сен, бизга саодат берди.

Кекса бир шоирман, куйламоқ элни,
Сени куйламоқлик касби шиорим.
Сўнгги нафасгача беғубор дилни
Хизматда турғузмоқ қатъий қарорим.

Шу боис мадҳингга мен тортдим қалам,
Чунки олқишламоқ камолотимдир.
Фақат эл олдида мўътабар одам —
Дея куйлаб ўтсам саодатимдир.

Гилямнинг, Гулчеҳра, бўлур пойандоз,
Коммуна қасрига, Ватан саҳнига.
Мисоли гилямдир бизда баҳор, ёз,
Ўхшайди гилямнинг баҳор ҳуснига.

Хива, 1954

ПАХТАКОРЛАРГА

Қучоғида ўсиб меҳнат баҳорини, бахтиёр бўлдинг,
Ҳалол меҳнат туфайли эл ичида ифтиҳор бўлдинг.
Музаффар ҳар дамнинг шердек, ҳаёт боғида меъмордек,
Юракдан лавҳалар битдинг демак кулган баҳор бўлдинг.
Шараф-шон тутди гулдаста чиқиб пешвоз олдингга,
Негаким сен маҳоратда ҳамон мардонавор бўлдинг.
Неча ўн тонналаб толмас қўлингдан пахта хирмони —
Ясалди, сен чеварликда намуна, устакор бўлдинг.
Хазонни билмаган элдан шууру ҳам камол топдинг,
Бунинг бойси рус оға, унга сен мангу ёр бўлдинг.
Сенинг машҳурлигинг қалбин тоширди кекса Юнуснинг,
Ғазал битган маҳал доим кўзим олдида бор бўлдинг.

15 декабрь, 1954

ЎЗБЕК ЭЛИН ДИЛБАНДИ

(Берунийга)

Башар мадрасасида берди минг йилча таълим,
У ном олди оламда, фанда «қомусул улум».
Шогирд бўлди устозлар унга аялома, дея
Ўқидилар у ҳақда қанча-қанча мадҳия.
Ер ўқининг кашфидан берар экан у дарак,
Улуғликда муаззам жаҳон аро у демак.
Таажжуби шундаки, бундан минг йиллар аввал,
Ҳиндистонни кашф этди, бутунича мукаммал.
Ундан минг йиллар кейин бўлур ишга башорат
Қилган каби у бизга ҳиндлар билан садоқат.
Арши аъло етти қат, осмонда каромат бор,
Деган барча сўзни ҳам олим этди тору мор.
Неки Маҳмуд зиндони, неки замондаги дор,
Буколмади олимнинг иродасини зинҳор.
Башарий анжуманлар унга тутиб эҳтиром,
Тик турганча қилмоқда уни иззату икром.
Кремль даргоҳидан олим топди илтифот,
Унинг ўлмас ишига берилгандек мукофот.
Ғуруримиз беқиёс — Хоразмнинг фарзанди,
Бутун жаҳонга машҳур ўзбек элин дилбанди.

1956

ОНА АМУДАРЕ

I

Асрий ғамларга биз бўлганда йўлдош,
Сен урдинг ўзингни қирғоқ-қирғоққа.
Гўё она каби сен тўкиб кўз ёш,
Бошингни урдинг тош ила тоққа.

Шоҳсанам сўроғлаб сендан Ғарибин,
Саргардон турарди олдингда ҳар гал.
Термилиб бағри қон ул яра қалбин,
Гўё давосини сўрарди маҳтал.

Тоҳир сандиғини сақлаб сағрингда
Улим гирдобидан эҳтиёт қилдинг.
Кўзинг қорасидек уни бағрингда,
Авайлаб қирғоққа стказа олдинг.

Шу зайл оч-юпун йигиту қизлар
Сенга айтар эди юрак ғурбатин.
Қуллик занжирида сўнган юлдузлар
Ҳикоя этарди қора қисматин.

Нолиш-фарёдларни кўксингга босиб,
Наъра тортганингда титрарди жаҳон.
Гўё ҳасратларга жўр бўлиб ёниб,
Қалбинг тўлқинлари ясарди туғён.

II

Бўрон қушларидек учдик бошингда,
Тўлқин оғушига шўнғидик жадал.

Уч деган садони ҳар қарашингда —
Ҳис этиб учардик юксакка ҳар гал.

Осмонда учсак-да, сендан кўзимиз
Олмайин тобора қилардик парвоз,
Фарзанд мисолида берган сўзимиз,
Адоси бўлсин — деб қишу баҳор, ёз.

Баҳрингдан бир томчи эмган сувимиз
Юракка бир жаҳон мадор бахш этган,
Тикканда сен томон икки кўзимиз
Меҳринг кўришмакни дилга нақш этган.

Зулмат саҳросида шу бўлди қисмат,
Инқилоб ўтида ёндик, тобландик.
Исён ол байроғи кўрсатди ҳиммат,
Асорат, зулмга қарши отландик.

Ленин даҳоси-ла ташланган қадам,
Бахтимиз калитин тутқазди қўлга.
Бутун муаммолар бўлиб жамулжам,
Ҳал бўлди, йўл олдик нур тўла йўлга.

III

Мумкин бўлмагандек опасиз — сенсиз,
Сенсиз яшаб бўлмас асло ва асло.
О, сен Она Аму, ҳаргиз ва ҳаргиз,
Сенингсиз ҳаловат пучдир, бемаъно.

Ҳозир кўп яқинсан, измимиздасан,
Ҳар бир фармон учун тайёрсан, борсан.
Буюк фазилатинг шундаки сенинг,
Гулзор далаларга шифосан, ёрсан.

Қаерда бўлсам-да, меҳринг дилимда,
Меҳринг қонимдадир ўзингдек тошқин.
Бахтлар водийси бўлган элимда —
Мен ҳам чин инсонман — дарёман оқин.

1956

Кўкка етган эрк биланким боши осмон Хоразм,
 Гул билан ёстанди кўксинг боғу бўстон Хоразм.
 Бир замон мадҳингни Мунис қилган эрди ғам билан,
 Мен эса мадҳингни этдим шоду ҳандон Хоразм.
 Бир умрга бахти кулган бир гулистон Хоразм.
 Сен Совет даври билан бир тану бир жон Хоразм.
 Коммуна айёмида ҳар фаслинг бўлди бир баҳор,
 Шарққа нур сочган қуёшдур Ўзбекистон, Хоразм.
 Боғларингда олма, анжир ҳам анор, қанддек қовун,
 Сен улус бахти учунким пахтага кон Хоразм.
 Санъатинг — созинг билан сен элда бўлдинг ифтихор,
 Сону талқинингга мафтун бўлди бўстон Хоразм.
 Барчаси Компартия ғамхўрлигидан донмо,
 Илтифотлар Москвадан сенга ҳар он Хоразм.
 То ҳаёт борица мадҳинг қилгуси Юнус сенинг,
 Чунки тупроғинг кўзимга тўтиё жон, Хоразм.

29 октябрь, 1957

О Г А Ҳ И Й

*(Туғилган кунининг 150 йиллигига
бағишлайман)*

Қеърият қасрига бўлсанг-да, наққош,
Нор илм баҳрига бўлсанг-да, сирдош,
Замонанг зулмидин сен кўрдинг малол,
Замонанг қаҳри-ла сен бўлдинг увол.
Аммо халқ юрагин сен кўйлаб ўтдинг,
Ҳақиқат тонгидан сен сўйлаб ўтдинг.
Барча таъқибларга сен бердинг бардош,
Адолат, ҳақ учун айладинг талош.
Фақир бечоралар юрагинг бўлди,
Уларни асрамоқ тилагинг бўлди.
Ҳоким замонга қўймадинг меҳринг,
Фақирга банд бўлди хаёлинг, зикринг.
Мадҳи маросимга юрмадинг бир зум,
Гарчи ғурбат аро ютсанг-да, заққум.
Жаннат ҳурларига қўймадинг ихлос.
Инсоний севгидан куйладинг холос.
Шунинг-чун ҳам мисранг муқаддас, эзгу,
Шунинг-чун севганмиз биз сени мангу.
Совет давронида сен бўлдинг азиз,
Шунинг-чун сен бизга жондин ҳам лазиз.
Навоий, Пушкиндек сен ҳам қадрдон,
Мунисдек, Аваздек сен ҳам жонажон.
Юз эллик ёшдурур муборак тўйинг,
Тантана айлаган хаёлинг, ўйинг,
Қалбларда қайнайди зўр, эзгу гоя,
Шунинг-чун қиламиз сени ҳимоя.
Маснавий вазнида туздим ман ашъор,
Юрак сўзларимни қилгани изҳор.
Сенга қадрдонмиз, ҳамдаму мунис,
Авлоди Мунисдир шеър тузган Юнус.

1958, Урганч.

Умрингнинг ҳар олтин дақиқасини
Шамолдек ўтказма, дилгинангга бос,
Шу умр дафтарин саҳифасини
Юрак дарди билан безагин, холос.

Бу дардки, эл юрт дарди, истаги,
Сен унга айлагил ўзинг хизматкор.
На бўлса замонанг хизмат тилаги,
Лдоси саҳнида бўлгин барқарор.

Гўё тўлқин урсин ҳар хайри ишини,
Муқаддас довоиға кўтарил баланд.
Барча ҳаёлоту одат, ташвишини,
Замона қалбига бўлолсин дилбанд.

Оқар суи оқмагай орқага асло,
Умр ҳам шул йўсини ўтгуси жадал.
Шисон шул мантқиқдан бўларкан огоҳ,
Умрининг қимматин топгай мукаммал.

Мабодо юз очса шу йўсин аҳвол,
Умрининг ҳар дами ёднома бўлгай.
Табаррук ин билан ул топиб камол,
Ажабмас эл аро фасона бўлгай.

1959

МУРОД ЗАВҚИ

Севги мулкида менинг-чун қолмади жонимда тоб,
Чунки ҳажринг оташида ҳар даим неча китоб.
Рашқим ортар кун-бакунким ул исирғанг қасдиға,
Чунки ул номардки тургай гул юзингни сийпалаб.
Пардалар ичра жамолинг бунча оламтоб эса,
Бордию очсанг жамолинг, бу жаҳонга изтироб.
Гарчи зулфинг қоп-қорадур, сийнаи кўксинг ёруғ,
Гап мисол рангда эмас, зулф риштаи жондин ҳисоб.
Меҳнатим роҳат эканки, топди васлингдин мурод,
Юнус ўлди бу сабабдин тоабадлик баҳраёб.

1960

ЗАВҚИ ТАРОНА

Жон топиб роҳат бу кунлар ёр вафо инъомидин,
Ётди бошим кўкка дўстлар роҳатин оромидин.
Боғу ҳусни бир-ла масрур дил уйим ободлиги,
Шодлигим оламга сиғмас чин муҳаббат ромидин.
Шу сабаблар бонсидан жўш урар қалбимда ишқ;
Мен эса масту аластман май ичиб ишқ жомидин.
Десалар мушкуллигинин дарди ишқ ҳангомасин,
Одам эрмас у кишиким қайтса дилбар комидин.
Қапчалар парвона бўлсам ёр учун ҳар субҳидам —
Оздирур, чунки қутулган биз балолар домидин.
Очди юз назми муҳаббат гуллари дилбоғида,
Чунки Юнусга мурувват ёрининг илҳомидин.

1961

200381

УМИД

Жаҳон мулкини обод кўрмагим шарти адолатдин,
Муяссар бўлмоқ эрса бу бўлур журъат шарофатдин.
Кишилар қалбида дўстлик, иноқлик барқарор бўлса,
Бошим осмонга етгай тоабад роҳат-ҳаловатдин.
Магар кўрдик инсон бу ёруғ одам юзин, билсин,
Ҳаёт борица ўзни сақласин элга хиёнатдин.
Мунофиқ аҳлига юрма яқин, пинҳон пичоқ санчгай,
Синалган дўст—эрур дўст, сақлагин ўзни касофатдин,
Яна бор баъзилар сиймоб каби киргай бадан-қонга,
Сўнгидан бирни ўн айлаб бўлакча бор адоватдин.
Кел, энди Юнусо, қўл уз бари суҳбат мунофиқдан,
Иўқ эрса чиқмагай бошинг мудом гина-маломатдин.

1962

ГУЛ УЙНАЙИК

Кел малак, кел-кел малак, бу бор аро гул ўйнайик,
Завқи шавқ гашти билан субҳу сабо гул ўйнайик
Тонг маҳал сайри чаманлар бағрида сайрон этиб,
Бир-бировга айлабон жонни фидо гул ўйнайик.
Жон уйида йўқ ҳаловат бир даме сендан йироқ,
Кўзларингдин кўзларимга нур-зиё гул ўйнайик.
Юзларинг мисли шафақдур ул қуёш ҳусни каби,
Мен билурман дил ўйининг меҳригис, гул ўйнайик.
Бу жамолнинг завқида гул очтириб олам юзин,
Ҳар нафаснинг хайрига нашъу намо, гул ўйнайик.
Фасли даврон гул эрурким ошиғу маъшуқ учун,
Бирга гашт сурмоқ Юнусга кўп даво, гул ўйнайик.

1963

ШОД ЭРУРМАН

Шод эрурман кунма-кун ул шўх гўзал парвосидин,
Чунки тутди май қадаҳни баҳрининг дарёсидин.
Етди оламга овоза васлининг бўстонидин,
Топди жоним минг ҳаловат хушнавонижросидин.
Қалби чиқмишдир жамоли узра партов рангида,
Неча кундуз ложараммаи ҳуснининг оросидин.
Бир маҳаллар рашк ўти қийнар эди қалб торини,
Энди билсам рашк ўти эркан рақиб иғвосидин.
Дарди ишқ соя каби орқамда судралган мудом,
Менга етган-чун муҳаббат қасри ишқ аълосидин.
Нораволар ваҳмини сеп, Юнусо, қилма писанд,
Мадҳи ёр машгулнинг ўлсин доимо нишосидин.

1964

ҚУБИЗЧИ

(*Тарас Шевченко хотирасига*)

Қўбизнинг садоси қалбимда тугён,—
Бўрон оташгоҳин қўзғалаб кетган.
Шула боис юрагим кўтариб исён,—
Қураш майдонига тобланиб етган.
Тоабад мухлисмиз, биз сенга қондош,
Насиҳат, паидингга қилганмиз амал.
Ҳақ учун жангларда айладик талош,
Бахт деган умидга етдик мукаммал.
Қадим Хоразмда Мунис қўбизи,
Сенинг созинг билан оҳангдош эди.
Оғаҳий қалби-ю, Қомилнинг сўзи,
Аваз фарёдлари хўб сирдош эди.
Сенинг наволаринг тингладим кўп бор.
Сендан заковатга манбаалар топдим.
Назмнинг даҳосига бош эгиб такрор,
Шеъринг боғига дадил йўл олдим.
Қадим Хоразмнинг гулзор кўксайда,
Сенинг-чун ясадик бир олий ҳайкал,
Бу ҳайкал эл қалби, мадҳиясида,
Тоабад турсин деб мағрур, мукаммал.

1964, Урганч-Тошкент.

ДАВРОН ҚАЛБИ

*Ёғирним бўлди ёғир ғам юкидин
Балолар ортди кўп ҳам бош тукидин.
Мунис.*

Ана, мозийдаги фарёду афғон,
Ушал «қисмат» билан қон ютди инсон.
Бу мазлум аҳлининг фарёди эрди,
Алар рўзгорицинг барбоди эрди.
Қачон очсанг кўзинг кўрдинг балолар,
Балолару сароб, мотамсаролар...
Ҳамалар жон чекиб зиндон қафасда,
Ўлим изгир эди ҳар бир пафасда.
Қадимда бир мақол машҳури эрди,
Бу сўз эл огзида мазкури эрди.
«Қуёш қолмас булут остида пинҳон»,
Ушал доно мақол юз очди бу он.
Буюк Лении ишин даврони бўлди,
Ҳаёт фасли баҳор имкони бўлди.

Ўгил-қиз ҳаммаким бахти билан тод,
Чўлу саҳро чаман гул бўлди обод.
Юракким жўш урар бир мисоли дарё,
Аму тўлқинидек, қудратга гўё.
Фидо қилгай Ленинга жонни Юнус,
Тузур ашъор, анго дostonни Юнус.

1968

ВАФОДИН СЎЗ ОЧИБ...

Вафодин сўз очиб, сўнгра нушаймон этди-ю, кетди,
Юракни дард аламлар ичра полон этди-ю, кетди.
Висоли ганжигга бўлмоқ муяссар эрди орзуйим,
Нисанд этмай менни ошиқни ҳайрон этди-ю, кетди.
Қора зулфини ҳамиша эрта-кеч жон риштаси дердим,
Ки боғлаб соя торидин, банди нимжон этди-ю, кетди.
Анинг ҳар бир нигоҳи мен учун жон ичра жон эрди,
Даринг кўрди ҳусни шамъини, зимистон этди-ю, кетди.
Печа татъна, печа даҳшат тошини отдики печун,
Билалмай ахтарурман, йўлда сарсон этди-ю, кетди,
Магар сен Юнусо, айбнинг бор эрса узри ҳол айла,
Шанидан не мурод эиди, юрак қон этди-ю, кетди.

1969

КАМОНЧИ ҚИЗГА

(Озарбайжонлик камончи қиз
Шафигахоним Эйвазовага)

Тинглади кўнглим бу кун кўпдин мурод овозини,
Ҳусну мулкин тожи-ю, ишқ санъатин парвозини.
Тортганида ҳар не парда завқу шавқ олам каби,
Чунки ул билмас даме қайғу аламлар розини.
Ул муҳаббат дардидан чалди бу дам камон ҳуш,
Айлади қалб торидин тасвир баҳор-у, ёзини.
Жўш уриб мисли Амудек қайнади қалбимда ишқ,
Бу кеча чалган навосин тинглабон шахнозини.
Чалганида қиз наво гўё Фузулий ёнма-ён
Турди-ю, деди: «Билурсан бу Фузулий созини».
Қойил, минг-минг тасанно санъатин оросига,
Мен дедим, тинглаб қўшинин мазмунин, пардозини.
Қолмагай армон юракда бу гўзаллик меҳнатин,
Қуйласанг бахтли замонда ишқ элин мумтозини.
Таҳсилим бўлди Низомий ва Навоий дафтари
Ҳам Фузулий қўлда бўлди, айладим эъзозини,
Юнусо, мадҳ айла доим қон-қаришдош аҳлини,
Сақлагин қалбингда мангу бу камон овозини.

1970

БОР ҒҰЗАЛЛАР БАРЧАСИ

Бор ғұзаллар барчаси сендин олиб андозалар,
Бўлмоқ истарлар оларки сен каби мумтозалар.
Ақлу идроку фаросат хислатингни мадҳи-чун,
Аҳли шоир шеър тузар сўздин жавоҳир ёзалар.
Ишқингга банд бўлганимни неча сир тутсам-да, ман,
Не сабаб, ошкор бўлибдир шаҳраро овозалар.
Сен муҳаббат расминиким анчайин жўн билмагин,
Ошиқ аҳли ёр дебон тирноқ-ла тоғни тозалар.
Тиги ишқинг айлади сийнамин қанча чоку чок,
Дил ўйинининг шаҳрига қурмоқ учун дарвозалар.
Юнусо, ёр позидин қилма шикоят, ранжима,
Ёр позин донмо ишқ оташини тозалар.

1970

КЕЛДИ ЖОНОН

Келди жонон боғима зийнат билан,
Неки зийнат — нур сочиб фикрат билан.
Бу вафоли лабзидин эрди жавоб,
Икки қўли кўксиди иффат билан.
Эҳтирому — бош эгиб, пешвоз чиқиб,
Қўл олишдим ёр билан, ҳурмат билан.
Ой ёришгандай гуё бўлди ёруғ,
Зор эдимким печалар муддат билан.
Бор муродлар очгуси доим чирой,
Қайнаса дил покиза ният билан.
Ҳамдам ўлса икки дил бир дил каби,
Машҳур ўлгай элга ул ибрат билан.
Эл назар этган менга чин дил билан,
Ўтгай умрим эл учун хизмат билан.
Ўтсин умринг, Юнусо, ёр қалбида,
Фахр этарсан бу каби давлат билан.

1970

ГУЛ ДИЁР

Яша, эй, гул диёрим, сен менинг мангу баҳоримсан,
Дилу қалбимга сингган қон каби сен ифтихоримсан.
Азизсан, мўътабарсан ва муқаддас жон каби ширин,
Ҳаётим, шавкатим, шоним, хазонсиз лолазоримсан.
Ҳали ҳам дунёда йўқсул эли бор ғамга занжирбанд.
Алар чун эртага порлоқ зиёсан, тонготоримсан.
Сенинг йўлнига бўлсин жон фидо то танда жоним бор,
Онамдек бағрига босган севиқли ҳур диёримсан.
Юнус мадҳингни куйлар бетиним то танда бор жоним,
Аср юз мингки келса, хазонсиз навбаҳоримсан.

1970

ОҲ, ЁШЛИК

Оҳ, ёшлик, сен ёшлик, олов ёшлигим,
Лочин қушлар каби ўтган у онлар.
Оҳ, севган, севилган баёв ёшлигим,
Не-не тўфон кечди, не-не бўронлар.

Қараиғ, қандай суёқ гўзалдир бу ҳол,
Эсласам Амудек тошиб кетаман.
Менинг кўз олдимда буюк истиқбол,
Довонлар сари тик ошиб ўтаман.

Жанг хандақларидан кетмадим нари,
Баъзи ношудлардек тутмадим ўзим.
Мунофиқ дил каби писиб сар-сари,
Таслимкор қочмоққа бурмадим юзим.

Хануз ўша карвон, шиддаткор юриш,
Муаззам бир даврон коммуна томон.
Элнинг ғами билан юракда ташвиш,
Муборак бахтимиз тутганча омон.

Ҳеч маҳал қаримас қалбу эътиқод,
Ул ҳамон яшагай гўё ўн тўрт ёш.
Шу эрур муқаддас, шу бўлгуси ёд,
То ҳаёт борича шу ёшлик йўлдош.

1970

НАЗОКАТ

*(Озарбайжон опера ва балет театрининг солисткаси
Назокатхонимга бағишлайман)*

Бир тонг муаззамда тингладим қўшиқ,
Бутун вужудимни Амудек гўё
Тўлқинлар баҳрига айлади у гарқ,
Мисли Гуландомга бўлдим маҳлиё.

Чақнаган чақмоқдек осмон саҳнида,
Қўшиқ янграб кетди бу тонгги маҳал.
Чақмоқ равshanлиги қалб маснадида
Нур бўлиб ёнгандек бўлди бебадал.

Тоғлар, даралардан эсгандек сабо,
Тобора минарди авжи фалакка.
Бутун томирларга қон бахш этиб зиё,
Қўшиқ жараилади, ўтиб юракка.

Назокат — бу исм-жисмига пайванд,
Илоҳий куч эмас, унда маҳорат.
Балки буюк инсон фазлига монанд,
Унинг санъатида тортган салобат.

Гўё Гуландомнинг жонбахш овози
Қалбу томирларим чертгандек бўлди.
Назокат қўшиғин юксак парвози
Аму осмонида эсгандек бўлди.

1970

Мусаффо тонг маҳал сураман хаёл,
Мозий рахнасида сен бўлдинг пайдо.
Фарёд кўтараман, бу не даҳшат ҳол?
Дарбадар юрибсан — бу бахтиқаро.

Ахир сен эдинг-ку ақлда таяҳо
Ва дониш мулкининг бўлмиш султони.
Зулмат тунларида нур сочган зиё,
Адолат оламин соҳибқирони.

Саволлар бераман пайдарпай, такрор,
Жавобин қилади у улуғ инсон:
«Мени азоблаган, қилган хору зор,
Дейди у — ул машъум қоп-қора замон!»

Қиприк-ла қазсанг-да қудуқни гарчанд,
Бўлмадинг сувидан ўзинг баҳраманд.
Ҳақиқат яловин тутиб сарбаланд,
Ўтганда саробга қилингансан банд.

Маърифат деганда жаҳолат туғён
Кўтариб сен томон от сурган ул он.
Қўлида шамшири бермайн омон,
Қатлингга жазм этган у олчоқ султон.

Ўн саккиз пардали қўлингда танбур,
Ҳаёт муродини қилдинг сен талқин.

Қашшоқлар нафи-чун от суриб мағрур,
Жанглар оташида куйлаган оқин!

Ҳақу эрк, адолат бўлди шууринг,
Инсон буюклигин сен куйлаб ўтдинг.
Инсон заковати бўлди ғуруринг,
Еруғ бир жаҳонни сен сўйлаб ўтдинг.

1971

БУЮКЛАР ҲАЙКАЛИ ОЛДИДА

Неки келса гарчи қўлдан айла чандон яхшилик,
Ҳар мурод бўлғайки ҳосил бўлса богбон яхшилик.
Ҳар не хайрин яхшиликдин нафъи эл бўлса жами,
Сен тирик мардум каби эъзозда жавлон яхшилик.
Қим билан этдинг мулоқот соф дилнинг ўртага қўй,
Иўқса қилмиш ҳар ишинг бўлғуси ёлғон, яхшилик.
Ростликдан топди шуҳрат, иззату ҳурматни халқ,
Шу сабаб Юнус тузарким назми девон яхшилик.

1971

ҚАЛБ ТАРОНАСИ

Бахтимизга тоабаддир муҳташам давронимиз
Шу сабаб асрадик они мисли танда қонимиз.
Бахтимиз бўлди қуёшдек, нурга тўлган қалбимиз,
Чунки бўлди ҳар бир ишда партия виждонимиз.
Шуҳрати оламга кетган қудрати оламча бор,
Шул учун билмас хазонни, бу ажиб бўстонимиз.
Не ажабдур, даври даврон роҳати жон бахш анинг,
Эртамиз ундан гўзал, порлоқ ҳаёту шонимиз.
Қимки дўстлиг-у, тинчлик боғин обод айласа,
Ҳар маҳал очиқ ангаким қалб дастурхонимиз.
Доҳий Ленин илтифоти бир-ла гул очди ватан,
Шул сабаб эрк тонгида туздек анга достонимиз.
Юнусо сен кексариб қолдим дея афсус ема,
Навқирон қилгай йигитдек давримиз, давронимиз.

1971

ҲИҚМАТ БИЛАН

Топгай иқболу саодат ҳар киши меҳнат билан,
Комронлик бўлғуси эл хайрига ҳиммат билан,
Гул каби ўсгай одам гар ўзни худбин тутмаса,
Топгай ул шуҳрат замонда одобу хислат билан.
Дўстга дўстлик гарчи қилдинг, баракалло, хизматинг,
Аммо қилма бу жиҳатни мақтаниб миннат билан.
Доимо ҳамкорликлар пешасидан узма қўл,
Бу эса ўтказгай умринг бахт билан, давлат билан.
Отанг-онанг қадрини билким муаззам мислида,
Бу эса эъзозлагай умринг гулин зийнат билан.
Мансабингни қилма кўз-кўз, ерга урма ўзгани,
Сен тушун, мансаб келур ҳар кимга бир навбат билан.
Сен ёмонлар қутғусига учмагин бир лаҳза ҳам,
Бу эса жонингни куйдиргай азоб-даҳшат билан.
Баъзилар «нафсим» дея виждонга иснод этгуси,
Билмагай онларки умрин ўтгусин ғурбат билан.
Тут ўзинг меҳригидек эл аро бир нур бўлиб,
Тузмагин суҳбатни ҳаргиз нокасул улфат билан.
Юнусо, очдинг насиҳат бобидин сардафтаринг,
Яхшиликни айлагин панд доимо ҳикмат билан.

1972

ДОЛЗАРЪ ЧОҒИДИР

Келди айёми талаблар, яъни ҳиммат чоғидир,
Ҳар нафаски сарҳисобдир, фасли суръат чоғидир.
Йил бўйи меҳнат терининг ганжи толон бўлмасин,
Бўлмасин нобуд кўсакким, сўнг хижолат чоғидир.
Бир грамми пахтагиз ҳам бўлмасин нобуд даме,
Бу эса хирмонимизга катта қудрат чоғидир.
Эл тилида ой, қуёш нур денгизи деб аталур,
Пахта каммас ой, қуёшдин нур кафолат чоғидир.
Пахтадир порлоқ ҳаётнинг қомуси сардафтари,
Маънида даврон учун бўлмоқ садоқат чоғидир.
Тўқ ҳаёт, тинчлик замоннинг наъфига жонни тикинг,
Ҳар нафасни мингта гавҳар бил, ғанимат чоғидир.
Кексаликни пеша қилма, эй Юнус, сен шабгир ур,
Шеърят карвонидин қолма, даъват чоғидир.

1972

МЕХАНИЗАТОР ҚИЗГА

Кел кўзим мақтай сениким тоза виждоним билан,
Яъни қалбим ҳам вужудим нури имоним билан.
Бахтиёр бўлгай эдим мен сен учун тузсам ғазал,
Бошладим олдим қаламни бори имконим билан.
Тер тўкиб этдинг жасорат пахтазор саҳни аро
Шул сабаб мадҳингдаманки эрта-кеч жоним билан,
Айлади бошимни осмон меҳнатингнинг меваси,
Шод бўлиб етдим тўйингга дилда дostonим билан.
Икки қўл кўксим уза таъзим тавозилар била,
Гул тутиб олдингга келдим дўсту ёроним билан.
Бир ўзинг қилдинг адосин минг кишининг меҳнатин,
Шон-шарафлар сенга бўлсин ушбу девоним билан.
Қанча битсам таърифинг, шунча дурафшондур ғазал,
Қошки бўлсам, Юнус, манзур дostonим билан.

1973

НАҚҚОШ

*(105 ёшга кирган наққош
Ота Полвоновга бағишлайман).*

Нақш фақат зийнат эмасдур, бу кўнгил дарёсидур,
Чунки идроки зако иш мулкининг дунёсидур.
Не каромат қўлларингда, билмайин ҳайратдаман,
Ҳар чизиқ, ҳар хонаси минг мўъжиза ифшосидур.
Не бўлур ҳар икки кўз, олам анинг мафтунидур,
Шуъласи зар нур эғур, ою қуёш пайдосидур.
Бебадал санъат фидоси, заршунос бармоқларинг,
Маънини қилган мунаввар санъатинг оросидур.
Баъзилар мақбули иш тутмай нишон қолдирмагай,
Зар билан қомусда номинг, чунки руҳафзосидур,
Қам бўлур юз офарин нақшнинг нафосат ганжиким,
Бу сифатлар ақли идрок муҳташам зебосидур.
Топмади иқбол саодат Моний-ю, Беҳзодлар,
Эрк билан нур сочди қалбинг бу замон даҳосидур.
Бир аср елкангда ўтди, нақш элин алломаси,
Минг аср қолгай бу санъат, чунки фан яктосидур.
Мадҳингга, тасвирингга, таҳлилингга қурб етмади,
Узри ҳол Юнус қилур, бу шеър тўйинг иншосидур.

1973

Я Х Ш И Д У Р

Мен ёнингда ҳардаме сурсамки даврон яхшидур,
Ваъдаси рост ёр яхши, хулқи чандон яхшидур.

Тонг насмидин санга гул чоғи етказдим хабар,
Икки дилга навбаҳор сайри гулистон яхшидур.

Бўлса булбул, бўлмаса гул, роҳати жондин не суд,
Аҳдига қилса вафо ул, шуида жонон яхшидур.

Илтифотинг тутмагин сен ҳеч даринг мендан даме,
Шул қувончинг важҳидин дам ўтса шодон яхшидур.

Ҳуснингу меҳнат билан сарвар эрурсан эл аро,
Бу сифат илғорлигинг мадҳига дoston яхшидур.

Мақсадингдур, Юнусо, ёрга камдир бир даста гул,
Қам бўлур битта ғазал, бир печа девон яхшидур.

1973

ҲАЯЖОН

Сен менинг жон булбулим, созингга қурбон бўлайин,
Қўз сузиб нозу адо нозингга қурбон бўлайин.

Гул очиб гулгун юзинг баҳри мунаввар боғидин,
Фасли қишда лоладек юзингга қурбон бўлайин.

Гар эшитсам нуқтан лаъли лабингдан бир калом,
Бахш этар жонимга жон, сўзингга қурбон бўлайин.

Маърифатинг ганжини тутма, маликам, ҳеч дариг,
Майлига, кўпму ва ё озингга қурбон бўлайин.

Сен тутиб меҳнат билан ўзни мудом гулзор аро,
Гул очиб баҳри баҳор ёзингга қурбон бўлайин.

Токи бор бу танда жон, Юнус қилур васфинг сени,
Дилга оташ солгучи созингга қурбон бўлайин.

1973

КАМЗУРИНИНГ САДАФЛАРИ

Хазораспнинг йўли узоқдан-узоқ,
Бир гапим бор қани ёр солса қулоқ.
Мени шайдо этди қора кўзлари,
Дилни дилга қўшиб мангу ёр бўлсак.

Оташгирмай, ўтга кирганим кирган,
Шу бола деб, ўтга урганим урган.
Чаманзорда гул танлайман ёрга деб,
Эрта тонгда гуллар терганим терган.

Камзурининг садафлари қирмиш,
Товланади шафақ каби гул юзи,
Бахтимдан ўргилай, дугона қизлар,
Ер юзида ёрим менинг бир ўзи.

1974

УРГАНЧНИНГ БОЗОРИ

Урганчнинг бозори гавжум бўларкан,
Ёрим менинг қайси кун келаркан?
Кўзларига кўзим тушса, оғалар,
Фидо қилгум мен ёримга жону тан.

Хой-хой, бола, бизни нега унутдинг,
Яна печун кўҳна йўлингни тутдинг.
Чертакнинг тагида турганларимда,
Қўрмаганга ўхшаб қиёлаб ўтдинг.

Жоним, дединг, жоним олдинг, билмадим,
Ёрим, дединг ўтга солдинг, билмадим,
Бевафолик ошкор экан дилингда,
Энди қайда-қайда қолдинг, билмадим.

1974

Б И Л М А Д И М

Олма каби қизил гулгун юзинг бор,
Асал каби жондан ширин сўзинг бор.
Дилга фитна солган қора кўзинг бор,
Қимсан ўзинг, асли зотинг билмадим.

Кўрдим у кун кетди сабри қарорим,
Не сабру қарорим, ҳам ихтиёрим.
Шундан бери тандан кетган мадорим,
Қимсан ўзинг, асли зотинг билмадим.

Тагга ларза солди қиё боқининг,
Тушунмадим урушингми, ярашинг.
Борми сенинг мен билмаган сирдошинг,
Қимсан ўзинг, асли зотинг билмадим.

Дилдор бўлсанг, Юнус, боғбонинг бўлгай,
Қонинг аро Юнус мен, жонинг бўлгай.
Созинг учун Юнус достонинг бўлгай,
Қимсан ўзинг, асли зотинг билмадим.

1974

ЕТМИШ ЁШИМ ҲАҚИДА

Гарчанд етмиш ёшим бор, йигитдекдир нафасим,
Эл ўтида ёнишлик неча ўн йил ҳавасим.
Шеърим билан қилолсам Ленин ишин таърифин,
У кашф этмиш замоннинг таҳлили ва тавсифин,
Ўша онда чамамда ҳосил бўлгай муродим,
Ўша онда ўчмагай элнинг қалбидан ёдим,
Ҳали ёзган, чизгандан энди туздим бир дафтар,
Яна қанча дафтарни қилмоқ лозим мухтасар.
Ижод фаслин баҳори етмиш ёшдан бошланур,
Энди бўлиқ қадамлар чўққи сари ташланур.
Билинг, карвонсароймас олам қўниб ўтишга,
Чунки инсон яралган зарурий бир ташвишга.
Майли кекса газалхон, соз-ла орзу китобин,
Оқла дастурхон тузин, элнинг қилган хитобин.

1974

БОШ ЭГИБ УТАМАН

Ёдгорлик олдидан ўтганда ҳар гал,
Қурулдош дўстлар-чун эгаман бошим.
Учарми юракдан, дўстлар ҳеч қачон,
Улар дўстим эди, қалбим, қардошим.

Аксилниқилобга қарши қўйиб от,
Жавлон урганимиз эслайман ҳамон.
Янги замон учун ҳужумни бот-бот,
Қиздирган ҳар дамни эслайман ҳар он.

Унг қўлда шамширу — сўлда маузер,
Қонли гирдобларда қилганмиз талаш.
Қураш амалидан биз топиб ҳузур,
Мартаба юз очди, кўкка етди бош.

Қурбонлар қирмизи лола қонидан,
Ўлка ҳад-ҳудудни бир бўстон бўлди.
Ватанга бахш этмиш бор имконидан,
Қўшиқлар яралди ва дoston бўлди.

Ёмондан қолмагай манзурни бир ном,
Фақат лаънатланур асрма-аср.
Яхшидан ном қолур, курашга нлҳом.
Юракдан ёдланур бутун бир умр.

1975

Мангу бахт бўлгай манго ул ёрнинг ёди билан,
Умрим ўтгай дилда гул ишқ нахли бунёди билан.
Комронлик бўлгуси бўлса хазон мисли баҳор,
Маъшук аҳли меҳри-ю, ошиққа имдоди билан.
Қимсага сўз берди-ю, лекин саботи бўлмади,
Бу каби ўтгай мудом маккор исноди билан.
Қанчаки бўлсин гўзал майли ҳусн мулкига шах,
Дил гўзал бўлмас эса, песуд паризоди билан.
Юнусо, сен аввало, ёр қалбининг фаҳмига ет,
Йўқса, шакли алдагай охирда барбоди билан.

1975

ФЕРУЗА

(Қизимга)

Жон қушим, Ферузам, яхши қизим,
Қўнгулхушим, чиройим, жажжи қизим.

Сен юрагим қонисан, гулгинам,
Қувончимнинг тоғисан, дилгинам.

Қамолотга етмагинг зўр ҳавас,
Бахтинг тагин ўйларман ҳар нафас.

Энг аввало ватан деб қўй қадам,
Сенга бўлмас ошна ғам-алам.

Сен келажак саодат гурурим,
Сен кўзимнинг зиёси шуурим.

Элинг учун фидо бўл, мард қизим,
Оқ йўлингга юқмасин гард, қизим.

1975

ЭЙ МЕНИНГ ГУЛ ЮЗЛИ ЁРИМ

Эй менинг гул юзли ёрим, ушбу дostonимга боқ,
Тонг каби бўлгон мусаффо тоза виждонимга боқ,
Эрта-кеч ёдинг билан мен тортган ҳижронимга боқ,
То абад сенга фидолик бори имконимга боқ,
Не экан содиқлигим бил, ушбу девонимга боқ!

Мен қачон қўйдим муҳаббат сенга, э дилдор, эшит,
Қайнади қалбим Амудек жўш уриб, э ёр, эшит.
Сен туфайли бўлди байтлар бир баҳор, гулзор, эшит.
Васфу мадҳинг бобидаким касбу қор ашъор, эшит,
Истасанг билмоқ мени, сен ушбу девонимга боқ!

Хусну хулқинг элда машҳур бўлса-да, меҳнат ишинг.
Маслагингдур элга хизмат, ёрингга иззат ишинг,
Олмайин ором нафаским доимо суръат ишинг,
Ҳар неки мушкулни осон айламак, журъат ишинг,
Шул сифатларнинг муроди ушбу девонимга боқ!

То ҳаёт бор, бўл омон сен ушбу даврон ичраким,
Яйра-яйра, яшна-яшна ушбу бўстон ичраким,
Мангулик васфинг битилган ушбу дoston ичраким,
Ҳам ғазалсан, ҳам мухаммас ушбу девон ичраким,
Юнус аҳволини англаб, ушбу девонимга боқ!

1975

ОШИҒ УЛДИМ

Ошиғ ўлдим, эй пари, зулфу жамолингни кўриб,
Ҳам жамолинг боғида ўл доно холингни кўриб.
Қилмадинг шафқат менга ҳижроли оташгоҳида,
Қийналурман эрта-кеч бунча малолингни кўриб.
Қанчалар мушкул эса, ёрим, муҳаббат дардларинг,
Майлига, мен розиман шундай заволингни кўриб.
Ҳар даме юз ваъда-ю, сен тутмадинг бирига вафо,
Мен асиринг не қилур бу қийлу қолингни кўриб.
Тунлари тўлғонаман ёрим хаёлинг бир-ла банд,
Дарёдай тошгай юрак, ойда мисолингни кўриб.
То абад бўлгай мурод ҳосиллиги сен ёр билан,
Айлагай Юнус ғазал ойдек жамолингни кўриб.

1975

Бўлма нафсининг асири, бўл даме ибни замон,
 Нафс учун урма ўзингни бўлса бўлмас ҳар томон.
 Баъзилар дунё-ю, мол деб оҳ чекар, ҳайронсан,
 Охири билмаски тортгай минг пушаймону фиғон.
 Чунки бор олтину зар эл дахлига нисбатдурур,
 Қимки, кўз тикди анга охирда расвои жаҳон.
 Не экан лозим эсаким меҳнатингга не баҳо,
 Бўл қаноат гўшасида, завқини сургул ҳамон.
 Лозимидин ортиғи не важ учун даркор сенга,
 Ортиғи сенга азизим иш берори не гумон.
 Неки топди меҳнат ила, ул киши хор бўлмагай,
 Сабр-қаноат боғида Юнус каби роҳатда жон.

1976

БУЛМАДИНГ

Қанчалар дединг бу сўзни дардга дармон бўлмадинг,
Ваъдалар қилдинг нечаким сўзда турган бўлмадинг,
Турли алвон бўлди танқид, тавбадан ичдинг қасам,
Қанчаки лафзинг бузиб, сен бир пушаймон бўлмадинг.
Бор қадимдан бир мақолки, яхшига бир қамчидур,
Аммо неча қамчи единг марду майдон бўлмадинг.
Ахтарурлар ҳатто соянг кундузи ёқиб чироқ,
Бўлмадинг қайда макон, бир гал намоси бўлмадинг.
Олса ахлат бир машина неча лабга хат қилиб,
Ман этувга эгриликни асло эълои бўлмадинг.
Баъзида ахлат йиғур, ё сув сепар кўз-кўз учун,
Тиймадинг сен қилу қолни, ишда чандон бўлмадинг.
Дарё қирғоғида сувга ташна бўлган кимсадек,
Қирғизу Шовот сувин сепмоққа фармон бўлмадинг.
Тўғридур, баъзи кўча-ю, ҳовлилар биллур каби,
Нега барча кўча ҳовли-чун қадрдон бўлмадинг.
Эндилекда горсовет тортгай жиловинг ўзгача,
Шубҳа қилмас Юсуф ўғли дардга дармон бўлмадинг!

1976

АШЪОРИ МАЛЕХ

(Бир ота-она фарзанди ҳақида)

Ҳар куни масти аласт кўчада гавго қиласан,
Ота-она, элу юрт номини бадҳо қиласан,
Иш деса мисли қуён, соянгни элга солмайин,
Ош деса минг йилги оч, оғзингни юҳо қиласан.
Пораволик не эса сен орқасидан чопачоп,
Соядек айлаб ўзинг тез онда пайдо қиласан.
Фазл эли эл хайрига тупроқни олтин қиладур,
Сен эса аксига иш ҳар даме ифшо қиласан.
Ота-она риштаи жон, сенга жони куядур,
Сен аларга воажаб, лўқ кўзни бежо қиласан,
Ҳар неки бўлса касал, олдини олмоқлик масал,
Гўҳса дардинг онганни эл аро ифшо қиласан.
Тузди ашъори малеҳким ота-она тилидан,
Юнус айтур бўлмасанг, туз, ўзни расво қиласан.

1976

ПИШИБ ҚИЁМА КЕЛДИК

Бу телефон дастидан, дўстлар, омона келдик,
Ҳар дам бузилганидан пишиб қиёма келдик.
Узоқ йўлинг яқиндир телефонинг шай бўлса,
Йўқса асаб ғалвирдек тешик ёмона келдик.
Баъзан бўлур текинга концерту томошаси,
Телефоннинг саҳнида талқин тарона келдик.
Болтадами, кундада бу можаро асрори,
Олиб гирибонидан қилмоқ эълона келдик.
Арзу додлар сарбасар от сурамиз почтага,
Жон ҳовучлаб борурмиз хўп ёпа-ёпа келдик.
Дарғаси билмас эса дарёда кема ҳайдаш,
Тарк айлағай кемани... фарёд фиғона келдик.
Баъзиларга хуш келмас танқид аччиқ қамчиси,
«Ҳап сеними» деб юрар они, баёна келдик.
Қесмасангиз қонамас, деган мақол ўринли,
«Юз бор, хотир бор», демай, чора фармона келдик.
Юнус тасвирий этди телефон машмашасин,
Етказдики шеърини, шундай қиёма келдик,

1976

ШОНЛИ ВАТАН ҲАҚИДА ҚҶШИҚ

Эй, шонли Ватан, сен бир баҳорсан,
Тўрт фасли ажойиб лолазорсан.
Олам аро муҳташам диёрсан,
Меҳнат элига мангу ёрсан.
Меҳнат оқимига ифтихорсан,
Олам аро мангу барқарорсан.

Шухратинг бўлиб жаҳонга машҳур,
Сендан олади жаҳон тафаккур,
Чунки сочасан жаҳонаро нур,
Шул боис бўлиб ҳар тилда мазкур,
Меҳнат оламига ифтихорсан,
Олам аро мангу барқарорсан.

Душманларинг бўлди жангда яксон,
Ҳар ҳамланг бўлиб жаҳон, шараф-шон.
Мақсудини топди ишчи-деҳқон,
Меҳнатчига чунки сен дилу жон.
Меҳнат оламига ифтихорсан,
Олам аро мангу барқарорсан.

Генерал жаҳонда адолатинг бор,
Меҳнат элига саодатинг бор.
Олам каби зўр камолотинг бор,
Ҳар ишга етар матонатинг бор,
Меҳнат оламига ифтихорсан,
Олам аро мангу барқарорсан.

1976

ҚИЗ ҚҰШИҒИ

Ёрим келур пахтазорни оралаб,
Мен қарайман гулзорлардан мўралаб.
Ишқим тушган шул йигитга, ёронлар,
Юрганларим ўша ёрдур сўроғлаб.

Хур элимнинг полвонидур, полвони,
Пахтазорнинг ўғлонидур ўғлони.
Шартим менинг эллик центнер гектардан,
Ёрим бўлса, бўлмас дилим армони.

Машинамни пахтазорга бураман,
Ким кўринса, ёр дарагин сўрайман.
Жоним фидо бўлсин шундай йигитга
Кеча-кундуз йўлларига қарайман.

1976

(Бир ароқхўрнинг ўз оғзидан ёзиб
олингани)

Ажралиб обрўдан олдин, беҳаё бўлдим бу кун,
Таъналарга ҳар нафасда ошно бўлдим бу кун.
Юз касалга ошною, мубтало бўлдим бу кун,
Ҳар неки инсонлигимдан ҳам жуда бўлдим бу кун,
Қисқаси расвои олам, минг бало бўлдим, бу кун.

Баъзида ахлат яшиги ичра ётдим, талтайиб,
Баъзида балчиқ кечиб, балчиққа тушдим шалтойиб,
Баъзида мажнунмисол турдим, ғўдайдим, анқайиб,
Тўрт оёқлаб баъзида юрдим, ўлтирдим, шумғайиб,
Қисқаси расвои олам, минг бало бўлдим, бу кун.

Баъзида шапкам йўқолди ҳам яна костюм, шимим,
Баъзида ҳам кўйлагу ҳатто оёқдаги этик,
Ёки баъзан «улфати жам» демади ҳолинг нечук,
Баъзида «дўст» калтагидан ўлмайин қолдим тирик,
Хулласи расвои олам, минг бало бўлдим, бу кун.

Ёки осмонда учиб сурдим хаёл, чекканки банг,
Кўрдим ўзини бу сифатда ишларим ҳой-ҳой башанг.
Кўзини очсам бу хаёллар пуч экан, бошим гаранг,
Келтириб бошимга ўғлим, дедилар: «Ҳоли даданг»,
Хулласи расвои олам, минг бало бўлдим, бу кун.

Шул тариқ ўпкамини қўлда, сакрадим ҳарён таранг,
Автобус қоққанда бош янчилмайин қолди аранг,
Пинқилиб майхўрликдан қўл-оёқлар бўлди ланг,

«Ким саёқ юрса таёқ» дерларки бу тўғри экан,
Хулласи расвои олам, минг бало бўлдим бу кун.

Топмас эркан мардумим, майпарастликдан нажот,
Ҳам халойиқ айламаскан шафқат илки илтифот,
Топмадим бу ҳол била элда топганин сабот,
Энди англаб боғладим мен ўзга виждондин қанот,
Чунки мен расвои олам, минг бало бўлдим бу кун.

1977

Б У Л А Ж А К

Бу тўй устига тўй бир ажиб даврон бўлажак,
Ҳаманинг фикри зикри, юз ёруғ шодон бўлажак.

Етиб олтмиш баҳор фасли ҳама шодлик баҳорида,
Ушнинг шавқи билан озод ватан хандон бўлажак.

Кўнгиллар бутлигидан ҳар қадамда минг
музаффарлик
Қоммунизм сари юрдик, яна бўстон бўлажак.

Магарким теградин бизга ғанимлик балки ўқ узса,
Тушар Гитлернинг ҳолига даме вайрон бўлажак.

Юракдек беғубор пахта ватанга қалб совғаси,
Ва лекин ушбу йил бизга чин имтиҳон бўлажак.

Ҳар гулни кўсак мислида зар гавҳар қила олсак,
Не шубҳа бўлар, осмонўпар хирмон бўлажак.

Маънида шуаро хайли келиб нисбати Юнус,
Ҳар ёзганидан жамласа гар девон бўлажак.

1977

МУВАШШАҲ

(«Саропаён гуллари» ансамблининг ёш
хонандаси Ларисага)

Латифлик мажлисимга сен тутиб зиннат гулин бу тун,
Келиб фасли баҳоримдек дилимни айладинг гулгун.
Амал бўстонига қилдинг қўшиқдин тухфа гул даста,
Бўлиб бахшида жоним масканига бир жаҳон мазмун.
Раво кўрдинг ёниқ дилга мисол беморга ҳаб бердинг,
Юраклар топди оромким, қўшиғинг важҳидин уйғун.
Ижобат топди орзуйинг Совет даврида э, эркам,
Ранго-ранг бўлсин овозинг бега сен пардани ҳар кун.
Сенга оқ йўл тилаб балки Гуландом шуҳратин бергай,
Умид юлдузларинг топдим қарашингдин бўлиб мамнун.
Абадга булбули даврон бўлиб хизматда собит бўл,
Бу эрса бахш этар сенга шарафлар ою, йил, ойдин.
Тузилди байт боши бош ҳарфдин бир исм чиққай,
Бу номинг санъати кетгай жаҳонга мислида ёлқин.
Келиб илҳом бу оқшомким, таҳаллус келди Айёмий,
Бу Юнус қалбига ўчмас аланга — сендаги талқин.

1977 йил, 2 октябрь

ТОШКЕНТ МАДҲИ

Маҳлиё этдинг мени талъат билан,
Дилда илҳом тоштириб савлат билан.
Бунча ҳам зеболашибсан, пойтахт,
Дўстлашиб ўн беш ажиб қудрат билан.
Бизни гўё қаршилар Ленин ўзи,
Саҳнингга кирган маҳал иззат билан.
Мисли юлдуз тарк этиб осмонини,
Ер, кўкингга нур сочар фикрат билан.
Ҳар бионг қасри муаллодин нишон,
Тургай ул печа аср муддат билан.
Ҳар кўчанг холаи бўлиб тоғдан баланд,
Меҳри диллар журъати ҳиммат билан.
Кўчалар гавжумлиги бир тўй мисол,
Йўқ бу ерда тентиган гурбат билан.
Эскию янги шаҳар йўқ энди фарқ,
Янгилик бобидадир шухрат билан.
Неча ўн дорилфунун сенга чирой,
Буки доҳий ҳурмати шафқат билан.
Гар юрагинг бўлса-да, ғоят кичик,
Сигдирур оламини ул, одат билан.
Келган одам ҳуснингга боқиб шу он,
Йўқ дегай сендек гўзал ҳайрат билан.
Неча меҳмон майлига пешвоз чиқиб,
Мезбонлик одатинг ҳурмат билан.
Риштан жондек ҳудудинг бунча кенг.
Бор ишинг даврон аро суръат билан.
Мадҳи Комил¹ бор эди ўтган замон,

¹ Комил Хоразмийнинг 1880 йилларда «Тошкент мадҳи», деб номини олган машҳур шеърига ишора.

ТҮРТЛИКЛАР

Замон узоқ сафар қилгувчи карвон,
Билки, йўллар босиб ошасан довон.
Бардош-ла ўзингни қилмасанг тезкор,
Ажралиб карвондан қоларсан сарсон.

* * *

Алдама дўстингни тангаю мол деб,
Тушунма улфатинг дайди шамол деб.
Иzzат нафсим дея панд бера кўрма,
Ўйлама бу ҳолда топгум камол деб.

* * *

Бузмагин лафзингни то танда бор жон,
Ваъда ҳурмати-чун ютганда ҳам қон.
Инсон лафзидан ҳам табаррук не бор?
Шунинг-чун ростга юр, бўлгайсан дoston.

* * *

Дарёдек тошмаса агар юрагинг,
Бегубор бўлмаса пият-тилагинг,
Баски шундай экан юрагу ният,
Бўлмағай эл учун асло керагинг.

* * *

Урмонга ўт кетса ҳўлу қуруғи
Бефарқ ёниб кетар, тез бори йўғи.

Гап бефарқ ёнишда эмас, азизим,
Бефарқ ўт қўйишда гапнинг очиги.

* * *

Шараф юлдузлари парвона бўлгай,
Хайри иш айласанг фасона бўлгай.
Замонга виждонни тикмасанг магар,
Не эксанг — ўрасан, юз қаро бўлгай.

* * *

Тор бўлмоги мумкин бутун бир олам,
Қанча кенгликларда бўлганида ҳам.
Юрагинг кенг бўлса ўшаниси бас,
Негаким жой олур юракдан одам.

* * *

Умр балки бўлур тўқсон бешу юз,
Ажабмас ажинга тўлиб кетса юз.
Менга қаримаса басдир юрагим,
Йўлларим кўрсатса бир Йўлчи юлдуз.

1970

ДРАМАЛАР

ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ

(Музыкали драма)

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Бахши — бошловчи, 70—74 ёшларда.
Шоҳ Аббос — 58 ёшларда. Хоразм хони.
Шоҳсанам — унинг қизи, 20 ёшларда.
Ғариб — Санамнинг севгилиси, 26 ёшларда.
Султон Бегим — Санамнинг онаси, 40 ёшларда.
Ақча келин — Санамнинг дугонаси, бош қаниз, 25 ёшларда.
Аллома — олим ва мутафаккир — 60 ёшларда.
Ойлар Бегим — Ғарибнинг онаси, 55 ёшларда.
Қамар Султон — Ғарибнинг синглиси, 20 ёшларда.
Зоҳир — Ғарибнинг дўсти, 30 ёшларда.
Богбон — Зоҳирнинг отаси, Ғарибнинг яқинларидан, 60 ёшларда.
Деҳқонбой — чўпон йигит, 30—35 ёшларда.
Дуржон она — саройдаги аламлида аёллардан, 40—45 ёшларда.
Иўлбузар охун — қозикалон, 60 ёшларда.
Алимаҳрам — лашкар бошлиғи, 50 ёшларда.
Алиҳайдар — Шоҳ Валад элчиси, 50 ёшларда.
Шоҳ Валад — 55 ёшларда.
Оллоназар — ясовул, 30 ёшларда.
Бой — 60 ёшларда.
Амалдор, навкарлар, созандаalar, халқ.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КҰРИНИШ

Саҳна қоронғилашади. Парда олдида Шоҳсанам достонининг муқоваси кўринади. Махсус тузатилган муқова ичида бахши Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам ҳақида дуторда ашула айтади.

Музыка Бахши

Ғам қиссасин сизга баён айлайин,
Ғарибларнинг ҳолин достон айлайин.
Саамларнинг дардин аён айлайин,
Ғам қиссасин сизга баён айлайин.

Бири офтоб бўлса, бири ой эди,
Гўзаллик мулкига гул, чирой эди.
Бир юракка икки юрак жой эди,
Аларнинг ҳолини достон айлайин.

Бироқ фалак этди аларга ситам,
Шул сабабдан алар тортди қайғу-ғам.
Ғам бўлди аларга мудома ҳамдам,
Ғариб Саам ҳолин достон айлайин.

Воқеа Шоҳсанамнинг боғида ўтади. Боғда гуллар очилган, ҳар ёқда минглик дарахтлар. Боғнинг ўртасида Шоҳсанамнинг шоҳона кўшк. Шоҳсанам ёлғиз дарёга қараб Ғарибни йўқлаб куйлар, боғ ёнида эси Амунинг жўш уриб оққани кўринади. Ақча келин Шоҳсанамга гул териш билан машғул.

Музыка
Ш о ҳ с а н а м

Гурас-гурас учиб ўтган, турпалар,
Гуллар аро қанот қоққан, сўналар,
Саломимни Ғарибжона дегайсиз.
Билган-кўрган, қавму қардош, донолар,
Саломимни Ғарибжона дегайсиз.
Юрагимда унинг дарди ётибдур,
Ишқи ўти жон-таннимдан ўтибдур.
Не тиканлар жигаримдан ўтибди,
Саломимни Ғарибжона дегайсиз.

(Ўз-ўзича изтиробда.)

Отамнинг зулмидан мактабдан қолиб,
Қўз очиб кўрганим ёрдан айрилиб,
Бу ҳол билан ақлим, ҳушим чуволиб,
Не ҳолларга тушдим ўртаниб-ёниб.

А қ ч а к е л и н гул келтиради ва Санамга тақдим этади, ўтиради.

Бу кун етти кундир йўқ кўзда уйқу,
Ёмон туш кўраман, тортаман қайғу.
Билмам, кимлар солур оғу ошима,
Билмам, нелар ёгур азиз бошима.
Оҳ билсанг эди, Ақча келин,
Сен менинг тушим йўйагин.

А қ ч а к е л и н

Майли, айтнинг, ечай не келса қўлдин.

Ш о ҳ с а н а м

Бир жар қирғоғида турган эмишман,
Ҳам қоп-қора кафан кийган эмишман,
Сочим паришонмиш, титрар эмишман,
Икки қўл ёқамдан тутиб жар томон,
Отмоққа чоғлармиш бермайин омон.
Додлаб ёлворсам-да, алар бўғармиш,
Ҳақорат кўзи-ла мендан кулармиш,
Уйғониб билдимки, ҳаммаси тушим,
Тарқалди ҳар томон хаёлим — ҳушим.

А қ ч а к е л и н

Не хаёл сурсангиз ўнг-да, бекажон,
Тушда ҳам шу ҳолат бўлгуси аён.
Ҳасратга ботмангиз, бекам, сиз мутлоқ,
Тутинг ғам-аламдан сиз ўзни йироқ.
Зухрою Лайлидек иш қилмоқ зарур,
Шириндек довюрак ва бўлинг мағрур.
Ҳаёт бир денгиздир, зўр тўлқини бор,
Шу тўлқинга бардош бермоқлик даркор.

Канизлардан бири Ғарибдан хат келтиради.

А қ ч а к е л и н

Қандай нома, қандай нома, маликам,
Айтингиз-чи, кўнглим бўлсин хотиржам.

Ш о ҳ с а н а м (канизга)

Хат келтирганга айтингиз тездан,
Ғариб хабар олсин тез ора биздан.

К а н и з ч и қ а д и . *Музыка*

Ақча, сенга сирри ҳолим сўзлайин,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.
Бошимдан кечганин баён айлайин,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.
Золим фалак отди бизни зиндона,
Ўзи келмай, гули келди бегона,
Мени излаб ҳар эшикда девона,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.
Менинг ёрим Ҳасан вазир ўғлидир,
Муҳаббатим юрак каби боғлидир,
Фалакнинг дастидан бағрим доғлидир,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.

Султон бегим билан Дуржон она киради.

Султон бегим

Чиройинг очилган гулдайин, қизим,
Не ҳолат юз берди айт-чи, азизим?

Шоҳсанам

Онажон, Ғарибдан хат келди, мана.

Султон бегим

Агар топса отанг бу хатдан хабар,
Ҳайдар сени, уйдан қилур дарбадар.
Эҳтиёт бўл, қизим, қилма сириг фош,
Вазминлик ҳунариг қил ўзга маош.
Ғариб деган сўз гар оғзингдан чиқса,
Қўрқаман, у сени шу он ўлдирса.

Шоҳсанам

Не қилай, онажон, ёнади юрак.

Султон бегим

Ҳар ҳолда, ҳар ишга андиша керак.

Шоҳсанам

Лоақал сиз беринг бу ишга руҳсат.

Султон бегим

Қўрқаман, бу ишда кўпдир хусумат,
Бироқ истагингга розиман, қизим.
Сенга энагадир қадрдон Дуржон,
Ақлу заковатдин не бўлса имкон,
Худди менинг каби ул бергай таълим,
Камолот фаслингда бўлғай муаллим.
Юракда не эса сирру асроринг,
Ишониб айт анга не дарду коринг.

Ш о ҳ с а н а м

О, қандай яхши, онажон, зора...

Султон бегим чиқади.

Д у р ж о н о н а

Отангиз тожини бермоқчи сизга,
Сизнинг тарбиянгиз топширди бизга.
Шу боис юборди отангиз мени.

Ш о ҳ с а н а м

Тожи тахт ҳаваси лозиммас бизга,
Ва лекин дардим бор, айтайин сизга.

Д у р ж о н о н а

Тушундим, маликам, Ғарибга сиз банд,
Мен сизни қилурман Ғарибга пайванд.

Ш о ҳ с а н а м

Оҳ, танграм, бўлсайди шундай каромат.

Д у р ж о н о н а

Бу қолган умримда мен сизга чокар.

Ш о ҳ с а н а м

Розиман, онажон, кутдим интизор,
Сиз келиб қилдингиз кўнгилмни баҳор.

Д у р ж о н о н а

Келган пайт айтиб берай бир қисса:
Отам бизни ўтин тўплаб боқарди.
Қайғу оташида жонни ёқарди.
Шу онлар дамида бир чўпонга банд,
Чўпон меҳри билан мен эрдим хурсанд.
У ҳам менинг учун жон фидо эрди,

У ҳам бизнинг каби бир гадо эрди.
Валлома, бир куни мен Аму томон
Сув учун кўзам-ла бўлгандим равон.
Тўсатдан елкамга урилди панжа,
Қарасам, бегона олиб кўксига,
Боғлаб қўл-оёғим, бир отга олди.
Билмадим, бошимга не бало солди...
Кўз очсам, оғир ҳол, бўлганман чўри,
Шу зайл қуриган чўрининг шўри.

(Аччиқ йиғлайди.)

Ш о ҳ с а н а м

Жон она, йиғламанг, эзманг юрагим,
Сизни айламаклик хурсанд тилагим.
Бизга агар бермаса тутқич омад,
Ошаверса сиз, бизларда ғаму дард.
Қаерда бахт бўлса излаб кетгаймиз,
Шу зайл муроду мақсадга етгаймиз.
Боринг, она, бугун сиз олинг ором,
Ғарибдан кўз узманг эрта билан шом.

Шоҳсанам бир хат чиқазиб Дуржон онага беради.

Ҳа,
Шу хатни етказинг Ғарибга жадал,
Бўлак гап сўраса айтинг муфассал.

Музыка

Бундан борсанг севганимнинг ённа,
Гўзал меҳрибонинг кутар дегайсан.
Қуйиб-ёниб айрилиқнинг дардина.
Ҳоли паришонинг кутар дегайсан.
Маъшуқ ўлиб сийнасига тош уриб,
Парвонадек ишқ ўтина бош уриб.
Фалакнинг қўлидан жафолар кўриб,
Кўзлари гирёнинг кутар дегайсан.

Д у р ж о н о н а

Не хоҳиш бўлсаки сиздан, маликам,
Адосин қилурман тортсам-да минг ғам.

Ш о ҳ с а н а м

Балки лозим бўлур тулпорми, ғунон,
Тортгайсиз жиловин Ғарибга томон.

Д у р ж о н о н а

Тушундим, маликам, ҳа, сизни чорлаганди
подшоҳ ҳазратлари.

Ш о ҳ с а н а м

Буюрди не эркан хонимиз хизмат.

Д у р ж о н о н а

Подшоҳ сирридан қул бўлмас огоҳ.

Ш о ҳ с а н а м

Борингиз, борурман мен ҳам тез ора.

Д у р ж о н о н а чиқади.

Ғарибим кутмоққа бўлмади имкон,
Агар келса бўлур ҳоли паришон.
Ё раббий, не эркан мақсадни аниб,
Не эркан мен учун хизмати аниб.

(Чиқиб кетади.)

Ғ а р и б Шоҳсанам боғига ария айтиб киради.

Ғ а р и б

Қўзларимга жилва берар боғлари,
Ана энди ёр макони кўринди.
Булбул қўниб, учар қора зоғлари,
Ана энди ёр макони кўринди.
Мен келмишам севар ёрни сўроглаб,
Айрилиқ ўтига бағримни доғлаб,
Эмди ғам емайман оҳ уриб йиғлаб,
Ана энди ёр макони кўринди.

Ғ а р и б ёнида З о ҳ и р билан ашула айтиб кириб келади.

Музыка

Мени кутар боғда ёрим,
Санамжон боғдадир, боғда.
Келдим анга мен интизор,
Санамжон боғдадир, боғда.
Булбулларга баҳор керак,
Сайрагани гулзор керак,
Санамжон боғдадир, боғда.
Ғариб айтар изла ёринг,
Қўксингга бос гули зоринг,
Санамжон боғдадир, боғда.

Ғариб боғ саҳнига кўз ташлайди. Санам йўқ.

Тушунмайман не бўлмиш ҳолат,
Бўлмаганди Санамда одат,
Ёлгон-яшиқ алдашлик ғоят.

З о ҳ и р

Қулоқ сол, азизим, қулоқ сол менга,
Дўстона сўзларни айтайин сенга,
Ғарчи ёш эса-да Санамда идрок,
Амудек қайнайди, кўнгли анинг пок.

Ғ а р и б

Мен уни севаман ҳар педин азиз.

З о ҳ и р

Ҳақиқий муҳаббат ҳар недин лазиз,
Бу бобда зарурдир матонат, бардош.
Ҳалитдан тўкмагин сен кўзингдан ёш.

(У ёқ-бу ёққа кўз ташлаб.)

Бу ерда кўп турмоқ эрур хавфлироқ,
Шунинг-чун турмайин бу ердан нарроқ.
Мен унда тураман бўлиб хабардор,
Токи бу томонга юрмасин ағёр.

З о ҳ и р чиқиб кетади. Ғариб боғда гуллар орасида ғамгин куйлайди.

Музыка

Ғ а р и б

Сабаб недур мени кутмай,
Ёр ғамга дучор айлади.
Ҳижрон аро ташлаб мени,
Ғамларни такрор айлади.
Не эркан унда муддао,
Ваъдасига қилмай вафо,
Бошимга солди юз жафо,
Недин экан ёр кутмади.

Ашула давомида Ақча кириб Ғарибни кўради ва дарҳол чиқиб
Са нам ни чақириб киради ва ўзи уларни ёлғиз ташлаб чиқиб кета-
ди. Санам оҳиста юриб, қўлига гулларни олиб, ашула охирида гуллар-
ни Ғариб бошидан сочади. Ғариб ҳаяжонда «Ой юзингни» ашуласини
айтади. Санам Ғарибга гул отиб, қувониб талпинади.

Музыка

Ғ а р и б

Ой юзингни кўрмакка кўпдан эдим мен интизор,
Ҳар куним минг йил каби йўқ эрдик сабру қарор.
Ишратим бўлди мусибат, рўзгорим тору мор,
Бу фалакнинг дастидин ким қанча мендек хор-зор.
Зулм бўлди элга зийнат, эл эса бўлган мазор,
Ҳар замон ишқ эрди дилда мисли бир ёнган олов,
Бу билан алдандик шунча, қанча йиллаб биз иков.
Бор экан ҳақ йўлида тоғлар каби кўп катта гов,
Зулм-асорат турган эркан йўл уза тортиб ясов.
Йўлга тушдик, қайтмағаймиз бўлмайн биз бахтиёр.

Музыка

Ш о ҳ с а н а м

Ёрим келиб бошим осмон айладинг,
Ғамгин кўнглим бугун хандон айладинг.
Хазон бўлмиш боғим бўстон айладинг,
Ғанимлар кундузин хуфтон айладинг.
Ваъдага вафодан нишон айладинг,
Санам айтур, сенга тасаддуқ бу жон,

Сени дейман, Ғариб, то танда бор жон.
Мен фидо йўлингда, сен бунга ишон.
Сендан ажратолмас мени ҳеч душман,
Эрлигингни элга дoston айладинг.

Ғ а р и б

Муҳаббатим, қалбим, виждонимсан, Шоҳсанам.

Музыка Ш о ҳ с а н а м

Кел, Ғарибим, сайр этайлик бу боғда,
Гуллар кўрсин булбул томошасини.
Қўй лабинг лабима, дудоғ дудоға,
Тиллар кўрсин болнинг томошасини.
Чечаклар юз очиб эл бўлса бўстон,
Гул каби очилсак бўлмасди армон.
Ёр учун печа йил кезди саргардон,
Лайло кўрсин Мажнун томошасини.
Нечани айлади замона барбод,
Нечани айлади ёр васлидин шод.
Ёр учун тоғларни қазганда Фарҳод,
Ширин кўрсин Фарҳод томошасини.
Замона ҳар кимга солди бир савдо.
Ошиқнинг бозори бошинда ғавғо.
Дарёлар баҳрида ғарқ бўлди Узро,
Вомиқ кўрсин Узро томошасини.
Эл ошиғи бирдан келди жам бўлиб,
Сийналари доғли, кўзи нам бўлиб,
Сан бир Ғариб ошиқ, ман Санам бўлиб,
Ақча кўрсин булар томошасини.

Шоҳсанам ишора этади, к а н и з л а р кириб рақс бошлайди.

Музыка К а н и з л а р (Хор)

Бика кутган ёр келди,
Кўзлари хумор келди,
Юзлари анор келди,

Бир фасли баҳор келди.
Бика кутган ёр келди,
Бир фасли баҳор келди,
Сизга муносиб ҳарам,
Сизга муносиб Санам,
Бика тутган ёр келди,
Бир фасли баҳор келди.

Рақсдан сўнг канизлар чиқади.

Ш о ҳ с а н а м

Онангда бор эмиш бир ҳужжат — гувоҳ,
Онанг айламасин отамдан ибo,
Муҳр босилганмиш, имзо чекилган,
Ажабмас, қайтмаса отам сўзидан.

Ғ а р и б

Бўларми отангдан яхши бир жавоб?
Қошқийди ул деса, айласа инсоф.
Майли, сенча бўлсин, онам-ла боргум,
Юракда не бўлса, бариини айтгум.

Музыка

Ш о ҳ с а н а м

Сенинг хаёлинг-ла паришон ҳолим,
Сендан ўзга ёру жонон керакмас.
Ўдаклик чоғимдан меҳримни қўйдим,
Менга бегу, хону султон керакмас.

Ғ а р и б

Иўлингда айлайин жонимни қурбон,
Муродим-мақсадим сенсан, Шоҳсанам.
Қилма ёрим Ғариблигимни таъна,
Муродим-мақсадим сенсан, Шоҳсанам.

Ш о ҳ с а н а м

Ишқ йўлида шоҳу гадо баробар,
Сенсан менга ҳар кимдан ҳам мўътабар,
Керакмасдур менга олтин либос, зар,
Сендан ўзга ёру жонон керакмас.

Ғ а р и б

Ишқ йўлига дилдан қўйдим мен қадам.

Ш о ҳ с а н а м

Сен менинг баҳорим, мадорим ҳамдам.

Ғ а р и б

Ғарибнинг баҳори, шиори Санам
Муродим-мақсадим сенсан, Шоҳсанам.

З о ҳ и р ҳовлиқиб киради.

З о ҳ и р

Бир тўпор одамлар келар бу томон.

Ш о ҳ с а н а м

Не кори ҳол юз берди, айлагин баён?

З о ҳ и р

Қимлардур сизларни изламоқдалар,
Ана шу томонга югурмоқдалар.
Қуролли навкар ҳам изғиб юрмоқда.

Ш о ҳ с а н а м

Шундайин кори ҳол, азизим Ғариб,
Мени қиладурлар ҳар дами таъқиб.

Музика

Ғариб дўстим, е ғамингни
Душман кор этмасдан бурун.
Эрта билан отам тутиб,
Фармонлар бермасдан бурун.
Қутула кўр бундан қочиб,
Гўё қушдек бўлиб учиб,
Бир аждарҳо огзини очиб,
Ваҳм ила ютмасдан бурун.
(Ғарибга оҳиста)

Бундан кейин Дуржон она мендан хабар етказур, сен танурсан у кампирни. Мен ҳали сенинг олдинга Дуржон онани бормоққа тайин қилган эдим. Яхши ҳам ўзинг келиб қолдинг. Бирон зарурат туғилганда, шунингдек, сенга бўлган чин муҳаббатим ҳурмати уни олдинга йўллаб тураман. Ранжима, мени сендан ҳеч қандай куч ажрата олмайди, азизим. Ҳозирча қисмат шундай экан-да. Бардош фарз ва қарз бўлиб қолди.

Ғ а р и б

Тушунаман.

Ш о ҳ с а н а м

Ғариб, сизлар бу томондан кетинглар.

Шовқин-сурон кўтарилади, амалдор ва навкарлар яқинлашадилар. Ш о ҳ с а н а м бўлак эшикдан чиқади. Ғ а р и б ва З о ҳ и р л а р девордан ташлаб қочадилар. Ш о ҳ Аббос одамлари боққа бостириб кирадилар.

I н а в к а р

Ғарибнинг бу ерда кўринмас изи,
Лақиллатиб овора қилдинг-ку бизни.
Алимахрам сўраса, биз не деймиз?

II н а в к а р

Не бўларди, насибамизни ермиз.

О л л о н а з а р

Мен Ғарибни тутмагунча қўймайман,
Заҳар солмай ошига ҳеч тинмайман.

Навкарлар шошиллич чиқади.

Парда

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Шоҳ Аббоснинг тахти. Одатдан ташқари безатилган кенг ҳашаматли сарой. Йўлбузар охун Шоҳ ва Нодир шоҳларнинг Хоразмга

юришларни ҳақидаги тарихий китобни ўқиб ўтирмоқда. А л и м а ҳ р а м
тингламоқда.

И ў л б у з а р о х у н. Хўш, Али маҳрам, жангномадан қандай таъсирландингиз?

А л и м а ҳ р а м. Қаранг-а, Шоҳвалад ва Нодир шоҳлар заб жаҳонгир эканлар-да.

А л и ҳ а й д а р. Ушандай шоҳларга минг йил қул бўлсанг ҳам, шоҳсан шоҳ.

И ў л б у з а р о х у н. Ношудлик қилманг, тан соғ бўлса бундайин шоҳлардан ҳозир ҳам топиш амримаҳол эрмас. Сиз билан бизнинг касбимиз ундайин шоҳлар хазинасининг калитини қўлимизда бамайлихотир тута билишда.

А л и м а ҳ р а м. Раҳматлик дадам деган эдиларки, ўғлим, тўғрилиқ, ростлик, шафқат саховатдан ҳазар қилу, ишларинг фақат шуҳрат ва қамчи бўлсин.

И ў л б у з а р о х у н. Ана холос, бу беш кунлик дунёда роҳатинг нимада, хоинликдами, жосусликдами, мунофиқликдами қилавер, охират тўғрисида эса бош қотирма.

Элчи кийимида А л и ҳ а й д а р кириб келади.

А л и ҳ а й д а р. Кечирасизлар, жаноблар, фурсатим йўқ, элчилик ҳуқуқи билан саройга кирдим, ҳозир қайтишим лозим. Мени танисангизлар керак?

А л и м а ҳ р а м. Албатта, жаноблари.

А л и ҳ а й д а р. Сизларга хат олий нишондан,
Сиз сақлангиз ниҳон-ниҳондан.

И ў л б у з а р о х у н хатни тез ўқийди.

А л и ҳ а й д а р тез чиқади.

Айтмадимми, Алимаҳрам,
Бўлинг энди сиз хотиржам.

А л и м а ҳ р а м. Хўш-хўш?

И ў л б у з а р о х у н. Сиз билан бизга ҳамма ер ҳам бир гўр, шоҳи нима-ю, хони нима, сиз билан биз кимга жиловдор бўлсак ҳам, фарқи йўқ.

Али маҳрам. Яшанг, Охун, саллангиз бўлмаса, арш-да ноғора чалиб ўтирадиган турқингиз бор, валийсиз, валий. Хўш-хўш, нима янгилик?

Иўлбузар охун. Мақсад маълум-ку, Шоҳ Валад Хоразмни фатҳ этмакка айлабди қарор, лекин у аввало Шоҳсанамни хотинликка сўрайди, хон рад қилди-ми, бас бостириб кираверади, жанжалнинг чиқиши учун Шоҳсанам сабаб. Дастлабки кун куёв бўлса, иккинчи кун Хоразмга подшоҳ. Шоҳ Аббос эса унга чокар.

Али маҳрам. Бу ҳийла-ю макирга қаранг, ишлар ҳали шундай бўлади дег?

Иўлбузар охун. Аввало бу сиз билан бизнинг хизматимизга боғлиқ. Хизмат дўндирилса, шуҳрат, пул, амал дубора.

Али маҳрам. Борди-ю, Шоҳсанам кўнмаса.

Иўлбузар охун. Эҳ-ҳе, тозаям эзма экансиз-да, жосус ҳам шу қадар бефаҳм бўладими, тагин сиз сардорни жосус, Сиз билан бизга барибир, кўнса ҳам, кўнмаса ҳам бизга нима. Хоразмни эмас, ҳатто бутун оламни ҳам сариқ чақага сотиб кетаверамиз-да.

Али маҳрам. Буларнинг ҳаммаси ҳақ пайғамбар сўзи. Аниқроқ қилиб айтганда...

Иўлбузар охун. Дастлаб шуки, Шоҳ Аббосни ўз қўлимиздан чиқазмаслигимиз шарт. Унинг бошини майдан кўтариш ярамайди, унга нисбатан маддоҳлик авжига минини керак, фуқаро деб, авом деб бошини айлантириб юрган шохнинг маслаҳатдоши, имонсиз Алломани ўртадан олиб ташлаш керак. Ғарибни эса қайси йўл билан бўлса-да, зиндонбанд қилиб, заҳарлаб ўлдириш керак. Шоҳ Валад сиз билан бизга катта совға ва мансаб тайин қилибди, қуллуқ бўлсин?

Али маҳрам. Ҳамма иш сиз айтганча бўлур саранжом.

Аллома ва бошқа амалдорлар кириб келадилар. Вазият ўзгаради. Тантанавор музика янграйди. Шоҳ Аббос киради.

Ҳамма ўрнидан туради.

Шоҳ Аббос. Қани, вазирлар, мамлакатда не аҳвол?

Иўлбузар охун. Сиз бахтимизнинг қуёши, нуришгиздан барча баҳраманд ва обод.

А л и м а ҳ р а м. Салтанатингиз туфайли дўстлар шод, душманлар ғамгин.

А л л о м а. Ё ҳазрат, баъзи мансаб эгалари мансабларини сунистеъмол қилиб, фуқароларингизга жавру жафо қилмоқдалар.

И ў л б у з а р о х у н (киноя билан). Яна жавру жафо, яна фуқаро.

Ш о ҳ А б б о с (ғазабланиб). Нима-нима?!

А л л о м а

Бир йилда бир деҳқон юз танга топур,

Етмиш бир тангасин солғутга берур.

Шу боис деҳқоннинг аҳволи огир.

Бу ҳоллар, ҳазратим, деҳқонга жавр.

Ҳар кўча бошида юзлаган гадо,

Нон тилаб туради, инграйди борҳо.

Вабо касали ҳам элда бошланган.

Демак, бу эл сари мотам ҳам юрган.

Одиллик қилсангиз кўрсангиз тадбир,

Ишингиз топарди тарихдан тақдир.

И ў л б у з а р о х у н. Ана, олим. Ахир, хон ҳазрат солиқни ҳам барҳам берсинми? Солиқ деган расамад ота-бобомиздан қолган-ку, яна не деб ваҳималар соласиз? Авомни хон нима қилсин?

А л л о м а. Эви билан-да, ахир фуқаро сигир эмас-ку.

И ў л б у з а р о х у н. Ана холос, ана ўша сиз айтган фуқаро сигирда, сигир. У соғиб ичиш учун яратилган, бунинг фаҳм-фаросатига бормаганингиздан хижолатдаман, тақсир садқайи донолик кетсин.

Ш о ҳ А б б о с (кинояомиз). Демак, ноқобил амалдорларимиз ҳам бор экан-да?

А л л о м а. Шундай, ҳазратлари.

Ш о ҳ А б б о с. Ноқобиллари бўлса, қобил қилурмиз.

П о с б о н киради.

П о с б о н. Тақсирим, бир кампир, бир йигит арзга келганлар.

Ш о ҳ А б б о с. Чақир!

Посбон чиқади ва Ойлар бегим билан Ғарибни олиб
киради.

Ойлар бегим

Бир орзу истакла келдик биз ёниб,
Шафқат илкингиздан кетсак қувониб.
Кексалик қалбимда бордур муддао,
Сизнинг-ла бўлмоқлик қариндош-қудо.

Шоҳ Аббос (Ғазабда)

Туш кўриб келдингми ё бўлдинг тентак,
Не ҳад бор подшоҳга бу сўзни демак.
Лойиқми гадога тиллодан либос,
Тиллодан безанур подшоҳлар холос.
Темирни мумкинми қилмоқлик гавҳар,
Ўғлинг-ку дайдиган гадо дар-бадар.

Ойлар бегим

Қизингиз ўғлимга бермоқликка хат
Бергансиз, қўлимда ана шу ҳужжат.
Муҳрингиз, имзонгиз унда намоён,
Хотирга олингиз, бу қайси замон?

Шоҳ Аббос (хатни олиб ўқийди)

Бундайини хатни ҳеч мен бермаганман,
Қалбаки бу хатинг ололмаймам тап.
Эринг тирикликда мени алдабди,
Вазирлик чоғида муҳрим босибди.

Ойлар бегим

Ажабо, ўттиз йил алдамаган чол,
Наҳотки у сизга келтирган малол.
Икки ёш бир-бирига ошиқ биласиз,
Қаршилиқ қилмангиз подшоҳим, ҳаргиз.

Иўлбузар охун

Беш кунлик дунёга севги на ҳожат,
Севгини кутади фақат охират.

Жаннатнинг ҳурлари бизларга маъшук,
Биз эса бўламиз аларга ошук.
Ошиғу маъшук, деб юргандан кўра,
Сен жаббор эгамдан имонинг сўра!

Ойлар бегим

Подшоҳда бўлмаса лафз, эътибор,
Халойиқ тоғуси андин кўп озор.

Шоҳ Аббос (Ғазабда)

Ҳайданг бу иккисини!

Ғариб

Санам ёди билан ютсам-да, қайғу,
Санам ёди билан ўтгайман мангу.
Санам деб ошгайман қиру, чўлу тоғ,
Майлига, ғов билан тўлса-да ҳар ёғ.
Ошиқ юрагига ўтарми қилич?
Э, ҳоким замона, бу фикрингдан кеч.

Шоҳ Аббос

Ҳайданг!

Ғариб ва Ойлар бегимни судраб олиб чиқиб кетадилар.

Қани, давом этинглар!

Алимаҳрам

Элда юз бермоқда турли можаро,
Эй, олий нишоним, сиз бўлинг огоҳ.

Йўлбузар охун

Бир тўда қароқчи, диндан озганлар,
Бир тўда нон гадо, дайдиб юрганлар,
Нопок қўлларини чўзмоқда сизга,
Қалтакнинг бир учи тегмоқда бизга.
Бу бадном ишларга Ғарибмиш шерик.

Ш о ҳ А б б о с
(қаттиқ сесканиб)

Ғариб?!
Шаҳарда бўлмасин алар қароси,
Аларга муносиб ўлим саҳроси.
Алимаҳрам, навкарлар жўнат.

А л и м а ҳ р а м

Бош устина, эй, олий ҳазрат!

(Чиқади.)
Й ў л б у з а р о х у н

Ўша нобакор, ўшанда айб,
Дейдилар, янаки Зоҳир деган бор,
Они ҳам дейдилар Ғарибга ҳамкор.

А л л о м а
(эътироз билдириб)

У гаплар-ку Ғарибга туҳмат,
Ғарибда-ку ўзгача ғурбат.
Зоҳир-ку боғбоннинг ўғли,
Боғбон эмас сиздай доғули.
Қўзғаманг сиз адоват, фитна,
Ҳайф сизга бу ошпоқ салла.

Й ў л б у з а р о х у н

Саллага тегизмангиз тилингизни,
Билиб гапиринг сиз сўзингизни.
Бир қўлингиз ўт, бир қўлингиз сув.
Мунофиқсиз, сочасиз оғу.

А л л о м а

Не демак мумкиндир сизга, ҳазратим,
Фақат сизга кўпдир беҳад нафратим.
Ғариб сози билан эл ичра машҳур.
Эл аро саз чалиб, рўзгор ўтказур.
Саз ила эл қалбини қилур тараннум,

Соз ила ишқ ўтин ёқади ҳар зум.

Йўлбузар охун

Ҳамонки соз чалур, демак, девона,
Бир бурда нон учун вайсаган гадо.

Аллома

Гадолар айб эмас, эй, қозикалон,
Айб бўлур ким золим, ким бўлса подоп.

Шоҳ Аббос

Ёқламанг, Аллома, ғарибларни сиз,
Бу сўзни чиқарманг хотирдан ҳаргиз.

Аллома чиқади. Шоҳ Аббос, Йўлбузар охун саҳнада. Дуржон
она киради.

Шоҳ Аббос

Қалай Санам тутмоқда ўзни,
Ташладими қилу қол сўзни?

Йўлбузар охун Дуржон она сўзларини ғазаб билан кузатади.

Дуржон она

Сизни дуо қилур кўзларида ёш,
У дарди алам-ла, бўлгандир сирдош.
Фақат Ғариб дея очади у лаб,
Фақат Ғарибни у қилади талаб.
Ғарибнинг сояси кўрингани он,
Йиртгуси ёқасин, бағрин қилур қон.

Шоҳ Аббос

Мен шафқатли отаман, шафқатли одам,
Ўз қизимга етказмам озору алам.
Фақат мендан селга шу дурур фармон,
Санамнинг аҳволин менга ҳар замон.
Тўғриси айтиб кел, қилмай қилу қол,
Токи ҳолатимга етмасин малол.

Кўндан бери ўрда ичра сен доя,
Кўрмадим бир ишини сендан ножўя.

Дур жон опа

Синам сиздан кутар фақат марҳамат,
Оталик қилсангиз, отача шафқат.
У бор қайғусидан бўларди озод
Ва рои бўларди сиздан умрбод.

Шоҳ Аббос (маккорона)

Майли, мен бу ҳақда қилгум андиша,
Бироқ мен айтагани айтаман иенша.

Дур жон опа таълим қилмо чиқади. Аллимаҳрам киради.

Аллимаҳрам

Ғариб ғам чўлиги қилинур пайванд.
Барханилар сўхиди бўлур занжирбанд.
Суворийлар жўнатдим шу он.

Шоҳ Аббос

Алиш мисли

Ишбулар охун (сўзловчи ва масхара)

Хи-хи-хи.

Шоҳ Аббос (Алишарамга)

Сен Дурдон камширдан кўзинг қочирма,
Ғариб томонлардан назаринг олма.
Билсанг шикор дея жўна у томон,
Ажабмас билалсанг унда не асрор.
Агир ул жойда ҳам боилдаса ғавго.
Поглиб кел, бераман энг олий жазо.

(Оллоназарга.)

Тайёрлансин базмга ул нариги ҳарам,
Маю раққосалар бўлсин жамулжам.

Шоҳ жадал чиқади. Йўлбузар охун ва Алимаҳрамлар суҳбатда
давом этадилар. Аллома кириб келади.

Йўлбузар охун

Тангрига минг сано, осойиш эдик,
Анча йилдан бери оройиш эдик.
Яна гала-ғула, яна недур ҳол?
Қўрқаман етмаса ҳазратга завол.
Қимдур бу ишларга чўзмоқдадур қўл,
Қимдур кўрсатмоқда бад ишларга йўл.
Хатосиз оллодир, айтмоғим мумкин.
Шу ердан мадад бор бу ҳолларга чин.

Аллома

Тақсирим, кўтаринг юздан ниқобни,
Қимга қилмоқдасиз бундай хитобни.
Не даркор таънаю фитна, киноя.
Қачон бу ҳолларга бўлур шиҳоя.
Подшоҳни миндингиз эгар, юганлаб,
Сизларсиз очмайдн бир сўзга у лаб.
Сарой майхонага айланди бутун,
Базмда бошингиз кундузи ва тун.
Ун танга солиғлар юз танга бўлди,
Фуқаро юраги қон билан тўлди.
Саройда номуссиз бўлмоқда қизлар,
Бари жиноятга шериксиз сизлар.

Йўлбузар охун

Ойнага қарангу қилмангиз гина,
Агар сизда бўлса зарра андиша,
Авом ёқламоқлик касби корингиз,
Фуқаро демаклик кўл шиорингиз,
Аввало динни айтинг, сўнг подшони,
Агар лозим бўлса кейин гадони.
Ушанда топасиз, бахт, эътибор,
Йўқ эса бўлмайсиз, сиз бизга даркор.

Поузамбиллоҳ, қарибсиз, тақсир!
Муҳаммад йўлидан озибсиз, тақсир!

А л и м а ҳ р а м
(кинояомуз)

Мозорга кирганда кирибди ақл.

П ў л б у з а р о х у н
Е расул, гоятда ҳаққоний нақл.

Ш о ҳ А б б о с киради.

Ш о ҳ А б б о с
Қани, Алимҳрам, юртда не гап бор?

А л и м а ҳ р а м
Сонини остида барча бахтиёр.

П ў л б у з а р о х у н
(муғомилрон)

Андаккииз юз берган бемаъни ташвиш.

А л и м а ҳ р а м
Баргараф этилди шу он бу иш.

Ш о ҳ А б б о с
Мулло не аркан, мақсад ташвиндан,
Не мақсад бу ишга юзин буриндан?

П ў л б у з а р о х у н
Хазратим, гам чекманг бу қора овом,
Бирон бўлур элди сизга, бизга ром.

Ш о ҳ А б б о с
Бир сунат тамини, улуг Аллома,
Бир бергандек дўр саросима?
Бирини олдинг, қойилмақомсиз,
Бирини берган-кеч бесаранжомсиз?!

А л л о м а
Қ, унлай эмас, ҳазратим, амир,
Бирини кўн сўнгга йўқ менда тоқат.
Бирини нишонда ҳаслим фақат,
Бирини бўлса ю, эл обод бўлса.
Бирини мен сизга кеча-ю кундуз.

Ш о ҳ А б б о с
Элид ҳам шундайдур, эй мутафаккир,
На лекин сизда бор шубҳали бир сир.
Давлат ишларидан сиз силкдингиз қўл.

И ў л б у з а р о х у н
(адоват билан)

Қариса ҳам одам оғирлашади,
Баъзан ақли расо, баъзан шошади.

А л л о м а
(газаб-ла)

Гап қарилигу, ёшликда эмас,
Бундайни бад сўзни подон ҳам демас.

Ш о ҳ А б б о с

Яна бошландими гина, адоват,
Қачон ташлайсизлар бу ҳолни ғоят.
Не даркор сизларга бу можаролар,
Бу гаплардан қулоқларим бўлди кар.

П о с б о н

Элчи жаноблари сизга интизор.

Ш о ҳ А б б о с

Айт кирсин, мақсадни айласин изҳор.

Э л ч и к и р а д и .

А л и ҳ а й д а р

Шаҳаншоҳ йўллади сизга кўп салом,
Сизни ўйлади-ю, йўқ унда ором,
Тилайди сизга у бахти Ҳумоюн,
«Чокарлик деди — айласун Хорун».

Ш о ҳ А б б о с

Элчи олийлари муҳтарам меҳмон,
Шоҳингиз истагин айлангиз баён.

И ў л б у з а р о х у н

Хутбада ўқилар шоҳингиз номи,
Не эркан истаги, анинг пайғоми?

А л и ҳ а й д а р

Ҳазрат олийлари қариндош бўлмоқ,
Сиз билан ниятда кўп сирдош бўлмоқ.
Бир гавҳар бор экан хазинангизда,
Офтоб уётидин булутлар ичра
Саргардон кезармиш дарбадар, хира.
Ой ҳам билмас эмиш бетдаги доғин,
Ҳайратдан тишлабди панжа — бармоғин.
Мабодо, бўлмаса сиздан маъқул сўз,
Тоабад ўғирар сиздан шоҳим юз.

Ш о ҳ А б б о с

Шоҳларга қиз бериш шоҳларга одат,

Шоҳингиз истаги маъкулдир албат,
Сарпо келтирилсин меҳмонга,
Боилансин саройда шодиёна базм.
Матҳига ўқилсин қасида, назм!

А л и ҳ а й д а р

Бешумор қуллиқлар, эй, хони ҳазрат,
Синдан узоқ бўлур энди надомат.

Унинг боиланади, ўйин-қулгилар бўлиб ўтади.

Ш о ҳ А б б о с

Ҳақирисин буида Сапам!

Саторлар чиқади, Сапам киради.

Ш о ҳ с а п а м

Оғриқ истаги, одий нишонининг?
Оғриқ истаги шоҳи жаҳонининг?
Оғриқ истаги надаринин фарзандлик бурчим.

Ш о ҳ А б б о с

(бўйташиб)

Бўйтади етнинг, қизим,
Бўйтади ҳушкар юлдузим.
Бўйтади чирокисан,
Бўйтади буюлгисан.
Бўйтади қўйган Шоҳ Жаҳон.
Бўйтади ётмоққа йўқ имкон.
Бўйтади қолган одат,
Бўйтади бўлганин ибрат,
Шоҳга берилур қиллар.

Ш о ҳ с а п а м

Устамин сайтурман бир қоник қоним,
Отамин надарим, ҳазратим, хоним.

Ш о ҳ А б б о с

Устамин бир қоник қонингдан сеня.

М у ш к а

Ш о ҳ с а п а м

Мен бўлибман бир тариб аввораси,
Синчиллиб бағримга ниқини хораси,
Мен анини ниқи билан девонаман,
Бормикан бу ҳолатимнинг чораси?
Кут тутарман йўлларига субҳи шом,
Дора келгай деб оёқни шарпаси,

Ишқ қилмас фарқни шоҳу гадо
Розиман ўлдурса элнинг таънаси,
Шоҳсанам дер, жон ота, раҳм айлагил.

Ш о ҳ А б б о с

Не бўлса истагинг, истагингни айт,
Ва лекин ишқ деган бад сўзингдан қайт!

Ш о ҳ с а н а м

Балиқ туrolмайди ҳеч сувдан йироқ,
Севгидап воз кечмоқ ўлимдир бироқ...

Ш о ҳ А б б о с

Ешмисан, билмайсанми одобин,
Оталик амримга назар айла,
Подшолик қаҳримдан ҳазар айла!

Ш о ҳ с а н а м

Ҳали ҳам этаман сизни мен ҳурмат
Ва лекин дардимни айтмоғим ҳам шарт.

Ш о ҳ А б б о с

Сенга бўлур албат тожу тахт мерос,
Сенга лойиқ эмас Ғарибдек ифлос.
Отаси етказди кўп зиён, путур,
Фақир деб бермасди тинчлик, ҳузур.
Вазирим бўлса-да, бир чаён эди,
Қўйинида заҳарли бир илон эди.
Афсус, беролмадим мен унга жазо,
Лек унга юборди жазони худо.
Қасримни Ғарибга булгатолмайман,
Ҳаттоки, бу томон йўлатолмайман!

Музыка

Ш о ҳ с а н а м

Панд берманг, ҳазратим, зинҳор манга,
Қилмангиз зулму ситам, озор манга.
Севги бир зийнат эмас ёки либос,
Лозим эрмас шоҳ манга, пулдор манга.
У қилич бир-ла қилур ишқни ҳавас,
Баски, нечун бу сифат мурдор манга.
Шоҳи олам, мен Ғарибга етмасам.
Шоҳсанам дер, бу жаҳон мозор манга.

Ш о ҳ А б б о с

(даҳшатда)

Бу нима бадбахтлик, эй, беҳаё қиз,
Бунни кутмагандим мен сендан ҳаргиз!
Шарафим, шоҳлигим урмагил ерга,
Йўқ эрса, киргунгдир ерининг қаърига!

Ш о ҳ с а н а м

Шафқат этмай қўл-оёғим боғлангиз,
Зулм ўтида тани жоним доғлангиз.
Эл Гариб бу нотагондан кечманам.
Юз эшикка бош урар тортиб азоб,
Юз ҳақорат даштида бағри кабоб,
Ишқ элига бўлди ул катта китоб,
Бошимга султон жаҳондан кечманам.

Ш о ҳ А б б о с

(*таъби ҳаддан ошади*)

Гутишлар, оғзинга қўйинг қўргошин,
Этишлар саҳрога, сени ўз бошин!

Аламни олиб чиқиб кетдилар. Бир оздан сўнг Аллома,
Амиҳрим, Ўлбузар охун ва бошқалар кирадилар.

Ш о ҳ А б б о с

Қани, ҳой, назирлар, тошинлар тadbир,
Қўнғилда не бўлса қилинғлар тасвир.
Санам ла рўй берди бундай можаро.

Ў л б у з а р о х у н

Шуига ҳам керакми ақл ва идрок.
Бу ҳолда бўласиз, ҳазратим, ҳалок.
Запжирлаб бўлса-да, беринг Санамни,
Ўўқотинг бошдаги қайғу аламини.

А л л о м а

(*Ўлбузар охунга*)

Бу эмас, тақсирим, нажотнинг йўли,
Бу ишни қилади маккор — доғули.

(*Шоҳ Аббосга.*)

Тақсирим, менда бор сўров — илтимос,
Мени айласангиз қайғудан халос?
Санамга қилсангиз отача шафқат,
Тездан қайтарилса, кетмаса фурсат?

Ш о ҳ А б б о с

Йўқ, йўқ фармон асло бўлмагай бекор,
Андай қилсам, менда қолмас номус-ор.

А л л о м а. Ҳазратим, ҳазратим, ўлимга фармон бер-
лингиз, бундан ҳам оғирроқ даҳшат бўладими, авф эт-
моқ қувонч ва бахтиёрлик-ку. Ҳар қалай бўлса-да, юра-
тидан бунёд бўлган фарзанд. Фарзанд бўлганда ҳам
оғирнинг ўзидаёқ ўзининг гўзаллиги, ақл-заковати

билан бутун оламини танг қолдирган маликаи жаҳон-ку!

Алимаҳрам. Аллома сизни васваса гирдобига тортмоқда. У деганига кўнсангиз, шон-шуҳрат нима бўлади, подшоҳим, шон-шуҳрат!

Аллома. Ақлсиз калланинг хом қовоқдан фарқи йўқ, дейдилар.

Шоҳ Аббос чуқур ўйга толади.

Шоҳ Аббос. Бошим қотди, икки йўл: ё у — ё бу. Бўлак йўл йўқ. Бирини танла Шоҳ Аббос!

Аллома. Тақсир, ақли калта панд ейди,

Ақли тийран қанд ейди.

Иўлбузар охун. Худо номидан дейманки, Аллома қурган қопқонга илинманг, тақсирим!

Аллома. Одамнинг ёмони мулла, мулланинг ишлари ҳийла.

Шоҳ Аббос. Нимага қўл урсам экан, ё тангрим?

Иўлбузар охун. Ул дунёнинг лаззатидан умидворсиз, эй қиблагоҳ, дин деганларига юз буринг.

Аллома. Дарёга ҳазил қилма,

Суви сени ғарқ этар.

Охун билан ҳазил қилма,

Ёстуғингни қуритар, деган нақл бор, эй, шоҳи олам!

Иўлбузар охун. А, а, яна шариятга тил тегиздингизми?

Аллома. Шариятда шарм йўқ,

Шариятнинг йўли кўп.

Шоҳ Аббос. Ҳаддан ошманг, Аллома, хўп, бу гал сизча бўлсин, таваккал олло!

Аллома. Қуллуқ илтифотингизга.

Шоҳ Аббос

Майли, қайтаринг Санамни тездан,

Зораки, кўтарса бу ғамни биздан!

Неки буйруқ бўлса сўнгра берилур,

Қисматда не бўлса у сўнгра билур!

Аллома буйруқни ижро этгани югуриб чиқиб кетади.

Иўлбузар охун

Сиз ишонманг Алломага, ё ҳазрат.

Шоҳ Аббос

Тинглайман, не бўлса мулоҳазанг айт.

Ў ў л б у з а р о х у н
Бу одам Ғарибга мададкор эрур,
Ғариб онасига мадад еткарур.
Ким бўлса элда сиздан поризо,
Аллома жон қилур аларга фидо.
Оладн авом халқ ўшандан илҳом,
Шунинг-чун йўқолган сиздаги ором.

А л и м а ҳ р а м
Боҳир моҳароси сизгадир маълум,
Шу бонс, ё ҳазрат, мен шуни айтгум.
Боҳирини қўллайди Аллома ҳар дам.
Боҳирини қилгандур ўзига ҳамдам.

Ў ў л б у з а р о х у н
Халқини сизга қайрар, шоҳликка ҳам...

Аллома ўш ҳақидаги сўзларини тинглайди ва ичкари киради.

А л л о м а
Ниво-фитна билан топгансиз иқбол,
Ҳийла найранг билан оқарган соқол.
Салла бонингизда, ватаи сотасиз,
Бутун эл бонига етган набосиз.

Ш о ҳ А б б о с
Ҳозир вақти эмас ўзаро довнинг,
Тадбирини қилинглар бошдаги ёвнинг.
Қўйинглар, бўлмагур гаплар сотмоқни,
Бир бирга нифоқнинг ўқни отмоқни.

А л л о м а
Доро элни пайҳон этди, асир бўлди эру қиз.
Шоҳ Валаднинг газабидан фақат қолди қонли из.
Шоҳ ўр шоҳлар зулми билан вайрон бўлди Хоразм,
Шоҳ бўлса зимистондек, хазон бўлди Хоразм.

Ў ў л б у з а р о х у н
Осинлик оир ҳийладир, уқиб олинг, эй ҳазрат,
Осингиз, Хоразмни ўраб олур мусибат.

Ш о ҳ А б б о с
(тажсанг)
Муддаоини айтнинг!
Ў ў л б у з а р о х у н
(кесатиб)
Қуруқ ган ёқмайди бирпас қулоққа.

А л л о м а
(нафратда)

Гап ҳам ўтармиди қуруқ таёққа,
Қўшин бор етмайди анинг қудрати,
Фақат бор бу ишнинг муҳим бир шарти,
Халққа арз қилинса, халқдир енгилмас,
Халққа юз тутишлик уят ҳам эмас.

Ш о ҳ А б б о с
(таънаомиз)

Не деб юз очайин сиз айтганларга,
Қизиқ-ку, ялинсам у дайдиларга.

И ў л б у з а р о х у н
(заҳарханда билан)

Ана сизга, шоҳим, мақталган одам,
Бу киши айтган халқ ўзи жаҳаннам.
Бир одам дунёга келтирибди гул,
Бу зотдан зиёндир, бўлмагиз маълул.

А л л о м а

Олтмиш йил истагим бўлди адолат
Ва лекин қасдимга чопди адоват.
Маърифат деганим жаҳолат чиқди,
Нимага қўл урсам, касофат чиқди.
Алданган эканман олтмиш йил, афсус,
Юз шукур, бўлмадим Охундек жосус.
Дарвоза очасиз босқинчиларга,
Яна қиз беришлик таланчиларга.
Такрор воз кечаман саройдан, сиздан,
Сарой аҳллари сиз, ҳаммагиздан.

А л л о м а чопиб чиқиб кетади.

Ш о ҳ А б б о с

Тутинг, тўхтатинг, қайтмаса, отинг!
Таслим бўлса, зиндонбанд бўлсин,
Ким билан ўйнашиш унга панд бўлсин.

А л и м а ҳ р а м фармони ижро қилгани чопиб чиқади.

Ш о ҳ А б б о с

Алланималарни вайсайди бу чол,
Менинг ҳузуримга келтириб малол.
Халқ сўзин айтмоқдан тинмайди оғзи,
Билмадим, алардан бормиди қарзи.

А л и м а ҳ р а м киради.

А л и м а ҳ р а м
(кириб)

Ун навкар юбордим, тақсири олам,
Фармон адосидин бўлинг, хотиржам.

И ў л б у з а р о х у н
Подшоҳим, Ғарибни қилсангиз зиндон,
Фуқаро бўларди сиздан шодумон.
Ғариблар қилмоқда элингиз бетинч.

Ш о ҳ А б б о с
Шу бугун Ғарибни қўлга олинсин,
Узоқ йил муддатга зиндон қилинсин!
Зоҳирни қилинсин ҳозироқ зиндон.
Токи кўтармагай умрида исён!
Тўй бошлаймиз, жаноблар, шу кун-эрта.
Озод қилинсин Санам, келтирилсин бунда.

Пўлбузар охун Шоҳ Аббосга маккарона яқинлашади.

И ў л б у з а р о х у н
Бошимга келди бир идрок, ҳазратим,
Сизга кўпдир менинг иззат-ҳурматим.
Санамни бир ҳийла қопқонига банд
Айласак...
«Майли, Ғариб билан иқболинг кулсин,
Ғарибни сургундан биз қайтарурмиз.
Ва сени Ғарибга пайванд қилурмиз».
Деган тасаллини унга берсангиз,
Алдашлик шу зайл бир йўл тутсангиз.
Майли, шу гап билан у олсин ором.
Йўқ эса у ўзини қилгуси ҳалок.
Айлангиз, подшоҳим, андиша, идрок,
Тасодифий бир ҳолдек бошланилса тўй,
Тантана этарди сиз, биздаги ўй.

Ш о ҳ А б б о с
Бу ҳам яхши ўйдир, яхши маслаҳат,
Мен они қилмоққа этайин журъат.
Майли, бу ҳийлага ҳам мен урайин қўл.

И ў л б у з а р о х у н
Иншоолло, тангри берур сизга ёруғ йўл.

Парла

ИККИНЧИ ПАРДА

УЧИНЧИ ҚҰРИНИШ

Бепоеи Қорақум саҳроси, даҳшатли қум барханлари орасида қурилган чайла. Шамол ва бўрон кўз очирмайди, чақмоқлар бирин-кетин чақилиб, момақалдироқ гулдираб турмоқда. Ойлар бегим бу фожиона вазият туфайли чайла олдида ўтириб фарёд кўтариб куйламоқда.

Ойлар бегим

Эй, фалак, нечун менга сен зулми озор айладинг,
Шу ёруғ дунёни нечун кўзима тор айладинг?
Қимки қилди пеша ҳақни гамга айлаб мубтало,
Юз бало гирдобига сен они дучор айладинг.
Гулга ким урса қўлин юз хорки заҳмин солгуси,
Ҳам мусибат дашти ичра, эй, фалак, хор айладинг.
Қарғамоқ қилди шиор. Ойлар бегим, эй, чарх сени,
Чунки юз жавринг ила ўзингдан безор айладинг.

Қ а м а р

(кириб)

Яна йнгламоқни қилибсиз маош,
Яна тўкмоқдасиз кўзингиздан ёш.
Онажон, отам ҳам вазир бўлган-ку,
Биз нега бундаймиз. Хизмат қилган-ку?

Ойлар бегим. Болам, раҳматлик отанг халқ
гами билан ёнган вазирлардан эди, у юз орзу армонлар
билан ўлим ёстиғига боп қўйдн. У нимаики ҳаё қилса,
ҳаётда унинг аксини кўрдн, нимага огиз очса, юз таъна
тошлари бошида сипди, фуқаро деса, уни масхара қил-
дилар, диёнат деса, хиёнатга рўбарў, адолат деса, адо-

тўғри келди. Шундай замон экан, қизим. Мана, ботирибсанки, ҳам ёстиқ, йўлдошимиз гурбат. Аканг ичи тушган дард яна ортиқча бўлди.

Ойида узордан номатълум одам кўзга ташланади. Ойлар бегим оқ тепасига чиқиб кўз солади. Отлиқ яқинлашгандан яқинлашади.

Ойлар бегим. Қизим, сенинг кўзинг ўткирроқ, кўнган, оркакка ўхшамайди. Назаримда аёл киши, кўнган келмоқда. Ажабо, аёл боши билан бу чўлу жат турса-я? Қара, болам, яна бошимизга бундан бир баловабо бўлмасин? Қайдам.

Бир (яни баландроқ тепага чиқиб кўз солади. яқинлашади, от кишнайди.) Тўғри, онажон, бир одамни хотин отига қамчи уриб, биз томонга учиб боради.

Ойлар бегим. Ойлар бегим ва Қамарлар пешвоз чиқайдилар. Дуржон она келиб қолади. У Ғарибларнинг бу ишга кўриб, ҳўшраб йиғлаб юборади, учаласи ҳам йиғлайди.

Ойлар бегим. Келинг, келинг, нечук шамол оқиб? Қани, бу ёққа марҳамат қилинг.

Дуржон она. Қуллуқ, бегим. (Фотиҳа ўқилади.) Қўлларингизни кўрган кўзларим кўр бўлсин, эшитиш қулоқларим қар. Бу неҳол? Зулм-асорат шунча ҳам кўп экан-да. Водарига! Демак, бир муҳтарам шоирнинг бу замонга ҳақидаги сўзлари бекор ёзилмаган экан:

Дўстлар, айтай, эшитинг бу на ажаб замонадур,
Ким бу замонани кўринг тартиби ёмонадур.
Ким бу замонда топиб яхшининг иши басталик,
Қайда ким бор эса ёмон иши анинг равонадир.
Шунбу қаро замоннинг аҳли қаро кўнгил бўлиб,
Бир-бирисига фикрат, диллари бадгумонадир.

Яна ўша шоир:

Зулмининг йилма-йил айлаб зиёд.

Қолмади шоҳларда адолат дариғ, деганлар.

Ойлар бегим. Бечора шоир, юрагимизда не бўлса баришми ёзибди-да.

Дуржон она. Ана шундай қаро замондир, бегим ўқийверманг, офтоб ҳамма вақт ҳам булут остида турмайвермайди-ку!

Ойлар бегим. Тўғри-тўғри, зора...

Дуржон она. Шоҳсанам илтимоси билан келган эдим. Ғарибга бир мактуб бериб юборган эди. Ўзи қарда?

Ойлар бегим. Ҳали замон келиб қолса керак.

Дуржон она. Ғариб ва Санамларга жуда қийин бўлди. Бири бунда дили бирён, бири унда йиглар қон. Шоҳ Аббос нойинсофлигини қилди: ўзи ватъда бериб, вафо қилмади. Унинг дастидан қуримаган ёстиқ, хазон бўлмаган номус қолмади.

Ойлар бегим. Сиз ҳам гурбат чекканлардан, биламан.

Дуржон она. Юрагим тўла ўт, дилимда дард, не чора.

Ғариб (*кириб*). Келинг, она.

Дуржон она. Келдим, болам.

Ғариб. Жуда яхши, хурсандман.

Дуржон она. Санамдан салом ва мактуб келтирдим.

Ғариб. Раҳмат, она, жуда миннатдорман. (*Хатни олади.*)

Дуржон она. Болам, кўпам ўқсийверма, яхши қол, азизим, мен кетай тезроқ. Тўғриси, бу ерда турмоқ хавфлироқ.

Ғариб. Санамга мендан беҳад саломлар айттинг. Ғанимлар фитнаси мени Санамдан ажратган экан, булар мени Шоҳсанамга бўлган муҳаббатимни эндиликда учқундан зўр оташга айлантиради.

Дуржон она. Айтмоқ-чи, бир гап хаёлимдан кўтарилибди. Ҳали бу ерга келар чоғимда саройдаги доғнишманд Аллома билан тўсатдан учрашиб қолдим. У Аббоснинг сизларга қилган адолатсизлигидан қаттиқ ранжиган. Мен бугун фурсат топиб, Ғариблар оиласидан хабар олиб келмоқчиман, деган эдилар, эҳтимол, келиб қолсалар керак.

Ғариб. Келсалар бош устига. Бу хабарни бизга айтганингиз учун минг карра қуллуқ онажон.

Дуржон она. Хайр ҳозирча, болам.

Ғариб. Хайр, онажон.

Дуржон она кетади. Ғариб кузатиб қайтади ва куйлайди.

Музыка

Неча кундир айрилмишам ёримдан,
Иложим йўқ, ёра бора билмадим.
Сийнамда кўп орзу ила армоним,
Чиқар бўлди энди танимдан жоним.
Кеча-кундуз фикрим Санам султоним,
Иложим йўқ, ёра бора билмадим.
Хаёлимда ўзга ёрдан йўқ нишон,
Санамга жонимни айлайин қурбон.
Кўп сабаблар бўлди бўлмади имкон,
Иложим йўқ, ёра бора билмадим.

Ойлар бегим ичкари уйга киради. Ғариб ёлғиз.

Ғ а р и б

Қизлар ўз эркидан бўлсалар маҳрум,
Йигитлар ҳижронда ютсалар заққум.
Қимда амал бўлса, давлат унга ёр,
Яна улар элда доим бахтиёр.
Таажжуб замона, фақир бўлса хор,
Фақирлар рўзгори бўлса тору мор.

Ғ а р и б тепаликка чиқиб олиб пайда «Чўли проқ» куйини чалади.
Пай товушини эшитган саҳродаги чўпонлар бирин-кетин мўралаб
келиб, қатор чўкка тушган ҳолда давра оладилар.

Дехқонбой. Салом, она!
Ойлар бегим. Салом, азиз меҳмонлар! Келган-
нингиз бўлди жонга дармонлар. (*Ғарибга.*) Эҳтиёт бўл-
гин, болам.

Ғ а р и б. Ташвиш тортманг, бир чой дамланг.

Ойлар бегим чиқади. Ғариб меҳмонларни яқинроқ ўтиришга
даъват этади.

Дехқонбой. Қаердан, не қисмат сизин йўллади?
Ғ а р и б. Замона йўллади, замон йўллади.
Дехқонбой. Ахир бу ерлар...
Ғ а р и б. Биламан, ўлим саҳроси.
Дехқонбой. Бизлар-ку бойларга қарз узиш учун

шу чўлда хонавайрон, ватангадо бўлиб, чўпонлик қилаётирмиз. Сизда не синоат, демоқчиман?

Қўйлар кучли маърайди.

Ғ а р и б. Бу саволга жавобни ифода қилай созим орқали.

Ҳ а м м а. Яхши гап, эшитайлик, эшитайлик.

Ғ а р и б

(қўлига дутор олиб, қўйлайди)

Музыка

Неча йилдир ғаму ҳасрат билан юрган Ғарибдурман,
Тирикдурман ва лекин ҳасратҳол бўлган Ғарибдурман.
Узоқ тонг шуъласига кўз тутарман кун-тун бедор,
Сабрсиз ёқти олам нурини кутган Ғарибдурман.

Замона зулмидан бошимда бўлган-чун бари савдо,

Қўнгил орзусига етмоқ учун елган Ғарибдурман.

Кетиб хондан диёнат, ҳам адолатдин нишон бўлмай,
Фуқаро кўксин чокдир мел каби ёнган Ғарибдурман.

Ҳ а м м а. Ғариб, Ошиқ Ғариб, бахши Ғариб. (*Келиб Ғарибни қучоқлашади.*)

Д е ҳ қ о н б о й. О, ўша Ғариб сен экансан. Лаънатлар бўлсин, бундай замонага, сени шундай ҳолга ташлаган. Ахир сенинг дилрабо ва жонбахш қўшиқларингнинг оғизлардан эшитиб бўлса-да, ўзимизни овутардик, сенинг қўшиқларинг гўё дардимизга малҳам, белимизга дармон. Ишқ элининг ва соз элининг кўкдаги юлдузи деб сенга офаринлар ўқирдик. Водариго! Эҳ, замона, замона!

Ғ а р и б. Мен Шоҳсанамнинг васлига восил бўлгани учун ҳамма азобу уқубатни чекишга тайёрман. Ҳақиқат учун, ишқининг поклиги учун лозим бўлса қон гирдобини кечаман. Мен бу майдонда ёлғиз эмасман, юрагимдан, қўшигимдан ҳузур топган халқим мени гурбатда қолдирмас.

Ҳ а м м а. Йўқ, йўқ, ҳимоя қиламиз, ҳимоя!

Ғ а р и б. Дўстлар, авваллари менинг қўшиқларимни кишилар оғзидан тинглаган бўлсангиз, энди ўзим айтиб берай, ахир мен ошиқ бахшман-ку. Нима айтиб берсам экан?

Д е ҳ қ о н б о й. Шоҳсанамнинг ўзингизга атаб айтган қўшиқларидан «Жон мулла» деган қўшиғини айтсангиз.

Ҳ а м м а. Тўғри, тўғри муроду мақсадингга ет, Ғариб.
Ғ а р и б. Эҳ, бечора ўзи бўлганида, ўзи айтардику-я.
Д е ҳ қ о н б о й. Ўзи ҳам бўлиб қолар, умидвор бў-
линг.

Ғ а р и б. Умидим ҳулкар юлдузидек порлаб турибди.
Майли айтай.

Музыка

Булбули бечорасан гул ишқида фарёд қил.
Ошиқи саргашта бўлсанг, уйқуни барбод қил.
Тинмайин шому саҳарлар дод ила фарёд қил.
Бир иморатсан келиб, ишқ уйини бунёд қил.
Жон муллам, бир замон шул ёримни озод қил.
Бир мулламсан замона шаҳр ичинда бокарам,
Даргоҳингга юз тутиб ёрим висолин истарам,
Бол ўрнига бу фалак оғу ичирди дарду ғам.
Телмириб мисли гадодек ёрни истар Шоҳсанам,
Жон муллам, бир замон шул ёримни озод қил.

Қ а м а р (кириб қувонч билан). Зоҳир акам келаётир,
ташндим, ҳали узоқроқда.

Ғ а р и б. Зоҳир?

Қ а м а р. Ҳа. (Чиқади.)

Д е ҳ қ о н б о й. Зоҳир деганингиз ким бўлди?

Ғ а р и б. Асли қулдан чиққан камбағал бечоралар-
нинг, адолатсизликка маҳкум бўлган мазлумларнинг бо-
нини силаб, ёнини олиб юрган соҳибқирони замона.

Д е ҳ қ о н б о й. Демак, бизлардек аламзадаларга ке-
рак экан-да, дариг.

Ҳ а м м а. Умринг узун бўлсин, Ғариб. Қўлинг дард
кўрмасин!

Д е ҳ қ о н б о й. Чўпон жўралар, бизлар ҳам ҳунари-
мизни кўрсатсак.

Ҳ а м м а. Тўғри, тўғри.

Чўпонлар чўпонлик ҳаётига хос чолгуларини чаладилар ва ўйинига
тушадилар.

Ғ а р и б. Қандай ажойиб санъат-а?!

Б о й кириб келади.

Б о й. Қўйларим бўриларга ем бўлиб ётса-ю, бу ерда
созу томоша, тузим кўр қилғурлар! (Чўпонларни қамчи-
лий бошлайди.)

Э, э ҳали Шоҳ Аббос бадарға қилиб юборган Ғар иб
нобакор бу ерда экан-ку, энди саҳрода ҳам дўмбир~~ан~~г
билан халқни чалғитаётирмисан-а? Ҳа! Гап бундай де-
гин?

Деҳқон б о й. Бой оға. Ғариб эмас, бутун умр б~~ў~~йи
бизларни чалғитиб, хонавайрон қилган сиз-ку! Ғариб
бизнинг юрагимиз.

Ҳ а м м а. Тўгри, тўгри, ҳақ гап.

Б о й. Эҳ-ҳа, сизларда тил ҳам чиқиб қолибди-ку!

З о ҳ и р (кириб бойга). Бўлмасам-чи!

Б о й. Э, ҳали юртни бузиб юрган Зоҳир, сен ҳам шу
ерда экансан-да. Гап тушунарли...

З о ҳ и р. Йўқ-йўқ, мен, сен текинхўр золимга, туш ун-
тириб қўйишим керак. Аблаҳ!

Бойга югуради. Ғариб ва бошқалар қўймайди.

Б о й (даҳшат ичида қўрқади). Хўп-хўп, кўрамиз ким
аблаҳ. Хонга бориб айтаман. (У отини минганча урра
қочади.)

З о ҳ и р. Бор, айт, ўша хонингга айт!

Деҳқон б о й. Жуда рустам йигит экансиз, бора-
калло. Бу бойни тишим билан чайпаб ўлдирсам ҳам
юрагим совумаёйди. Қани энди сенга ўхшаган бир ботир
бўлгандами бу бой билан...

Ғ а р и б. Қани энди кўришайлик, юрагим.

Қучоқлаб кўришадилар, бўлақлар ҳам Зоҳир билан кўришадилар.

З о ҳ и р. Аҳволнинг кўриб эзилиб кетдим, оға йини,
бу не гап?

Ғ а р и б. Хафа бўлма. Зоҳир, халқ бор, кўнг-лим
тўқ — бу машаққатларни мен асло писанд этмайман.

З о ҳ и р. Шундайку-я.

Ғ а р и б. Ўзингнинг аҳволнинг қалай?

З о ҳ и р. Сени навкарлар бу томонга ҳайдаган кун
бизнинг уйни ҳам босдилар, мен чап бериб қочдим. Сени
қўп сўроғладим, бугун тасодифан йўлда Дуржон онани
учратсам, у бу томонни ишора этди. Отамнинг ўлик-ти-
риклигини билмас эдим, унинг ҳам сизларни излаб қум-
да сарсон бўлиб юрганини Дуржон она айтди. Ажабмас,
келиб қолса.

Ғ а р и б. Эй, замона, замона!

З о ҳ и р
(сукутдан сўнг)

Биргина сен эмас ғамга мубтало,
Бўлганмиз барчамиз бир бахти қаро.
Қаерга кўз тиксанг шу ерда зулм.
«Солғут» деб олурлар қолдирмай бир дон,
Машаққат меҳнатни тортади деҳқон.

Б о ғ б о н кириб келади, танивишда.

Ғ а р и б

Келинг, ота, хуш келдингиз, меҳрибон,
Кутган эдик сизни зориқиб шу он,
Қалъадан хабардор бўлсангиз керак.

Б о ғ б о н

Зоҳирни қамашга хон берган фармон.
Шу фармонни бугун қилган у эълон.

Ғ а р и б

Эълон қилган? Сизга буни ким айтди?

Б о ғ б о н

Бу сўзни мўътабар бир одам айтди.
Зоҳир айби — золимга эгмади бош.
Яқин бўлди кимда ҳасрат, кўзда ёш.
Бу қандай бедодлик, бу қандай замон,
Ҳақ сўзни сўзлаган ютса лахта қон.

Д е ҳ қ о н б о й

Жонга тегди бу золим хоннинг жабри,
Битди эди элнинг бардоши, сабри.
Зоҳирни биз золимларга бермаймиз,
Ҳақ йўлидан то ўлгулча қайтмаймиз.

Б о ғ б о н

Илон заҳрини солмай қўймаганидек,
Алимаҳрам, Йўлбузар охун қонга тўймаганидек,
Қонли панжаларини Зоҳирга урган,
Дўзахдек юзини сизларга бурган.
Афсус, афсус!

Д е ҳ қ о н б о й

Ота, бамаслаҳат топайлик тадбир.

Б о ғ б о н

Яхши, ўғлим, аммо буни сақланг сир.
Қалдирғоч олонга гар борса Зоҳир.
Куч тўпласа, жангга бўлсалар ҳозир.

Ғ а р и б

Тўғри тadbир, жуда тўғри маслаҳат,
Бу қароргоҳ маъқулдир бизга албат.

Ҳ а м м а

Оқилона қарор.

З о ҳ и р

Халқнинг қонин зулук каби сўрсалар,
Кеча-кундуз ишлатиб ҳам урсалар.
Ошиқлар айрилса севган ёридан,
Мазлумлар айрилса йўғу борида,
Майли, мен қалдирғоч олонгга боргум.
Халқ учун ҳаттоки, жонимни бергум.

Б о ғ б о н

Ҳаққоний уқибсан ҳаётни, ўғлим,
Сендаги ақлга балли, азизим.
Бою золим бу элда сарбаланддур,
Фуқаро аҳли эрса гамга банддур.
Илм аҳли тополмай юртда иқбол.
Замон қаҳри билан бўлгандир поймол.

Ҳ а м м а

Тўғри, тўғри.

Б о ғ б о н

Қаранг, масжид бўлиб жинойтхона.
Илм-фан уйидан эрмас нишона.
У ерда ёзилур макрли китоб,
Яъники халқ учун бир олам азоб.
Ҳаёт фанларини қилиб қатагон,
Риёкор ишлардан дарс берай эшон.

Ғ а р и б. Улуғ Аллома бораман, деган эканлар, не-
гадир ҳаялладилар?!

Б о ғ б о н. Ҳа, ҳаёлимдан кўтарилибди, золим хон ул
табаррук кишини зиндон қилишга буйруқ берган. Ҳо-
зир Алимахрам навкарлари билан у кишини жон чекиб
қидирмоқдалар.

Ғ а р и б. О, фалак!

З о ҳ и р. Разиллик!

Ҳ а м м а. Эй, буюк ақл эгаси.

Б о ғ б о н

Ўғлим Ғариб, Деҳқонбай, вақт ўтмасин,
Келиб хон одами Зоҳирни тутмасин.
Кузатайлик Зоҳирни маҳфий йўлдан.

Д е ҳ қ о н б о й

Мадад берай мен ҳам не келса қўлдан.

З о ҳ и р

Дехқонбой, сиз бўлинг бу ерда ҳушёр,
Қалъа аҳволидан бўлинг хабардор.
Не гап бўлса дарҳол менга етказинг,
Ғариб, Санам аҳволидан ҳам ёзинг.

Д е ҳ қ о н б о й

Бўлинг хотиржамки биз бунда бормиз,
Улуғ мақсад сари биз сизга ёрмиз.

З о ҳ и р

Адолат нури зулматларини енгай,
Зулм тахти қулаб, эл бахти қулгай.
Хайр, дўстлар саломат.

Ғ а р и б

Хайр, дўстим, омон бўл, чекма кулфат.

Ҳамма Зоҳирни кузатиб чиқади. Ғариб ва бошқалар
қайтиб киради.

Ғ а р и б

(бир оз сукутдан сўнг Дехқонбойга)
Азиз дўстим, нечун бахт бизга боқмас,
Нечун рост сўзласанг золимга ёқмас.
Жаҳонни қоплаган зулматли тунлар.
Наҳотки ўтгуси шу тарзда кунлар?

Музыка

Эй, оғалар, Санамхоннинг дардидаи
Кеча-кундуз оҳу афғон айларам.
Оқшомлар ётмайин то субҳ, ўлгунча,
Мажнун каби чўлда сайрон айларам.
Ишқ душманини бу оламдан қувсалар,
Ҳар бирини йўқлик сари отсалар.
Ҳар кишининг ўз севганини берсалар,
Санамни жонимга минг жон айларам.

Д е ҳ қ о н б о й

Чиндаш мумкин эмас энди зулмга,
Борамиз эрк учун ҳатто ўлимга!

Алимаҳрам, Оллопазар, навкарлар кирадилар.

О л л о п а з а р

Жамоат жам экан бу жойда, тақсир.

А л и м а ҳ р а м

Демак, ҳазратимиз қилмаган хато,

Бунда ҳам бошлабсан говға — можаро.
Бутун нонкўрларни қилиб жамулжам,
Ҳазратга адоват, оғзингда Санам.
Боғлаларинг уни!

Ғ а р и б

Тўғри деб берасиз паст ишга фатво,
Ҳақдан ким гапирса, берасиз жазо!
Биринг уламосиз, биринг амалдор
Ва лекин ишингиз элни қилмоқ хор!
Сизнинг дастингиздан бутун бир авлод,
Зулмингиз туфайли кўтармоқда дод!
Бўз тўқиб тўлар эл фитр ва солғут,
Сизлар маишатда, олтиндан зийнат.
Яна эл бошига соласиз кулфат!

А л и м а ҳ р а м

Олиб чиқ!

Навкарлар Ғарибни боғлайдилар.

Д е ҳ қ о н б о й

Ғариб қўшиқ айтиб бўлгандир машҳур,
Эл ҳам Ғариб билан ҳар они масрур.
Халқнинг юрагидир у айтган қўшиқ,
Шунинг-чун элда у севилган ошиқ.
Шунинг учун хўрлади уни Аббос хон.
Ғарибу Санамга берурмиз мадад.
Адолат йўлида бўлсак-да, минг гард.

А л и м а ҳ р а м. *(Ғазабда, Деҳқонбойни қамчилайди).*
Мана сенга гард!

Ойлар бегим ва Қамарлар киради. Изтиробда.

Музыка

О й л а р Б е г и м

Ғурбат билан боққан ёлғиз боламини,
Эй, золимлар, қайга олиб кетарсиз?
Юрак-бағрим, кўнглим, қўзим, дилимни,
Эй, золимлар, қайга олиб кетарсиз?
Азиз онанг, ожиз синглинг қон йиғлаб.

Қ а м а р

Сенинг учун юрак-бағрини тиглаб,
Қамар айтур икки қўлнингни боғлаб
Оға, сени қайга олиб кетарлар?

Ғ а р и б

Йиғламанг, азизлар, фиғон айламанг,
Сарғайтиб юзларни самон айламанг.
Ҳижрон хазонида сўлдирманг юзни,
Жудолик ёшига тўлдирманг кўзни.
Бу йўлда турса-да баланд-баланд гов,
Қаддимни буколмас ҳар қандайни ёв.

Ғарибни навкарлар куч билан олиб чиқиб кетадилар.

Қ а м а р. Оҳ, Зоҳир, Зоҳир, агар сен бизнинг бошимизга тушган бу янги мотамсароликни кўрганингда хуну бирён йиғлардинг. Йўқ, йўқ, йиғламасдинг, балки зўрликка қарши бошингни қилич дамига тутардинг. Ҳа, шунақа, буни мен сендаги муҳаббат туғёнининг оташ қайноғидан деб биламан. Тўғри, ҳали иккимиз ўртамингдаги муҳаббат дарёсининг қандай тўлқин ураётганидан ҳеч ким воқиф эмас. Майлига, ҳозирча сир тура турсин. Сенинг ҳар бир нигоҳингда менга бўлган муҳаббатингнинг бир олам маъносини ҳис этаман.

Қ а м а р

Музыка

Бахтнинг боғи учун сайри гулистоним керак,
Чунки васфин айладим, оламга дostonим керак.
Мақсадим будур менинг дунёда жононим керак,
Севги боғим саҳнига ул боғда богбоним керак.
Гул очилмиш навбаҳорим, лола бўстоним керак.
Зоҳирим жондан азиз у дилда девоним керак.

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

ТҮРТИНЧИ ҚҰРИНИШ

Мевазор боғ ва гулзор. Булбуллар сайраган. Дарахтлар орасидан Амунинг жўш уриб турган тўлқинлари кўриниб туради. **Ғ а р и б** ёлғиз.

Музыка

Ғ а р и б

Ғурбат бўлди ўтган кунлар,
Буколмади қаддим менинг.
Ёр ишқида ёнган тунлар,
Енг олмади кўнглим менинг.
Айлади хоп ватангадо,
Бошга солиб минг хил жафо.
Ғам даштида айлаб адо,
Буколмади қаддим менинг.
Ватанимга келдим қайтиб,
Шодлигим зўр, отим Ғариб.
Зулм қилса-да, ул шум рақиб,
Буколмади қаддим менинг.

Д е ҳ қ о н б о й

(кириб)

Дўстим Ғариб, бу кун йўл юрдик анча,
Энди ухлаб ором олгин сен пича.
Тонг отгунча ҳали бордир вақтимиз.
Сўнгра йўлни Зоҳир сари олурмиз.

Ғ а р и б

Яхши, дўстим, ухлаб олай, дам бир оз,
Тун ҳавоси, пок нақадар кўркем — соз.

Ғариб уйқуга кетади, туш кўради. Деҳқонбой атрофни қидиргани

кетади. Ғариб тушида Санамнинг боғида пайдо бўлади. Санам билан учрашади. Санам Амуга қараб ашула айтиб турган бўлади.

Ш о ҳ с а н а м

Музика

Қайғу давонини тутатиб, ошиб,
Амударё, сендан Ғариб ўтдимми?
Менинг учун ҳажр ўтига тутаниб,
Жўшқин дарё, сендан Ғариб ўтдимми?
Тоқатим йўқ бунда ёрсиз бўлмоққа,
Отам билса келур жоним олмоққа,
Шинкаста ҳолимдан хабар олмоққа,
Амударё, сендан Ғариб ўтдимми?
Ишқ йўлида бўлган зору саргардон,
Фарҳод каби гам ичида бағри қон,
Мажнун каби маскан қилган биёбон
Жўшқин дарё, сендан Ғариб ўтдимми?

Музика

Ғ а р и б

Дўстлар, бир сурати зебоя ошиқ бўлмишам,
Сочи сумбул, юзи гул ҳуроя ошиқ бўлмишам.
Эл ичида мисли беҳамтоя ошиқ бўлмишам,
Лаблари қанду асалдур, шадду шакар сўзлари,
Қасд этиб олган менинг жонимни жаллод кўзлари,
Мен ғариблик шомида ул оя ошиқ бўлмишам.

Ғариб билан Санам кўришади.

Кеча-кундуз ҳижрон ўти дардида,
Менинг учун қон йиғлаган, Санамим.
Ғам дардида юраклари қон бўлган,
Менинг учун ҳайрон бўлган, Санамим.

Ш о ҳ с а н а м

Мен бахти қарога сен ҳам ёр бўлиб,
Менинг учун қувғин бўлган, Ғарибим.
Кеча-кундуз маломатга ёр бўлиб,
Менинг учун сургун бўлган, Ғарибим.

Ғ а р и б

Азиз бошинг савдоларга соташди,
Уни кўриб менинг юрагим жўшди.
Султоплик онларинг ёдима тушди
Менинг учун қон йиғлаган, Санамим.

Шоҳсанам

Ғарибларнинг иши шоҳлардан битмас,
Ошиқ бўлган маъшуқини унутмас,
Жафо тортмай ошуқ-маъшуққа етмас,
Санам учун қувғун бўлган, Ғарибим.

Ғариб

Сени кўрдим юрагимдан кетди дард.
Жўш урдим дарёдек ўзим сарбаланд.
Заҳар эди ошим бўлди асал-қанд,
Ғариб учун қон йиғлаган Санамим.

Шоҳсанам билан Ғариб бир-бирига яқинлашмоқчи бўлганда аждар
пайдо бўлади, иккисига ҳамла қилади. Шунда чироқ ўчиб ёнганда
Ғариб ўз ўрнида ётган бўлади. Ғариб уйқудан сесканиб туриб,
тушидаги Санамни ахтарди. Деҳқонбой киради.

Ғариб

Дўстим, ҳозир кўрдим жуда ёмон туш,
Санам ўзин ташлади менга беҳуш.
Қани тезроқ у манзилга етайлик.
Санамни ғурбатдан халос этайлик.

Ғариб билан Деҳқонбой кетishга ҳаракат қиладилар.
Ғариб куйлайди.

Ғариб

Ҳусни мулкида Санамдек подшоҳ оламда йўқ,
Эшигида мен каби бўлган гадо оламда йўқ.
Куйи ичра мунгли, ожиз мен кабилар беҳисоб,
Қим алар ичра ўзимдек мубтало оламда йўқ.
Қайгу ҳасрат, ғаму кулфат, дарди меҳнат шеваси,
Барчасини ўзимда кўрдим бир бало оламда йўқ.
Олам ичра мен каби мажруҳ гадолар бўлмаса,
Сен каби хотам сифатлик подшо оламда йўқ.
Сен, Ғариб, ҳолу дилинг арз айла жонон олдида,
Ошинолар ичра онингдек ошино оламда йўқ.

Парда

БЕШИНЧИ КҮРИНИШ

Воқеа Шоҳ Аббоснинг ҳарамларидан бирида ўтади. Санамнинг Шоҳ
Валадга узатиш, безантириш пайти, Сарой хонимлари ва

к а н и з л а р С а н а м б и л а н о в о р а . С а н а м қ а т т и қ а з о б д а
талпынади.

Музыка

Ш о ҳ с а н а м

Не учун бу ҳолатимда ёри жонон келмади,
Неки жонон ул манга ким, таи ора жон келмади.
Қанча йиллар бу азоб заижирида ўтди умр,
Ёки ваъда қилганидан ул пушаймон келмади.
Билмадим, бахти қаролик бир-ла ўтгайми умр,
Мунтазир эрдим анга мей меҳри эҳсон келмади.
Мен бу кун мотамзада гирдобига бўлдим асир.
Не учун қутқаргали у марди майдон келмади.

Санамнинг онаси Султон бегим киради.

Султон Бегим

Тақдирда бор экан шундай ҳол, қизим,
Муштипар онагни кечир, азизим.
Қўлимдан не келар, йўқ, менда ҳуқуқ,
Вазифам шу экан айтмоқлик қуллик.

Ш о ҳ с а н а м

Шоҳ Валадга теккандан ўлимдир афзал.

Султон бегим кўз ёши билан чиқади.

А қ ч а к е л и н

Ҳали ҳам умид бор сўнгги нафасдан,
Балки қутуларсиз бу ҳам қафасдан.
Ўзин тутинг, умидсиз шайтон.

Д у р ж о н о н а

Ҳали ҳам фурсат бордир, маликам.

Ш о ҳ с а н а м

Оҳ, бўлса эди ўшандай бир дам.

Пўлбузар охун киради.

И ў л б у з а р о х у н

Таклиф қилур тақсири олам!

(Чиқиб кетади.)

Д у р ж о н о н а

Ҳозир чиқур тўйхонага, маликам.

Қизлар ёр-ёр айтиб Санамни олиб чиқадилар.

Музыка

Ҳ а м м а

Хусн элининг подшоси Санам эмиш ёр-ёр,
Ишқ элининг зиёси Санам эмиш ёр-ёр.
Сабо билан субҳидамда гул очилур ёр-ёр,
Сўзлаганда лабларидан дур сочилур ёр-ёр.

Парда кўтарилиб, тўйхона кўринади. Қанизлар Санамни тўйхонага киритиб Шоҳ Валад ёнига ўтқазадилар, шу вақтда навкар кириб, Алимаҳрамга нимадир шивирлаб чиқиб кетади.

Алимаҳрам. Ё ҳазрат, Аллома ҳақидаги фармонингизни кутгандан ҳам ортиқроқ шараф билан адо қилинганлиги ҳақидаги хушхабарни сиз жаноби олийга арз қилиш шарафига муяссарман.

Шоҳ Аббос. Хўш, хўш?

Алимаҳрам. Аллома бошидан жудо қилинди, жудо!

Шоҳ Аббос. Алимаҳрамга юз тилло пул, юз таноб ер мукофот берилсин!

Алимаҳрам. Қуллуқ илтифотларига.

Оллоназар. Тўйга бахшилар келди, подшоҳим.

Шоҳ Аббос. Кирсин.

Тўй рақсидан сўнг Ғарибни Дехқонбой билан бошлаб кирадилар.

Алимаҳрам. Энди навбат бахшиларга.

Ғариб

Огалар, тун кеча узоқ ерлардан,

Бир ёр савдосига тушдим-да, келдим.

Айб айламам, дўстлар, мени келди деб,

Бир ёр савдосига тушдим-да, келдим.

Онов куни келдим оралаб элга,

Сирим билдирмадим бегона дилга.

Барча тўсиқлардан ўтдим-да, келдим.

Дилбарим, қурбонман қадди бўйинга,

Созимни кўтариб келдим тўйингга.

Алимаҳрам. Қани, раққосалар, маликамиз Шоҳ-санамнинг севган қўшиқларидан бирини айтинглар-чи!

Раққосалар хор билан рақс қиладилар.

Музыка
(Хор)

Кўрмадим оламда сендек бир ажиб, барно йигит,
Балки йўқдир жаннат ичра сен каби, якто йигит.
Ақли идрок оламида сен ўзинг якто магар.
Фазли фан дарёсидек жўшқин ажиб, мулло йигит,
Шоҳсанам ҳижронинг ичра зор саргардон эрур.

Ғариб ўртага тушиб куйлайди.

Музыка
Ғ а р и б

Ёрим берган оқ рўмол,
Сени қайга қўяйин мен.
Богдан қизил гулни узиб,
Қирмизига бўяйин мен.
Ёрим жабр айламанг бизга,
Сиёҳ зулфин тўсма юзга,
Сени бермам юз минг қизга,
Туш ёнимга, қучайин мен.
Юздан ниқобингни олиб,
Қуйдирма ёрим уялиб,
Сенинг билан бирга бўлиб,
Жамолингга тўяйин мен.

Д у р ж о н о н а. Маликам, маликам, бу Ғариб-
ку, фақат бетида ниқоб, танидим!

Ш о ҳ с а н а м
О, фалак!

Музыка

Бу фалак сийнамга қўйди неча турли доғлар,
Нолишимга тўзмайин кўчди ерийдин тоғлар,
Бўлди вайрон юз ҳавас бир-ла тузалган боғлар,
Кетди булбуллар, қолиб гулшанда ўйнар зоғлар,
Қолдиму, дўстлар, яна ман чекмаган дарду бало,
Ўтга ёнсам бир киши қайғурмади бечора деб,
Демади ғам остида қолди Санам аввора деб,
Тиғ ҳижрон бир-ла бўлди бағри пора-пора деб,
Қўймади малҳам биров бутгай бу бўлган яра деб,
Қолдиму, дўстлар, яна мен чекмаган дарду бало.

Ғариб ниқобни олиб ташлайди.

Ғариб эдим кал қўйдилар отимни,
Қимга айтай сийнамдаги додимни,
Паризотим, сен эшитгил додимни,
Менга сен ёр керак, дунё керакмас.

Алимахрам, Йўлбузар охун Ғарибни танийдилар.

А л и м а ҳ р а м

Энди йўқдир сенга қутулмоқ, қочмоқ,
Номингни кал қилиб элни алдамоқ.
Арқони давлатга етказдинг путур,
Шоҳни сен айладинг ғоят беҳузур.

Ғарибни тутиб боғлайдилар.

Йўлбузар охун. Ниҳоят қўлга тушди бу мур-
тад. Ўлгиси келган эчки чўпон таёғига суйканади, деган
нақл бор-да. (*Қаҳ-қаҳ уриб кулади.*) Тўй устига тўй...
Ҳи-ҳи.

Ш о ҳ А б б о с

Бугун наврўз сайил халқ сайилда,
Буни элтиш шу онда-ю, шу зайлда.
Тикилсин майдонда уч оғочлик дор,
Осилсин дорга бу шаккок нобакор!

Ғарибни олиб чиқадилар. Дуржон она унга ташланади.

Ғариб. Санам!

Шоҳсанам. Ғариб!

Алимахрам Дуржон онанинг ёқасидан тутиб.

А л и м а ҳ р а м

Қўлдан ҳам бор эди шубҳа, эй, хоним,
Дуржон кампирдан эди гумоним.
Шу ерда кузатдим мен бу кампирни,
Билай деб ундаги бўлган ҳар сирни.
Мен сизни бир куни қилгандим огоҳ,
Хотирга олингиз сиз, эй, улуғ шоҳ.

Й ў л б у з а р о х у н

Демак, у Санамни Ғарибга қўшган,
Шафқат этган, шоҳим, сизни алдаган.

Шоҳ Аббос

Сенинг айтганларинг барн чиқди рост,
Шу замон олиб бор, дорга уни ос.

Дуржон камширин боғланга шитиледилар.

Дуржон она

Мен кўшдим оларни, далолат этдим,
Сизларга золимлар, адоват этдим.
Менинг кўкрагимга ханжар суққан сен,
Менинг ҳаётимга заҳар сочган сен.
Эзгу ифратимни ҳақорат этган.
Шарманда айлаган, маломат этган,
Сен, сен мана мен, ос, дорингга ос!
Ҳали бу нишингга бергунг сен жавоб,
Тожи тахт, амалнинг бўлгуси хароб.

Шоҳ Аббос

Бас, бас, бажарилсин фармон!

Деҳқонбой

(Ўз-ўзига)

Огоҳ айлай бу ҳолдан Зоҳирни жадал,
Не ўтганин баён қилай муфассал.

Деҳқонбой чап бериб, зудлик билан кўчага отилади. Алимаҳрам ва наварлар Дуржон камширни судраб олиб чиқади, тўс-тўнолон, Шоҳ Валадни Шоҳ Аббос ичкарига таклиф қилади, ҳамма ҳаяжон ва заросимада ичкари юради.

Нарда

ОЛТИНЧИ ҚҰРИНИШ

Воқеа сахна олдида бўлиб ўтади. Зоҳир бир тўда йиғитларни билан суҳбатлашиб туради. Деҳқонбой кути ўчган ҳолда киради.

Зоҳир. Э, қасрдан чиқдинг дарағинг бўлмай кетсан эди, не фалокат юз берди?

Деҳқонбой. Ёмон бўлди, ёмон!

Зоҳир. Хўш, хўш?

Деҳқонбой. Сен ва отанг кетганидан кейин Ғарибнинг чайласини Алимаҳрам босди. Ғарибнинг қўлоғини занжирлаб олиб кетди. Бахтга қара!

З о ҳ и р. Ҳа-ҳа.

Д е ҳ қ о н б о й. Худди ўша пайт қум бўрони кўтарилиб, осмонни туман босаётган эди. Сал вақтдан кейин бўрон кучайиб, ҳамма ёқни зулмат босишини сездим-да, мен хон навкарлари орқасидан кўришар-кўринмас кетдим. Уйлаганимдек, бўрон авжига минди, саҳро-ни зулмат босди, даҳшатли бўрон ва қоронғиликка тоб бера олмаган хон навкарлари йўлни йўқотиб ҳар томонга қочиб қолибди. Қулоғимга бўғиқ овоз эшитилди, яна ўша овоз, қарасам, Ғариб. Уни бўрон зарби билан бархан босаётган экан.

З о ҳ и р. Кейин-кейин?

Д е ҳ қ о н б о й

Бошларига тушди яна бир офат,
Ғарибни шу зайл келтирар эдим.
Хабардор бўлгандек Ғариб бир сирдан;
Бошлади мени ҳам қўймай ҳолимга.
Жавоб ҳам бермади бир саволимга,
Саройда бошланибди Санамга тўй,
Бу ҳолда Ғарибни чулғаб олди ўй.
Қисқаси кал бўлиб кийинди Ғариб,
Ёнида ман бўлиб созанда-адиб,
Санамнинг тўйига кирдик иккимиз.

З о ҳ и р

Қисқа қил! Сўзлама кўп сўз ўринсиз.

Д е ҳ қ о н б о й

Ғарибни шу ерда тутдилар боғлаб,
Ҳаттоки сўзлатмай бир оғиз ҳам гап.
Эртага сайилда осмоқчи дорга.

Б оғ б о н қўлида ҳасса, эзилган, ҳолдан толган кириб келади.

З о ҳ и р. Отажон! (*Қучоқлайди.*)

Б оғ б о н. Сабр қил, болам, сабр. Бир оз нафасимни ростлай, ҳолдан толдим, болам.

З о ҳ и р. Хўш, нима гаплар, ота?

Б оғ б о н. Сўраб нима қиласан. Ҳовли талон-торож қилинди, мен қочқинман, орқамдан навкарлар изғиб юрибди. Кеча Алломани қатл қилганлар.

Ҳ а м м а. Водариг!

Б оғ б о н. Ғарибнинг аҳволи қандай экан?

З о ҳ и р. Ҳозир Деҳқонбой билан гап Ғариб ҳақда эди, Ғарибни дорга осмоққа хон фармон берибди.

Б о г б о н. Фармон? М,м,м, ўғлим Зоҳир, агар ота
риъоси бўлсин десанг, Ғарибни қутқаришга бел боғла,
Ғарибни! Чунки Ғариб муҳаббат куйчиси-ку, шунинг
учун Ғарибни қутқаз! Ғарибларни қутқаз, сен ота фар-
монди, бўл, бағрим!

З о ҳ и р. Биродарлар, энди фурсатни қўлдан бой бе-
риб бўлмайди. Сизлар бориб одамларнингизни тўпланг-
лар. Туш ичи йўл юрмасак мақсадга эришолмаймиз. Ҳо-
зироқ сафарни бошлашимиз керак. Зулм занжирларини
узмаганимизча, жафо даргоҳини бузмаганимизча, кўтар-
ган соғатимиз қўллардан тушмас, қўллардан тушмас.

Ҳ а м м а. Қўллардан тушмас.

Зоҳир — дебон, Деҳқонбой ва қуролдилар шошилиш йўл оладилар.
Чироқ ўчади.

Напрўн сайрами, сайилгоҳ орасталаingan. Бозор, савдо-сотиқ, сайил-
гоҳ, бир чеккасида олма отини ва ҳайичак учини майдончаси, со-
лида, гўянда, масхарабоз, қиз ва йигитлар тарафма-
тараф саф тортишган.

Б и р и н ч и қ и з

Пўришжаға от юбордим есин деб,
Қаро кўзга хат юбордим келсин деб.
Тугор ойининг ўн бенига келмаса,
Балли қулли жавобимни берсин деб.

И к к и н ч и қ и з

Шоҳи рўмол манглайимга ботади,
У на бола билағимдан тортади.
Олгани йўқ, бергани йўқ, онажон,
Нечун манга кўзингдан, деб айтади.

У ч и н ч и қ и з

Қора тонқа қўйдилар,
Қайнамасин дейдилар.
Қари чолга бердилар,
Йирамасин дейдилар.

Қ и з л а р

Инак камзулининг кийиб келдингми,
Мен истаганимни билиб келдингми,
Сенга буюрганм бир зарли тахё,
Сўзимни сийдирмай олиб келдингми?

Ҳ а м м а

Бизни алашганининг олдига келгай,
Ошиқлик бошига туниганда билгай.

Қ и з л а р

Ойнада дурвадим сочимни ўриб,
Юрагим тўкилди бўйини кўриб,
Кеча-кундуз ҳижронида йнглаймап.
Нечук ўнгишади менингсиз юриб.

Саратонда салқин дарё қайнайди,
Йўлларингга қараб кўзим яйрайди.
Қунда келинг десам қўлим тегмайди,
Келмай туринг десам кўнглим бўлмайди.

Ҳайинчалак учини ва олма отиш давомида Ойлар бегим қизи
билан кўр ҳолатда куйлаб кирадилар.

Музыка

Ойлар Бегим

Ҳаётим тор-мор бўлган дилу жонимни истарман,
Умидим боғу бўстоники — бўстоникини истарман.
Ҳаловат қолмайин тапда, бу бошим қолди мотамда,
Йиқилганда суянмоққа ки дармонимни истарман.
Сўроқлаб шаҳри саҳролар эшиклардан эшикларга,
Бу ожиз ҳолатимда жонга имконимни истарман.

Ғ а р и б

Опа, онажоним, мен Ғарибман.

Музыка

Ойлар Бегим

Тоғлар оҳимдан тумандир,
Болам, сендан айрилгандан.
Ҳардам ишим фиғондир,
Болам, сендан айрилгандан.
Ойлар бегим менинг отим,
Юракда ёнар ўтим,
Кўрар кўзим кўрмас бўлди,
Болам, сендан айрилгандан.

Музыка

Ғ а р и б

Ғам билан бошланди тунлар ёшлик айёмида,
Заҳри қотил тутди бизга бу фалак ўз жомидан.
Ғунча очтирмай хазон урди баҳорнинг фаслида,
Тухфа айлаб бизга маскан зўр асорат шомидан.
Зулм-фитна пеша бўлди давр элига, эрта-кеч,
Зўр адоват оташида маҳрум эл оромидан,

Майлига, қилсин фалак жабри жафосин беҳисоб.
Ҳақ йўлида қайтмагай асло Ғариб ўз помидан.

Музика

О й л а р Б е г и м

Узоқ ердан келган, азиз меҳмоним,
Боламга менгзайди овозинг сенинг.
Тез хабаринг бергин, чиқмасдан жоним,
Ўғлимга ўхшайди овозинг сенинг.
Мажолим кетибди, ҳолим кетибди,
Давлатим кетибди, молим кетибди,
Ғарибжоним менинг — ўғлим кетибди.
Боламга ўхшайди овозинг сенинг.

Шоҳ Валид, Шоҳ Аббос, Пўлбузар охун, Алимах-
рам ва Алиҳайдарлар киради.

Ш о ҳ А б б о с

(ғазабда)

Не осмайин турибсиз таёқдек,
Гўё тентак, тентираган аҳмоқдек.
Пўлбузар охун
Дину шариятга бўлмаган иқдор,
Демак. Ғарибгадир жазо, ўлим, дор.
Ғариб солди элни бу можарога,
Шунинг учун маҳкум ул олий жазога.

Халқ ҳазинқилинади, Ғарибни дорга судрайдилар.

Ғ а р и б

Пигламанг, азизлар, фиғон айламанг,
Саргайиб юзларни самон айламанг.
Ҳижрон хазонида сўлдирманг юзни,
Пигламанг, азизлар, фиғон айламанг,
Ойнинг ўн беш куни бўлса қоронғу,
Ҳи беш куни бўлгуси равшану ёғду.

Ш о ҳ А б б о с

Берманг анга гапирмоққа ҳеч имкон,
Осмоқ учун солинг бўйинига арқон.

Чопар ҳовлиқиб киради ва Шоҳ Аббос оёғига ўзини ташлайди.

Чопар. Шоҳим, шоҳим!

Ш о ҳ А б б о с *(ғазаб билан)*. Хўш-хўш!

Ч о п а р

Чимбой, Қўнғиротдан печа беимон,
Тошовуз Шовотдан бир печа подон,
Қисқаси, саноқсиз талай оломон,
Юриш айламишлар бу ерга томон.

Ш о ҳ А б б о с

Ким экан бу ҳолларга бош қўшган йўлчи,
Нега қотиб қолдинг, аблаҳ, номини айт-чи?

Ч о п а р

Боғбоннинг ўғлидир, у Зоҳир бадкор,
Ғарибга сирдошдир. Ғарибга ҳамкор.
Улар подонларни йўлдан оздириб,
Сиза қаршиликка айлади қарор.
Аскардан қолмади биронта одам,
Қирдилар, барини, биз тутдик мотам.

Ш о ҳ А б б о с

Алимахрам, солингиз лашкарни ишга,
Отланинг Зоҳирни ҳам тутишга.

А л и м а ҳ р а м

Тўхтанг, шоҳим, қани, лашкар, қани, от?

С а н а м Алимахрамнинг олдидан тўсиб чиқади ва қилч тортиб
ўлдирди. Ш о ҳ л а р, о х у н л а р қочадилар. И б о д ч о л жаллод
бўйишга сиртмоқ солади, жанг бўлади. Д е ҳ қ о н б о й, б о г б о н ва
б о ш қ а л а р қалъа ичига ёриб кирадилар.

Деҳқонбой Йўлбузар охун ва бир аскарни тутиб келтиради.

Д е ҳ қ о н б о й

Душман қочди тумтарақай тартибсиз,
Аспр бўлди бу побакор имонсиз.

Б о г б о н

Шу одамдир Ғарибни ғамга отган,
Шу одамдир ватанни пулга сотган.

Д е ҳ қ о н б о й. Беринг бу муттаҳамни ўз қўлимга.
З о ҳ и р. Халойиқ номидан ҳукимим...
Х а л қ. Ўлимга!

Б о г б о н

Ғариб ва Шоҳсанам етди мурода,
Хону беклар ҳеч қолмасин дунёда,
Халқнинг бахти кулсин, ҳаддан зиёда.

О й л а р Б е г и м
Юрагимда ҳеч қолмади армоним,
Ғарибу Сапамга етишди жоним,
Узоқ яшанг, бахтлар сизга ёр бўлгай,
Ҳар босган изингиз бир баҳор бўлгай.
Зоҳиржон! Зоҳиржон!

З о ҳ и р л а ш к а р л а р н и а с и р о л и б , ҳ а й д а б к и р а д и .

З о ҳ и р
Мана мен, она!

Кўришадилар.

О й л а р Б е г и м
Болагинам!
Қамарни айласак Зоҳирга пайванд,
Ҳ а м м а
Маъқулдир минг карра, бу тадбир харчанд.

А с и р л а р н и о л и б ч и қ а д и л а р .

Ғ а р и б
Халқдан миннатдорман, Зоҳирдан албат,
Қозонди ғалаба юрак, муҳаббат.

Б о ғ б о н
Ҳали йўлларда бор тоғлар каби ғов,
Ҳар қадам босганда учрайди кўп ёв.
Тўпланинг курашга ва бўлинг олов,
Золимга бўлингиз мутлоқ бе аёв.

З о ҳ и р
Токи умид гулин урмасин ҳазон,
Токи баҳор бўлсин, озодлик замон.
Бўстонга айлانسин чўлу биёбон,
Тезроқ насиб бўлгай ўшандай даврон.

Б о ғ б о н
Шоҳ Аббос, Шоҳ Валад бўлди шармисор,
Фақирлар муроди топсин барқарор.

З о ҳ и р
Золимлардан оламиз қасос,
Бунинг учун қўлда бор асос.

Ҳ а м м а
(қиличларини баланд кўтариб)
Асос ва қасос!

Парда ўйин охирида тушади, китоб ичида бахши куйлайди, парда орқасидан ҳамма кўтаринки руҳда. Қўриниб туради.

Парда

МАВЛОНО ОГАҲИЙ

Музикали драма

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Огаҳий — шоир, таржимон, тарихшунос.
Хуснидил — Огаҳийнинг севгилиси.
Гулхон — Огаҳийнинг синглиси.
Қулаҳмад — Хуснидилнинг отаси.
Темур — Қулаҳмад яқини, деҳқон шоир.
Хафиза хола — Хуснидилнинг аммаси.
Бисмилло — Қулаҳмаднинг иккинчи хотини, Назмийнинг синглиси.
Назмий — шоирлар сардори.
Қаъбайи — вазири акбар.
Хон (*биринчи*).
Хон (*иккинчи*).
Масхара — халқ вақили.
Дилкаш — сирдош, Огаҳийнинг хаттоти.
Комил Хоразмий — шоир.
Амалдорлар, қиз-йigitлар, халқ.

ПРОЛОГ

Саҳна олдида жарчилар пайдо бўлади.

Ж а р ч и л а р

Ҳой одамлар!
Богда битган бодомлар!
Эшитмадим деманглар.
Хоразм тахтида янги хон —
Шон-шавкат эгаси — Олло Қулихон.
Маросим бошланмиш. Эгалланди тахт.
Халойиқ, марҳамат, топгусисан бахт.

Карнай чалиб чиқишади. Аста-секин парда кўтарилади. Тантанавор
музика — «Хон чиқар» куйи янграйди. Тахтда хон ўтирибди,
зиналарда аъёнлар. Ўйин тўхтайди. Хон мамнун.

Хон. Каъбай... *(Имо қилади.)*
Каъбай (хонга). Шоир оғаси ҳузурингизда...

Назмий чиқиб таъзим қилади.

Каъбай. Амири шуаро, подшоҳ аъзамнинг Хива
тахтига қарор топганлари мадҳи саноси учун ашъори
зариш-ла муборакбод этинг.

Назмий

*(икки букилиб бориб, хоннинг этагини ўпади-да,
ярим куйлайди)*

Тахтингиз муборак, эй, шоҳи жаҳон,
Сиз учун фидодир бу таъзимла жон.
Меҳрингиз нуридан бўлиб баҳривор
Қалбимиз бўлғуси мангу муаттар.
Зўлм этсанг — билурмиз адолат, дея,

Қаҳр этсанг — англармиз саодат, дея.
Нўҳ умрин тилармиз, сизга, хоқоним,
Соғ бўлинг, соғ бўлинг; соғ бўлинг доим!

Ҳаммада жонланиш. Хон бепарво.

Хон. Билишимча, шоирлар ичида энг истеъдодли,
ёш алломаи замона ўлтурмиш...

Қаъбаий. Назмимиз қуёши...

Хон. Назм оламининг гавҳари — Муҳаммадризо ми-
роб Эрннёзбек ўғли...

Назмий. Огаҳий?..

Хон. Ҳа. Огаҳий...

Назмий. Шундай зот бор, хоқоним... Мана ўзлари...

Огаҳий ўртага чиқиб таъзим қилади.

Қаъбаий. Улуғ хонимизга айтгулик маснавингиз
борми, шоир?..

Огаҳий
(қуйлайди)

Битдим шеър уч юзу йнгирма сатр,
Хонларга дастурдир у бутун аср.
Аларни мармарга зийнат қилдим мен,
Тақдимни ҳазратга журъат қилдим мен,
Гар рухсат олийдан бўларкан нигоҳ.
Топширмоқ ҳазратга эрди муддао...

Хон унинг шижоатига ҳайрон қолади. Сўнг «майли» дея ишора
қилади.

Қаъбаий. Олий ҳазратнинг рухсатлари бўлди, мар-
ҳамат.

Огаҳий Қулаҳмад ва Темур кўмагида мармар тошни хонга келтириб
тутади. Хон мамнуният билан тошни олиб, ёзувчиларга кўз югуртади.
Жиддийлашади. Суюнади. Сўнг пастга тушиб, зинада турган Огаҳийни
бағрига босади. Огаҳий устидан олтин тангалар сочилади.

Ҳамма Огаҳийни табриклайди.

Ҳамма. Яша, ёшулли. Яша, ёшулли!

Хон. Менинг Масхарам, бормисан? Шундай шоднё-
нада нафасинг ўчгани нимаси? Буёна гал.

М а с х а р а. Дойи, мен ўламан — сиз айриласиз, сиз ўласиз — мен айриламам.

Х о н. Нафасинг кўкнорихонага урсин, Масхара!

М а с х а р а. Дойи, энди ўзингизга келдингиз. Тахтга тирпоғиниз илишуви билан манавилар (*Назмийларни кўрсатиб.*) қора булутдек атрофнингизни ўраб олишди. Биздақа пони қоқларга буларни оралаб, сизни муборакбод этмоққа йўл бўлсин.

Х о н. Лофга жуда устасан-да, Масхара, ҳой, йўл беринглар! (*Масхарага йўл берадилар.*) Қани, гапир, сенга маъқулми бу ишлар?

М а с х а р а. Маъқул дойи, маъқул. Ҳамма иш узукка кўз қўйгандай силлиқ, аллома. Аммо... Огаҳий бошидан тилла сочилди-ю, шоирлар оғасининг бурнидан қурт ёғиб қолди. Хуллас, ер ёрилмадики, Назмий кириб кетса.

Х о н. Масхара. Жим бўл!

М а с х а р а. Охири бахайр бўлсин дойи.

Чироқ ўчди.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ ҚҶРИНИШ

Бог. Орқадан анҳор оқиб ўтади. Чиғириқ ишлаб турибди. Катта кўза кўтарган Ҳуснидил паст-баландликлардан юриб, куйлаб кириб келади. Ва шийпон ёнига келиб тўхтади.

Ҳуснидил

Эй париваш, очма юз, ишқ аҳли шайдоланмасун.
Мандин ўзга ҳеч ким ишқингда расволанмасун.
Айлагил қаддинг ниҳолин жилвагар бог ичра ким,
Сарв раъноланмасун, шамшод зеболанмасун.

У ашулани балад қўйиб, анҳор бўйига тушиб кетади. Қумғон ва сатил кўтариб, Гулхон киради. Чиройли овозга маҳлиё бўлиб тикилади.

Гулхон. Акамнинг ғазалини мунча бийрон куйлаган қиз ким бўлдийкин? Овози ширин, ўзи ҳам албатта гўзалдир. (*Қўшилиб куйлайди.*)

Ҳуснидил ва Гулхон

Лаъли хандон бир-ла гулшан сайрин эт ҳар субҳиким,
Гунчалар кўнгли очилмоқға тақозоланмасун.
Наргис олдида ёшурғил юзниким, ул оч кўз
Қом олурға хони ҳуснингдин таманполанмасун.

Ҳуснидил сув олиб қайтар экан, Гулхон билан кичик кўприк бошида тўқнаш келади. Икки дугона бир-бирларини танийдилар.

Ҳуснидил. Гулхон!

Гулхон. Ҳуснидил, сизмисиз, дугонажон? (*Кўришадилар.*)

Ҳуснидил. Яқинда кўчиб келдик. Дадамлар акангиз билан ишлагани келдилар.

Гулхон. Айтинг-чи, акамнинг газалларини қаёқдан ўрганиб олдингиз.

Ҳуснидил. Дадам ўқиб бердилар, ёдлаб олдим... Гулхонжон, акангиз битган назмларининг шайдоси бўлиб қолдим... Айтсам, бирам ҳузур қиламанки... Айтгандай, акангиз қандақалар?..

Гулхон. Ҳали кўрганингиз йўқми? Ишонмайман.

Ҳуснидил. Улай агар.. Айтинг, қанақалар?

Бисмилло кириб қолади.

Гулхон. Қандай деб тушунтирсам экан. Кўзлари катта-катта.

Бисмилло. Қулоқлари узун, қушбурун, таъвия бир шоир. Орзу қилмай қўя қол, Ҳуснидил. У киши менинг акамнинг тамом акси. Акамни кўргину, томоша қил — бирам чиройли, бирам келишган...

Гулхон. Акангизни мақтайверманг. Кўрсам кўнглим айнийди.

Бисмилло. Ҳой, оғзингга қараб гапир, қиз. Сендақа корчалон қизларни чўриликка олмайди акам. Ҳа...

Ҳуснидил. Мушоирада енгилибди-ку акангиз, тагини нимасини мақтайсиз?

Бисмилло. Бўлмаган гап. Шоирларнинг оғаси бўлармиди енгилса. Ундан зўр газалхон йўқ дунёда. Ҳуснидил кўрса борми, шундайгина тўкилиб кетади... Ҳа...

Ҳуснидил. Қўйнинг, ёмон гапларни гапирманг — одам уялиб кетади.

Бисмилло (*суйканиб*). Ўзимнинг арзандам. Мени кечир. Сен борсан — мен борман. Энди шаҳарга келдинг, акам билан учраштириб қўяман... Угай онанг бўлсам ҳам, туққан онангдан яхши онангман, болам...

Гулхон (*қараб*). Вой эсим қурсин, қозон қоқраб кетди-ку, ҳаяллаб қолганимни қаранг...

Ҳуснидил. Вой, менинг кўзамни олиб кета қолинг, олинг, дугонажон. (*Беради.*)

Бисмилло. Вой, аллакимлар келяпти. Қетайлик.
(*Чиқади.*)

Ҳуснидил кўза кўтариб, анҳор томон ўтади. Қўққисдан уни сув
ёқалаб келаётган Огаҳий кўриб қолади. Қиз юзини яшириб,
бепарво ўтиб кетади. Огаҳий таққа тўхтади. Изтиробда. Пауза.

Огаҳий
(*куйлайди*)

Яширди юзини мендан ҳаё баҳона қилиб,
Ниқобин олмади элдин ибо баҳона қилиб,
Агарчи оғримамиш эрди кўргали ҳолим,
Кўз очмади манга оғриқ онга баҳона қилиб...

Ҳуснидил кўза кўтариб қайтади. Қўприк ёнида Огаҳийга дуч келади.
Аввал унинг қўшиғига маҳлиё бўлади. Кейин юзма-юз учрашади-ю,
қўлидан кўзасини тушириб қочади. Огаҳий ҳушини йиғолмай қотиб
қолади. Ўзига келиб, ашуллани давом эттиради.

Оҳ, не балодур билмадим, эй, дилрабо, қошу кўзинг,
Қим, бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзинг.
Олди қарору тоқатим оқ сийнаю нозик белинг,
Солди қаро кун бошима ики қаро қошу кўзинг.
(*Пауза. Сув бошига йўл олади.*)

Азиз сув, розимни айтай, эшит! Мен телба ошиқман.
Юрак торларимда муҳаббат шеърлари жўш уради. Уни
қаёққа сиғдирай. (*Куйлайди.*)

Мен муҳаббат саргузашти бобида афсонаман,
Яъни ёр васли учунким, бағри қон минг пораман.
Мақсудим саҳросидаким сарсону бечораман,
Ишқ заҳмидан юрак (оҳ) пора-пора, ёнаман.
Не машаққат бўлса майли, ёр учун тайёраман.
(*Дарахт панасида маъюс ўтириб қолади.*)

Пауза. Темур киради.

Темур (*ўзича*). Тонг маҳал бузрукворимиз шу гул-
шанда бўлгувчи эдилар. Кўринмайдилар чамамда...
Огаҳий (*туриб*). Мен бундаман, азизим...

Темур (*таъзимдан сўнг*). Руҳи ҳолатингиз ўзгача кўринади. Устоз паришонхотирсиз...

Огаҳий. Шундайми, тўғри... Кечадан бери хаёлим паришонроқ... айтинг, ўзингиз қалайсиз?

Темур. Мен кечаги шоирлар суҳбатидан қаттиқ хавфаман. Мавлоно Назмий шогирдингизни поҳақ камситдилар. Бемаврид ёш ниҳолнинг белини синдириш нисфодан эмас.

Огаҳий. Мен ҳам шу фикрдаман. Бунинг тагида қандай сир ётади — билмайман, аммо ўта аблаҳлик қилинди. Темуржон, кўнгил шишангизни Амири шуаро синдирди...

Темур. Бунинг сирини шу, устозим... сизни хон ҳазратлари яхши кўрадилар. Шогирдларингиз белига тигуриб, сизни қулатмоқчи у.

Огаҳий. Сабаб? Бундан не манфаат?

Темур. Устингиздан олтин сочилгандан бери, шоирлар оғаси Назмий ухламайди. У бахил, ичқора одам, хушёр бўлинг, хонни қарши қилиб қўймасин.

Огаҳий. Мен хонга керакман, иним Темур. Мен бўлмасам, хошимизга машҳур «Равзатус-сафо»ни ким таржима этиб беради? Мен бўлмасам, авлодлар тарихини ким ёзади? Унга мадҳи саноларни ким битади?..

Темур. Хонимиз мадҳи санолар қурбон.

Огаҳий. Худди шундай. Аммо мадҳлар билан маст бўлса бўлсину мушкуллимизни осон қилсин. Бизга шу керак.

Темур. Ҳақ гапни айтдингиз, пирим.

Огаҳий. Айтгандай, ноибим Қулаҳмад ога қанилар?

Темур. Янги ноибингиз тўғон бошига кетдилар.

Огаҳий. Ноибимиз ғоят софдил одам эканлар. У киши ишга келдилару юмушим анча енгиллашди. (*Хушёр тортиб.*) Янги хабар йўқми?

Темур. Хотиржамлик... Сувни етти ариққа тақсимлаганмиз, яна назорат қилгани кетдилар.

Огаҳий. Хурсандман... Қани, ўлтирайлик.

Ўтлоққа ёнбошлайдилар. Пауза.

Темур. Хаёл суриб қолдингиз, ҳазратим, нима бўлди?

Огаҳий. Йўқ, ўзим, шундай, Ҳофизи Шерозийнинг бир мисраси хаёлимни банд этди:

«Агар он турки Шерозий ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро».

Темур. Қойил, шеър тарихини тушунтиринг, устоз?

Огаҳий. ...Бир кун хон шеър айтганларга катта мукофот эълон қилибди. Шунда хон ҳузурига юпун кийинган шоирни олиб кирибдилар. У: «Эй, шахло кўзли қиз, менинг дилимни овласанг, сенинг биргина қора холингга Самарқанду Бухорони ҳадя этажакман», деб шеър ўқибди. «Жаллод!»—дебди хон дарғазаб бўлиб, — менинг улуғ шахарларимни бир қора холга алишгучи телбани дорга осинглар!»

Шунда шоир ер ўпиб, жавоб берибди:

— Мен хон эмасманки, тахтингни ҳадя қилиш қўлимдан келса. Мен шоирман. Шеърим билан юрагимни ҳам, ўзимни ҳам, жонимни ҳам ёрга ҳадя қиламан. Бу менинг шоирлик бурчим,—дебди.

Шунда: «Қимсан!»—дебди хон. «Каминан камтарин — Ҳофиз Шерозий бўладилар», деб жавоб берибди улуғ шоир. Хон унинг оёғини ўпиб, тахти равондан жой берган экан. Хонлар шунақа... расми русмимизда, элчи сингари шоирга ҳам ўлим йўқ... (*Ўрнидан ирғиб туради.*) Назаримда яқин бировим келаётганга ўхшайди.

Темур. Қизик одатингиз бор-да, устоз, бирор ҳодиса юз берадиган бўлса, олдиндан сезасиз.

Огаҳий. Киши мияси ойнаи жаҳонга ўхшайди, бўладиган ҳодисалар унинг кўзгусида акс этади... Ўйлаб қаранг-а...

Темур (*ўйлаб*). Менингча, дўстлар келишса керак-да, сизнинг кўнглингизни сўрамоқчи эдилар...

Огаҳий. Йўқ, Темуржон, йўқ, кўнглим нотинч. Яхшиликка буюрсин.

Темур (*қараб*). Ана, айтмадимми, дўстларингиз келишяпти.

Созанда ва гўяндалар кириб келишади.

Созанда, гўяндалар. Ассалому алайкум...

Огаҳий. Ваалайкум ассалом... мавлонолар, қадамларингизга ҳасанот. Танишинглар, менинг ёш шогирдим Темур. Истеъдодли деҳқон, ғазалхон... Темуржон, кўнгил боғининг булбулсиз. Янги ғазалларингиз билан бизни

хушнуд этгайсиз... (Меҳмонларга.) Шийпонга марҳамат қилинглр...

Ҳамма шийпонга чиқади. Созандалар чалишади.

Т е м у р
(*куйлайди*)

Дарди дилим анго дедим, дема ани манго, деди,
Қим манга ошиқ ўлса, ул лозим эрур анго, деди.
Бўсан лаб савоб учун айла манго ато дедим,
Қошу қапоғини четиб, қўй, бу сўзинг хато деди.

О г а ҳ и й
(*бирга*)

Хаста кўнгулға қилгайсан мунча недин жафо, дедим,
Дема жафо они, санинг дардингадир даво, деди.

Ҳамма олқишлайди. Яна музика, ашула. Гулхон киради.

Г у л х о н. Оға, меҳмон келди...

О г а ҳ и й. Ким? Айт, синглим, марҳамат қилиб кир-
синлар.

Г у л х о н. Ҳозир... (*Темурга табассум қилиб чиқади.*)

Пауза. К о м и л кўринади.

О г а ҳ и й. Кўзларимга ишонмайман, Қомил Хораз-
мий?!

К о м и л. Худди ўзи.

Қучоқлашиб кўришадилар.

О г а ҳ и й. Қандай бахтим, мен сизни бутун шуурим
билан кутар эдим.

К о м и л. Анча ўзгарибсиз, пирим, боғ сайри мубо-
рак.

О г а ҳ и й. Ой бориб, омон қайтдиларми? Петербург-
да ҳаяллаб қолдилар?

К о м и л

Сафар кутгандан ҳам бўлди яхшироқ,
Гўё дил уйида ёнди нур чироқ.
Петербург шаҳрида бир рус бастакор,
Менинг ҳар бир дадимга бўлди ул ёр,

Чизигу потадан бўлди муаллим.
Шу фандин менга берди яхши таълим.

О г а ҳ и й
Бахтлисиз, дўстим.
К о м и л
Бир даста келтирдим нотали қоғоз,
Шеърингиз, мана у, ҳам маъқул, ҳам соз.

Пауза

Т е м у р. Устоз, менга рухсат беринг, сув бошига бо-
рай... (Чиқади.)

Қ а т б а и й ва П а з м и й кирадилар.

Қ а т б а и й. Ассалом, азизлар. Келинг, азиз Хораз-
мий.

К о м и л (кўришиб). Хуш кўрдик.

Қ а т б а и й. Созанда ва гўяндаларнинг хон ҳазрат-
лари ҳузурига чиқиш пайти яқинлашапти. Ширин суҳ-
батларингизга халақит берганим учун узр.

Созанда ва гўяндалар чиқишади.

К о м и л. Жаноблари, биз ғариблар билан бир неча
дақиқа суҳбатда бўлсинлар.

Қ а т б а и й. Агар мавлоно Россия мамлакатада ни-
маларга сирдош бўлганларидан каминайи камтаринни
дариғ тутмасалар...

К о м и л. Хизматларига ҳозирман... Мен Петербургда
бўлдим. Биз—томчи бўлсак, Россия—денгиз экан...

Қ а т б а и й. Хоразмдан ҳам катта мамлакат бор
эканми оламда? Шак келтирманг...

К о м и л. Узр, ҳақиқат шу. У ер ибратга лойиқ.

Қ а т б а и й. Ибратга. Ҳар нарсанинг чеки бор, мав-
лоно. Ҳаддингиздан ошманг, бу ерни Хоразм дейдилар!

К о м и л. Вазири акбар, гапимни тўғри англаг, у
ерда ажойиб тилсим бор, минг-минг китоб бир кунда
тайёр, газеталар чиқар, журналлар босилар. Ҳаммаси
олам-олам янги хабар, илм-маърифат таратар...

Н а з м и й. Қофир бўлибсиз. Хоразмий!

К о м и л. Қаранг.

Ҳар ёна кетган поезд излари,
Вагонга минасиз, кетасиз нари,
Бир кунда қирқ тошни бемалол босгай
Ва керак манзилга одамни элтгай,
Телефон, телеграф сўзлашур тинмай,
Шаҳарлар сўзлашар бир-бирини кўрмай.

Назмий. Урус динига кирибсиз, шоир Хоразмий,
бу йўлдан қайтинг, бўлмаса бошингиз кетади.

Огаҳий. Ибн Синони, Берунийни, Фирдавсийни у
ерда ўқийдилар. Хайём рубойларини куйлайдилар. Дин-
дан чиққанлари йўқ-ку уруслар...

Назмий. Улар — урус. Динсиз кофирлардир. Аммо
биз, иншоолло, мусулмонмиз. Гуноҳ гаплардан юз ўгир-
моғимиз шарт. Мавлоно Огаҳий, огаҳ бўлинг, шоирлар
оғаси бўлганим учун сизни тартибга чақираман!

Огаҳий. Қуллуқ.

Назмий. Яна шундай беадабчилик бўлса, ҳазрати
хонга етказирман. Эсингизда бўлсин.

Қаъбаий

Ўқисак динимиз — қуръонимиз бор,
Мударрис, уламою эшонимиз бор.
Сигинсак авлиё пири муаззам,
Мусулмонга Расул оллоҳу карам...

Огаҳий

(кинояли)

Тавба.

Агар ширини сўзингдан даҳр аро юз минг шакар сочсанг,
Они заҳар-заққум айлар шўр сўз аҳли гийбатдин...

Қаъбаий. Огаҳий, муддат битди «Равзатус-сафо»
таржимасини ҳазратим кутмоқдалар...

Огаҳий. Марҳамат қилиб, ҳазратимга элтгайлар...
Қитоб тайёр, мана... (*Қитобни олиб келиб, тутқазади.*)

Қаъбаий, Назмий чиқадилар.

Комил. Қандай нодон одамлар-а...

Огоҳий. Яхшидан саодат, ёмондан касофат дейди-
лар.

Пауза. Хафалик.

Комил. Алломаи замона, сизга бир сўзим бор...

Огаҳий. Қулоғим сизда.

Комил. Зулмат тунда чирғ бўлиб ёну сўнма, дейдилар. Назм аҳлининг бир раъйини қайтармасангиз.

Огаҳий. Эшитаман.

Комил. Ёлғизлик етар дейман.

Огаҳий. Ахир ман-ку бахт этагини тутолмаган мардумман, бахтсиз мардумга қандай шўрпешона ёр бўлмай.

Комил. Бахтингиз очилади. Хўп денг. Ёрни биз топамиз...

Огаҳий. Измин сизда. Ихтиёрингиз... фақат...

Шошиб Қулаҳмад киради. Унинг кетидан ярадор Темур пайдо бўлади.

Қулаҳмад. Ҳазратим, ёрдамингизга муҳтожмиз.

Огаҳий. Бир кор-ҳол бўлдимиз?

Қулаҳмад. Сув жанжали. Етти ариққа текис сув таратиб турган эдик. Хон ҳазрат йигитлари келди. Зўрлик билан Назмий ерларига сув боғлатди. Темур кўнмади, жанжал чиқди. Икки ясовулни у отдан қулатди. Уни роса калтакладилар. Мана, чала ўлик бўлиб қолди. Сизни паноҳ этиб, бу ерга келдик.

Огаҳий. Муртадлар, хон фармони билан сув тақсимоти мироб мутасаддисида-ю, фармонни оёқ ости қилдилар. Ноибим калтакланди нима-ю, мен калтакландим нима... Хонга арзга бораман.

Темур. Мени зиндонга ташламоқчилар, устоз. Майли, майли, бундан қўрқмайман. Аммо деҳқон шўрликлар сувсиз, экинлари қуриб хонавайрон бўлишади. Шундан қўрқаман.

Огаҳий. Унда тўғон бошига кетдик. Қани, Назмий одамлари кучлимикин, ё фуқаро! Юринглар!

Чиқиб кетишади. Темур ва Гулхон қоладилар.

Темур. Уҳ, бутун суякларим сирқираб оғрияпти.

Гулхон. Қани, уйга юринг, ётиб дам олинг. (Уни етаклайди.)

Темур. Астароқ. Хали ғазаб пайтида билилмаган экан.

Гулхон. Етиб дам олсангиз, тузалиб қоласиз. Ҳозир иссиқ шўрва қилиб бераман. Зора терлаб...

Теmur. Терлаш билан бу азобдан қутулсам, шукр қилардим, ўпкадан айрилганга ўхшайман.

Гулхон. Ноинсофлар, одамни ҳам шунча азоблайдиларми... Эй раббим, шафқатсизларга шафқатсиз бўлсанг нима қилади?..

Теmur. Қўй, ўзингни қийпама, Гулхон. Биз фақат ўз билак кучимизга ишонамиз. Начора, олам тенг қурилмагандан кейин, адолат қаёқда бўлсин. Унинг ўрнини шафқатсизлик, зулм эгаллайди-да... Қўй, бу гапларни унут, Гулхон. Хафачилик сенга ярашмайди. Мана, сени кўрдиму, азобим анча енгиллашди. Тузалиб кетаман, азизим.

Улар чиқадилар. Пауза. Аллакимни излаган бўлиб Ҳуснидил киради.

Ҳуснидил. Менга нима бўлди-я... Қўнглим нукул шу ерни тусайди. Бу ернинг нима хислати бор экан-а... Е ҳалиги кишиникин? Қим бўлдийкин у сеҳргар? Эсиз, кўзани ташлаб қочгандан кўра, бир дақиқа жамолини кўрмайманми? Ақалли ким эканини билиб олмайманми? (*Хаёл суриб юриб қўйлайди.*)

Бўлмишам токи мубталойи фироқ,
Қасди жоним қилур жафойи фироқ.
Васл айшидин этди бегона букуи,
Мени чарх айлаб ошнойи фироқ.
Қолмади аҳлу ҳушу сабру сукуи,
Бошима тушгали балойи фироқ,
Қачон ўлгайкин, ул қуёш васли,
Қилгай Ҳуснидлни жудойи фироқ.

(*Ўзига келиб.*) Вой, биров келяпти. «Бу ерда нима қилиб ўтирибсан» деса нима дейман? Кетай... (*Жўнамоқчи бўлади.*)

Бисмилло киради.

Бисмилло. Вой, қоқнидиқ, Ҳуснидил, сизмисиз? Менга қаранг. Сизни кўрсам бирам севишиб кетамапми... Худди ўзимнинг тугишган синглимга ўхшайсиз-а...

Ҳуснидил. Дадам сизга уйланганларидан бери, мен ҳам хурсандман. Мана, Хивага кўчиб келдик. Энди доим бирга бўламиз.

Бисмилло. Ишқилиб, мени ўгай демасангиз бўлган... Ахир мен марҳум ойингиз ўрнига ойингизман. Узоқ вақт бева эдим, энди...

Ҳуснидил. Вой, қўйинг, биз айирмачи эмасмиз. Қўйингиз тўқ бўлаверсин.

Бисмилло. Акамни кўрмадингизми? Яқинда шу сув бўйида юрган эканлар...

Ҳуснидил. Шоир акангизими? Йўқ, кўрмадим. Ҳа, айтгандай, ҳали бир кишини кўрувдим... Ўша сизнинг акангизми?

Бисмилло. Ҳо, акамни кўришгу томоша қилинг. Бирам келишган, бирам чиройли. У кишининг шеърларини эшитсангиз... Бирам дилрабо...

Ҳуснидил. Агар мен кўрган киши акангиз бўлсалар, тасанно. У кишига ҳар қандай қиз ҳам ҳавас қилади. Аммо у кишининг шеърлари менга аллақандай, ёқин-қирамайди...

Бисмилло. Қўйинг, жаҳлимни қистатманг. У кишидақа шоир тугилган эмас Хивада. Ҳар бир сатрларига ҳон бир ҳамён олтин беради, билсангиз...

Ҳуснидил. Огаҳий деган шоир у кишидан зўр экан-ку. Шеърлари менга ёқади. Лекин...

Бисмилло. Қўйинг ўша миробни... Акам шоирларнинг оғаси — Амри шуаро...

Ҳуснидил. Шундай ажойиб одаму... Сўзга нўноқ экан-да.

Бисмилло. Аччиғимни чиқарманг, Ҳуснидил.

Ҳуснидил. Ачинганимдан айтяпман-да...

Ҳафиза хола киради.

Ҳафиза. Вой айланайлар, шу ерданисизлар?

Бисмилло. Ҳафиза хола, мен нон ёпяпман. Эртага наврўз, қарашиб юборинг менга...

Ҳафиза. Жоним билан, Бисмиллохон. Сиз ҳамир ошираверинг, ёпиш мендан.

Бисмилло. Хўп бўлмаса, кутаман. (Чиқади.)

Ҳафиза. Ҳуснидил, хомуш кўринасан, қизим...

Ҳуснидил. Аммажон, сиз сўраманг, мен айтмай.

Ҳафиза. Дилингни оч — сирингни мендан яширма.

Хуснидил. Кўнглимдагини сизга айтмай, кимга айтаман... Бу ерга сизни орқа қилиб келганман-ку ахир. Сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ... *(Бағрига ташланади.)* Ҳали қизиқ бир воқеа бўлди... Сув олиб келаётиб, бир кишига дуч келдим. Нима десам экан...

Хафиза. Наҳот, кўрингу кўнгли бердинг...

Хуснидил. Ростини айтайми?.. Юрагимнинг ярмин олиб кетди.

Хафиза. Қийин бўпти сенга, қизим... Ким экан у?..

Хуснидил. Бисмилло опамининг айтишича, у шоир Назмий эмиш.

Хафиза. Эй шўрлик қизим... начора, Назмий катта шоир. Сенга арзийди. Муҳаббатнинг сохта бўлмаса, бас. Подшонинг кўнгли қурбақага тушган экан, болам...

Хуснидил. Дунё қизиқ экан. Шундай ажойиб одаму газалларини ҳазм қилолмайман. Бу ёғи қандоқ бўлади, амма?

Хафиза. Кўнгиб кетасан, болам. Фақат шошилма. Эҳтимол ўткинчи севгидир...

Хуснидил. Қайдам...

Хафиза. Кетдик, болам, бегоналар келишяпти... *(Чиқади.)*

Каъбайй, Назмий киришад.

Назмий *(Хуснидилга)*. Ҳай қиз, кимсан?

Хуснидил. На ишингиз бор, оға?

Назмий. Зотингни билмоқчиман, гўзал... Бу боғда сендақа дилбар гул йўқ эди-ку?

Хуснидил. Мен Қулаҳмад миробининг қизлариман, оға.

Назмий. Қасрдан пайдо бўлдинг?

Хуснидил. Қишлоқдан келдим, оға. Юмушингиз бўлмаса, йўлимни тўсманг, кетай?

Назмий. Каъбайй, қаранг! Қулаҳмад огани афв этгайсиз. У кишининг қизлари бунга лойиқ.

Каъбайй. Менинг қаҳримни сўндирмоқчимисиз дейман, оға?

Назмий. Излаганимни топганга ўхшайман, дўстим.

Каъбайй. Муродингизга етинг, шоир.

Назмий. Сенга жавоб, дилбар қиз. Фақат айт ненинги нима?

Хуснидил. Исмим — Хуснидил... (чиқиб кетади.)
Назмий. Ҳазратим, айтмадимми — сазбрнинг охири
олтин...

Каъбаий. Сизга ёққан бўлса бас — бу ёғини биз-
га қўясиз. (Боқиб.) Мироблар қаёқда бўлса экан-а?

Шошиб Дилкаш киради.

Дилкаш. Тўғон бошида жанжал — ҳон ариги бе-
китилиб, сув деҳқонларга берилди.

Каъбаий. Нима?!

Назмий. Ҳон аригидан сувни мен ичаётган эдим.
Хароб бўлдим.

Чопиб чиқадилар.

Парда.

ИККИНЧИ ҚҰРИНИШ

Тўғон боши. Бир ёнда чигириқ айланиб ётибди. Ундан Назмий
экинзорлари сув ичади. Кенг яйлов манзараси. Узоқ-узоқларда
тоғ, тала, боглар кўринади.

Баҳор. Халқ сайили. Қизлар яллари ва ўйини бошланади.

Қизлар

Олтин бармоқларга хина қўяйлик,
Бўйинларга инжу — маржон тоқайлик.
Ошиқларнинг кўнглига ўт ёқайлик,
Саллониб яллаю ўйин қилайлик.

Лекчани эгри қўйсанг — қўю,
Таҳённи эгри қўйма.

Қизлар Хуснидида юзланишади.

Биринчи қиз. Қўнглингизни очинг, Хуснидил.
Гапиринг.

Хуснидил (хаёлчан). Нимани гапирай?..

Иккинчи қиз. Ҳеч бўлмаса Огаҳидан ўқинг.

Ҳуснидил. Огаҳий... Шеърлари жони дилим...
Худди менга атаб ёзилгандай дилрабо... (*Куйлайди.*)

Эй, жамолнигдур жаҳон зебадаси,
Ою кун эрмас анииг монандаси,
Ҳусн мулкида эрурсан подшоҳ,
Хўблардур остониинг бандаси.
Хону ҳуснингнинг гадоси келди гул,
Эгнида юз пора бўлган жандаси.
Гунча ҳайратдин очибдир офзиини,
Токи зоҳир бўлди лаълинг хандаси.

Ҳамма Ҳуснидилини қучоқлайди.

Биринчи қиз. Улар печун ҳаяллашдилар-а?!
Ҳуснидил. Кимлар?
Гулхон. Акамлар келишмоқчи эдилар.

Говур эшнтилади. Ҳамма ҳаяжонда.

Биринчи қиз. Бегоналар келишяпти. Қуён бў-
лайлик.

Қизлар қочиб чиқишади.

Ҳуснидил. Мен кетмай. Эҳтимол, у кишини уч-
ратсам.

Назмий киради. Дарғазаб.

Назмий. Аблахлар. Чигирингмдаги сувни ҳам бош-
қа қулоққа буриб юборишибди. Хан сеними, Темур. Те-
рингга сомон тикмасам, отимни бошқа қўйганим бўл-
син. (*Сувни очмоқчи бўлади.*)

Ҳуснидил (*йўлини тўсади*). Тегманг, тақсир.

Назмий (*қизни пайқайди*). Ҳуснидил. (*Ўзича.*) Қиз
олдида беадабчилик қилиб қўйдим-ку... (*Унга*). Кечир,
сулув қиз. Киши дарғазаб бўлганда, ақлдан ҳам айри-
ларкан. Мендан хафа бўлма. Мен Назмийман.

Ҳуснидил. Сиздан хафа бўлиб нима қиламан.

Назмий. Хайрият. (*Суюнади.*)

Ҳуснидил. Нотавон шоир бўлсангиз...

Назмий. Нотавон... Ахир мен амири шуароман...

Ҳуснидил. Сизнинг девонингизни ўқиб чиқдим.
Кўнглим ранжиди.

Назмий. Нимадан, сулув қиз? Наҳот ёмон иборалар ишлатган бўлсам... Наҳот қофияларни улолмаган бўлсам...

Ҳуснидил. Йўқ... Ёмон иборалар ишлатмагансиз, қофиялар ҳам жойида. Аммо пишиқ гиштдан ёмон бино қургансиз. Кошонангиз кўнгилни овламайди. Ғализ, рағсиз, совуқ, ҳиссиёт уйғотмайди.

Назмий

Лоладек юзинг хаёлидин тўла қондир тусим,
Балки лола жомидек қон ичра пинҳондир кўзим...
Кўз ёшим бўлди равон, бир наргиси жоду кўриб,
Овчи янглиғким югургай ҳар тараф оҳу кўриб.

Ёмонми?

Ҳуснидил. Бировнинг шеърини ёки мулкани ме-
ники, дегап одамни нима деса бўлади? Бу — Навоий
ҳазратлари газали турур... Сўнгини бесавод ёдлабсиз.
(Чиқиб кетади.)

Назмий (ўзича). Эй сўққабош, ақл кирмаган хом-
калла... Наҳот қиз болага гап топиб беролмасам... (Чи-
қиб кетади.)

Масхарабоз бошлиқ бир тўда йигитлар киришади.

Ўйин авжида.

Масхара

Мотамзадаман, умрим ўтади, хабарим йўқ,
Бир рози дилим ойғали соҳиб назарим йўқ...
(Тўхтаб.) Оғайнилар, қаранг! Қуллуқ қилинг!

Оғаҳий, Комил ва бошқалар киришади. Ўйин давом этади.

Оғаҳий. Бу масхарабоз эмас, балки халқнинг мо-
тамсаро аҳволининг жарчиси.

Комил. Жуда оқилона гапирдингиз, пирим.

Масхара

Қоқрада қумрини етар,
Чипродалли — далли.
Ушлаб олсанг кимга етар,
Чипродалли — далли,
Қозон қайнар вақир-вуқур.
Чипродалли — далли,

Барак пишса, бизни чақир,
Чипродалли — далли,
Пиширганда олти гўмма,
Эшигина урар тамма.
Пиширгани олти барак,
Тўймасангиз нега керак?

Ҳ а м м а сайил қилиб чиқади. Огаҳий, Комил ва шоирлар олдида
Ҳ а ф и з а хола пайдо бўлади.

Ҳ а ф и з а. Азиз шуаро, ҳайитингиз муборак бўлсин.
О г а ҳ и й. Қуллуқ ая. Омадингиз келсин.
К о м и л (*Огаҳийга*). Биз тезда қайтамыз. Сизни Ҳ а-
физа холага топширдик. (*Чиқадилар.*)

Пауза.

Ҳ а ф и з а. Иним, бир оз сабр қилсангиз... Сизга мух-
лиснингиз интизор... (*Чиқади.*)

О г а ҳ и й (*хайрон*). Мухлисим?.. Қим бўлдийкин?

Пауза. Ҳ у с н и д и л пайдо бўлади.

Ҳ у с н и д и л. Қуттириб қўймадимми?
О г а ҳ и й. Меними?
Ҳ у с н и д и л. Ҳ афиза аммамайтдилар анчадан бери
йўлимга кўз тикар эмишсиз...
О г о ҳ и й (*ўзига келиб*). Ҳа, рост айтибдилар, хиз-
мат?

Ҳ у с н и д и л. Гапирсинлар.

О г а ҳ и й (*ўзича*). Ҳа, гап кела қолса-чи...

Пауза.

Ҳ у с н и д и л. Янги ғазалингизни ўқидим. (*Қуй-
лайди.*)

Мушкул қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтурур нун элтибон сод устина.
Қилғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг бўлгонин пайванд шамшод устина.
Нозу адои ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,
Ваҳ, мунча офатму бўлур бир одамизод устина.
Не журъат ила Огаҳий очгай огиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зору ношод устина...

О г а ҳ и й

Менки букун бир париваш дилрабога учрадим,
Улмагунча айрила олмас балога учрадим...
Зулфиға тушти кўзим боқмоқ тилаб рухсорига,
Ваҳ, нетайким, ганж истаб аждаҳога учрадим.
Эй, табиб, эмди давойи айламоқдин чек қўлинг,
Ким, мане дилхаста дарди бедавога учрадим.

Пауза.

Ҳуснидил. Сиздан хавотирдаман доим, ширии су-
ханам, атрофингизда игво... фисқу фасод...

О г а ҳ и й. Қўрқманг, мухлисим... Сизни ўйласам муш-
кулим осон кўчгай. Саройда эса жон бор. Унга мен ке-
ракман. Ота-бобо тарихидан тортиб, унинг шону шав-
катини мен мўйқаламим билан қоғозга кўчиргумдир.

Ҳуснидил. Қўлингиз дард кўрмасин. (*Қараб.*)
Одамлар келяпти, мен кетай... (*Чиқади.*)

О г а ҳ и й (*орқасидан*). Бунча меҳрибон, бунча дил-
рабо... (*Иккинчи томонга чиқади.*)

Қ а ъ б а и й, Н а з м и й кирадилар.

Қ а ъ б а и й. Йўқ, Назмий, ҳар қандай бўлганда ҳам
Огаҳий — Огаҳий, беваж унга заҳар сочишга тил ожиз.
Кейин олампаноҳ хонимиз уни қўллайдилар.

Н а з м и й. Гап шуида-да. Сизнинг кўмагингиз бўл-
маса мен бечоранинг ҳолига вой, ўлганим. Хоннинг их-
лосини фақат сиз қайтара оласиз...

Қ а ъ б а и й. Огаҳийдан ёмонлик кўрганим йўқ. Қан-
дай қилиб мусичадек бегуноҳ шоирга хиёнат қилай?

Н а з м и й. Сизни ер билан яксон қилсин — яна бегу-
ноҳми. (*Бирдан.*) Қаъбаний эмас, дўзахий деган ким?

Қ а ъ б а и й. Ё алҳазар... Исбот қилинг, бўлмаса сиз-
ни... Бу ҳақоратингиз учун...

Н а з м и й. Эшитинг, шоирлар мушоирасидаги шеър-
ри:

«Сўрсалар сиздан агар ким деб қабиҳ ул дўзахи,
Қаъбадан қочган эшак, ҳазрат назил ул Қаъбаний».

Қ а ъ б а и й. Бас. Агар шу гап рост бўлса, мендан
яхшилик кўрмагай.

Н а з м и й. Дўстим, иккимизнинг дардимиз бир.

Қ а ъ б а и й. Қўлни беринг. (*Қўл беришади.*)

Шошиб Дилкаш киради.

Назмий. Имага гап? Нега келдинг?

Дилкаш. Сувни очиб кетдилар.

Назмий. Қимпинг сувини?

Дилкаш. Сизникини... Навбат билан ичармишсиз.

Назмий. Навбат билан?! Экинлар қуриб ўлмайди-ми? Қим очди? Яна ўшаларми?

Дилкаш. Ҳа. *(Чиқади.)*

Назмий. О, шўрим... *(Югуриб чиқади.)*

Каъбаний *(орқасидан)*. Оқ кўнгил одам. Қандай ёрдам берсам? *(Ўйланиб юради.)* А-ҳа-а-ҳа...

Пауза. Бирдан «Хон келди» куйи чалинади. Каъбаний ўзини йиғиштиради. Халқ йиғилади.

Муборак қадамни ул шоҳи жаҳон қўймоқда. Бўлинглар огоҳ.

Хон кириб келади. Касалманд, хомуш. Ҳамма таъзимда.

Хон. Муборак бўлсин, халойиқ, наврўзи жаҳон!
Халқ. Сизга ҳам қутлуг бўлсин сайли наврўз, хон!

Ашула. Рақс. Оммавий ўйинлар бошланади.

Хон *(ўйин, ашуладан сўнг)*. Масхара кўринмайди, во ажаб?

Масхара. Борман, дойи борман.

Хон. Мум тишлагандай жимсан? Аҳволларинг?

Масхара. Меҳрибончилигингиз туфайли ёз айронсиз, қиш қатиксиз юрибман.

Хон. Майли, унда анча қуюлибсан, бизларни бир кулдир-чи!

Масхара. Сулаймон элида бир қўтир эчки-ю, бир хўтигим бор, сизни кулдираман деб олардан айрилиб қолайми, дойи.

Хон. Майли сен ўлсанг ҳам улар омон қолади.

Масхара. Майли, хон, мен — биттаман, шоиру шуаролар мингта. Ўрнимга бировини қурбон қила қолинг.

Хон. Масалан?

Масхара. Энг ашаддийси, энг каттаси, энг бетамизи-ю... Амри шуаро Назмийни...

Хон. Назмийда қасдинг борми?

Масхара. Эй шоҳим, омон бўлингий, сизга ишонса, сувга таянгандек бўлар экан-да сиримни очяпсиз-а? Хўп, бошладим.

Музыка. Ўйин. Чағалоқ.

Улоқли от тағимда,
Кичкинажон, кичкина.
Қуроқ чопон эғнимда,
Кичкинажон, кичкина.
Чопдим отимда улоқ,
Кичкинажон, кичкина.
Менга тегди бир қулоқ,
Кичкинажон, кичкина.

Кулги авжида экан, паришон ҳолда Назмий кириб келади.

Хон. Менинг амири шуаром, келинг.

Назмий. Хизматингизга ҳозирман, хоқоним.

Хон. Қаъбаний. Назмий хафа кўринади. Номимдан фармон бер: димоғини чоғ қилсинлар.

Назмий. Ўла-ўлгунча хизматингизда бўлиб, оёгингиз чангини юзга суртаман...

Хон. Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий қани? Шоирларини чорланглар!

Кичик пауза.

Дилкаш. Мавлоно Огаҳий ташриф буюрдилар...

Хон ўрнидан туради. Огаҳий киради.

Огаҳий (хонга). Олий ишон, каминайи камтариндан қабул этгайсиз... (*Катта китоб беради.*)

Хон (*варақлаб ўқийди*). «Маълум бўлсинким, мен Эрнийезбек ўғли Муҳаммадризо мироб, лақабим Огаҳий, кўп вақтлардан бери Хоразм тарихини ёзиш билан ўз қаторларим ичида хурсанд эдим. Менга Саид Муҳаммадхон ўз ҳукмронлик тарихини ёзишни буюрди. Мен бу вазифани бажаришга киришдим ва уни «Гулшани давлат» деб атадим». (*Хурсанд.*)

О га ҳ и й. Уни Хоразм хонлигининг бугунги мерос-хўри бўлмиш сиз олий нишонга инъом қилгайман.

Х о н. Офарин. Қаъбай, буюк тарихчига зарбоф тўн ёпилсин.

Огаҳий устига тўн ёпилади.

Н а з м и й (киноя билан). Муборак бўлсин, Эрнийёзбек ўғиллари...

Пауза

Х о н. Шоирлар амири норозига ўхшайдилар назаримда.

Н а з м и й. Йўқ, йўқ, асло олий нишон.

Х о н. Бўлмаса, шеърхонликдан бўлсин. Соғиниб қолдик.

Н а з м и й. Комил Хоразмий, марҳамат қилинг.

Х о н. Аввал ўзларидан эшитайлик.

Н а з м и й. Мен тайёр эмас эдим-ку...

Х о н. Шоирлари ҳар маҳал, ҳар қандай пайтда шеър тўқишларига имоним комил. Майли, сизга эркин мавзу берамиз... Бошланг!

Н а з м и й

(Ўқийди)

Хонимиз олам қуёш, муҳташам соҳибқирон,
Бир кун таъзимига келгай анинг жумла жаҳон.
Ул тафаккур оламининг устози, мумтозидир,
Таслимига юз тутар оламда бўлган барча жон.
Шеърят илмида ул юлдуз эмас, мисли қуёш,
Мисраси, ҳатто ибора гули гулзордан нишон.
Ул саҳийлик бобида Хотам анга бас келмагай,
Ҳам адолат оламига бош эрур Султон жаҳон...

(Таъзим қилади.)

Х о н. Балли. Мақтовингдан бошим осмонга етди шоир. Аммо бу назмлар дилни қитиқламайди. Таъсирчанроқ газаллар ўқилса-да. Мана, гўзал ёр васли... Ошиқлар зори... Марҳамат.

Н а з м и й. Бўлмаса, навбатни истеъдодли шоир Комил Хоразмийга берайлик.

Х о н. Комил Хоразмий. Бизни нима билан хурсанд қилмоқчисиз?

К о м и л. Мавлоно Огаҳий шеърларига назира. (*Куйлайди.*)

«Куйса олам, бўлма ҳайрон, ўтли афғонимга боқ,
Ўтли афғоним таажжуб, кўздаги қонимга боқ.
Қасдим айлаб дам-бадам ранжу фироқу дарди ишқ,
Чиқмаган бунча азоб ичра қаттиқ жонимга боқ.
Хайрат этма, ҳар бало тўфони тутса даҳрни:
Сели ғамга манба ўлган чашми гирёнимга боқ.
Комилинг ҳолини гар ишқ ичра билмоқ истасанг,
Элга ибрат бирла тўлган кўздаги қонимга боқ».
Х о н. Огаҳий, сиз нима дейсиз?

О г а ҳ и й
(*куйлайди*)

Қачонким ул нари кўздин ниҳон ўлди, ниҳон ўлди,
Ишим Мажнун каби оҳу фигон ўлди, фигон ўлди.
Кўнгулда оташи ишқинг ниҳон асрий дедим, эй шўх,
Нетай оҳим шароридин аён ўлди, аён ўлди.
Ҳазин жонимга дарду ғам ўқин ёғдурғоли ҳар дам,
Юзинг узра ики қошинг камон ўлди, камон ўлди.
Инонмам эй, ки дерсан дилраболарда вафо бордир,
Яқиндурким бу сўз манга гумон ўлди, гумон ўлди...

Х о н келиб, шоирни қучоқлайди.

Х о н. Мен хаста эрдим, дардимга малҳам қўйдинг,
шоир. Тила тилагининг.

О г а ҳ и й. Қўл узатсак етадиган ерда Аму оқиб ётибди... Аммо халқим сувга ташна. Рухсат беринг, олий нишон, халқ ҳанари билан ариқ қазийлик. Дехқонни сувга тўйгазайлик.

Х о н. Мен сафарга жўнаяман. Хоразм хавф остида, омонлик бўлса, ўзим бош бўламан... Қаъбай.

Қ аъ б а и й. Даббай давлат нишон.

Х о н. Мен қайғушимча саройда сени қолдираман.
Тарозу теңасизла тур, ноҳақлик бўлмасин... (*Одамларга.*)
Хайр ҳалойиқ омон кўришайлик.

Музыка, аскарлар ўйини, Х о н н и кузатиб халқ чиқади. Саҳнада
Н а т м и й ва Б и с м и л л о пайдо бўлишади.

Б и с м и л л о. Эй, имилламай қолинг. Тезроқ ҳаракат қилсангизчи!

Назмий. Нимага ташвиш қиласан мунча! Қаъбайи бор — иш битди деявер.

Бисмилло. Мен ҳам шунн айтянман-да, темирни қизигида босинг. Ҳа, хон келмасдан.

Назмий. Хўп, хўп, хўп, хон ҳалл-вери келмайди, палагн қуриган, хотиржам бўлавер. (Яна.) Хўп дедимку.

Бисмилло. Хўпга бало борми? Ҳуснидил кўп-маяпти. Исканжага олинг. Ҳа... (Чиқади.)

Қаъбайи киради. Хурсанд.

Қаъбайи. Худо деган одамсиз-да, дўстим. Тила тилагингни, бажараман. Душманим бошини ол, де — оламан.

Назмий. Гапинг ростми?

Қаъбайи. Елгон айтсам, ёрилиб ўлай.

Назмий. Бу ўрида: сув ўғрилари Темур ва Қулаҳмад зиндонга солинсин.

Қаъбайи. Ҳазиллашма.

Назмий. Ҳазиллашсам тилим кесилсин.

Қаъбайи (ўйланиб). Ёз фармон: Қулаҳмад. Темур хавfli сув ўғрилари деб зиндонга солинсин.

Назмий. Дилкаш.

Дилкаш киради.

Додхоҳга бор, у шу яқинда тўгон бошида.

Дилкаш чиқади.

Қаъбайи. Бу ёғи қандоғ бўлди, шоир?..

Назмий. Хон экансан, даврингни сур, бегим... Энди Огаҳий оёқдан йиқилади.

Қаъбайи. Допо сиёсатингга балли, шоир. Назм кўкида парвоз қилмаганингда, катта арбоб бўлардинг. Хўш, яна нима истайсан?

Назмий. Муҳаббат косасидан май ичмоқ истайман.

Қаъбайи. Ичасан, қониб-қониб ичасан, дўстим...

Назмий

(шеър ўқийди)

Агар ризқинг дароз ўлса, бу дупёдан кетиб бўлмас,
Риёзат чекмагунча, ёр васлига етиб бўлмас.

Қаъбайи. Қойил шоир, кўнглимни кўтардинг...

Навкарлар Темур билан Қулаҳмадни боғлаб олиб
ўтадилар.

Назмий. Нима гап?

Қулаҳмад. Ўзингдан чиққан балога, қайга борай
давога. Шундай амири шуаро.

Назмий. Ўламан обло, хабарим йўқ. Мендан гу-
монсираб хато қиласиз, дўстим.

Темур. Шундай пасткашлик билан шеърятга қа-
лам урганингизга ҳайронман. Ғазалимизга ҳам доғ ту-
ширдингиз, амири шуаро.

Қаъбайи (*буюради*). Олиб чиқинглар!

Махбусларни олиб чиқадилар.

Назмий (*орқасидан*). Бадбахт, бу кунингдан бат-
тар бўл!

Тез Огаҳий киради.

Огаҳий. Бу қандай бедодлик, амири шуаро?

Назмий. Қаъбайидан сўраи.

Қаъбайи. Фармон шу. Шикоятга ўрин иуқ.

Огаҳий. Хонга арз этаман.

Қаъбайи. Тўхтанг! Сизга муҳим топшириқ: шу
фурсатдан эътиборан уйдан ҳеч қаёққа чиқмайсиз. Хо-
нимиз салтанатининг бутун тарихини ёзиб чиқасиз. Фар-
мон шу!

Огаҳий. Нималар деяпсиз, Қаъбайи?

Қаъбайи. Ҳар икки қулоғингиз билан эшитинг:
сиз айтган толлар кесилиб кетди, фармони олий шу.
Йўқса, зиндонда ўтириб ёзасиз!

Огаҳий. Хонга арз қиламан.

Қаъбайи. Хон жаигда. Оёғингиз етмайди, шоир.

Огаҳий (*аччиқ билан*). Дўзахий! (*Отилиб чиқиб
кетади.*)

Пауза.

Назмий. Энди ўз гўштини ўзи ейди.

Қаъбайи. Қалай хурсандмисиз, амири шуаро?

Чопиб Ҳуснидил киради.

Ҳуснидил. Дадамни нима қилдингиз? У касал. Раҳмингиз келсин.

Қаъбайй. Арзингни Назмийга айт. *(Чиқиб кетади.)* Уни қайтаринг. Раҳмингиз келсин. Ялинаман-ёлвораман.

Назмий. Отанг — исёнкор. У зиндонда чириydi... *(Чиқиб кетади.)*

Ҳуснидил. Дод... Золимлар дастидан дод... Отажон... *(Додлаб куйлайди.)*

Фалак жабру жафосидин букун мен тору мор ўлдим.

Ҳаловат истадим, аммо жафо қаҳрига ёр ўлдим.

Баҳор фаслида бир гулдек очилмоққа ҳавас этсам,

Баҳор фаслида гул очмай, хазон ўлган баҳор ўлдим...

Дадажон...

Парда.

ИККИНЧИ ПАРДА

УЧИНЧИ ҚҰРИНИШ

Саҳна олди. Ҳуснидил, Гулхон, Дилкаш.

Ҳуснидил. Ишонсам бўладими?

Дилкаш. Қасамёд қиламан: Гаплари рост. Қаъбанига ишонаверинг.

Гулхон. Ваъдаси устидан чиқишига ишонмайман.

Дилкаш. Уйга боришлар, кутишлар. Бу ёғини менга қўйиб беришлар. Менга ҳам ишонмайсанларми?

Ҳуснидил

Хўп, ишондик. Хайр (*Чиқадилар.*)

Гулхон

Дилкаш. Эй, содда қизлар, бошларингизга мушкул тушганда, бир оғиз ширин сўзнинг қурбони бўласизлар... Эй, содда қизлар, шўрпешоналар... (*Чиқади.*)

Парда кўтарилади. Бог. Ҳуснидил ёлғиз, эзилиб ашула айтиб ўтирибди.

Ҳуснидил

Баҳор фаслида бир гулдек очилмоққа ҳавас этсам,
Баҳор фаслида гул очмай, хазон ўлган баҳор ўлдим.

Гулхон киради. Қўришадилар.

Гулхон. Ҳуснидил.

Ҳуснидил. Қандай шамоллар учирди, дугонажон. Акамлар соғмилар?

Гулхон. Шукр.

Ҳуснидил. Нималар олиб келдингиз?

Гулхон. Сизга салом ва янги газал... (*Беради.*)

Ҳуснидил
(*Ўқиб куйлайди*)

Парда бирла қилмагин хуршид рухсорингни банд,
Гар десангким айлайин бу зарраи зорингни банд.
Истабон кўрмак жамолинг чун кун ўлмиш беқарор,
Эй пари, мажнун кўнгулга қилма дийдорингни банд,
Сўз эшитиб, лабларингдин тоза-тоза жон топай,
Қилма жони, нуқтадин лаъли шакар борингни банд.
Кўзларингким, раҳм қилмай дам-бадам қоним нчар,
Айла бир тадбир ила бу икки хунхорингни банд.

(*Хаёл суриб қолади.*)

Гулхон. Хафа бўлманг, дугонажон, ойнинг ўн беши ёруғ...

Ҳуснидил. Мени тириклай мазорга кўммоқчилар...
Акангизга айтнинг, йўқлаб турсинлар... Ўзларини кўр-
моқчи эдим, учраша олармикинмиз...

Гулхон. Мен учраштираман. Хайр. (*Чиқади.*)

Ҳуснидил. Бирам кўргим келади.

Бисмилло киради.

Бисмилло. Ўзингни олдириб қўйибсан. Ҳуснидил...
Беш кунлик дунё бу— ўйна, кул.

Ҳуснидил. Дадамга қайғурмайсизми, опа...

Бисмилло. Мен қайғурмай, ким қайғурсин. Бор-
маган жойим, ялинмаган кишим қолмади.

Ҳуснидил. Акангизга боргандирсиз-да?..

Бисмилло. Ҳа, бордим, ялиндим, кўнглини юм-
шатдим... Сизнинг бир оғиз сўзингиз керак бўлиб қолди...

Ҳуснидил (*ҳайрон*). Қандай?.. Дадам учун ўн
оғиз сўзлашга ҳам розиман.

Бисмилло. Акамга ялнинг, чиқариб беради.

Ҳуснидил. Акангизга?!

Бисмилло. Ҳа, акамга. Шонр қалби бўш бўлади.
Ялинсангиз бас, мен ишни пишитиб қўйганман.

Ҳуснидил (*изтиробда*). Начора, ялинсак ялиниб-
миз-да...

Бисмилло. Ҳа, баракалла. Иккимиз бир бўлсак,
дадангиз ҳам шод бўладилар. Ўзимиз ҳам гамдан халос
бўламиз...

Ҳуснидил. Айтганингиз келсин.

Назмий пайдо бўлади.

Назмий. Бисмилло, нима гап, типчиликми? Уйларингга рўйхатчилар келаётган экан, қайтардим...

Бисмилло. Қандай рўйхатчилар? Вой шўрим...

Назмий. Рўзгорин хатлаб, уйини сотиққа қўймоқчилар...

Бисмилло. Ҳали бу кўргилик ҳам бормиди?.. (*Хуснидилга имлайди.*)

Хуснидил. Амири шуаро, раҳмингиз келсин, мол-жонимизга тегмасинлар... Дадамин чиқариб беринг?

Назмий. Жуда оғир савдо, синглим.

Хуснидил. Сиз амалдорсиз, шоирлар амирисиз, гапингизни қайтаришмайди. Ахир биздан қайтмаса, худодан қайтар-ку.

Назмий (*ўйланиб*). Хўп, синглим, хўп. Уй-рўзгорини хатлаттирмайман. Дадаингизни... кейину... хўп, озод қилдираман. Эвазига...

Бисмилло. Нима десангиз, Хуснидил тайёр.

Назмий (*маъноли*). Хўп, бу ёғини дадаингиз билан гаплашаман, келишдикми?

Хуснидил. Бу яхшилигингизни ўла ўлгунча унутмайман, ҳамиша хизматингизни қиламан.

Назмий. Офарин, офарин. (*Суюниб чиқади.*)

Бисмилло. Айтмадимми?

Хуснидил (*суюниб*). Дадамлар озод бўладилар, жон дада, тезроқ келинг.

Чироқ ўчади.

Сув бўйида Огаҳий ва Хуснидил учрашадилар.

Хуснидил. Ассалом, устоз.

Огаҳий. Ваалайкум, синглим.

Хуснидил. Сизнинг қимматли вақтингизни олмадимми?

Огаҳий. Зинҳор... Мен хонимиз ҳузурларига бордим. Афсус, қаттиқ бетоблар. Арз эшитгудек ҳоллари йўқ... Халқ ҳашари билан қурилаётган ариқ ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди...

Хуснидил. Аттаиғ, қийин бўлибди. Начора, ўзингизга эҳтиёт бўлинг, кўп уринманг. Анча озиб қолибсиз...

Огаҳий. Начора. Кеча-кундуз уйдан чиқмайман.

Тўрт томонда айгоқчилар. Хонимиз салтанати тарихини ёзиш билан овораман...

Ҳуснидил. Хондан сўрармикинсиз, деган умидда эдим... Дадам ҳам зиндонда... Ўлиб қолмаса бечора...

Огаҳий. Менинг ҳам дилим пора-пора... Ниҳоят тонг пайти хон аҳволдан хабар олгани Дилкашни йўлладим. Шояд аҳволлари ўзгарган бўлса... Ноумид шайтон дейдилар. Албатта хонини кўндираман. Хотирингиз жам бўлсин...

Ҳуснидил. Ўксик дилимга умид бағишладингиз. Муродингизга етинг...

Огаҳий. Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим...

Ҳуснидил. Жон қулогим билан эшитаман. Бироқ сиз билан ҳамсухбат бўлдим, дардим ёзилди.

Огаҳий. Совчилар келаётганмиш деб эшитардим. Охири нима билан тугайди бу савдо...

Ҳуснидил. Мен сиздаги одамийлик ва истеъдодингиз қулиман. Осмону фалакни устимга қулатсалар ҳам, барибир, мен сизники...

Огаҳий. Менга бундан ортиқ бахтнинг лозими йўқ...

Ҳуснидил ва Огаҳий бир-бирига талпинади. Дилкаш кириб қолади.

Дилкаш. Устоз, хон қабулига киролмадим... Афв этинг. (*Кўзи тўрт томонда.*)

Огаҳий. Бўпти. Сенга жавоб.

Дилкаш. Мени авф этинг, бемаҳалда келибман. (*Чиқади.*)

Огаҳий. Ҳамма бало бемаҳал содир бўляпти. Шунга хафаман.

Ҳуснидил. Ҳамма хафа бўлса ҳам, сиз хафа бўлмаг, устоз. Сиз соғ бўлсангиз — биз ҳам соғ...

Огаҳий. Сиз бўлганда мен бахтиёрман. Ҳуснидил... (*Шеър ўқийди.*)

Хароб ўлсун, илоҳи, гунбази даввор чархи дун,
Қи доим даври каждур, таври шуму ҳайъати вожун.
Анинг кажравлиги таъсиридандир бу жаҳон ичра.
Жафо аҳли ҳамиша ҳурраму, аҳли вафо маҳзун...
Фано қасрига еткур, Огаҳий, жаҳд айлабон ўзни,
Агар истар эсанг бўлмоқ жаҳон андуҳидини маъмун.

Чолиб Гулхон киради.

Гулхон. Ака, Хуснидил... Олий нишон... Олий нишон...

Огаҳий. Ўзингни тут, синглим. Гапир...

Саҳна олдида жарчилар овози янграйди.

Жарчилар

Ҳой хоразмликлар, катта-кичиклар!

Хаста хонимиз — хонумонимиз

Шу саҳар оламдан ўтдиларо! Ҳо-о-о-о.

Огаҳий. Омин раҳматликнинг жойи жаннатда бўлсин... Кўришгунча хайр, Хуснидил.

Хуснидил. Хайр, устоз.

Чироқ ўчади.

Тўртинчи кўриниш

Бир ёнда Хуснидилнинг уйи. Тонг пайти. Бисмилло иш билан овора. Хуснидил хафа.

Хуснидил

(қўйлайди)

Фалак жабру жафосидин букун мен тору мор ўлдим,
Ҳаловат истадим, аммо жафо қаҳрига ёр ўлдим.

Бисмилло. Мунча юрагингни эзмасанг, синглим, бошингга бахт қуши қўниб турганда, пошукрчиликни қўйсанг-чи... Беш кунлик дунёда даврингни сур...

Хуснидил. Қаъбайининг гапларини эсласам бадалларим жимирлаб кетади, опажон.

Бисмилло. Даданг учун қилсанг қилибсан-да.

Хуснидил. Дадам... қани энди кучим етса-ю, зиндонни парчалаб ташласам... Дадамга берган азобларини кўриб, юрагим қоп бўлиб оқди... Эй зolim фалак...

Бисмилло. Зорланма, Хуснидил, даданг чиқади...

Хуснидил. Қаёқдан биласан? Ахир Темуржонни ўлим тўшагига ётқиздилар... Дадамни ҳам шу ҳолга соладилар-да...

Бисмилло. Йўқ, сенинг йўлинг бошқа. Темуржоннинг йўли бошқа.

Ҳуснидил. Қаёқдан биласиз?

Бисмилло. Биладан-да.

Ҳуснидил. Вой ўлмасам... Биров келяпти...

Ҳассага суяниб, зўрға юриб Қулаҳмад кириб келади.

Ҳуснидил. Дада! (Югуради.) Дадажон!

Қулаҳмад. Қизим! (Бағрига босади.)

Ҳуснидил. Дийдорингизни кўрар кун ҳам бор экан-а...

Қулаҳмад. Роса қийналдим. Дарралар белимни букиб ташлади... Аммо қизим, нима қилиб қўйдинг?!

Ҳуснидил. Нима қилибман? Сизни қутқариш учун қўлимдан келганини қилдим.

Қулаҳмад. Қилмагин эди, қизим!

Бисмилло. Қўйинглар энди можарони...

Ҳуснидил. Нима қилибман? Қани, айтнинг, ножўя иш қилибманми?

Қулаҳмад. Мен ўлсам ўлай эди, аммо... (Йиғлайди.) Сен рози бўлмаслигинг керак эди.

Ҳуснидил. Нимага, дада?

Қулаҳмад. Устоз Огаҳийга қайси юз билан кўринаман.

Ҳуснидил. Ёруғ юз билан...

Қулаҳмад. Йўқ, қизим, йўқ! Унинг юзига қаролмайман. Мен сенинг эвазингга чиқдим...

Ҳуснидил. Нима?!

Қулаҳмад. Ўзинг иқрор бўлибсан-ку, қизим?

Ҳуснидил. Дод, ёлғон, мени алдадилар! Ёлғон! (Йиғлайди.)

Чироқ ўчади. Чироқ Огаҳий хонасида ёнади.

Огаҳий (қоғоздан бош кўтариб). Мана марҳум хон салтанати тарихи битай деб қолди. Бунда мен унинг йигирма йиллик олий нишонлиги тарихини битдим. Илматърифат, адабиёт ва санъатга муҳаббатини, заковатини, шунинг билан бирга, халқимнинг ғаму андуҳини битдим. Деҳқонни сувга сероб қилиш учун катта ариқ қазишга киришганим ва сарой амалпарастлари уни барбод этганларини саҳифаларга қайгуриб битдим... Мана энди бу кун хоннинг ўлими бобини ёзаман. Бу билан кўп орзуларнинг тилка-пора бўлганини қайд қиламан.

Айтгандай, ҳозир менинг Ҳуснидилим нималарнидир ўйлаётгандир. Менинг янги ғазалимни дутор баётида куйлаётганмикин? Қўлим хатда, хаёлим — Ҳуснидилда. Шунинг учун ишим илҳом билан ёзилмоқда... (*Ёза бошлайди.*) Олий нишоннинг ўлими рақиблари қўлига пой-теша тутқазди. Менинг муҳаббатим илдизлари чопилмоқда. Йўқ, мен ҳам тирикман, кўкрагимни қалқон қилганим қилган.

Пауза. Гулхон киради.

Гулхон. Акажон!

Огаҳий (*чўчиб*). Қандай хушхабар олиб келдинг, синглим?

Гулхон. Хушхабарми?.. Қулаҳмад оғамлар чиқдилар.

Огаҳий. Мени беҳад хурсанд қилдинг, жон синглим. (*Унинг авзойини кўриб.*) Ҳа, нега бунча ўйчансан? Яна бир гап борми?

Гулхон. Шогирдингиз Темур... (*Айтолмайди.*)

Огаҳий. Унга бир гап бўлдимми?

Гулхон. Аҳволи оғир... Зиёдон қаърига оч ташлаб қўйиптилар. Беш кундан бери сув ҳам берганлари йўқ... Оч...

Огаҳий. Синглим, сал сабр қил, бир иложини қиламиз.

Гулхон. Нуқул ғаму андуҳ ичида қолдик... Ҳуснидил...

Огаҳий. Нима қилди Ҳуснидилга?!

Гулхон. Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим.

Огаҳий. Айт, тортинма, кечиккиб эшитгандан кўра... Азобини ҳозир тортай...

Гулхон. Ҳуснидили Назмийга тўй қилмоқчилар...

Огаҳий (*бирдан*). Нима?! Шунинг сендан эшитяпманми... Эҳ, бадбахт дунё! Наҳот бизга кулиб боқмасанг!

Комил Хоразмий киради.

Комил. Пирим, оғир бўлинг! Ҳар нарсани ичингизга ютаверманг.

Огаҳий. Қўлимда қаламим, узоқда дўстларим... Нима қила оламан, нима? Ҳамма ёғим берк, уйдан чиқолмайман, асил дўстларим қувгинда, шогирдларим зиндонда.

К о м и л. Пешонага ёзилганини кўрамиз, устоз.

О г а ҳ и й. Пешона деб қулликка бўй эгаверамизми? Иўқ. Золимларни халқ олдида шарманда қилмасак, нима қилиб юрибмиз.

К о м и л (сирли). Тайёр бўлиб туринг, дўстим. Бу-хорога жўнайсизлар...

О г а ҳ и й. Ростданми?

К о м и л. Ярим кечада Темурни зиндондан олиб қочамиз. Ҳуснидил ҳам келади.

О г а ҳ и й. Ростингми, дўстим. (Қучоқлайди.)

Д и л к а ш пайдо бўлади.

Д и л к а ш. Устоз, эшикда сизни беш нафар навкар кутиб турибди.

О г а ҳ и й. Нима керак уларга мендан?

Д и л к а ш. Фармони олий бўлипти. Саройга бориб, ҳужрада Олий нишон тарихномасини битказасиз.

О г а ҳ и й. Бу қандай зўравонлик?

К о м и л эшикка отилади.

Д и л к а ш. Фармони олий билан ҳазиллашиб бўлмайди, устоз. Итоат этмасангиз, зўрлаб олиб кетмоқчилар.

К о м и л киради.

К о м и л. Бўйсунмай илож йўқ.

О г а ҳ и й. Яна йўл боғланди. Қайси муртаддан чиқди бу гап.

Д и л к а ш қалтирайди.

Хайр, синглим Гулхон! Хайр, дўстим Комил! Ҳуснидилга мендан салом айтинглар! (Чиқади.)

Чироқ ўчади.

БЕШИНЧИ ҚҰРИНИШ

Бог ҳовли. Ҳуснидил ёлғиз. Қўлида дутор. «Алиқамбар»нинг сўнгги пардаларини чалмоқда. Кечки пайт. Пауза.

Ҳуснидил (*дуторга*). Дутор, сен ҳам кўнглимни очолмадинг, қайтага алашимга жўр бўлиб минг алам қўшдинг. Мен бу ерда ўтдек куюман. Огаҳий-чи? Мени ўйлаётганмикин? Нега келмайди? Нега бир эплик хат, газал ё мухаммасни раво кўрмайди?.. Ахир мен беқиёс истеъдоди, тенгсиз заковати, мислсиз инсоний фазилатининг шайдосиман-ку... (*Қўйлайди.*)

Хуштор баҳор мавсумининг айш чоғида,
Ўз ёри бирла бўлса киши васл боғида.
Сайр этса гоҳ дилбарининг илкин тутиб,
Боғи висол гулшанининг сўлу соғида.

Қўшиқ айтиб қизлар киради.

Қизлар

Сумалагим қозонларда қайнайди,
Ёрни кўрсам қора кўзим ўйнайди.
Кўнглим эса баҳор каби яйрайди,
Сумалагим қозонларда қайнайди.
Қора сочим тарам-тарам тарайман.
Ёр йўлига тонгда туриб қарайман,
Ёр келмаса, бевафо деб ўйлайман,
Сумалагим қозонларда қайнайди.

Қизлар ўйини. Сумалакка ўт ёқадилар. Ҳафиза хола киради.

Ҳафиза (*бир четда*). Ҳуснидил, тайёرمىсан, қизим?

Ҳуснидил. Тайёрман, амма. Амма дадам билан бир бор учрашсам... У менсиз жинни бўлади...

Ҳафиза. Вақт зиқ. Эски кийимларингни кий тезроқ! Йўловчилар танимасин.

Ҳуснидил. Ҳозир... (*Чиқмоқчи бўлади.*)

Қулаҳмад рўпарада пайдо бўлади.

Қулаҳмад. Тузукмисан, қизим?..

Ҳуснидил. Ўзингиз қалайсиз, дада?..

Қулаҳмад. Мазам йўқ, қизим... Турмуш жонимга тегди — Қаъбай ўзил-кесил жавоб истайди.

Ҳуснидил. Қандай ёмон одам-а. Йўқ десангиз, нима қилади сизни?

Қулаҳмад. Ҳеч нарса қилмайди — қамайди, холос, сени бўлса зўрлаб олиб кетади.

Ҳуснидил. Мени Назмий қўйнига отгушларича, илон инига ташлаганлари афзал. Ўлсам ҳам кўнмайман.

Қулаҳмад. Тўғри қиласан, қизим... Майли, сенинг айтганинг бўлсин. Мени қамасинлар, қамаб зиндонда чиритсинлар, ўлсам ўлай, аммо сен...

Чопиб Гулхон киради.

Ҳафиза. Ҳа, нима бўлди? *(Ташвишланади.)*

Ҳуснидил. Гулхон, бормисан, дугонажон. *(Суюнади.)*

Гулхон. Шўримиз қуриди.

Ҳамма изтиробга тушади.

Қулаҳмад. Нима гап?

Гулхон. Акамларни саройга олиб бориб қамадилар...

Қулаҳмад. Аҳ, аблаҳлар... Ҳуснидил, тезроқ қоч, болам.

Ҳуснидил *(Гулхонга)*. Олиб кетдиларми?!

Гулхон. Ҳа.

Ҳуснидил. Ҳали гап шундайми?

Қулаҳмад *(тахликада)*. Ҳа, нима қилмоқчисан? Ўзингни ҳалок қилиб қўйма, болам!

Ҳафиза. Бардам бўл, Ҳуснидил!

Ҳуснидил *(шартта)*. Майли, унда айтинглар: тўйни бошласинлар.

Ҳафиза. Ҳой, сенга нима бўлди? Эсингни едингми? Қочайлик!

Қаъбай, Назмий ва бошқалар киришади.

Қаъбай. Йўл бўшатинглар. Тўйбошилар келишди. Қани, тайёرمىсизлар.

Қ у л а ҳ м а д. Бир оз сабр қилинглар, битмаган мас-
лаҳатимиз бор...

Ҳ у с н и д и л (*уларга*). Йўқ, маслаҳатимиз пишган.
Тўйни бошлайверинглар.

Қ у л а ҳ м а д. Сенга нима бўлди, қизим?

Ҳ у с н и д и л. Оғаҳийни қийнашдан нима фойда. Уни
азоблардан қутқазिश керак...

Қ о м и л Х о р а з м и й ва б о ш қ а л а р к и р и ш а д и.

Қ а т б а и й (*буюради*). Тўй ноғораси чалинсин!

Музика янграйди. У л а р т а н т а н а в о р ч и қ а д и л а р.

Г у л х о н. У ё қ н и м а бўлди?..

Қ о м и л. Пешонанг шўр экан, сиигим, Темур зиндон-
да оламдан ўтди.

Г у л х о н. Дод. (*Ҳушидан кетади.*)

Чироқ ўчади.

Парда.

УЧИНЧИ ПАРДА

ОЛТИНЧИ ҚҰРИНИШ

Ҳашаматли хон саройи. Янги хоннинг тахтга ўтириш маросими.
Қ а ъ б а и й билан Н а з м и й кирадилар.

Н а з м и й. Сиздан беҳад миннатдорман, вазири акбар.

Қ а ъ б а и й. Дўстларга жонимиз қурбон, амири шуаро. Дадасини қамаб, қизини қафасга солдик. Энди истаган куйингизга сайратаверасиз.

Н а з м и й. Сиёсатингизга балли, вазири акбар. Огаҳийни саройга қамаб, савоб иш қилдингиз, йўқса...

Қ а ъ б а и й. Ҳуснидил қочган бўларди.

Н а з м и й. Ҳа, раҳмат. Сизга ҳам, Дилкашга ҳам. Мени шармандаликдан лаззат қучоғига ташладинглар.

Қ а ъ б а и й. Букун тўй. Маъшуқангиз дийдорига тўясиз. Сиздан бахтли одам борми дунёда.

Н а з м и й. Букун мену янги хонимиз бахтиёр. (*Кулади.*) Ҳазрати олийларини тўйга таклиф қиламан.

Қ а б ъ а и й. Бўлмасам-чи... У кишисиз тўй тўй бўлармиди?

Д и л к а ш киради.

Д и л к а ш. Ассалому алайкум.

Н а з м и й. Қани, нима янги гап топиб келдинг, айт?

Д и л к а ш. Огаҳий қаттиқ изтироб чекмоқда. Кечалари уйқу билмайди. Мана, сўнгги шеър... (*Беради.*)

Пауза.

Н а з м и й
(*ўқийди*)
Ит ҳурар чалинса Назмий созига,
Хуш ўлур ўхшатса они тозига
Паҳ, паҳ, паҳ.

Шеърни улоқтиради. Бошқалар кулишади. Назмий ғазабланади.

Қ а ъ б а и й
(*ўқийди*)
«Балчиқ ўлмиш Қаъбайй атрофи кўз ёши йла,
Бир эшакдекким ётиб йўл тополмагай ул дўзахий...
Қўтар-эй. (*Хатни улоқтиради. Кулги.*)
Д и л к а ш
(*ўқийди*)

Лаънат ул Дилкашгаким, хирсу тама, мақсадида,
Кўргазур ҳар пастгаю нокасга изҳори мадиҳ.
Ана холос, биз камина ҳам қуруқ қолмабмиз...
Қаъбайй. Бас. Ҳали хонни ҳам ер билан яксон
қилган чиқар... (*Хатни йиртиб ташлайди.*)

«Хон чиқар» тантанасига музика чалинади. Оқ наमतга солиб хонни
элиб кирадилар ва тахтга ўтқазадилар. Қизлар рақсга тушишади.
Ашула айтилади. М а с х а р а киради.

Я н г и х о н. Масхара, бормисан? Гапир!
М а с х а р а. Борман, дойи, борман. Гапирсам, мен
ҳам шоирман.

Я н г и х о н. Нима?
М а с х а р а. Амири шуаро билан бел олишаман.
Я н г и х о н. (*кулиб*). Қани, ғазалингни ўқи-чи?..
М а с х а р а. Ишқ бобида...

Ҳусн мулкинда жамолинг ой билан талошадир...
Қани, амир шуаро, улашг.

Амири шуаро жим.

Кўрмаганлар кўрса юзинг ҳушидан адошадир...
Сен фароғат бахш этувчи, жон учун дармон асл,
Солланиб ўтсанг элатдан неча кўз қамошадир...

Я н г и х о н (*Назмийга*). Амири шуаро, қалай?
Н а з м и й. Яхши-ю, сал тузсизроқ.
Я н г и х о н. Масхара, бунга не дейсан?

Масхара. Амири шуаро тўғри айтадилар, дойи. Чунки ўзларининг шеърлари довуччага ўхшайди. Уни тузсиз еб бўлмайди. Менинг шеърларим эса асл бол. Зотан, унда туз нима қилсин.

Янги хон. Офарин. Масхара, энгдинг.

Масхара. Мен Огаҳийнинг погирдиман-да, дойи...

Янги хон. Мен отам йўлидан бораман: тошга ўйилган Огаҳий маснавийсини олтин билан ёздираман. Нақадар мумтоз фикр, гўзал шеър... Адолат байроғи...

Қаъбаий. Ортиқча баҳо бермаётганмикинсиз олий нишон. Уни саройдан қувиш керак, олий нишон.

Янги хон. Мамлакат денгиздек чайқалиб турибди. Хар ёнда оҳу фиғон. Унинг билан ўйнашиб бўлмас... Хавфли у, жаноби Қаъбаий.

Қаъбаий. Қўйнимизда илон сақлаб, заҳар ютганимиз яхшими? Шоирларнинг нима кераги бор букуи.

Янги хон (*ўйлашиб*). Айтгандай, шоирларни чақиринг! Бекорчилар билан гаплашиб кўрай...

Шоирлар йиғилиб, таъзим қилишади.

Назмий. Мана, ҳаммалари шу ерда.

Янги хон. Фармонимни эшитинг, эй шоирлар. Бу кундан бошлаб сарой сизларга бир чақа беришга ҳам қодир эмас. Ҳаммаларингга жавоб, кунларингни ўзларинг кўринглар.

Назмий. Мен ҳамми, олий ҳазрат, раҳмингиз келсин, бошқа ҳунарим йўқ...

Қаъбаий. Унга раҳм қилинг, олий нишон.

Янги хон. Хўп, сен сарой мирзолигида қол. Огаҳий қани?

Қаъбаий (*буюради*). Айтиб келинглар!

Огаҳий киради.

Янги хон. Муҳаммад ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий, қўлингиздаги китоб битгунча сарой тарихчиси лавози-мида қоласиз.

Огаҳий. Ундан кейин озод бўлганим учун раҳмат. (*Таъзим қилади.*)

Янги хон. Сизнинг ўрнингизни амири шуаро эгаллайди. (*Пауза*).

Назмий. Олий нишон. Бу кун менинг тўйим... Менинг зиёфатимга қадам ранжида қилсангиз...

Янги хон. Бу кун менинг тахтга ўтирган куним...
Ҳар қандай тўй шу ерда бўлади. Келинни саройга олиб келинлар.

Каъбаий. Хўп бўлади. *(Чиқади.)*

(Ўйин, ашула)

Масхара

Тўй бошланар Хоразмда,

Ой кўринар осмонда.

Қани, чалинг бу базмда

Ўйнамаган армонда...

Музыка янграйди. Эшикдан ёр-ёр эшитилади. Сўнгра келинни узатиб қизлар киришади. Баъзи маросимлар, ўйинлар ижро этилади.

Қизлар

(ёр-ёра айтди)

Сен гўзаллар гўзали, маликаси ёр-ёр,

Сен шоирлар ғазали, қасидаси ёр-ёр.

Оҳу каби қора наргиз кўзлари,

Тозадан жон берар ширин сўзлари.

Нақш олма каби қизгин юзлари,

Қайдан олдинг, ука, бу тар ғунчани.

Тиши инжу каби, лабида боли,

Осмонда ой экан кўрсак жамоли.

Яногида бордир бир қўша холи,

Қайдан олдинг, ука, бу тар ғунчани...

Қизлар орасида машшоқ қиз қиёфасида Ҳуснидил ўртага чиқади.

Қўлида торн қуйлайди.

Ҳуснидил

Шод ўл, эй кўнгил, бу кун дилбари жонон келаду,

Илтифоти баҳридин тухфайи уммон келаду.

Меҳрини нурга ўраб, лола тақиб кўкси уза,

Ошиғи дилбандига гўёки бўстон келаду.

Не ажаб дилбар экан, кимларни мафтун этмагай,

Меҳри рухсори анинг тан аро бир жон келаду,

Ақл одоби била, санъати овози била,

Эл аро олқиш ўлан машҳури дoston келаду.

Қизлар ўртадаги келинни никоҳ минбари томон олиб борадилар.

Қ а ъ б а и й. Қулаҳмаднинг қизлари, тўй кунингизда меннинг вакил ота бўлишимга розимисиз?.. *(Жимлик.)* Сиздан сўраяпман, розимисиз?

О в о з *(паузадан кейин)*. Ро-зи-ман.

Қ а ъ б а и й. Раҳмат. *(Назмийга.)* Назмий мирзо, бахтиёр никоҳ маросимингизда янги хонимизни ўзингизга вакил ота бўлишига розимисиз?

Н а з м и й. Розиман. Минг маротаба розиман.

Қ а ъ б а и й. Сиз Қулаҳмаднинг қизлари шоир Назмийга турмушга чиқишга розимисиз? *(Жимлик.)* Розимисиз? Учинчи бор қайтараман, розимисиз?

О в о з. Ро-зи-ман...

Н а з м и й. Мен бахтиёрман. Йўл беринглар! *(У бориб, «қизни» кўтариб олиб чиқади. Хурсандлик.)*

М а с х а р а. Шоир тўйи тузсиз бўлди, ёролла, у камирга уйланди, ёролла... *(Кулади, ўйнайди.)*

Қ а ъ б а и й *(Огаҳийга)*. Эрнингизбек ўгли, қалайсиз кўнглингиз жойига тушдимми?

О г а ҳ и й. Алжиманг, вазири акбар.

Қ а ъ б а и й. Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. *(Масхаралаб кулади.)*

М а с х а р а

Вазири акбар — шўрлик, шармандаю шармисор,

Амири шуаро Назмий йўқотди номусу ор.

Қ а ъ б а и й *(бақиради)*. Масахара... Бас...

Чопиб Назмий киради.

Н а з м и й. Вазири акбар, шўрим қуриди, тўйни тўхтатинг!

Қ а ъ б а и й. Жинни бўлдингми? Бу қандай номаъқулчилик!

Н а з м и й. Менга оқсоч Ҳафизани никоҳлабсиз.

Огаҳий ва шериклари кулишади.

Я н г и х о н. Бу қандай масхарабозлик?!

Қ а ъ б а и й. Огаҳийнинг найранги бу.

Я н г и х о н *(дарғазаб)*. Огаҳий... Сиз бутун саройни шарманда қилдингиз!

Огаҳий. Мен эмас шарманда қилган, ўзларингиз...

Янги хон. Бу найрангни ўйлаб чиққан сиз!

Ҳуснидил (отилиб ўртага чиқади). Йўқ, буни ўйлаб чиққан мен...

Янги хон (ҳайрон). Огаҳий, тошга ўйилган маснавийнингиз ўзингизга сийлов. Олинг!

Огаҳий (олиб). Маснавийнинг қадрига ўзим етман, уни мен бошимда кўтариб юраман.

Ҳуснидил. Биз энди озодмиз.

Икков (уларга). Хайр, ношуд одамлар! (Томошабинларга яқин келиб.) Бизларни қучоғингизга қабул қилинг.

Музыка

Парда

РЕСПУБЛИКА УТ ИЧИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездида бағишлайман.

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Темуров — Партия марказқўмининг бош котиби.
Қаримов — Комсомол Марказий Комитетининг раҳбари.
Ботиров — Чека раиси.
Шеров — Нозирлар Шўросининг раиси ва ҳарбий нозир.
Железнов — Раҳбар ходимлардан.
Қораев — Марказий Ижроия Комитетининг раиси. Миллатчи.
Ғуломий — Унинг ўринбосари.
Таманно — Англия разведкачиси.
Жунайид — Аксилинқилобчилар етакчиси.
Волков — Чека раисининг ўринбосари.
Муҳаммад — Контрреволюцион исёнчилардан.
Позниёр — Хонзода.
Карашма — Хонзода.
Собиржон — Инқилобчи.
Нигора — Хонзодаларнинг хизматкори.
Жамила — Темуровнинг онаси.
Жуманазар — Адашганлардан.
Жуманиёз.

БИРИНЧИ ПАРДА

Парда даҳшатли кунларни эслатувчи музика билан аста-секин очилади. Парда очилганда қон-қоронғи бўлиб, нур ўнг томондаги кекса, баҳайбат, баъзи шохлари қурий бошлаган гужум дарахтига тушади. Гужум тагида **Собиржон** билан **Нигора**. Музика эса лирик куйга айланади.

Нигора

Машаққатлар сароби саҳнида умрим хазон ўлмиш,
Юрак-бағрим азобу ғуссадинким лахта қон ўлмиш.
Тутиб кўз бевафога, ҳол паришон, мардумидурман,
Анинг боиси бир-ла гул юзимким заъфарон ўлмиш.
Замона зайли бир-ла жабрдийда инградим қон-қон,
Ғаму ҳасрат манга тақдирмикан нега макон ўлмиш.

Собир. Нигора!

Нигора. Собиржон ака!

Собир. Энди гул юзинг заъфарон бўлмас.

Нигора. Қўрқаман.

Собир. Нимадан?

Нигора. Замонанинг зулмидан, ёмонларнинг қаҳ-
ридан.

Собир. Замон бизники, эркинлик бизники, ҳуррият
бизники.

Асрлар бўйи асорат занжири остида бағри қон бўлган
Хоразмда энди ҳуррият!

Нигора. Қани, қани ўша ҳуррият. Бир ёқда очлик,
бир ёқда душман.

Собир. Тез кунда ички ва ташқи душманларни бар-
тараф қилиб, эркин нафас оламиз... ўшанда иккимиз-

нинг тўйимиз бўлади... Ҳа, ҳа албатта тўй бўлади... Бир-га давр-даврон сурамиз, болаларимиз бўлади... улар мактабларда ўқишади, олим бўлишади. Ана ўшанда сен билан бизнинг қон кечиб қўлга киритган бу ҳурриятимизни улар китоблардан ўқиб ҳайратда қоллишади (*Нигорага юзланади.*) Дарвоқе, айт-чи, Нигора, сен меннинг келганимни қаердан эшитдинг?

Н и г о р а. Қораевнинг мирзасидан. Бекаларимнинг «Сургундан бир киши келди, эски большевик» деганини эшитиб қолдим.

С о б и р. Ҳа, қандай қилиб чиқиб келдинг?

Н и г о р а. Бекам: «Қораевни чақириб кел», деди. «Хўп!» дедиму... Қораев ўрнига сизни чақирдим.

С о б и р. Нигора, жоним...

Н и г о р а. Сиз бўлсангиз... Бевафо...

С о б и р. Бевафо... Йўқ, мен сенга вафодорман. Ишон, вафодорман.

Н и г о р а. Мен кетай, кечикдим.

С о б и р. Нигора...

Н и г о р а. Собиржон ака...

Орадан онда-сонда ўқ товуши эшитилади.

С о б и р. Нима гап?

Узоқдан аланга кўринади.

Н и г о р а. Собиржон ака, қаранг, шаҳарга ўт кетди.

Олисдан болалар, хотинлар овози эшитилади. Гужум дарахтининг орқасидаги тўпга прожектор нури тушиб, «Республика ўт ичида» йирик зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган лавҳани ёритади.

«Дод-вой» кучайиб, аланга бутун саҳнани қоплайди.

С о б и р. Нигора.

Н и г о р а. Лаббай.

С о б и р. Бу душманларнинг қилмиши. Югур, Қораевга хабар қил. Мен эсам Темуров олдида кетдим.

Иккаласи югуриб чиқиб кетишади. Кекса дарвишлар кийимига ўралган, ўнг кўзи қора латта билан боғланган Таманно киради. келаётган шарпани сезиб, гужум дарахтининг тагига чўкади-да, садақа сўрайди. Шошиб Темуров, Железнов, Шеров ва

Ботировлар киришади.

Темуров. Аблахлар...

Ботиров. Бу Жунайиднинг иши.

Темуров. Ички душманлар билан тил бириктирган у аблах. Нима дедингиз Иван Иванович?

Железнов. Мутлақо тўғри, ўртоқ Марказком секретари.

Қораев, Муҳаммад, Ғуломийлар киришади.

Аланга авжига чиқади.

Қораев. Биродар Ботиров, бу қанақаси бўлди? Наҳотки бу ишлардан Ческа беҳабар бўлса? Бу ўта кетган сиёсий кўрлик!

Ботиров. Тўғри айтасиз, биродар Қораев. Бу ерда уста хониннинг қўли бор.

Қораев. Ўша хонини қачон топамиз? Республика куйиб кул бўлгандами?

Ботиров. Халқимиз, сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар, деган. Сабр қилсак ўша хонни албатта топилади.

Қораев. Жуманиёз!

Жуманиёз (*югуриб кириб*). Лаббай, ёшулли!

Қораев. Жуманазар.

Жуманазар (*югуриб кириб*). Лаббай, ёшулли!

Қораев. Ўт чиққан жойни аниқлаб, тез келинглар!

Иккаласи. Ажаб бўлади, ёшулли. (*Югуриб чиқиб кетишади.*)

Қораев (*бақириб*). Жума... Ниёз, Назар...

Иккаласи югуриб киради.

Иккаласи. Лаббай, ёшулли!

Қораев. Ўт қўйган хонини тутиб, оёғимнинг тагига ташланглар.

Иккаласи. Хўб бўлади, ёшулли. (*Иккаласи шовилганидан бир-бирига урилиб, қоқилиб кетади.*)

Муҳаммад. Қаранг-а. Республика инқилобни таҳлика остида қолди.

Темуров. Бас... Ваҳима кўтарманг.

Шеров. Аксилинқилобий ифвогарликка учманг!

Ғуломий. Тезроқ ватан хонинларини топиб жазоламоқ керак.

Темуров. Бу қутилмаганда отилган ўқ тасодиф эмас. Бу ерда шундай қўл борки, у қўл узиб ташланмаса, шаҳар — қишлоқларимиз куйиб кул бўлади. Ҳуррият бўғизига ханжар урилади.

Железнов. Бу — уч отарнинг ўқи. Бизнинг қуроллар орасида бунақаси йўқ. Бу инглиз қуроли. Шундайми, биродар Шеров?

Шеров. Тўғри, бизда бундақа қурол йўқ.

Темуров. Тушунарли. Демак, душман кучларни Англия қуроллантираётгани энди сир эмас.

Ҳаммаси. Тўғри.

Темуров. Аҳвол жиддий, ўртоқлар!

Қаттиқ портлаш эшитилади. Ҳамма жойида бир зум тек қолади. Сўнг Темуровнинг ишораси билан ҳамма аланга томон кетади.

Гужум тагида ўтирган кампирнинг қўлидан тушган танганинг жаранги Фуломийни йўлдан қайтаради.

Фуломий ёнидан танга чиқариб кампирга беради.

Фуломий (*кампирга*). Дуо қилинг, она!
Таманно (*эҳтиёткорлик билан*). Шомий.

Фуломий қотиб қолади.

Фуломий (*калима қайтаради*). Ё, олло, кимсиз?
Таманно. Савол беришга ҳаққингиз йўқлигини унутдингизми?

Фуломий (*бўшашиб*). Пароль!

Таманно. Пайғамбар.

Фуломий. Тушундим. Хизматингизга ҳозирман, ҳазрати олия.

Таманно. Менга қулоқ солинг!

Фуломий. Бутун вужудим қулоқ.

Таманно. Қаранг... Алангага қаранг. Хоразм ўт ичда.

Фуломий. Шундай, ҳазрати олия.

Таманно. Бунда сизнинг ҳам маълум ҳиссангиз бор. Шунинг учун сиз шу кундан эътиборан Хивадаги «Иттиҳоди ислом» ва «Иттиҳоди турк» ташкилотларининг раҳбарисиз.

Фуломий. Миннатдорман. Ҳа, Ҳаққий-чи?

Таманно. Савол берманг!

Фуломий. Хўп-хўп, ҳазрати олия.

Т а м а н н о. Билиб қўйинг, янги мансабга кўтарилишингиз ишни қойилмақом қилганингиз учун эмас. Шеф Хивадаги ишлардан қаттиқ норизо. Англия империясининг Хивада кўзда тутган мақсадларидан ўндан бири ҳам ҳали амалга ошмаётир.

Ғ у л о м и й. Авф этгайсиз, ҳазрати олия.

Т а м а н н о. Авф эмиш... Асил хивалик бўлиб, Лондонда разведка ишидан таълим кўрдингиз. Қўлингиз калталиқ қиляптими ёки хотирларингдан кўтарилдими?

Ғ у л о м и й. Ишляяпмизу...

Т а м а н н о. Бас қилинг! Мен билан учрашганингизни раис сезмасин. Сизса тамом бўлдим деяверинг.

Ғ у л о м и й. Хўб бўлади, жаноби олия.

Т а м а н н о. Мендан қирқ қадам олдин юрасиз. Орқага боқманг!

Ғ у л о м и й. Хўп бўлади, ҳазрати олия.

Т а м а н н о. Ҳа, бундан кейинги дастуриламалларни раисдан оласиз.

Ғ у л о м и й. Раисдан? Хўп бўлади.

Чироқ ўчиб, ёнади.

Темуровнинг хонаси. Хонада Темуров ва Собиржон.

Т е м у р о в. Биламан. Сиз билан беш коммунистни, Урганчада революцион ҷамойиш уюштиришда айблаб Асфандиёрхон ва генерал Галкин Қозоғистон чўлларига сургин қилган эдилар.

С о б и р ж о н. Мен ҳам сизни яхши танийман. Асфандиёрхон бир қанча инқилобчиларни қатл қилди, зиндонга ташлади, шунда сиз бошлиқ бир гуруҳ инқилобчилар Фрунзе олдига етиб борганингизни эшитганмиз.

Т е м у р о в. Худди шундай. *(Бориб эшикка расм солади.)* Сизга муҳим бир топшириқ бор.

С о б и р ж о н. Топшириқ?

Т е м у р о в. Ҳа, революция ғалабаси учун.

С о б и р о в. Бунинг учун жон фидо, ўртоқ бош котиб.

Т е м у р о в. Унда эшитинг: Шошилич Чека раиси ўртоқ Ботиров олдига боринг. У сизга топшириқнинг нималардан иборат эканини тушунтиради. Вазифани бажаришга тез киришинг! Иш ғоят қалтис.

С о б и р ж о н. Жоним билан ўртоқ бош котиб.

Т е м у р о в. Айтгандай, сиз ром очиш ёки юлдуз санаш илмидан бирон нарсга биласизми?

С о б и р ж о н. Нима эди?

Т е м у р о в. Керак эди-да.

С о б и р ж о н. Айтганингиздек отам раҳматли ана шу илмларни мукаммал биларди. Бу илмларга у замонларда унча эҳтиёжи бўлмаганидан дадам бечора ғоят фақирлашиб, Шоббозвали мазористонида гадоичилик қилган, бояқиш. Бу ишдан анча-мунча биламану булар билан ким шуғулланибди, дейсиз.

Т е м у р о в. Айни муддао, хотирингиздан кўтарилган ўринларни эсланг, иш берса ажаб эмас, хўп, муваффақият тилайман.

Эшикни секин очиб Ғуломий киради, буни Темуров кейин сезиб гапни буради.

Ҳа, устингиздан шикоят тушган. Чека шикоятни батафсил текшириб чиқади. Агарда улар қисман тасдиқланса, революцион трибунал шафқатсиз жазолайди, биллиб қўйинг!

С о б и р ж о н. Ўртоқ Темуров. Ахир.

Т е м у р о в. Гап тамом!

Ғуломий (кириб). Ассаломуалайкум, афандилар. Мени афв этсинлар. Камини сиз жанобларининг маърузаларига андек халақит бердим шекилли.

Т е м у р о в. Йўқ, афандим айни вақтида ташриф буюрдилар. (Собиржонни кўрсатади.) Мана бу одамни олиб бориб Чекага топширасиз.

С о б и р ж о н. Ўртоқ бош котиб...

Т е м у р о в. Оғзингни юм...

Ғуломий. Сабаб?

Т е м у р о в. Шикоят бор. Тафтини қилинади. Кечаги ёнғинда бунинг ҳам қўли бор.

С о б и р ж о н. Ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ.

Ғуломий. Ҳа, ҳа, кеча кўзим тушган эди.

Т е м у р о в. Хўш, энди нима дейсан аксиниқилобчи?

Ғуломий (Собирга). Хоин...

Т е м у р о в. Олиб боринг.

Ғуломий (қўрқиб). Афандим, мен...

Т е м у р о в. Қуролингиз борми?

Ғуломий. Ҳа, йўқ. (Енини кавлаб). Бор экан. (Секин чиқаради.) Туш олдимга, сотқин!

Темуров Собирга имо қилади. Собир секин қўлини орқасига қилиб йўлга тушади.

Темуров. Афандим! Ҳар эҳтимолга қарши, ёнингизга икки кишини қўшиб олинг, бўлмаса бу маккор...
Ғуломий. Бурилди отаман. Юр!

Иккаласи чиқади.

Темуров (*кулгидан ўзини зўрға тийиб трубкани олади*). Алло! Ўртоқ Ботиров! Сизмисиз? (*Кулади.*) Агар айтиб берсам, сиз ҳам куласиз. Эшитинг: ёнингизга Собиржонни хоин Ғуломий билан юбордим. Одамларингиз йўлдапоқ кутиб олишсин. Нима, нима? Йўқ, йўқ. Ғуломийга тега кўрманг. Ҳозирча у бизга керак. Қалаванинг охирини топиш учун у бизга ғалтак вазифасини бажармоғи даркор. Ҳа, ҳа. Қутаман.

Ҳовлиқилиб Каримов ва Шеров кирадилар. Улар Темуровга қараб қотиб қоладилар Темуров графиндан сув қўйиб узатади.

Каримов. Тушунолмаймаман...

Шеров. Ахир, у виждонли коммунист эди-ку...

Каримов. Ўртоқ бош котиб ўзи инқилоб иши учун сургун қилинган бўлса, қучоқ ёзиб ҳурриятни кутиб олган бўлса-ю, биз...

Шеров. Бу ҳам софдил инқилобчи устидан уюштирилган бўҳтон, иғво... наҳотки...

Темуров. Гап нима ва ким ҳақида?

Каримов. Собиржон...

Темуров. Тушундим. Бирингиз Комсомол Марказий Комитетининг раҳбари, бирингиз эса Нозирлар Шўросининг раиси ва ҳарбий нозир. Демак, иккингиз ҳам «хоин»нинг ҳомийси.

Иккаласи (*ўрнидан туриб кетади*). Ўртоқ бош котиб, ахир, биз...

Каримов. Марҳамат қилиб Чека бизни ҳам тафтиш қилсин. Агар қиттек гуноҳимиз бўлса бошимизни дорга тутамиз.

Шеров. Наҳотки ғуломийлар бизларни ҳам Чекага топширса... Бизлар...

Темуров. Жим... Ғуломийларга тил тегизилмасин.

(Сирли.) Зада бўлса, иш чиқмайди. (Эшикка қараб қўяди.) Бугундан бошлаб Собиржон йўқ, тамом вассалом!

Ботиров киради.

Ботиров. Собиржон ва гуломийлар ҳақидаги топширигингиз мукаммал бажарилди.

Темуров. Келинг!

Темуров. Жуда соз.

Қороев қизишиб киради.

Келинг, марҳамат... (Сув қуйиб узатади.) Бир қултим.

Қорасв зарда билан сувни олиб ичади.

Эшитаман.

Қороев. Мен кимман?

Темуров. Сиз... Сиз Марказий Ижройи Комитетининг раисисиз.

Қороев. Демак, давлат бошлиғи.

Темуров. Албатта.

Қороев. Шундай экан, бизнинг ҳуқуқимизни поймол қилишга ким ҳуқуқ берди сизга?!

Темуров (жиддий). Қороев, аввало сиз ўзингизни тутиб гапиринг. Марказкомда ўтирибсиз. Марказкомга ҳуқуқни партия берган. Хўш, қандай ҳуқуқингиз поймол қилинибди, эшитайлик?

Қороев. Урганч, Хонқа, Тошовуз, Шовот ревком раисларини ишдан четлаштириш ҳақида кўрсатма берибсиз.

Темуров. Бунинг нимаси номаъқул?

Қороев. Биз билан келишмасдан-а?

Темуров. Хўш?

Қороев. Дарҳол қўнғироқ қилиб, бир ҳукумат аъзоси сифатида сизнинг кўрсатмангизни бекор қилдим.

Темуров. Бекор қилдим?

Қороев. Бу энди ҳаддан ташқари.

Шеров. Бу ўзбошимчалик. Марказком кўрсатмасини-я?

Қороев. Нима-нима, ўзбошимчалик?! (Темуровга дўқ қилади.) Мана бу кишини айтади «ўзбошимча» деб.

Темуров. Сиз Урганч, Хонқа, Тошовуз вилоят ревком раисларини буржуазия вакилларида сайланишига йўл қўйгансиз. Уларга якка ҳокимиятчилик ҳуқуқини бериб, партия ташкилотларини ёлғизлатиб қўйгансиз. Бу жиддий хато, раис.

Қораев. Нима, нима? Сиз ҳали мен...

Темуров сув қуйиб узатади.

Ичмайман...

Темуров. Биз ҳар қандай шароитда ҳам янги давлат аппаратларига мумкин бўлганича меҳнаткаш халқ вакиллари кўпроқ ўтказишга уринишимиз керак. Назаримда бу масалада сизда нимадир етишмайдн, раис?

Қораев. Таъна қилманг!

Темуров. Нега бўлмаса ҳукумат истеъфо баҳонаси билан коммунистларни суриб чиқариб, янги ҳукуматни қорақалпоқ ва туркман халқлари вакиллари сиз, ёлғиз ўзбек буржуазияси вакилларида ташкил топган реакцион руҳонийлар ншитирокида тузмоқчи бўлганлар?

Қораев. Булар учун ҳам мен айбдорми?

Темуров. Ҳали сизни ҳеч ким айбдор деяргани йўқ. Мен фақат юз берган жиддий вазият ҳақида Марказком ҳулосасини таъкидлаётирман.

Қораев. Хўш, қўлимга қуроли олиб, бир ўзим тик борайми? Хўш, Чека қаерда? У нима ва кимлар билан шуғулланмоқда? Дарвоқе, Чеканинг ишн энди жонланади.

Темуров. Нечук?

Қораев. Бугун Чекага бир одамни жўнатдим.

Темуров. Кимни?

Қораев. Дзержинский билан узоқ сургунда бўлган коммунистни.

Темуров. Ана бу қип-қизил ўзбошимчилик.

Қораев. Хўш, менга ншонч йўқми?

Темуров. Хўш, менга-чи? Бўлмаса нега менинг кўрсатмамни рад этдингиз. Бундан ташқари, Чека органларига фақат Марказком бюроси қарорн билан ходим танланади, дейилган таклифга сиз ҳам овоз бергансиз-ку!

Ғуломий (кириб Қораевга). Сизни прамовай прамодга чақираётирлар.

Қор аев. Уларга узр. (Фуломий билан шошилинч чиқади.)

Темуров. Ўртоқ Железнов билан Ботировни чақиринглар. Ҳозир ревком раислари масаласини узил-кесил ҳал этиш керак. Йўқса пайт қўлдан берилади.

Ҳамма. Тўғри.

Шеров (ташқарига). Железнов, Ботиров, киринглар!

Железнов ва Ботировлар киради.

Темуров. Ўртоқ Железнов ревком раислари масаласида сизнинг фикрингизни билмоқчимиз.

Железнов. Маълумингиз, ҳозир республикада аҳвол шундай кескин тус олдики, тасаввур қилиш қийин. Англия империализми Жунайидни тиш-тирноғигача қуроллантирмоқда, Қолчак ўз қароргоҳидан генерал Поповни Жунайидга бош ҳарбий маслаҳатчи қилиб юборган. Бундай вазиятда ҳокимият органлари масаласига жиддий эътибор беришимиз керак.

Ботиров. Жуда тўғри хулоса.

Темуров. Мулоҳазаларингиз, шубҳасиз, тўғри, Иван Иванович. Демак, қатор ревком раисларини лавозимларидан шошилинч четлатишимиз керак.

Ҳамма. Тўғри.

Темуров. Ўртоқ Железнов.

Железнов. Лаббай.

Темуров. Ҳозир Ботиров иккингиз зудлик билан Урганч, Хонқа, Тошовуз ва Шовот районларига бориб Марказком ва Нозирлар Шўросининг бу ҳақдаги қарорини кучга киритиб қайтинглар.

Икк а л а с и. Равшан ўртоқ бош котиб.

Қўлида тугуни билан Ж а м и л а кириб келади.

Ж а м и л а. Кирсам майлими?

Темуров. Онажон!

Ж а м и л а. Болам!

Ҳ а м м а. Марҳамат, марҳамат.

Ўринларидан туриб, салом берадилар.

Ассаломуалайкум, она!

Ж а м и л а. Ваалайкум ассалом.

Ҳаммалари. Утиринг, ўтиринг.

Жамила. Раҳмат, умрингдан барака топ. Хуррият сенларга ёр, инқилоб тумор бўлсин. (*Фотиҳа ўқийди.*)

Темуров. Келинг, хизмат. Арз билан келдингизми?

Жамила. Ҳа, ҳа, арз билан келдим. Бироқ сизга эмас. (*Шеров билан Ботировга.*) Мана буларга.

Шеров. Хўш, марҳамат...

Жамила (*Темуровни кўрсатиб*). Бу катта бўлса ўзига. Лекин... менинг ўғлим. Мен — она, бу — бола.

Ҳамма. Ҳова.

Жамила. Ахир, ўз вақтида онанинг кўзини тўрт қилмай, овқатини иссиғида есин-да.

Шеров. Тўғри, мутлақо тўғри.

Жамила. Она болага эмас, бола онага овқат кўтариб юрадиган замон келди. Бу эса...

Темуров. Кечиринг, онажон, кечиринг, бу охиригис.

Шеров. Ҳа, (*ярим жиддий*) онани безовта қилганингиз гуноҳ, ўртоқ бош котиб.

Ботиров. Бу ростдан ҳам катта гуноҳ. Аммо иш кўп, мен ўртоқ Темуров номидан узр сўрайман.

Темуров. Ҳали онажон яйраб-яшнаб овқат ейдиган пайт келади. Ҳозирча чорамиз йўқ.

Жамила. Майли, мен сизлардан гуноҳини сўраб олдим. Қандоқ қилай, онаман-да, она.

Шеров. Сиз кечирсангиз, биз ҳам кечирдик. Ахир «она рози Ватан рози» дейдилар.

Жамила. Мен сизларга озгина иссиқ овқат олиб келдим. Шунинг баҳам кўрасизлар, болаларим. Кўпчилик билан ейилган овқат ширин ҳам мазали бўлади.

Ботиров. Балли, онажон.

Жамила. Ҳа, айтгандек. (*Эшикка қарайди, Темуровга буюради.*) Болам бор, эшикни маҳкамлаб кел!

Темуров эшикни ёпиб келади.

Қириб келаётсам, эшик оғзидаги одам шерини қулогига бир хил совуқ гапларни гапирди, эшитиб қолдим. Мени кўриб қолиб шошганидан: «Сизни ўғлингиз кутяпти, кининг» деб юборса бўладими.

Темуров. У кишини Марказий Ижроком ранси. Шубҳали одамлардан эмас. Сиз яхши тушунмагансиз.

Жамила. Қайдам, болам?!

Темуров (*татиб*). Аббо кампир-эй. Бу овқатингиз кечагидан ҳам шўр бўпти-ку. Оғизга олиб бўлмайди-я. Бай, бай, бай.

Жамила (*тушуниб*). Қариллик-да, болам, қариллик. Оғиз бамисоли кесак, таъминни билмайди, узр.

Темуров. Биродар Қораев, шўракка қалайсиз?

Қораев. Лаббай... Йўқ, йўқ, раҳмат. Ўзи шу кунларда қорин оғриброқ турибди.

Темуров. Ҳеч бўлмаса бир татиб кўринг?

Жамила. Ҳай, ҳай, болам асло едира кўрма, шўр таом қорин оғриғини юракбуруғига айлантиради-я.

Қораев. Яшанг, онажон, мутлақо тўғри айтдингиз.

Шеров. Нима бўсак ҳам биз бўлайлик. (*Овқатни Темуровнинг олдидан олади.*) Қани юринглар, (*Ботировга.*) овқатни нариги хонада сймиз. (*Чиқиб кетадилар.*)

Темуров. Тинчликми?

Қораев. Тинчлик.

Темуров (*онасига*). Қани онажон, юринг, мен сизни кузатиб қўяй.

Жамила. Балли, болам. Мен ҳам ўзим айтолмай турган эдим.

Темуров (*Қораевга*). Узр.

Темуров билан онаси чиқади. Қораев чуқур хаёлга чўмади.

Эшикдан Ҳаққий кириб келади.

Ҳаққий. Олий лавозим билан муборақбод этаман, олий нишон.

Қораев. Ташаккур.

Ҳаққий. Буюк турк ўғлони маршал Анвар пошшо сиздан умидвор.

Қораев. Астароқ.

Ҳаққий. «Иттиҳоди ислом», «Иттиҳоди турк» ташкилотлари ҳам...

Қораев. Жим... Биз биргаликда буюк Тўрон давлатини вужудга келтирамыз. Буни Жунайидхон ва сизларсиз тасаввур этишимиз амримаҳол.

Ҳаққий. Офарин, чўх гўзал умид таронаси, жапоби раис. Сиз ўша давлатнинг буюк халифайи замонаси бўлгусиз...

Қорасев. Ташаккур, афандим. Сизни ҳозирча мен маориф позирлигига жойлаштирурман.

Ҳаққий. Марҳабо... Аммо яна бир мўътабар зот бор.

Қорасев. Ким экан?

Ҳаққий. Ўзи амрикалигу аммо қудрат соҳиб. Сиз жаноби олий билан учрашини пиятидадурлар.

Қорасев. Сал сабр.

Ҳаққий. Баъзи маълумотлар...

Қорасев. Мумкин. Аммо бафуржа... Ҳозирча хайр афандим. Вақт позик.

Ҳаққий. Ақлу закот ва сиёсат дабдабасининг раисига тасанно (*Таъзим қилиб чиқиб кетади.*)

Қорасев (*орқасидан*). Эшшак эмиш-а? Англия олдида бир нарина мисоли. Англия илтифоти билан буюк Тўрон давлатини барпо қилмоқ бу бўлак гап. У қуламас ва мангу барҳаёт бўлиши муқаррар. Демак, бу давлат на РСФСРга ва на Туркияга тобе бўлур, уни ўзим, ўзим мустақил бошқараман... Аммо Темуровнинг онаси ишни пачава қилмадимикни?

Гуломий киради.

Гуломий. Раис жаноблари.

Қорасев (*қўйиб*). Э, ўлинг-э... Йўталиб кирмайсизми? Юрагинин ёрдингиз-ку...

Гуломий. Тошпириб келдим хонини.

Қорасев. Хонини? Хонин ким экан?

Гуломий. Собир большевой.

Қорасев. Собир?!

Гуломий. Ҳа, Собир... Тафсилотини кейин айтаман. Энди гап сиз айтган Темуровга келди.

Қорасев. Жим... Хонин...

Гуломий. Жанобларининг мўътабар оғизларидан яшинган эшитганим учун гоят миннатдорман.

Қорасев. Бу сўзларингиз учун сизни қамаб қўйишим мумкин.

Гуломий. Сабр қилсинлар, жаноби раис, мени қаманга улгурадилар. (*Ҳамма ёққа разм солади.*) Машҳаддан меҳмон келган.

Қорасев. Нима?

Гуломий. Ҳа, меҳмон келган.

Қорасев. Сеп мажнунмисан нима бало. Менга Машҳаднинг нима алоқаси бор?

Ғуломий. Кечқурун Нозлиёр ва Карашмаларники-
га ташриф қилишингиз буюрилган.

Қорасев. Мен уларни танимайман.

Ғуломий. Танийсиз... Ҳам биласиз.

Қорасев. Йўқ, йўқ, билмайман. Бу пгвогарлигингиз
учун бошингиз кетади, ҳа.

Ғуломий. Мунозаранинг жойи эмас. (*Ташқарига
разм солади.*) Хоразмнинг гул қизи Нигорахонимни би-
ричи бор зўрлаб қучогингизга олган уй. Кейин хонзо-
далар можароси...

Қорасев. Бас...

Ғуломий. Мен сизни ана шу ерда кутаман, раис
афандим. Чекага эҳтиёт бўлинг, тағин...

Қорасев. Кутинг. (*Ўзича.*) Фаҳмлабди... (*Бақира-
ди.*) Жуманиёз!

Жуманиёз (*киради*). Эшитаман, ёшулли.

Қорасев. Жуманазар.

Жуманазар югуриб киради.

Жуманазар. Лаббай, ёшулли!

Қорасев. Ғуломий афандини кузатиб қўй, пашша
ҳам дахл қилмасин?

Иккаласи. Хўп бўлади, ёшулли. (*Чиқа бошлайди-
лар.*)

Қорасев. Жума...

Иккаласи. Лаббай, ёшулли!

Қорасев (*қўли билан томоғини бўғиб кўрсатади*).
Тушундингми, пашша ҳам дахл қилмасин!

Иккаласи. Ҳова...

Ғуломий (*қайтиб*). Ғамхўрликларидан гоят мин-
патдорман, афандим. Аммо мен Чекага кириб ўтаман.

Ғуломий чиқиб кетади. Жуманиёз билан Жуманазар бир-бирига
қараб лол қолади.

Қорасев (*Ғуломийнинг орқасидан*). Чека-чека! Тул-
ки... фаҳмлабди... Барибир қўлимга тушасан.

Чироқ ўчади. Проектор нури саҳна четида, дарахт тагида турган
Собиржон билан Нигорани ёритади.

Нигора. Қаерларда қолиб кетдингиз? Ахир, инқи-
лоб, ҳуррият дейсиз. Бу зиндонни қачон тарк этамиз.

С о б и р ж о н. Озгина фурсат қолди, Нигорахон... Унгача сиз ўша бекаларингизнинг сир-асроридан хабардор бўлиб туринг.

Н и г о р а. Эшитардим-а, эркак киши аёл киши билан учрашганда фақат «бир сўзни бурро қилиб айтади» деб.

С о б и р ж о н. Масалан, нимани?

Н и г о р а. Севаман сўзини.

С о б и р ж о н. Бу сўз ҳамма вақт меннинг тилимда, дилимда, ёдимда.

Н и г о р а. Ёлгончи. Ҳамма эркакларнинг бисмилло-си севаман бўлса, сизники инқилоб, ҳуррият.

С о б и р ж о н. Тўғри, инкор этмайман, асли севгимизнинг рамзи шу. Инқилоб, ҳурриятсиз мақсадимизга етолмаймиз.

Н и г о р а. Оҳ, худойим.

С о б и р ж о н. Нигора, мени кут. Мен, албатта, келаман.

Н и г о р а. Қеламан? Бу нима деганингиз? Янами, яна қаёққа?

С о б и р ж о н. Буинси сир.

Н и г о р а. Сир?!

С о б и р ж о н. Кел, хайрлашайлик.

Н и г о р а (хайрон). Хайрлашайлик... Бир умргами? Иўқ, бўлмайди.

С о б и р ж о н. Нигора.

Н и г о р а. Мен энди алданмайман.

С о б и р ж о н. Нигора!

Н и г о р а. Майли жўна. Мен энди ўз йўлимни ўзим тонаман.

С о б и р ж о н. Мени қийнама, Нигора, кейин тушунасан.

Н и г о р а. Ҳа, ҳа. Мен кеч, жуда кеч тушунаман.

С о б и р ж о н. Инқилоб учун, хайр, хайр! (Яқинлашади.)

Н и г о р а. Яқинлашма!

С о б и р ж о н. Кечикдим... Хайр... Борди-ю... бедарак кетсам рози бўл!

Н и г о р а. Ай, эр йигит... Юрагингда севги ўти бўлса мени олиб кет.

С о б и р ж о н. Олиб кетолмайман.

Н и г о р а. Номард.

С о б и р ж о н. Ҳақорат қилма.

Н и г о р а. Наҳотки, кимлигинг, жойинг, поминг —
бари бетайин бўлса...

С о б и р ж о н. Иложим йўқ.

Н и г о р а. Номард...

Музыка авжига чиқади. Собир ўзини тун қоронғисига уради. Орқадан
Ғ у л о м и й кириб келади. Нигора нола қилади.

Не жафолар бошим узра гангига минг пораман,
Дардима малҳам тополмай хаста ҳол бечораман.
Ўтмади бир дам фароғат қайғу гам саҳросида,
Эрта-кеч ул ёр вафосин ёди бирла ёнаман.
Майлига бўлсам хазон мен ёр учун фасли баҳор,
Бахт дегайман они ўзга гарчи минг-минг пораман.

(Ўз-ўзига.) Қани бояқиш дадам бўлганларида, бунга
нима ҳам етарди. Ов қилган кезларимиз... У киши отар-
дилар, мен йиғардим, ман отсам у киши қувопа-қувопа
овларини йиғардилар, қани ўша ширин дамлар.

Ғ у л о м и й. Ҳа. Хазон бўласан, заъфарон бўлиб ўла-
сан. Юрагингда лахта қон, қон ўласан...

Н и г о р а (ҳайрон). Бу на ҳол.

Ғ у л о м и й. Эҳ, жоним Нигора... Овчига қуён, тулки-
га ем, арслонга ўйинчоқ бўлган Нигора... Худо сенга
хусн бергану ақлни нася қилган экан, жоним.

Н и г о р а. Афандим.

Ғ у л о м и й. Ҳаммасини биламан. Сен менга укки қа-
раш қилма! Мен...

Н и г о р а. Нималар деяпсиз, афандим?

Ғ у л о м и й. Дунёга келиб ўзимга ҳам, келажагимга
ҳам, тақдиримга ҳам ачинган кимса эмасман. Аммо сен-
га ачиндим.

Н и г о р а. Афандим?!

Ғ у л о м и й. Кўздан гойиб бўлган шарпа ким?

Н и г о р а. Инсон...

Ғ у л о м и й. Хоин!

Н и г о р а. Тилигин тий, номард!..

Ғуломий. Номард бўлсам тил бўлмасди. Мардда эса
тил бўлади. Яна қандай тил, узун тил бўлади.

Н и г о р а. Тили узун марддан тили қисқа номард
дуруст, оға.

Ғ у л о м и й. Балли. Шунинг учун ҳам сен учун ме-
нинг тилим қисқа, неча кундирки, мен ўз юрак сўзимни

сепга айтолмайман. Нигора, сени севаман. Ишқ-муҳаббат
гирдоби Ғуломийни гангитди.

Н и г о р а. Оғзингни ёп, жағинг ёпилгур.

Ғ у л о м и й. Бу жағ эмас, қалб.

Н и г о р а. Сен биласанми, мен кимни севаман?

Ғ у л о м и й. Ҳа, сендан олдин.

Н и г о р а. Мендан олдин?

Ғ у л о м и й. У сени гаров ўйнаб яхши кўрган.

Н и г о р а. Гаров ўйнаб?

Ғ у л о м и й. Ҳа, гаров ўйнаб. Сени тузоққа тушириш
учун бир бриллиант узук ўртага қўйишган.

Н и г о р а. Ким билан.

Ғ у л о м и й. Темуров билан.

Н и г о р а. О, шўрим.

Ғ у л о м и й. Аммо бу иккови ҳам Азроил. Аждаҳо
комидан сени ёлғиз мен, мен қутқараман. Мен сени Аф-
ғонистонга олиб ўтиб кетаман. Бизга ҳеч ким, ҳеч парса
керак эмас. У ерда бизни амал, давлат, обрў кутмоқда.

Н и г о р а. Хонн, хонн... ҳамманг, ҳамманг хонн...

Ғ у л о м и й. Нигора, жонгинам, жон азизам.

Н и г о р а. Йўқол, йўқол муртад!

Н и г о р а югуриб чиқиб кетади. Ғуломий унинг орқасидан югуради.
Чироқ ўчиб, ёнади.

Нозлиёрини ҳовлиси. Қ а р а ш м а тўшак устида чалқанча ётиб,
қарсиллатиб сақич чайнамоқда. Нигора тиз чўкиб, бор кучи билан
оёғини уқаламоқда. Нозлиёр эса ойнага қараб, қўлида дутор, пола
қилмоқда.

Н о з л и ё р.

Уқубат даштида дўстлар букун ким тору мор бўлдим,

Қима айтайки, дардимнинг баёнин хору зор бўлдим.

Не молу мулку дунё тахти бахтимдан айирдилар,

Ажаб эрмаски, мангулик тирик мурда мозор бўлдим.

Ким огоҳлик магар истар бу Нозлиёр харобидан,

Бориб кўрсин томошомни букун мотам мозор бўлдим.

(Ашула тугайди, қайрилиб Қарашмага қараб энсаси қо-
тади.) Оҳ, ғам миямга урди.

Қ а р а ш м а (Нигорага қарайди). Бугун ғамгин кў-
ришсан?

Н и г о р а. Ўзим, шундай, бекам.

К а р а ш м а. Тортинма, дардингни ошкор эт.

Н и г о р а. Бекам...

Н о з л и ё р. Шоҳдир, гадодир ҳамманинг юрагида дарди бор, маликам. Мана биз... На тахт қолди, на бахт, ҳаммасига большевойлар сабабчи, большевойлар... (*Дуторни қўйиб, ғазаб билан туриб кетади.*) Йўқ, ҳали бизга ҳам пуштипапоҳ топилади. Ана ўшанда олий пасаб Нозлиёр большевойларга зўрлик нима эканини кўрсатиб қўяди. Мана шу нозик қўлларим билан кўзларини ўйиб, итларга ташлайман. Тирноқларни остига нина суқиб, туз тиктираман, гўштини сихга торттираман.

...Йўқ, йўқ чидолмайман. Наҳотки ҳозиргина барқ уриб турган қуёшим бир зумда кўздан ниҳон бўлса-ю, менинг учун қоп-қоронғи зимистон юз очса... Наҳотки неча юз йилги салтанат сўнган юлдуздек ер қаърига кериб кетса...

К а р а ш м а. Ўша қуёшингиз бор.

Н о з л и ё р. Қани, қани ўша қуёш?

Карашма туради, Нигорага имо қилади. Н и г о р а ичкарига киради.

К а р а ш м а. Ҳали бизнинг толенмиз гуллаб яшнайди. Орқамизга офтоб тегиб, бошимизга нур ёғилади, маликам.

Н о з л и ё р. Қим у толе қуёшингиз?

К а р а ш м а. Қораев.

Н о з л и ё р... (*Қотиб-қотиб кулади.*) Анавингми?

К а р а ш м а. Ҳа, маликам.

Н о з л и ё р. Сизу бизни хўн алдаб (*Нигорага ишора қилади.*) бир гадога тўшини қўйган пасткаш инсонда ёғду нур нима қилсин. Нигора ким? Уи уч йил сиз билан бизнинг ювиндимизни ичиб, ковушимизни артган чувринди, исқирт, етимча... Ана шундай исқиртга қўйгил қўйган ифлос ўша сизнинг Қоравингиз. Рост, бироқ давлат ишларида тадбиркор деб эшитганман, лекин у қизил қўлмакни кўрдими тутун чиққан жойга югурган оч сўфидек ўпкасини қўлтиқлаган зот!

К а р а ш м а. Қоравингиз насли насабини унутманг, маликам, у кўҳна Хоразмнинг зодагонларидан. Лондон, Париж, ва Римда савдо қилган савдогарлардан.

Н о з л и ё р. Бекам... Савдогар бўлмай ўлсин! Ҳолва еган билан оғиз чучимас!

К а р а ш м а. Сиз билан менга, аёл ё эрлигидан, олий

ёки паст зотлигидан қатъий назар, бир раҳнамо керак-дир.

Нозлиёр. Мен ўз поғонамда одимлайман, бекам. Поғонамдан пасти билан жаннатга ҳам кирмайман. Мен учун биргина умид Жунайид...

Эшик тақиллайди. Югуриб Нигора чиқади. Ҳаммалари бир дақиқа бир-бирларига қараб тек қоладилар.

Нозлиёр. Чамамда меҳмонларимиз келди.
Қарашма. (Нигорага). Бери кел.

Нигора келади. Карашма унга маузер беради.

Бирон ҳодиса рўй берадиган бўлса қўли лизга тутасан.

Нигора. Жоним билан, бекам. (Маузерни липасига қистиради.)

Қарашма. Бор, эшикни оч.

Нигора. Хўп бўлади, бекам. (Эшикка томон кетади. Эшикни очиб, қочиб киради.)

Ғуломий (Нигорага). О, толеимдан ўргилай. (Карашма ва Нозлиёрга.) Салом, осмошимнинг чарақлаган юлдузлари!

Нозлиёр. Сўнгани десангиз ҳақиқатни сўйлаган бўлардингиз афандим.

Ғуломий. О, маликам... Бирингиз Асфандиёрхоннинг қирқинчи хотини, бирингиз эса Саидабдуллохоннинг еттинчи хотини. Қаранг, хуснингиздан тун зулмати чекинмоқда. Ҳовлингизда чиройингиздан тонг шуъласи...

Қарашма. О, афандим. Юлдуз чиқмай ой бўлмас, тонг отмасдан қуёш. Бу остонага қадам ранжида қилганларгина хуснимиздан баҳраманд, холос.

Ғуломий. Офарин...

Нозлиёр. Меҳмонларингиз қани?

Ғуломий. Андек ҳаялладилар.

Нозлиёр. Улар кимлар? Билсак бўладими?

Ғуломий. Ўша ўзингиз билган эски меҳмон, сўнг...

Нозлиёр. Масалан.

Ғуломий. Қораев.

Қарашма. Қораев...

Нозлиёр. Яна Нигоранинг дардидами?

Ғуломий. Аксипча маликам... Бу гал ўлкамиз тақдири ҳақида, яъни сиз билан бизнинг юрак дардимиз ҳақида учрашув... Ғоятда махфий.

Қарашма. Ундай бўлса бош устига. Уйимизнинг тўри раис афандиники.

Нозлиёр. Меҳмонларингиз печадир, афандим?

Ғуломий. Яна бир хоним, холос.

Нозлиёр. Хоним... Демак, ўша тутилган тўшак ёзилар экан-да.

Ғуломий. Шундай, маликам. Меҳмон хоним зоти олийлардан, чет элликлар.

Қарашма. О, биздан ҳам олий денг?!

Нозлиёр. Менимча биздан тубандир. *(Эшик тақиллайди.)*

Ғуломий. Келди. *(Нигора югуриб чиқади.)*

Қарашма. Оч!

Ҳаммалари ичкарига кирадилар. Нигора эшикни очиб ўзини четга олади. Устида тўн, бошида салла, кўзойнакли Қорасев киради. Нигора олдин танимайди, сўнг таниб яна ўзини четга олади.

Нигора *(ўзича)*. Алқасос. *(Липасидан секин маузерни чиқариб Қорасевга тўғрилайди. Уйдан чиққанларни кўриб яна липасига яширади.)*

Қорасев. О, олий насабларга олий умидлар ёр бўлсин!

Қарашма. Жаҳонга бош бўлиб, биз каби мискинларга раҳнамо бўлғайсиз, раис афандим.

Ғуломий. Омин...

Фотиҳа тортадилар. Хотинлар ичкари киради. Қорасев эшикка яқин бориб кўзойнагини олади.

Қорасев *(чақиради)*. Жума...

Жуманазар билан Жуманиёз югуриб кирадилар.

Иккаласи. Лаббай, ёшулли.

Қорасев. Бу ерга ҳеч кимни йўлатма!

Иккаласи. Хўп бўлади.

Ғуломий. Фақат бир кишидан бошқа. *(Бориб Жумаларнинг қулоғига шивирлайди.)*

Иккаласи. Ажаб, ёшулли. (*Югуриб чиқиб кетади.*)

Ғуломий (*Қорасевга*). Марҳамат.

Қорасев. Меҳмонингиз?

Ғуломий. Шу ерда.

Ғуломий эшикка бориб разм солади, сўнг ичкарига киради.

Қорасев ечиниб, ёнбошлайди. Эшикдан кекса фолбин кийимида

Таманно киради. Қорасев ҳайрон.

Қорасев (*ўзича*). Ким бўлди?.. Қаердадир кўрган-декман... (*Унга.*) Хўш, она! Хизмат? Сизга не керак қоронғи кечада... Нега жимсиз, нега тилингиз лол?

Таманно (*У ёқ-бу ёққа қараб*). Эшикни ёпинг!

Қорасев. Сиз...

Таманно. Ҳа, мен... Эшикни ёпинг!

Қорасев эшикни ёпиб келади.

Ниҳоят, дўддор кўришиш насиб бўлди.

Таманно сичиниб Қорасевга тикланади.

Қорасев. Ё, олло...

Таманно. Сиз билан узоқ гаплашишга вақтим йўқ, жаноби раис. Фақат жаҳон аҳволига доир ички ҳам ташқи бир неча масалани таҳлил қилмоғимиз лозим.

Қорасев. Кечирасиз, хошим, ўзингиз ким ва қаердан бўласиз?

Таманно. Биз сизнинг халоскорларингиз бўламиз. Яъни Англия империясидан...

Қорасев. Кечирасиз жаноби олия. Мен коммунистман.

Таманно. Биламан, жаноб. Аммо яхши биласиз; мана бу Англия разведкачисига берган тилхатингизнинг фотокопияси, яна...

Қорасев. Бас... Ҳожати йўқ... Пароль.

Таманно. Пароль Маккайн Мукаррама.

Қорасев. Қиёфангиз...

Таманно. Ҳа-ҳа ҳақсиз, Лондон шартларида қиёфа ўзгачароқ эди. Шароит шуни тақозо этди. XIX аср Англия разведкасининг юраги Аббат Хивага худди дарвиш алфозида келишга мажбур бўлган эди. Тўғри Хива

хони нодон Аллоқулхон Англия ҳукуматининг Аббат воситачилигида Хива хонлигини Англия империясига қўйиш ҳақидаги талабини рад этиб, Аббат жанобларини ҳайдаб юборган эрди. Ҳозир йигирманчи аср-ку. Сиз Аллоқулихон эмассизки, мени Қизилқум саҳросига ҳайдаб юборсангиз.

Қ о р а е в. Асло-асло.

Т а м а н н о. Баракалло. Англия қарийб 200 йилдан бери Хивага кўз тикади. Хива нима? У анчайин қум саҳродан иборат водий. Аммо Хива стратегия жиҳатдан халқаро аҳамиятга эга. Хива масаласининг Англия фойдасига ҳал этилиши руслар, большевиклар учун Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон йўлларини бекитиш деган сўз.

Қ о р а е в. Шундай, жаноби олия.

Т а м а н н о. Шунинг учун эҳтиёткорона ва жиддий қадам ташланг, раис.

Қ о р а е в. Шундай, жаноби олия.

Т а м а н н о. Мана шу одамни танийсизми? Сурат кўрсатади.

Қ о р а е в. Танийман. Чекада, оддий хизматда.

Т а м а н н о. Уни юқори лавозимга кўтаринг. Унинг тақдири сизнинг қўлингизда, иш берадиган одам.

Сурат ва қоғозларини Қорзевга беради.

Қ о р а е в. Хўп бўлади, жаноби олия.

Т а м а н н о. Эшитинг... Чека, ҳарбий омборлар, партия-совет ходимлари рўйхати ҳақида ахборот берасиз. Турк разведкачиси Ҳаққийни шу бугуноқ йўқ қиласиз... Чунки у Англия фойдасига эмас, Америка фойдасига иш қилмоқда. Жунайид билан алоқани мустаҳкамлайсиз. (*Қоғозлар беради.*) Мана бу шартнома лойиҳалари билан танишиб остига имзо чекинг. Шартномаларга имзо чекилгани он Хива республикаси Англия қарамоғига ўтган ҳисобланади. Бироқ шартномаларни ҳозирча қаттиқ сир сақлайсиз. Эртагаёқ мени Жунайид қароргоҳига етказасиз.

Қ о р а е в. Хўп бўлади.

Ичкаридан Ғуломий, Қарашма ва Нозлиёр чиқади.

Қ а р а ш м а (*Таманнога*). Сизни зориқиб кутмоқда эдик.

Тамаанно. Салом, хоним-маликалар.
 Иккаласи. Ваалайкўм, муҳтарама хоним.
 Қарашма. Шундай оғир дамларда бизни йўқлаб
 ташриф буюрганингиз учун миннатдормиз.
 Тамаанно. Кабутар бо кабутар, ғоз бо ғоз.
 Қарашма. Саломат бошед ўлсин, бисёр нағз.
 Тамаанно. Шумо забони форсиро мендонидми?
 Қарашма. Медонам, маликаи мо.
 Тамаанно. Тасанно, азизи мо.
 Нозлиёр. Хуш кўрдик.
 Тамаанно. Хуш вақт бўлинг! (*Фуломийнинг қўлти-
 ғидан олади.*) Мана шу одамдан миннатдорман — сиз-
 лардек жашнат парилари билан таништирди.
 Фуломий. Икки дилдорни бир-бири билан учраш-
 тирмоқ ҳар бир кишининг инсоний бурчи.
 Тамаанно. Миннатдорман, афандим.
 Фуломий. Мени авф этсинлар, жаноби олия? Сиз
 орзу қилган дўсти биродарлар ўлкамизда минглаб то-
 пилади. Бироқ мамлакатдаги ҳозирги вазият...

Нигора секин эшикдан чиқиб кўча томон ўтади.

Тамаанно. Тушунаман... Сиз билан бизнинг баҳор
 гулларимиз гулча ёзмоқда, у тез кунларда барқ уриб
 очилмоғи даркор. (*Форсча шеър ўқийди.*)

Гул бе руҳи ёр хуш набошад,
 Бе бода баҳор хуш набошад.
 Тарфи чаману тавофи бўстон,
 Бе лолаузор хуш набошад.
 Ҳар нақшки дасти ақл бандад,
 Жуз нақши нигор хуш набошад.

Ҳамма. Тасанно...

Кўчадан ўқ товуши чиқади. Ҳамма жой жойида қотиб қолади.

Қораев. Нима гап...
 Жуманиёз. (*кириб*). Ёшулли... (*Гапиролмайди.*)
 Қораев. Гапир!
 Жуманазар. Ёшулли...
 Қораев. Дард ёшулли, ўл ёшулли, сўйла, ёшулли...
 Иккаласи. Қочди... Шу эшикдан чиқиб қочди.
 Қораев. Ким?
 Жуманазар. Аёл... Аммо таниёлмадик.

Қарашма (ичкари боқиб). Нигора, Нигора қочибди.

Қорасев. Нима?!

Нозлиёр. Оҳ, ярамас!..

Қорасев бориб Жуманазар билан Жуманиёзин бўғади.

Қорасев. Нега, нега қочирдиларинг, нон кўрлар!
Иккаласи. Ҳова, ёшулли.

Чироқ ўчади. Нур гужум дарахтига берилади. Нигора ёлғиз.

Нигора. Атрофим қоронғи, йўлимда гов... Бошимни қайси тошга урай... (*Гужумга қарайди, эслайди, эркалайди, силаб, ўлиб тиз чўқади.*) Қани, қани, бахтим, қани умидим, менинг келажак орзуларим. Айт, жоним гужум. Нега ўзинг биринчи бор бағрингга чорлаб берган бахтингни қучоғимдан юлиб олдинг? Ахир, менга раҳминг келмайдими? Сендан бошқа кимим бор! Қара, юз йиллар умр кўрибсан. Демак, бахтли бўлгансан. Бахтли нисон ҳам узоқ умр кўради. Нега шу умрингнинг ярмини мендек етимча, nochор, бахти қароларга бахш этмайсан? Нега, нега?! Ахир Собиржон билан бўлган севгимизга ўзинг гувоҳ бўлган эдинг-ку. Наҳотки менинг севганим хоин бўлиб чиқса... Йўқ, энди мен ҳам ҳеч кимга шафқат қилмайман. Мени алдаган сендан ҳам, ундан ҳам қасос оламам... (*Липасидан маузерни олиб, гужумнинг танасига уч бор ўқ узади.*)

Мана сенга, мана сенга, мана сенга!

Чироқ ўчиб ёнади. Хонада Қорасев билан Волков, Гуломий, Муҳаммадлар.

Қорасев. Бу ерда қандайдир бир сир бор. Наҳотки Жунайиднинг планлари Темуров билан Ботировларга маълум. Жунайидлар ҳужуми икки марта барбод бўлди.

Муҳаммад. Жунайидхон ичида большевойлар қўли бор.

Гуломий. Бу, шубҳасиз.

Қорасев. Ким бўлиши мумкин?

Гуломий. Собир большевой бўлмасин тагин.

Қорасев. Уни чека отиб ташлаган.

Ғуломий. Бошим қотди.

Муҳаммад. Назаримда большевикларнинг усто-
мони Жунайид қароргоҳига кириб олган.

Волков. Разведкани ишга соламан.

Қораев. Чора топиш керак, чора...

Ғуломий. Хон Жунайид қароргоҳига киши юбор-
моқ лозим. Токи ҳаммасини билмоқ, аниқламоқ даркор.

Қораев. Топдим... *(Эшикка разм солади. Муҳам-
мадга яқин келади.)* Сиз шу бугуноқ Жунайидхон қа-
роргоҳига йўл olasиз.

Муҳаммад. Мен...

Қораев. Ҳа, сиз.

Муҳаммад. Қандай?

Қораев. Эшон бўлиб.

Ғуломий. Айни муддао.

Муҳаммад. Мен ҳазрат?

Қораев. Ахир сиз Туркияда таҳсил кўрган, дини
исломнинг йирик вакилисиз-ку.

Волков. Тўғри тадбир. Фақат тез.

Ғуломий. Агар андек кечиксак, ҳаммаси барбод
бўлади. Афандилар, шошилмоқ даркор.

Қораев. Жунайид ва Қолчак вакили генерал Попов
билан бўладиган музокараларнинг қўлингиздаги дас-
туриламал бўйича ниҳоясига етказинг. Қайси ҳаракатин
қачон ва қандай бошлашни аниқ белгиланг.

Қораев. Ғуломий, бу кишини кузатинг. Сизга оқ
йўл! *(Кетмоқчи бўладилар.)* Дарвоқе, хон Жунайидга
айтинг, Темуровнинг онасини... Борди-ю, Собир борлиги
аниқланса, тирик тутилсин! Эртага Белоусов бошчили-
гида ўн саккиз кишилик ҳукумат делегацияси Жунайид
ҳузурига жўнайди, хабар беринглар!

Муҳаммад. Раис афандининг буйруқлари, албатта,
бажарилади.

Ғуломий билан Муҳаммад чиқади.

Қораев. Навбат, энди сизга.

Волков. Эшитаман.

Қораев. Сизни Чека раисининг ўринбосарларидай
олий лавозимга қўйиш бизга осонликча муяссар бўл-
мади.

Волков. Хизматингизга доим тайёрман.

Қораев. Чека агентларининг рўйхати албатта сто-
лим тортмасида бўлсин.

Волков. Бажараман. Қайзер Германияси фойдасига ишладим нима-ю, бўлақлар фойдасига ишладим нима. Отам Россия подшолиги салтанатининг содиқ ҳарбийларидан эди. Большевикларга қарши курашда қон кечди, аммо тақдир унга кулиб боқмади. Етмиш беш ёшли генерал адъютанти бўлмиш отамни Тошкентда большевиклар отиб ташлади. Мен отам учун қасос олишим керак.

Қораев. Отангиз учун эмас, отангиз мақсадлари учун.

Волков. Ҳа, отам ғоялари учун!

Қораев. Рухсат сизга.

Волков чиқади. Қораев қаттиқ ҳаёлга чўмади: «Ҳозир Ҳаққий, кейин, Фуломий билан хайрлашмоқ керак». Фуломий киради.

Фуломий. Жўнатдим... Ҳазрат оқ саллани бошга қўндириб, тасбеҳни қўлга ушлаб, йўлга равона бўлди.

Қораев. Баракалло... Офарин, минг офарин сизга афандим. Бу хизматларингизни асло унутмайман.

Фуломий. Ташаккур, раис афандим.

Қораев. Афандим, малол келмаса Жуманазар билан Жуманиёзни чорласангиз.

Фуломий. О, бош устига.

Қораев (*орқасидан*). Айёр... Таманнога уйланармиш... Мен-чи? Мендан ҳали нушхурд ортган эмас. Бу маккорнинг Таманно атрофида гиргиттон бўлишида сир бор. У, Тўрон давлати муаммоси ҳал бўлган кезде, мени кетмонлаб, ўзи президентлик курсисини эгалламоқчи. Сени ўртадан олиб ташлаш мен учун қарз ва фарз.

Шошиб Жуманазар билан Жуманиёз кириб келади.

Иккаласи. Хизматингизга тайёرمىз, ёшулли.

Қораев. Балли, азаматлар.

Иккаласи. Миннатдормиз ёшулли.

Жума. Ҳаққий жаноблари қабулингизга маҳтал.

Қораев. Шу топда Ҳаққийни гирибонидан олиб, (*Бўғиб йўлдиришга ишора қилади.*) Ҳаққийни (*Бўйинини бўғиб кўрсатади.*) бўйинини хип...

Иккаласи. Бажарамиз ёшулли. Ҳаққийни хип...

Қораев. Ҳм... Секин.

Иккаласи. Ажаб.

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

Кечкурун. Партия Марказкомитининг хонаси. Ботиров Темуровга ахборот бермоқда.

Ботиров. Чопар келди, ўртоқ Темуров. Жунайид қароргоҳидаги кишимиздан келган аниқ ахборотда Волков ашаддий хоин дейилган.

Темуров. Ашаддий хоин? Қораев тавсия қилган киши-я?

Ботиров. Ҳа, шундай.

Темуров. Таажжуб, таажжуб. Қораев нима дер экан? Балки Қораев бу ифлосга алдангандир. Ҳозир қалтис вақтлар-ку.

Ботиров. Билмадим, ўртоқ Темуров.

Темуров. Жиддий шуғулланинг, ҳар ҳолда у раис Жумхур!

Ботиров. Хўп бўлади. У томондан яна жиддий гаплар бор. Тезда алоқачи жўнатаман дейилган. Ажаб эмас, ҳозир келиб қолса. Жунайид қароргоҳидаги умумий вазият ҳақида мана унинг ёзма хати (*Хатни Темуровга беради.*) Демак, республика ўт ичида бўлиши билан темир ҳалқа ичида ҳам.

Темуров. Тўғри. Тез Волковни топинг. Ажаб эмас, кўп чигалларнинг иши ечилса.

Ботиров. Барча тадбирлар кўрилди, ўртоқ Темуров. Волков тез орада қўлга тушади.

Хонага Қораев, Шеров, Железнов, Каримовлар киришади.

Темуров. Маълумотларга кўра, ҳозир вазият яна ҳам кескинлашмоқда. Республика хавф остида. Омбор-

ларни портлатиш, пахта пунктларини куйдириш, коммунистларни ваҳшиёна ўлдириш, Белоусов бошлиқ ўн саккиз ҳукумат делегациясининг Жунайид томоғидан тириклайини ерга қўмилиши, Жунайид қароргоҳида саккиз хоннинг қарийб йигирма мингга яқин каллакесарларининг тўпланаётгани, у ерда пайдарпай ҳарбий кенгашлар давом этаётгани, Туркия элчисининг бир кечадаёқ йўқолиб қолиши, Чека ходими Волковнинг қочиши... Буларнинг ҳаммаси ёш Совет Республикасининг ҳаёти-ни таҳлика остида қолаётганидан дарак беради. Бу ерда қандайдир ўткир уста қўл борки, бу қўл бугун-эрта сиз билан бизнинг ҳам бўғзимизга чанг солиши муқаррар.

Қ о р а е в. Чека нима қилиб ўтирибди, Чека...

Б о т и р о в. Чекани ҳам бир тозалаш пайти келди назаримда. *(Темуровга маъноли қарайди.)*

Қ о р а е в. Бу бошқа гап. Буни аллақачон қилиш керак эди.

Ш е р о в. Балли... Сиз *(Қораевга.)* комсомол ва ўқув юртлари учун ажратилган бюджетни қирқиб ташлаб-сиз.

Қ о р а е в. Даромад йўқ, даромад.

Ш е р о в. Биламиз.

Қ о р а е в. Билсангиз, нега таъна қиласиз? Биз бир-биримизга таъна тоғиши отмай, бир ёқадан бош чиқариб Хоразмни асоратдан сақлаб қолмоғимиз даркор. «Ғалабанинг негизи бирлашмоқ ва яна бирлашмоқ» деган Ленин...

Б о т и р о в. Баъзи ишлар ва кишиларнинг пожўя ҳаракати бизга маълум. Бироқ...

Қ о р а е в. Яна қайтараман: «Бироқ», деб шубҳани оширманг. Бу ўтирганларнинг қайси биридан шубҳангиз бўлса, юзма-юз гаплашаверинг. Сиз, ахир, Чека раисисиз. Ҳақ-ҳуқуқингиз қўлингизда. Балки Темуровдан шубҳангиз бордир. Ёки мендан. Мен, ҳаммангизга аён бўлган «Ёш хиваликлар» тўдасидан ажраб, ўлкамизга илқилоб байроғини биринчи бўлиб кўтариб кирганларданман.

Ж е л е з н о в. Менимча, ҳозирги пайтда совет ва партия аппарати ходимларини яна бир бор кўздан кечирса зарар қилмайди.

Ш е р о в. Баъзи кишилар ўз қилмишлари билан ўз-

ларининг кимликларини маълум қилиб қўйсалар-да, би-
роқ бизни чапгагиб чап бериб ўтиб кетяптилар.

Қорасев. Мана битта софдил деганимиз — комму-
нист Собиржон.

Шеров. Собиржонга нима қилти?

Қорасев. Қип-қизил хонин бўлиб чиқди.

Темуров. Уни Чека аллақачон отиб ташлаган.

Қорасев. Хонинга лойиқ жазо ўша-да.

Темуров. Ҳа, шундай.

Железов. Ғуломийнинг йўқолиши-чи? Бу ҳам
Чеканинг ишми?

Қорасев. Бунини менга шама қилиб, айтяписизми?

Шеров. Йўқ... билмоқчимиз.

Каримов. Ётисув ва Пишнакда юз берган ҳоди-
салар-чи?!

Қорасев. Мен коммунистман, коммунист, тушунинг,
сизлар мени сўроқ қиялписизлар чамамда: руҳонийлар
исёни-чи? Хўш, бунда кимнинг қўли бор? Шу кунларда
Хивага чет эл империалистларининг жосуслари чигирт-
кадес ёғилди. Хўш, бунга ким жавоб бермоғи лозим. Қо-
расевми? Йўқ, афандилар, чучварани хом сапабсизлар.
(Телефон жиринглайди.)

Темуров (Трубкини олиб.) Алло, ҳа, мен. Садир
ва Азизлар қўлга тушди? Жуда яхши. Раҳмат! Нима?..
Ёнидан рўйхат чиқди? «Ёшларга хитобнома!» Муаллифи
Мадниахоним... Хўш, хўп. Тафтиш қилиб кўрамиз. Улар-
нинг Ғарбийси қайси гўрда қолиб кетди?— Қозоғистон
чўлларига яширинган? Аблаҳ. Дўнни тор келганда сич-
қонинининг минг тапгага олаверар эканлар-да. (Трубкини
қўяди. Қорасев безовта.) Мадниахоним ким? Бу аёл ким
бўлди?

Ботиров. Топамиз, албатта, топамиз, ўртоқ Тему-
ров. (Соатиغا қарайди.) Ҳозир келаман. (Чиқади.)

Қорасев. Айтдим-ку, ўлкамиз жосуслар масканига
айланган.

Шеров. Ваҳима қилмасангиз-чи?

Қорасев. Уэр. Мазам қочяпти. Ишхонамга чиқиб
келай.

Темуров. Марҳамат.

Шеров (Қорасев орқасидан). Тушуниш мушкул бўл-
ган мураккаб одам-да.

Каримов. Бамисоли калхат. Илганин жойини
узади.

Темуров. Бу одамни бошқачароқ тушунган экан-
миз, дейман.

Ботиров кириб келади.

Ботиров (*секин, Темуровга*). Ҳозир чопар келибди.
Ҳамма гап равшан. Таманнохонимдан ҳеч қандай из қол-
ган эмас. У жаҳон жосусларининг пири. Ингирма тилни
биларкан. Ҳозир у Жунайид қароргоҳида. Миллати фран-
цуз. Буюк Британияда тарбияланиб, Германияда ўқи-
ган. Форс тилидан Лондонда дарс берган. Мадинахо-
ним бу — Таманнодир.

Железнов. Йўғ-е.

Ботиров. Ҳа, шундай.

Телефон жиринглайди.

Ботиров (*трубкини олиб*). Алло! Нима? Волковни
ушлаб келдингиз? Тез бу ёққа киритинг. (*Трубкини
қўяди*.)

Темуров. Айни муддао бўлди.

Қораев кириб келади.

Каримов. Оббо, аблаҳ-ей.

Қўйлаклари йиртилган, юзлари тирналган, сочлари бетартиб тўзғи-
ган Волковни олиб кирадилар. Ҳамма ҳайрон. Қораев донг
қотади ва асабийлашади.

Темуров. Ҳа, жаноби Зверев?

Волков. Зверев эмас, Волков.

Ботиров. Аслида Зверевсиз.

Волков. Ёлғон!

Ботиров. Ёлғонми? Туғилган жойингиз Киев эмас,
Ургенч, чинингиз, унтер офицер эмас, полковник қа-
лай?

Волков. Тухмат!

Ботиров. Москва ва Петроградда Советларга қар-
ши разведка ишларини олиб бораётганингизда қўлга
тушиниш олдида қочгансиз.

Волков. Бўхтон.

Ботиров. Контрразведканинг шахмат ўйинига нў-

ноқ экансиз, жаноби Зверев. Гарчанд бизга қимматга тушса-да, бошқа ҳомийларингизни топиш учун сизга бир оз муҳлат берган эдик. Сиз шошмашошарлик қилиб қо-чиб қолибсиз.

Темуров. Аблахлар... Мана энди бирин-кетин қўл-га тушаверади.

Волков. Мен, тасангиздан шикоят қиламан.

Темуров. Трибуналга берамиз.

Волков. Ҳақингиз йўқ.

Қораев (*ҳаяжон ичида.*) Дўстлар, азизлар, мени авф этинглар! Мен хатога эмас, балки коммунистга хос ҳушёрлиқни йўқотиб, сиёсий жиноятга йўл қўйганман. Қўзим мошдек очилди. Мен бу ифлоснинг қалбаки ҳуж-жатларига учганман. Мен Марказком олдида ўзимни оқлашим керак. Трибунал ҳукмини тасдиқ қиладиган мен. Бундан кўра ўзим ҳукм чиқазай, бу хонини отиб ташлаш менинг виждоний бурчим. (*Волковни отади. Эсини йўқотиб йлтириб қолади.*)

Темуров. Чакки қилдингиз, Қораев!

Железнов. Мутлақо нотўғри бўлди.

Ботиров. Уни тергов қилиш керак эди, яхши бўл-мади.

Волков (*жон талвасасида Қораев томонга тики-либ, бир қўлини сал кўтиради.*) Мени отдинг-а, сен-а, сен-а? (*Жон беради.*)

Қораев. Мени яна бир бор кечиринглар, инқилоб йўлида менда на соғлиқ ва на асаб қолган. Асаб бузуқ-лигидан шу ҳол юз берди. Мени суянглар, хонамга олиб бординглар! (*Унга ёрдамлашадилар.*)

Ботиров. Асаб, асаб, қизик.

Железнов. Бу калаванинг учини йўқотиш бўлма-са, дейман.

Темуров. У ёқдан Қораев ҳақида маълумот етиб келдимми?

Ботиров. Бору, жуда мужмал. У ердаги кишингиз неча кундан бери ўша чигалини ҳал қилолмай, гаранг. Ажаб эмас яқин вақт фурсатда масала равшанлашса. Шунгача жумбоқ жумбоқлигича қолади. (*Телефон жи-ринглайди.*) Нима? Қораев отга миниб қочди... шаҳар-дан чиқиб кетди...

Темуров. Қораев?!

Ботиров. Ҳа, шундай ўртоқ Темуров.

Темуров. Эҳ, ниқобдор, разил.

Ботиров (телефонда). Хўп, яна нима гап? Ниманима? Олиб қочган?

Трубкани қўяди, ҳамма ҳайрон.

Темуров. Яна нима гап?

Ботиров. Ўртоқ... Ўртоқ Темуров. Қаллақесар Жунайдиннинг одамлари уйингизга ўт қўйиб, онангизни олиб кетинган.

Темуров. Нима?!

Ҳамма қотиб қолади. Темуров бир оз жим қолади. «Онажон» деб додлаб юборади. Чироқ ўчиб ёнади.

Гужум дарахти орқасидан Жамилани бошлаб Жуманазар билан Жуманиёз чиқиб келади.

Жамила. Чарчадим...

Жуманазар. Шундайми?..

Жамила. Мени қаерга олиб борасан?

Жуманазар. Ўғлингни олдиға.

Жамила. Мен унга тун кечада нега керак бўлиб қолибман?

Жуманазар. Билмасам.

Жуманиёз. Кампир! Қани кетдик!

Жамила. Шошилма, болам, нафасим сиқяпти. Бир оз дамимни ростлаб олай.

Жуманазар. Майли-майли.

Жамила. Уф... Толиқдим... Она донм болам дер экан-да, ярим кечада чақирса ҳам кўнглим тинмай кетяпман-а. Ишқилиб, тинчлик бўлсин.

Жуманиёз (бир четда). Кечикяпмиз.

Жуманазар. Тез юрдирсак пайқаб қолади.

Жамила. Ҳой, болаларим! Ўзи соғми, ишқилиб?

Иккаласи. Ҳовва.

Жамила. Ҳай, сен! Сен отинг нима эди?

Жуманиёз. Жуманиёз.

Жамила. Яхши... Отинг ўзингга ярашган экан. Сени-чи?

Жуманазар. Жуманазар.

Жамила. Кенжа ўғлим билан адаш экансан.

Жуманазар. Яна ўғлингиз борми?

Жамила. Бор эди.. Кенжам, Жуманазарим худди

сенга ўхшаш эди, бирам кўнгилчан, меҳрибон, ширин-сўз... Хивада биринчи комсомоллардан эди. Уламоларга ножўя сўз айтгани учун «Кофир бўлибсан» деб тошбўрон қилиб ўлдиришди. Мана, икки йилдирки, қалбимдан ҳамон доғи кетмайди... Мана сен, худди унинг ўзисан. Шу бугундан бошлаб менга бола — мен эса сенга она... Ҳой болаларим, чарчадиларинг, келинлар, ўтиринлар, бир оз дам олинглар... Қоринларинг роса очгандир. Ата-таиғ, уйда тайёр овқат бор эди-я... Ахир, ўзларинг шошилдиларинг-да. Аслида озгина тамадди қилиб олсаларинг бўларди.

Ж у м а н а з а р. Ҳа-я, эсимизга келмапти, қани, кампир.

Ж а м и л а. Яна бир оз...

Ж у м а н а з а р. Э, тур-э!

Ж а м и л а. Нима?!

Ж у м а н а з а р (*милтиқ ўқталиб*). Юр!

Ж а м и л а. Мени қаёққа олиб борасан? Йўқ, йўқ, бормайман.

Ж у м а н и ё з (*туриб*). Юр бу ёққа, большевойиннинг онаси.

Зўрлаб тортади. «Она» дод солади, олишув. Чироқ ўчиб, ёнади. Саҳна — Жунайидхоннинг қароргоҳи. Базм. Карнай, сурнай, ногора, чилдирма авжида, йигитча кийинган Қ а р а ш м а қўлларини қарсиллатиб гир айланиб ўйинга тушмоқда. Тиззалаб ўтириб олган йигитлар барабар қарсак урмоқда. Ўртада қўлида қамчи ушлаган Қўрбоши ким бўлашса ўшанинг орқасига бир тушириб қарсак чалишга даъват этмоқда. Гужум тагидаги курсида Ж у н а й и д х о н ширакайф, ёнида қора кўзойнак таққан Т а м а н н о, ромчи (*Собиржон*), эш он (*Муҳаммад*), сардорлар, беклар ва руҳонийлар ўтиришибди. Бир чекада Нозлиёр, Жунайид ичади. Завқ билан ўйинчига тикилади. Секин бориб Қарашманинг даҳанидан ушлаб тикилади. «Чик» ишорасини қилади, ҳамма тэрқайди.

Қ а р а ш м а. Хоним.

Ж у н а й и д. Қўрқманг, маликам, мен сизни еб қўймайман.

Қ а р а ш м а. Сиз ўглингиз Эшбихон орқали эрим Асфандиёрни ўлдиртиб юбордингиз, мен ана шу гиналарни ҳам орқага ташлаб, сизни — пуштипапоҳим деб билиб, тахт-тожни қайтариб олиб берар деб, даргоҳингизга қадам қўйдим.

Жунайид. Баракалло. Ҳозир эски адоватларни кавлаш пайти эмас. Ҳозир умумдушманга қарши бирлашмоғимиз шарт. Аммо маликам гоҳ соз, гоҳ суҳбат деган гап ҳам бор дунёда.

Қарашма. Мен, ахир, эрим никоҳидан чиқмаганман-ку.

Жунайид *(кулади)*. Мен ҳам никоҳли... Аммо севги қонунга, шариатга итоат қилмайди, *(бағрига босади.)*

Қарашма. Истак-чи?

Жунайид. Истак лаб устидаги қоп-қора холдан олинган бўсадан пайдо бўлади.

Қарашма. Хон... Сабр қилинг... Ҳеч бўлмаса никоҳдан чиқиб, никоҳингизга ўтай.

Жунайид. Никоҳ, юрак учун ғайри шаърий бир қонуи. Аслида инсонни гуноҳга чулғовчи омпиллардан бири худди ана шу никоҳ.

Қарашма. Бўлмаса менга бир дақиқа муддат беринг?

Жунайид. Бу хумор кўзлар, бу қоп-қора қийғоч қошлар, бу анор юзлар, лаб устидаги қора холлар муҳлат беришга йўл бермас... *(Қарашмани суриб бориб курсига ўтказади.)* Қани, менга бир тикилинг-чи?

Қарашма. Хон... Ахир, сиз...

Жунайид. Нима, мен? Мен сизга лойиқ эмасманми? Сиз малика Асфандиёрхоннинг қирқинчи хотинисиз, шундайми?

Қарашма. Йўқ, йўқ!

Жунайид. Мен-чи? Мағрибдан машриққача ҳукми султон Муҳаммад ибни султондурмен. Мана бу томонда Дурдибек бошлиқ беш минг туркман найзасини тайёрлаб тахт турибди, мана бу томонда ўн минг суворийси билан кўксига қалқон тутиб Жўжихон турипти. Мана бу томонда ханжарини яланғочлаб Хон Тавфиқ бошлиқ икки минг турк ўғлонлари турипти, мана бу томонда эса пичоғини яланғочлаб Усмонбек бошлиқ уч минг ўзбек турипти. Тоғликлар, руҳонийлар, охунлар, Попов билан Қолчакнинг қолдиқлари бунга кирмайди. Эртага Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Ашхобод, Тошкент менинг оёғим остида бўлади.

Уша жаҳонгир Искандар, Чингиз, Темур уқувсиз Бобирлар босиб ўтган изларни Муҳаммад Жунайид ибни Султон ҳам албатта босиб ўтади. Ана ўшанда... *(Қарашмани бағрига босиб, эзгилай бошлайди.)*

К а р а ш м а. Султоним, қўйиб юборинг, бўлмаса дод соламан!

Карашма Жунайидни итариб юборади, хон ағдарилиб тушади.

Ж у н а й и д. Бу кишига тахт керак эмиш. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, йўқол алвасти!

Карашма кетмоқчи бўлади. Жунайид ёнидан маузерини олиб орқасидан отиб ташлайди.

К а р а ш м а. Оҳ... Жаллод... Хон Асфандиёрнинг куни сенинг ҳам бошингга тушсин..

Ҳ а м м а бирин-кетин саҳнага киради.

Ж у н а й и д. Ол...

Ишора қилади. Икки йигит К а р а ш м а н н и г жасадини олиб чиқиб кетади?

Т а м а н н о. Хон! Безовтасиз!

Ж у н а й и д. Ҳеч!

Т а м а н н о. Асабни қўлга олмоқ керак!

Ж у н а й и д. Хотиржам бўлинг, муҳтарамaxonим. Жунайидхоннинг сўзига қулоқ қоқмаган ҳар бир маҳлуқнинг аҳволи мана шу бўлғай!

М у ҳ а м а д югуриб келиб, хоннинг қулогига пичирлайди.

М у ҳ а м а м а д. Шундай, султоним...

Ж у н а й и д. Шу ромчи-я? Ахир, у шайхнинг ўгли...

М у ҳ а м а м а д. Ўша тахтингизга суиқасд қилган пиқилобчи большовой Собиржоннинг худди ўзи.

Ж у н а й и д. Игво...

М у ҳ а м а м а д. Игво қилсам, каломулло урсин!

Хон қарсақ чалади, м у л о з и м киради.

Ж у н а й и д. Ромчини чақир!

Ҳамма ҳайрон. М у л о з и м Собирни бошлаб келади. Собир тиз чўкиб хонга таъзим қилади.

(Разм солади.) Ромчи!

С о б и р ж о н. Лаббай, хоним!
Ж у н а й и д. Ҳозир шу дақиқада меннинг юлдузнимни
кўр. Нима дер экан?

Собир тиз чўкади. Кўзини чирт юмиб, нималариндир ўқийди.
Сўнг бир «хув» деб ўрнидан туриб Таманнога тикилади.

Ж у н а й и д. Хўш?
С о б и р ж о н. Топдим... Эй, марҳаматли султоним!
(Кўзини юмади, осмонга қарайди.) Хира, жуда ҳам
хира...

Ж у н а й и д. Гапир!
С о б и р ж о н. Қон кўринди, султоним... Ана... Эши-
тинг! Қон тўқдингиз... Ожизанинг қонини, яъни аёл ки-
шининг...

Хон сески Муҳаммадга қарайди.

Ж у н а й и д. Энди-чи?
С о б и р ж о н. Бор, бор... Эй, азиз хоқоним... (Та-
маннони кўрсатиб.) Яна қон тўкасииз, ҳозир... Шу да-
қиқада...

Ж у н а й и д. Эркакми, аёл?
С о б и р ж о н. Эй, марҳаматли султоним... айтурга
тил ожиз.

Ж у н а й и д. Агар айтмасанг...
С о б и р ж о н. Сабр, хоқоним, сабр.
Ж у н а й и д. Алдасанг бошинг кетади.
С о б и р ж о н (осмонга ёлворади). Ё парвардигори
олам...

М у ҳ а м м а д. Тополмайди, султоним.
С о б и р ж о н (Муҳаммадга). Овозингни ўчир, ноба-
кор!

М у ҳ а м м а д. Бу ромчи эмас, большой Собир.

Ҳамма ҳайрон.

С о б и р ж о н. Тинглаг хоним! Қон тўкасииз. Ҳозир
шу дақиқанинг ўзида. У ҳам ожизадир, яъни аёл киши.

Орқада шовқин. Икки йигит юзлари қон, сочлари тўзиқ, кўй-
лаклари йиртилган Ж а м и л а н и олиб киради. Йигитлар хон олдига
тиз чўкадилар.

Жуманазар. Эй, улуг хоқон! Душманимизнинг бошлиғи. Темуровнинг онасини келтирдик.

Жунайид. Яша, шоввоз! *(Онага юзланиб.)* Энди қалайсан, большевойнинг онаси!

Жамила ўртада мардона туради. Собир секин жилмоқчи бўлади.

Муҳаммад хоннинг қулоғига нимадир шивирлайди.

Муҳаммад. Шундай, хоқоним.

Жунайид. Ромчи!

Собиржон. Амригизга тайёрман хоқоним.

Жунайид *(онани кўрстиб)*. Танийсанми?

Жамила Собирга қараб аввал ҳайрон қолади, сўнг жирканади.

Жамила. Собиржон, сенмисан?

Собиржон *(танимасликка олиб)*. Сиз кимсиз? Мен сизни танимайман.

Жамила *(Собирга)*. Хон... Аввал танирдим, энди танимайман! Хон! Берган тузимга рози эмасман, мен сени...

Муҳаммад хонга яна нималарнидир шивирлайди. Хон маузерни Собирга тутати.

Жунайид. Танимайсанми? Қани, танимасанг, отиб ўлдир!

Ҳамма ҳайрон. Собир нима қилишсин билмайди, ночор маузерни олиб, ўйланади юради ва жим қолади.

Собиржон. Султоним... Ромим тўғри келди. Мен кечиринг. Бекорга қон тўкиб гуноҳ қилмайин.

Жунайид. Ҳа-ҳа. Энди қалайсан, айғоқчи! Қўлга тушдингми?

Собиржон. Султоним! Нима десангиз деи. Майли, қон тўкилсин. *(Муҳаммадни кўрсатиб.)* Бироқ, мен апави сохта эшонга раҳмин келяпти. Гаровин сизга ютқазиб қўйса боши кетади-ку.

Жунайид. Бўлмаса сенинг бошинг кетади.

Собир. Хўп. *(Маузерга қарайди. Тепкисини очиб, Жамилага тўғрилайди.)*

Жамила. Номард!

Жунайид (*Собирга*). Тўхта. (*Муҳаммадга*.) Менинг ромчим айғоқчи бўлса, нима учун большевой кампир уни «хоин» дейди. Ахир улар бизга сотилганларни хоин дейишади-ку. Бундан чиқди — сен муттаҳам мени хароб қилмоқчи экансан-да, (*Муҳаммадга қамчи тортади*.) Кампирни ўз қўлим билан отиб ором оламан! Кўр. (*Жамилага ўқ узади*.)

Жамила (*ўлим ҳолатида*). Болам... Жуманазар... Сенинг кўпинг менинг ҳам бошимга тушди. Эй, номард мусулмонлар, боламга «салом» денглар. Онанг шаҳид ўлди денглар. (*ўлади*.)

Жунайид (*Муҳаммадга, даргазаб*). Ифвогар... Жаллод!

Муҳаммад. Хоқоним...

Иккинчи йигит югуриб киради.

Жунайид. Олиб бор... Эшонининг бошини кундага қўй!

Муҳаммад. Шоҳим... Алдандингиз, бу ўша Собирнинг худди ўзи. Мени ноҳақ ўлимга буюрманг!

Йигитлар Муҳаммаднинг зўрлаб олиб чиқишади. Ҳамма бириш-кетил тарқалади, амалдорлар шоҳни кузатишади. Собир ёлғиз қолади. Секин онага яқин келади ва ҳўнграб йиғлаб, жасад устига ташланади.

Собиржон. Кечиринг, онажон, кечиринг! Сақлаб қолишининг иложини тополмадим. Сиз инқилоб йўлида қурбон бўлдингиз...

У онанинг жасадини кўтариб чиқади. Пауза.

У қайтиб кирар экан, иккинчи томондан кирган Гуломийга дуч келади.

Гуломий (*танитай*). Жунайид қаерда?

Собиржон. Шу ерда.

Гуломий (*ҳайрон*). Сен... Собирмасмисан?!

Собиржон. Қанақа Собир, чолни кўриб бувам деманг-э. Мен улуғ сардорнинг ромчисиман.

Гуломий (*ҳайрон*). Ромчимсан?! Қизиқ. Хўп, мен хон олдида бошла.

Собиржон. Жоним билан. Қани олдимга тушинг.

Ғуломий олдинда ўтиб юради. Собир унинг елкасидан отади,
маузердан ўқ чиқмайди.

Ғуломий. Ҳали шундайми? Жонинг менинг қў-
лимда...

Пичоқ яланғочлаб ҳужум қилади. Иккаласи олишади. Собир чап
бериб Ғуломий қўлидан пичоқни уриб туширади, сўнгра бор кучи
билан босиб, бўғиб ўлдиради.

Итваччага ит ўлими?!

Собир ўлиқни судраб четга чиқади. Шошиб икки бек киради.
Ичкаридан Жунайид чиқади.

Беклар. Ҳаммаси тайёр. Юрсак бўлади, Султоним.

Ҳамма ичкаридан бериб-кетиб чиқади. Жунайид ишора қилади.
Карнай-сурнай чалинади.

Жунайид. Қани, омин...

Ҳамма омин деб қўл кўтаради.

Эшон. Улган шаҳид, ўлдирган ғози бўлсин... Олло-
ҳу акбар. Большойларга қарши ғазоват!

Карнай-сурнай авжига чиқади. Лашкар «ғазоват» деб олга қараб
силжийди. Чироқ ўчади. Саҳнанинг орқасида шовқин-сурон бошла-
нади. Елғиз нур гужумга тушади. Жуманиёз билан Жумана-
зар шошиб киради.

Жуманиёз. Бери гап!

Жуманазар. На гап?

Жуманиёз. Қочамиз.

Жуманазар. Қайси гўрга?

Жуманиёз. Гўргамиз, ўзимизнинг юртимизга, эси
наст.

Жуманазар. Бормайман.

Жуманиёз. Нега?

Жуманазар. Фойдаси йўқ.

Жуманиёз. Тушунсанг-чи, биз кимга-ю, нимага
хизмат қиляпмиз.

Жуманазар. Билмайман.

Жуманиёз. Билмасанг юр қочамиз. Булар ҳали сен билан мени ҳам молдек сўйиб ташлайди.

Жуманазар. Нима деб юрибсан. Қочсанг сени ўзим отиб ташлайман.

Жуманиёз. Жума, ақлигини йиғ. Биз бир алдандик. Энди алданмайлик. Юр, эс борида кетайлик!

Жуманазар. Кетмайсан, улуғ хонга сўз берганимиз.

Жуманиёз. Жума... Сен кетмасанг кетма, мен кетаман.

Жуманазар. Қайт дейман сенга!

Жуманиёз. Сан, Жума, кўнгли қоралик қилма. Сану ман бир онанинг болаларимиз. Ана қара Машариф, Матёқуб, Абди ва бошқалар инқилобга хизмат қилиб юрипти, бири аскар, бири мактабда ўқияпти. «Адашганининг айби бўлмас, қайтиб топса уйини» деган мақол бор.

Жуманазар. Тозаям гапиган дунё экан-да. Миям ҳам сомонхона бўлиб кетди, ҳайроппан.

Жуманиёз. Уйлаб кўр, Жума! Волков отилди, Гүломий гумдон бўлди. Қораевни отам чақди. Жунайиднинг остига сув келиб турибди. Қочмасак асфаласофлинга кетамиз. Ана сенга гапнинг нўскалласи.

Жуманазар. Қочсак қочдик-да. Роса миямни чақиб еднинг. Нима бўлса бўлар!

Қочадилар. Чироқ, ўчиб ёнади. Қалъа, тўпларнинг даҳшатли овози тун қоронғисига қалъани ларзага келтиради. Шаҳар аланга ичида қолганлиги ортдан яққол кўринади. Олис-олислардан хотинларнинг дод-фарёди, гўдакларнинг қий-чуви, итларнинг ҳуригани, отларнинг кишнаши эшитилиб туради. Қалъа деворидан бир печа жангчи ташқарига қараб ўқ узади. Баъзиларининг кийимларини илма-тешик қилган. Пастда Нигора телефон билан овора, юқорида эса

Темуров билан Шеров.

Темуров. Нигора, Железновни топ.

Нигора. Олмаётибди (*Аппаратга*). Учар, учар. Менга Железновни бер.

Шеров. Нигора... Ўқ.

Нигора. Ҳозир (*Югуриб бориб бир яшик ўқ олиб чиқади.*) Марҳамат.

Бир жангчига ўқ тегиб йиқилади. Нигора бориб уни кўтаради ва

ўртага олиб келиб ётқизади. Тўп ва ўқ овозлари бирдан тўхтайдн.
Ҳамма ҳайрон.

Темуров. Бу қандай сир?!

Шеров. Бу ҳам Жунайиднинг галдаги найранги бўлса керак.

Жангчи сув сўрайди. Нигора сув беради. Темуровлар жангчи олдига бориб унга тикиладилар, жангчи ўлади. Ҳамма бош эгади.

Темуров. Ҳуррият ва инқилоб қурбонн.

Ишора қилади, жасадни йигитлар кўтариб чиқиб кетадилар.
Ботиров киради.

Ботиров. Уртоқ Темуров, душман шаҳарга ўт қўйиб барча қудуқларни заҳарлаб кетган.

Темуров. Аблахлар. (Ботировга.) Шаҳар аҳоли-сига барча қудуқлардан сув ичиш ман қилинсин... Со-биржондан дарак борми?

Ботиров. Йўқ.

Темуров. Қораев қўлга тушдими?

Ботиров. Йўқ.

Темуров. Мадинахоним-чи?

Ботиров. Жунайид қароргоҳида экан, аммо...

Темуров. Онамдан-чи, хабар борми?

Жимлик.

Ботиров. Жамила опа ҳам Жунайид ихтиёрига топширилган.

Темуров. Тақдири?...

Ботиров. Номаълум.

Темуров. Номаълум? Оғир, кичик инсон қалби учун бу кўргуликлар жуда ҳам оғир. Ўнгирма кундан бери жон олиб жон берамиз. Жунайид чекиниш ўрнига кун сайин кучайиб боряпти. Шаҳар ўнгирма кундан бери ўт ичида... Сув йўқ... Озиқ-овқат тугаб, ўқ-дори енгиллашиб қолмоқда.

Ботиров. Олинган маълумотларга қараганда уч минг кишилик Жунайид суворийлари Ахтарвант орқали Хивага йўл олмоқчи.

Темуров (Шеровга). Демак, республикани қонга ботирмоқчилар. Москвадан ёрдам борми?

Шеров. Йўл кесиб ташланган. Қолчак қолдиқлари Оренбургда қўпоровчилик ишларини бошлаган.

Темуров. Лаънатилар... Тошкентда туринган Фрунзе ва Куйбишевларни вазиятдан хабардор қилдингизми?

Шеров. Кеча кечасиёқ гаплашганман.

Темуров. Хўш?

Шеров. Тадбирини кўришмоқчи.

Югуриб Каримов киради.

Каримов. Ўртоқ бош қўмондон?

Темуров. Нима гап?

Каримов. Чолнинг минг кишилик комсомол отряди ихтиёрингизга етиб келди.

Темуров. Баракалло, инқилоб помидан сизга ташаккур, ўртоқ Каримов.

Железнов. Чақирган экансиз. Беш юз кишилик партия дружинаси жангга тайёр.

Темуров. Беҳад миннатдорман, уларни тездан жанг майдонига бошланг.

Железнов. Бир томчи қонимиз қолгунча инқилоб учун курашамиз.

Ҳамма тик туради ва курашамиз деб қасамёд этади.

Темуров. Нима бўлса ҳам душман ҳужуми қайтарилсин. Қалъа деворлари эҳтиёт қилинсин. Дарвозалар очилмасин. Шубҳали шахслар назорат остига олинсин. Чет эл граждaнларини дарҳол ҳисобга олинглар.

Нигора. Бажарамиз, ўртоқ қўмондон!

Нигора аппаратга уринади.

Шеров. Ўртоқ қўмондон...

Темуров. Хўш?

Шеров. Биз томонга оқ байроқ кўтариб уч элчи келяпти.

Ҳамма юқорига чиқиб қарайди.

Темуров. Найранг эмасмикан?

Каримов. Уларни отиб ташлаш керак, ўртоқ қўмондон.

Темуров. Шошилманг... яқинлашяпти. Қимлар экан? (*Шеровга*) ўртоқ раис?

Шеров. Эшитаман.

Темуров. Дарвозани очиб «меҳмонларни» қабул қилинг.

Тайёрланадилар. Ботиров ва Каримов дарвоза орқасига яширинадилар. Дарвозадан эшон соқол-мўйловли туркманча кийинган Собир ва бир йигит киради.

Темуров. Эшитаман.

Эшон Собирга ишора қилади. Собир бошидан попоғини олиб олдинга чиқади. Нигора Собирга қарайди, аммо танийёлмайди.

Собиржон. Биз муаззам Абулғози Бекниёз эшон ила шайх Шобазали махсумнинг ўғиллари ҳам мен—мунажжим ибни исқирт Аловуддин Муҳаммад Жунайидхоннинг элчилари бўламиз. (*Таъзим бажо келтиради.*)

Темуров. Жуда соз. Хизмат?

Собиржон. Болшевиклар охирги нафасини олмоқда.

Ботиров (*маъноли*). Қаердан билдингиз ибни исқирт Аловуддинниёз?

Собиржон. Юлдуздан билдим, юлдуздан... Почта, телеграф, темир йўл, банк ва ҳарбий омборларни икки соат ичида топширасиз. Бўлмаса эртага эрталаб тўнга тутиласиз.

Нигора. Мен анави одамни (*Собирни*) танийётганга ўхшайман.

Темуров. Жим, бўлмаган гапини гапирманг!

Нигора. Тўғри, янглишибман.

Темуров. Бориб айтинг: шартларингизни муҳокама қилиб кўрамиз. Тезда жавобини олгайсиз! (*Шеровга*) Элчиларни кузатиб қўйинг.

Шеров. Хўб бўлади.

Собир усталлик билан қалпоғини олади, тагида ўроғлиқ қоғоз қолади.

С о б и р ж о н. Муҳлат — икки соат.
Т е м у р о в. Яхши, жавобини кутинг.

Ш е р о в ҳаммасини бошлаб чиқади. Темуров бориб қоғозни
очади, қарайди. Ш е р о в киради.

Мана жаллод Жунайиднинг ҳамма планлари фото-
нусхаси. Мана энди унинг қоқ юрагига аниқ ханжар
урамиз!

Телефон жиринглайди, Нигора трубкуни олади.

Н и г о р а. Эшитаман... Ҳа, ҳа... Қачон... Бугун...
Яхши. *(Трубкуни қўяди, бир йиғлаб, бир кулади. Гапи-
ролмайди.)*

Н и г о р а *(тутилиб)*. Ўртоқ қўмондон Каримов, ўр-
тоқ Ботиров... хушхабар: Тошкентдан Фрунзе отряди
чиққан.

Ҳамма хурсанд бўлиб қучоқлашади, ўпишади, ўйинга тушишади.
Ҳамма ташқарига отилади, ўқлар отилиб, тўшлар гумбурлаб саҳнани
даҳшатга солади. Чироқ ўчади.

Саҳна ёришиб Жунайиднинг қароргоҳи намоён бўлади. Уртада тик
турган Ж у н а й и д оёғининг остидаги уч бекка дағдаға
қилмоқда.

Ж у н а й и д. Нега қочиб келдиларинг? Биринг ўзбек,
биринг туркман, биринг турк... қўрқоқлар. Ҳали келиб-
келиб сенларга ишондимми? Биринг икки минг, биринг
беш минг, яна биринг бир ярим минг мард йигитларни
ташлаб қочиб келдиларингми?

І б е к. Улардан битта ҳам қолгани йўқ.

Ж у н а й и д. Нима?!

ІІ б е к. Биз тутдек тўкилдик, султоним.

Ж у н а й и д. Нега ўзларинг тирик қолдиларинг нега
ўққа учмадиларинг?

ІІІ б е к. Қочмасак ўлардик.

Ж у н а й и д. Жони ширин «ҳажикизлар!»

І б е к. Биз Фрунзенинг лашкарига дуч келиб қол-
дик. Улар бизни чунонам саваладики, кўз очиргани қўй-
мади.

Жунайид. Шунақами? (Учаласининг ёқасидан олади.) номардлар, шуҳратпарастлар!

Беклар. Эй, давлатпаноҳ.

Жунайид. Қани, ҳозир йўқолинглар кўзимдан, учаланг ҳам жангга кир!

Беклар. Хўп бўлади, олампаноҳ (Беклар қўрққанларидан йиқилиб, сурилиб чиқиб кетадилар.)

Жунайид. Ё, раббий... нималар бўляпти ўзи? Наҳотки, режаларим барбод бўлса... Ҳар битта босган қадимим мендан олдин большевойларга аён. Билмадим, бу большевой деганлари ромчими? (Юради, ўтиради, ўйлайди, ёнидан заҳар шишани олади, унга разм солади, яна ёнига солади.) Ҳали эрта... ноумид шайтон. (Қарсак чалади.) Ромчи!

Шошиб Собир киради.

Собиржон. Ассалому алайкум, марҳаматли хоқоним.

Жунайид. Сўйла!

Собиржон. Ҳозир шу топда, юлдузингиз хира ва қизариб кўринди... Султоним, аялч бир ҳодиса юз беради.

Жунайид. Қачон?

Собиржон. Ҳозир, шу дақиқада.

Жунайид. Кейин-чи?

Собиржон. Қон тўкаси.

Жунайид. Қон тўкаси?!?

Собиржон. Ҳа, олампаноҳ.

Жунайид. Эркакми ё аёл.

Собиржон. Аёл.

Кампир кийинми кийиб Таманно чиқади. Собир Таманнони кўрсатиб.

Ана...

Жунайид. Аҳа... Барон либосига ўралиб чиқибсиз, жаҳонгашта маликам...

Таманно. Кетаман.

Жунайид. Қаёққа?

Таманно. Буюж Британияга.

Жунайид. Нечун?

Т а м а н н о. Омадингиз кетди чўл йўлбарси хон Жунайид. Энди менга рухсат, юртимга етиб олай.

Ж у н а й и д. Омади кетган кишини қўллаб-қувватламайсизми, маликам.

Т а м а н н о. Йўқ, энди эплай олмайсиз, фармонбардор Жунайид.

Ж у н а й и д. Шунақами: Ҳа, айтгандай эплай олмаган фақат менми?

Т а м а н н о! Ҳа, сиз!

Ж у н а й и д. Маллисон ва Бейлиларнинг қизиллар ҳужумига тоб беролмай қўшин ва қурол-аслаҳани ташлаб Ашхободдан қочиб қолиши-чи?

Т а м а н н о. Уларнинг бизга алоқаси йўқ.

Ж у н а й и д. Йўқ эмас. Сизлар ҳамма вақт бошқалар қўли билан ўт қўясиз, бўлақлар қони ҳисобига ҳукмрон бўласизлар. Мана бундай оғир кунда кишини жарга итариб, ўзингизнинг жонингизни олиб қочасиз.

Т а м а н н о. Ҳозир бундай таъналарнинг хонаси эмас. Ҳукмрон Англия сизга жуда катта умид боғлаган эди. Шу жиҳатдан сизни пул, яроғ, аслаҳа ва маслаҳатчилар билан таъминлади. Сизни Тўрон давлатининг шавкатли ҳукмдори қилмоқчи эди. Афсус, минг афсус, урушда ютқаздик.

Ж у н а й и д. Мен етти йилдан бери большевикларга қарши от сураман. У иблис Маллисонинг менга кўмак учун Қорақумга лашкар тўкмоқчи эди, лабзида турмади, бурдсиз.

Т а м а н н о. Иложи бўлмади-да, сардор.

Ж у н а й и д. Кет, йўқол кўзимдан алвасти. Сўнгги нафасимгача қизилларга қарши ўзим от сураман.

Т а м а н н о. Кетамап, хайр.

Кетади. Орқасидан Жунайид ўқ узади. Таманно ўлади.

Ж у н а й и д. Дағдаға қилади-я, малъун!

Уқ овозини эшитиб ҳ а м м а чиқади. Мурдани кўриб жим қолишади.

Мурдани чўлга эятиб ташланглар, бўриларга ем бўлсин.

И к к и к и ш и ж а с а д и н кўтариб олиб чиқиб кетади.
Ромчи!

С о б и р ж о н. Фармонингизга ҳозирман, олий нишон!

Ж у н а й и д. Сен ҳозирнафас. Айтганинг албатта бўлади.

С о б и р ж о н. Ташаккур, олий ҳазрат.

Узоқдан от туёғининг товуши эшитилади. Ҳамма кутади. Қ о р а е в кириб келади.

Қ о р а е в. ...Пано сўраб келдим, хон!

Ж у н а й и д. Жуда соз.

Жунайид Қораевни қучоқлаб ўпади. Ҳамма шод. Собир секин чеккага чиқади.

Азиз меҳмон шарафига базм ва шодиёна бошлансин!

Карнай-сурнай ва чилдирмалар тилга киради. Уртага ўйинчи қизлар тушади. Бир оздан сўнг карнай-сурнай овозини отилган тўп ва замбаракларнинг даҳшатли овози босиб кетади. Югурганча бирин-кетин б е к л а р киради.

І б е к. Султон, қизиллар бостириб келмоқда.

Ҳамма саросимада қочади.

Ж у н а й и д. Яна қочяпсизларми, хезалаклар. (*Қочганларнинг йўлини тўсади.*) Қайт, қайт, дейман!..

Отилган тўп ўқидан гужумнинг бир шохи чўрт узилиб тушади. Хон атрофига қарайди, ваҳимага тушади.

Ромчи!

Жунайид зудлик билан ўзини ташқарига олади ва отга миниб қочади. Ичкаридан С о б и р чиқади. Хонни ахтаради. Тополмай қувиб чиқиб кетади. «Урра» яқинлашади, йигитлар югуриб ўта бошлайди. Ичкаридан Қ о р а е в чиқади, келаётган Нигорани кўриб жойидан жилолмай қолади.

Қ о р а е в. Қалайсан, энди қўлга тушдингми?

Н и г о р а. Ҳа, сен билан учрашишни қасд қилган эдим.

Иккаласининг қўлида тўппонча, пайт пойлаб айланишади.

Қ о р а е в. Номусини йўқотган, бепомус сени...

Н и г о р а. Ўша йўқотган номусим учун, сендан қасос оламан!

Қ о р а е в. Қасос оласан? Сен-а... *(Кулади.)* Ожиза...

Н и г о р а. Сен биринчи бор менинг лабимни чайнаб учрашган эдинг. Энди бўлса мен сени ўша лабингга қўрғошин босиб учрашаман.

Қораевни отади. Уқ Қораевни ярадор қилади. Шу аснода орқадан Собир келиб Қораев қўлидан маузерни ерга уриб туширади.

Қ о р а е в. Оҳ...

Қораев йиқилади. Собир билан Нигора бир-бирларига қараб тек қолади.

Н и г о р а. Собиржон ака!

С о б и р ж о н. Нигорахон... Қуролингизни ташланг.

Н и г о р а. Қўрқасизми?

С о б и р ж о н. Ҳа...

Нигора тўппончани ёнига солиб ўзини Собиржоннинг қучоғига ташлайди.

Н и г о р а. Мен шўрлик, гапнинг мазмунига тушунмай не-не хаёлларга бориб юрибман!

С о б и р ж о н. Ҳечқиси йўқ.

Н и г о р а. Кечиринг, Собиржон ака, кечиринг!

С о б и р ж о н. Давлат сири — Ватан юрагидир. Бу ҳол ҳаммамиздан сабр-тоқат, уddaбурунлик талаб этади. Мана, вақти келди, барчаси ўз қолинига тушди, азизим. *(Қучоқлайди.)*

Темуров, Ботиров. Шеров, Железнов ҳамда Қаримов ва бошқалар кириб келадилар.

Темуров. Собиржон!

С о б и р ж о н. Устоз! *(Қучоқлашиб кўришади.)*

Темуров. Собиржон, сендан партия Марказкоми, ҳукумат ва халқ бениҳоя миннатдор. Жунайид қароргоҳи ҳақидаги барча ахборотларингни ўз вақтида олиб турдик. Баракалло. Юборган ўша ахборотларинг Жунайид ва унинг гумашталарини тор-мор этишда, чет эл империалистларининг умидларини чиппака чиқаришда қўл келди.

Қорасев оғриққа чидолмай инграйди.

Бу ким?

Нигора. Қорасев, бу сотқинни мен отдим.

Темуров. Жунайид қассобхонасидан бошпана излаган экан-да, сотқини!

Қорасев (*жон азобида*). Ғолиб билан мағлубнинг рўбарў туришидан даҳшатли ҳол бўлмас. Мени отинглар, азобдан қутулай!

Темуров. Сизни халқ қўлига топширамыз, суд қилади. Ҳукм аёвсиз бўлади. Олиб чиқинглар!

Қорасевни олиб чиқадилар.

Жаллод Жунайид қани?

Собиржон. Ғафлатда қолдим... Қорасевни пойлаб Жунайидни қўлдан чиқариб юбордим. (*Қароргоҳ ёна бошлайди.*)

Темуров. Нима гап?

Собиржон. Жунайид одамлари ўт қўйиб қочди.

Ботиров. Ҳамма сафарбар қилинсин. Утни ўчиринглар.

Бир гуруҳ аскарлар чиқади.

Темуров. Собиржон, онам қани? Омонми?!

Собиржон. Устоз... Онанинг қотили Жунайид. Мен онажонимизни омон сақлаб қололмадим.

Темуров. Азиз она... Сени сақлаб қололмаган ўғлингни кечир... Кечир... (*Собирга.*) Онам инқилоб учун қурбон бўлипти. Онага шарафлар бўлсин!

Ҳамма бош эгади.

Она учун ёвдан қасос олайлик, ўртоқлар!

Ҳамма Темуровнинг атрофига тўпланиб: «Қасос оламин!» деб қасамёд этишади. Бу сўзга худди жўр бўлгандек тўп ва замбарак гумбурлайди.

Чироқ ўчиб, нур гужум тагидаги Собиржон билан Нигорага тушади. Музика майин ва ёқимли куй бошлайди. Нигора жўр бўлади.

Н и г о р а.

Бўлиб Ленин хитоби тан ароким янги жон берди,
Қуёшдек нур сочар иқбол, ҳаёт бўстон замон берди.
Башарда ким эса қилгай ҳавас, ҳурлик чунон берди.
Сабаб Ленин шуури эл учун чин инқилоб эрди.

Собиржон ака!

С о б и р ж о н. Лаббай.

Н и г о р а. Ғалабамиздан кейин доим бирга яшаймиз,
деган эдингиз-ку! Мана уруш ҳам тугади. Нега яна айрилиқ?!

С о б и р ж о н. Эрк ва озодликни курашиб қўлга киритдик. Мана энди инқилоб сен билан менинг қўлимда машғал тутиб, йўлимизни ёритиб турибди. Сен энди ўқиб, зўр санъаткор бўласан. Мен ўқиб келиб, билимдон эъёли бўламан.

Н и г о р а. Оҳ, қандай яхши.

С о б и р ж о н. Яна неча ўн йиллар бахтли умр кўра-миз?

Н и г о р а. Эллик йил... Собиржон ака!

С о б и р ж о н. Ҳа-ҳа, эллик йилдан кейин ҳам бахт бизга ёр, унинг гаштини сурайлик!

Н и г о р а. Худди шу гужумнинг тагида?

С о б и р ж о н. Ҳа.

Н и г о р а. Қаердан билдингиз?

С о б и р ж о н. Ахир, мен ромчиман, бахт юлдузидан билдим.

Кулишади.

Н и г о р а. Ростданми?

С о б и р ж о н. Рост.

Н и г о р а. Ундай бўлса мен шу гужумдан узр сўраб, унга таъзим қиламан.

С о б и р ж о н. Нечук?..

Н и г о р а. Сизни йўқотиб қўйганимда аламинни шу

шўрлик гужумдан олган эдим. Энди эса бош эгиб таъ-
зим қиламан.

С о б и р ж о н. Нигора! Қел жоним, кетдик!

Н и г о р а. Қаерга?

С о б и р ж о н. Ўқишга — Тошкентга кетдик, азизим!

Н и г о р а. Кетдик.

Иккови қучоқлашаркан, музика авжига чиқади, сахна нурга тўлади.

Парда.

ҚИЗЛАР ИСЕНИ

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Онахон — Исёиқор шоира.
Сарвар — Унинг ўғли.
Алиқул — Сарварнинг ўртоғи.
Аннасоат — Туркман, Онахоннинг яқинларидан.
Мумтоза — Сарварнинг севгилиси (қирқ қизлардан)
Муқаддас — Алиқулнинг севгилиси (қирқ қизлардан)
Маҳлиё — Қирқ қизлардан.
Қизлархон — Қирқ қизлардан.
Хон.
Вазир.
Малика — хоннинг хотини.
Расво — хоннинг далласи.
Муфти — реакцион руҳоний.

Эпизодларда: Таржимон, Пинҳоний, Саодат, Уламо мулозимлар, жаллодлар, павкарлар, созандалар халқ.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КҰРИНИШ

Хон қасри. Тахтиравонда хон. Ширакайф, бесаранжом. Бир чеккада
Онахон гармон чалаётир.

Хон. Чал, бомдан эмас зирдан чал, ҳа, чал.

Онахон авжи пардада чала бошлайди.

Мана буни қудрат дейдиларки, қара, ногорамга, қандай пардада тортаётирсан, ё мени мадҳ этасан, бошингга тумор қиласан, «Ҳазрати хон хон бўлди, олам гулистон бўлди», дея ашъорлар битасан ёки бу ерда чирийсан!

Онахон мағрур чиқиб кетади.

Э, баҳодир, ғам сма ҳар иш худо тақдиридир.
Сен сиғингин пирингга, пиринг худонинг шеридир.
Ҳа, шеридир — шеридир.

Мулозим киради.

Мулозим. Ҳазрати олий. Муфтий ҳазратлари қабулингизга мунтазирлар.

Хон. Қадам ранжийда қилибдим, имонсиз? Чақир, у саллалӣ каззобин.

Мулозим. Ҳозир, ҳазратим, ҳозир (*Чиқади.*)

Муфти (*кириб*). Хоҳишингиз олдида бош эгамаи.

Хон. Неча юз таноб вақф еридан чиққан ҳосилни юходек ютиб туриб, яна менинг истагимни галга соласан. Қани, кўрайлик, яна қандай баҳоналарни рўкач қилар экансан?

Муфти. Олий нишон.

Хон. Фатво дейман, фатво!

Муфти. Биз сизнинг чокарингизмиз, подшоҳий аъзам. Сал сабрга эҳтиёж туғилди.

Хон. Сал сабрга эҳтиёж туғилди эмиш, менга сенинг дарвишона нақл, маталларинг эмас, фатво керак, фатво!

Муфти. Шоҳона илтифотингиз важҳидан бошим осмонда, қиблагоҳим. Мана фатво ҳам тайёр.

Хон. Бу, бўлак гап. Фатво қайдин топилди?

Муфти (*музика билан айтилади*). Каломушарифдин юз очди лавҳа. Бизлар бу лавҳага айладик сажда. Не истак бор экан, ҳазратим сиздан. Барига топилур фатво бизлардан.

Хон. Умид ҳам шундай эди. Қани, фатвони жадал ўқи-чи!

Муфти (*фатвони ўқийди*). Соҳибқирону замона, адолат офтоби. Маърифат оламининг зар дафтари хон олий ҳазратларининг хоҳиши, мамлакат ва диний ислом хоҳиши нисбатида, деб билгаймиз. Мазкур сабабдин хон ҳазратнинг хоҳиши — бош хусусида шаръий ва ношаръий ҳар қандай тадорикку тadbир кўрмак каломушариф оят ва ҳадисларига хос ва мос деб ҳукм қилгаймиз. Энди, фатвога амал қилмоқ амали у хоқону замонага ҳавола қилинди. Азбаски, таъгри таолонинг ердаги сояси бўлмиш подшо ниятларини рўёбга чиқарилмоғи, мамлакат ва исломнинг равнақига равнақ бахш этгай, деб билгаймиз. Фатвога икки қози, икки мударрис, уч муфтий имзо ва муҳрларини тортдилар.

Хон. Миннатдорман. Баракалло, баракалло.

Муфти. Ҳаёт тургунча туринг. Жаҳон тожи муборак бошингизга насиб қилсин. Муҳаммад аллайҳиссалом байроғи бошингизда ҳилпирайверсин. Омин!

Муфти ниманидир таъмасида кутиб туради. Хон буни англаб унга сарпо кийдиради.

Хон. Расво!

Расво (*кириб*). Фармонингизга ҳозир-у, нозирман, тождорим.

Хон. Фатво ҳам бут. Шаръий ва ношаръий ҳам дейилган. Ҷуда соз. Рўйхат тайёрми?

Расво. Ўзларининг назари тушган-ку.

Хон. Хўш, рўйхатдагилардан биронтаси... А...

Расво. Атбатта, ҳазратим. Аммо...

Хон. Хўш, хўш?

Расво. Олар орасидан баъзи бир амалдорларники ҳам бор, пуштипаҳо.

Хон. Бунинг аҳамияти йўқ. Гап шу. Ҳа ахир, лақабинг расво-ку. Сен бунақанги ишларнинг пири-санку.

Расво. Биласиз, ҳазратим, мешинг эътиқодим ҳам, имоним ҳам, ўша лақаб билан мослашиб, йўғрилиб кетган-ку.

Хон. Шундай, шундай. Ўқиб ол! Келадиган муҳтарама меҳмонлар учун ҳарамда хоналар ажратишни тайинла. Эртадан бошлаб сайил эълон қилдим. Сен сайилга етиб бор.

Расво. Оёқ билан эмас, хоним, бошим билан сизнинг учун елиб ўтгим бу оламдин. (*Чиқади.*)

Хон. Нима, беш кунлик дунёда устимга жанда кийиб дарвишона ўтишим керакмиди. Йўқ оламда менга фақат икки нарсга лаззат беради. Бири дор, қамчи, иккинчиси маннат, бас.

Вазир (*кириб*). Салом, олий нишон.

Хон. Хўш икки қулоғим жанобларида. Биласиз, чарчаганман, толиққанман. Яна нотоброқмен... Начора қайнатамиз, хўш.

Вазир. Авф этасиз, илтифотни мендан дариг тут-массиз!

Хон. Алқиссаларни илон йўли қилмай гапиравер-салар бўларди. Хўш?

Вазир. Хон ҳазратлари!

Хон. Қанча чайналманг, нималардан дафтар очишингиз, менга равшан.

Вазир. Хоним. Ўғлим, лоақал, бир дақиқа бўлса-да...

Хон. Хўш, хўш, тез-тез. Алқиссаларингиздан ўтга тушган илондек тўлганиман, тушунинг.

Вазир. Тўғри, ўртамизда жиддий ихтилофлар юз берди. Қомил Хоразмий томонидан бошланган хайрли ишларнинг давоми масаласида: темир йўл, почта, телеграф, касалхоналар ҳам, дарвоқе, бугун ажиб бир санъаткорона қурилган муҳташам дорилфунун биноси йиқиш ҳақида фармон бергансизки, ҳозир неча

юзлаб одам ўша муҳташам бинони ер билан яксон қилишга киришди.

Хон (*кескин*). Ўзингиз яксон бўлмадингизми? Афсус!

Вазир. Тақсир бинони бузишдан бош тортганлар дорга осилади, деб жар солдиргансиз. Ахир бу фармон эмас, даҳшат-ку! Мен сизнинг равиқ топишингизни тарафдори бўлган вазиригизман. Буни фаромуш қилмассиз, деган умиддаман.

Хон. Агар бу тантанавор сўзлар сидқидилдан айтилганда эди, яна юз йил хон бўлишга тайёр эдим.

Вазир. Олий нишон.

Хон. Яна панду пасиҳатми?

Вазир. Менинг ҳозирги ташрифим юқорида зикр қилинмиш масалалар устидагина эмас.

Хон. Хўш, яна не гумроҳликлардан сўйламоқ истагидасиз.

Вазир. Ундай эмас.

Хон. Нима бўлмаса?

Вазир. Ҳозир келаётсам, йўлакда Ҳарам оға қирқ қизлар ҳақидаги фатвони менга кўз-кўз этди. Бу ақл-бовар қилмайдиган ҳол-ку?

Хон. Бунга ҳам чанг солдим денг. Малика дарҳол рашк балосига гирифтор бўлиб, падари бузрукворига арз-ниёз қилибдиларда. Қаранг-а, борди-ю, эллик хотиним бўлса-чи?

Вазир. Нима ҳам дердим, фақат мен мамлакат чайқалиб, ўт бўлиб ёнаётган бундай вазиятда, оқилона...

Хон. Оқилонаниш, отагинам, икки юз саксон йилдан ошқ давр сурган хонлик сулоламиниз тагига сув кетаётир-ку, унинг илдизларига оёқяланглар болта ураётирлар-ку. Ё мен икки қўллаб салтанатим калитини ўша оёқялангларга туттишим керак, ё ана шу кўрнамак қора авомга қарши барча имкониятни ишга солиб уни маҳв этишим керак. Бу менинг ҳокими мутлақлиқ бурчимдир. Энди анави фармонга келганда, бу мутлақо асосли фармон. Мен ундайларни дорга тортаман, илонхонага ташлайман, номусини топтайман. Буни маҳв этиш дейдилар, энди тушунилгандир. Ўша сиз демиш ўтга мой қуяману ерини ҳам, осмонини ҳам кулга айлантираман.

Вазир. Билмадим-да.

Хон. Жазо қўшинлари билан генерал Галкин йўлга чиққан.

Вазир. Сабаб?

Хон. Сабаб шуки, мамлакатга ўт қўяётганлар каласидан минора ясаш учун, тушунилдими?

Вазир. Бу, энди...

Хон. Бас. *(Вазирдан юз ўгиради.)*

Вазир ғамгин чиқиб кетади.

Бўш келсанг сени парчалаб ташлайди. Петербургда император Николай ҳузурида ўзини билағонга, бизни субутсиз султонга чиқазиб, не шумликлар қилмаганикин, бу шуҳратпараст чол. Демак, тахтимга чанг солмоқчи, ислоҳлар ўтказмоқчи, подшоҳликка кирган даромадни ҳисоб-китоб қилмоқчи, бизга ойлик маош тайин қилмоқчи ва ҳоказо. *(Чапак чалади.)*

Хон. Жаллодни! Қаранг-а келиб-келиб менинг фармоним бу кишига ёқмапти.

Жаллод киради.

Қурбон. Пичоғим қайралган, қон-қон дейди.

Хон. Навбат, энди анави қари бўри — қайнатамга.

Қурбон. Қайнатамга?! *(Титрайди.)*

Хон. Нега титрайсан? Қассобнинг касби мол сўймоқ, йўқса...

Қурбон. Тақсир, тақсир, мен шунчаки...

Хон. Тез, ҳозир. Ашур маҳрамга учраш.

Қурбон. Бу эллингичи фармонингиз ҳам адо қилингуси! *(Чиқади.)*

Хон. Саркарда Галкин жазо қўшинлари билан Хива тупроғига қадам қўйиши кўп нарсаларни равшанлаштиради. Қўзғолончиларми, қайнатамми, мен ҳақми буни келажақ кўрсатади.

Пинҳоний бўлак махсус эшикдан кириб, бош эгиб туради.

Хон. Келдингми? Нега оқсоқланиб юрибсан?

Пинҳоний. От бевош чиқди, ҳазратим, кечирасиз йиқитди аблаҳ!

Хон. Хўш не янги хабарлар.

Пинҳоний. Мен илгари ҳам бир нарсани сиз жаҳонб олий қулоғингга шипшитмоқчи эдим.

Хон. Нима эди у Қурбон сардор ҳақидами?

Пинҳоний. Бу бўлак гап, ҳазратим, ғоят қалтис.

Хон (*жиддий*). Қанақа қалтис хабар.

Пинҳоний. Ҳазратим яқин бир йилдан бери таржимонингиз орқасидан соядек юрибман.

Хон. Баракалло, мен бутун сарой аъёнларини кузатиб боришни сенга топшириб қўйибман-ку. Хўш тинглайман.

Пинҳоний. Таржимон Чоржўйда сизга мен Тошкентлик, Бешболабойнинг ўғлиман, Петербургда ўқирдим, инкилоб бўлганидан кейин бу ёқларга қочиб келдим, деб айтган эди.

Хон. Хўш.

Пинҳоний. Таржимонингиз большевиклар жосуси экан.

Хон. Нима, нима?!

Пинҳоний. Бўйним қиличингиз дамида. Мен буни Тошкент билан савдо-сотиқ қилувчи Хива савдогарларидан аниқладим. Уни илонхонага ташлатинг.

Хон. Мен унга ўзимга ишонгандек ишонардим. Балки сен...

Пинҳоний. Ун йилдан бери жосуслик амалидаман. Бирор марта сиз олий нишонни чалғитган вақтим бўлган эмас.

Хон. Бўлмагану аммо... (*Чапак чалади, ходим киради.*) Таржимонни чақир.

Ходим. Бош устига. (*Чиқади.*)

Хон (*Пинҳоний*). Сен чиқгин.

Пинҳоний чиқади, таржимон киради.

Тўғри рўйрост айтнинг, инкимиз ўртамизда сир бўлиши мумкин эмас. Мен сизга таржима ишларинигина эмас, бўлак махсус ишларни ҳам ишонганман. Сиз кимсиз?

Таржимон. Мен Чоржўйда нима деган бўлсам, ўша, ҳазратим.

Хон. Борди-ю акси чиқса-чи?

Таржимон. Унда билмадим, соҳиб, ихтиёр ўзларида.

Хон (*ишора қилади, Пинҳоний киради*). Қани менга сўзларингни такрорла.

Пинҳоний. Сиз Бешболабойнинг ўгли эмас, большевиксиз ҳозироқ исбот қилишим мумкин.

Хон. Хўш, энди-чи, таржимон?

Таржимон. Мени авф қиласиз, ҳазратим, жумбоқни еymoқ учун аввало.

Хон. Нима демоқчисиз?

Таржимон. Менга ишониб топширилган у олий фармонингизни адосига юз тутдим.

Хон. Бу кишига нима алоқаси бор у ишни.

Пинҳоний безовталанади.

Пинҳоний. Сизни чалғитмоқчи бу айёр.

Таржимон. Уша фармонингизни мутасадди одамлар воситасида текширтириб кўрдим. Сизга ахборот қилай деб келсам сиз банд экансиз. Хулосани бу зот ҳузурида айтаверсам бўладими.

Хон. Бемалол, бу киши ҳам суянган тоғларимиздан.

Таржимон. Бу зот этигини ечсин!

Хон. Нима деганингиз бу?

Таржимон. Сўнг биласиз.

Пинҳоний ўнгайсизланади.

Хон. Этигингни еч!

Пинҳоний. Тақсир.

Хон (*дарғазаб*). Еч дейман, сенга!

Пинҳоний этигини ечади уни қалтироқ босади.

Таржимон. Сизга сунқасд қилинмоқчи бўлган одамлардан бирининг оёғига ўқ теккан, қон изини бу зотнинг ҳовлисига олиб борганлар. Бунинг устига бу одамга тақдим қилмиш ханжарингиз ўша ўқ теккан жойда тушиб қолган. (*Ханжарни хонга беради.*) Мана.

Хон (*ғазабда*). Демак отдан йиқилиб оёғинг латеган эмас, балки ўқ теккан. Менинг юрагимга ўзим берган ханжарни урмоқчи бўлгансан. (*Пинҳонийни бўғиб ура бошлайди.*)

Таржимон. Шаҳзодани заҳарлатиб ўлдириш ҳам тасодифан бўлмаган олий нишон. Бу одам Жунайидхон-

нинг жосуси эканлигини ҳам унутманг, бу ҳақда бутун ҳужжатлар мавжуд.

Х о н. Наҳотки?!

Т а р ж и м о н. Шундай ҳазратим.

Х о н. Жаллод!

Жаллод кириб Пинҳонийга ташланади.

Илонхонага ташланглар!

П и н ҳ о н и й. Энди менга барибир. Мен Жунайид-хон номидан иш қилиб юрган жосус эдим. Сени кўра-га кўзим йўқ, шуни билки сен Жунайид билан дўст бўлишинг мумкин, аммо большевиклар билан дўст бўлолмайсан. Таржимонинг большевиклар жосуси.

Х о н. Ажаб эмаски ҳали бу аблаҳ бизга ўхшаган қанча аҳмоқ хонларни лақиллатган бўлмаса.

Т а р ж и м о н. Қайдам ана энди жумбоқ ечилди, бу иблис ўзини ниқоблаш учун мени сизга чаққан, ҳолбуки дадамдан келган бутун хатлар сизнинг назарингиздан ўтиб турган эди.

Х о н. Мен сизни ранжитиш ниятида эмас эдим.

Т а р ж и м о н. Менга Тошкентга кетмоққа руҳсат этсангиз?

Х о н. Мутлақо мумкинмас. Дадангизни отган большевиклар сизни ҳам отади. Ҳозирча шу ерда тура туринг. Сўнг бир гап бўлар. Ҳа, мана бу Англия ҳукмати юборган шартномалар таржимасини тайёрланг.

Т а р ж и м о н. Хўп бўлади.

Парда

ИККИНЧИ ҚҶРИНИШ

Дарё жўш уриб оқмоқда. Сайилчилар ҳали келиб улгурмаган.
М у м т о з а ёлғиз. Дарё қирғоғида фарёд чекмоқда.

Мумтоза. Аму дарё юрагимда дардим бор.

Менга бўлди жаҳон зиндон, қафас тор.

Арзим эшит, қадим дарё—Жайҳуним.

Аму дарё—юрагимда дардим бор.

Бир ёр авдоси-ла кўнглим гул эди,

Боғ ҳуснида сайрар хуш булбул эди,

Кажрав фалак хазон этди боғимиз,
Аму дарё юрагимда дардим бор.

Элатда кўрдим деган жон йўқ. Бу ерларда кўзга ташланмайди. Уҳ, менинг шўрлик бахтим. Ҳа, бугун сайил, ажаб эмас, бу ерда кўзимга чалинса.

Чиқади. Шу пайт хон одамлари келиб у ёқ-бу ёққа кўз ташлайди.

I навкар. Ҳамма ёқни элакдек эладик. Бу ерда ҳам сояси кўринмайди. Ё ер ёрилди, ер ютди. Ё қанот боғлаб осмонга чиқди. Астағфирулло.

II навкар. Нима бало у шунақаям баттол жи-
поятчими? Оёқда оёқ қолмади-ку, ахтаравериб.

I навкар. Худо сенга бош берган-у, ақлга кел-
ганда жўна бу ердан, деган.

II навкар. Бу билан нима демоқчисан? Бўл, йў-
тал, жонимга тегди.

I навкар. Шуни бил, бу, қочқинчи бола эмас,
бало бу.

II навкар. Тезроқ, гапнинг пўсткалласидан
келмайсанми?

I навкар. Роса бозорда-я, яна одамларнинг гав-
жум жойига бориб-а;

Ҳаромзода хон бўлди, еганимиз кунжара — нон бўлди,
Бағримиз тўла қон бўлди. Тош бўрон қилинглار
ҳазрати хонни.

деса бўладими? Бўлди тўполон, бўлди жанжал, бозор
бузилишига сал қолди.

I навкар. Нима, бу, нима? Бу бола ҳурриятчи-
микан?

II навкар. Мен қайдан билай, бир гапи бўлса
керак-да, уни юрагига қара? Илонхонадан қочди-я,
хумпар. Вой, аблаҳ-ей. Ҳой, жуда вайсаб қолибмиз-ку,
бу ерда. Ашур маҳрам агар топиб келмасаларинг те-
рингизга сомон тиқаман деган эди-я. Юр-юр, бўлак
жойларни титкилантирайлик.

Шошилич кетадилар, яна узоқдан Мумтозанинг овози эшитилади.

Мумтоза. Кажрав фалак хазон этди боғимиз
Аму дарё юрагимда дардим бор.

С а р в а р куйлаб киради.

С а р в а р. Мард йигитга тулпор керак,
Тулпор керак, шунқор керак.
Боғ сайрига баҳор керак,
Кўнглим севган ёр истарам.
Узоқ жойдан тоғ кўринди,
Ёрим кезган боғ кўринди.
Ўйнаб-ўсган ёр кўринди,
Кўнглим севган ёр истарам.
Узоқ жойдан тоғ кўринди.
Кўнглим севган ёр истарам.

Мумтоза Сарварни кўриб, унинг кўксига ўзини ташлайди.

М у м т о з а. Юраман дашту саҳро, бир гули
гулхонни излармен,
Муҳаббат мулкидаким, салтанат
давронни излармен.

С а р в а р. Муҳаббат мулкида мисли баҳор
жонимни излармен,
Нафосат боғида, мисли қуёш онимни
излармен.

М у м т о з а. Умидим комироним сен менинг
боғимда гулзорсан,
Менам сендек сени излаб юрак қонимни
изларман.

С а р в а р. Сеннинг ишқинг билан ўтди баҳорим,
қиш билан ёзим.
Ҳама дардимга дармон, белга
дармонимни излармен.

М у м т о з а. Вой-дод, қайси ер ютгур сизни мунча
хор этди?

С а р в а р. Азизим ҳозир, бу ҳол таърифини айтиб
туриш пайти эмас.

М у м т о з а. Мен чидай олмайман.

С а р в а р. Майли, илонхонадан қочиб чиқдим.

М у м т о з а. Қалтакландингизми?

С а р в а р. Қалтакланганда қандай?

М у м т о з а. Сабаби?

С а р в а р. Бир сабаби — сизни хон хотинликка сў-
ратган ва кимдир унга менинг ошиқлигимни шипшит-
ган. Шунинг учун хон бўлак айбларни ҳам ёпиштириб,

бирваракайнга мендан қутилмоқчи бўлган. Аниқроғи айтсам...

Мумтоза. Хўш-хўш?

Сарвар. Оқ подшо томонидан Хивага сургин қилинган Гурашилов деган инқилобчи ўрис пахта заводида уста бўлиб ишларди, дадам билан дўст эди, ҳуррият тўғрисида кўп гапиришардилар, бундан хабар топган хон отамни Сибирга жўнатди. Гурашиловни Тўрткўлга, ойимни эса саройга зўрлаб олиб кетди, отам Сибирь азобларида ўлиб кетди. Мен эса чидай олмаганимдан ҳатто уч киши йиғилган жойда ҳам йўқолсин хон деб бақирадиган бўлдим. Агар ойим ризолик берсалар Тўрткўлга жўнамоқчиман. Сиз учун ҳам, сизлар учун ҳам, ҳурриятчи дадамлар учун ҳам, хондан қасос олмасам бўлмайди. Бу ишда Гурашилов бош-қош бўлишига аминман.

Мумтоза. Энди тушундим, Сарвар ака, ҳа, боя шипшитган деган эдингиз, ким шипшитган унга ахир?

Сарвар. Хафа бўлманг, дадангиз.

Мумтоза. Дадам, дадам? Амалга ўч дадам, дадам.

Сарвар. Бўлари бўлиб, бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

Мумтоза. Сиз сўраманг, мен айтмай.

Сарвар. Айтнинг, айтнинг? Юрак қонга тўлган, айтнинг?

Мумтоза. Айтганингиздек мени сўратиб хондан киши келди, мен рад этдим. Бўлди жанжал, бўлди тўполон. Дадам ғазаби қайнаганидан: менга қилич ўқталди. Ўлдиришига сал қолди. Оқ қилди, қочиб қутулдим. Сизни ахтариб юрибман. Эндиликда сиздан бўлак суянчигим йўқ. Энди сиздан мени фақат ўлим ажратади.

Сарвар. Раҳмат.

Онахон бир тўда қизлар билан кириб келади.

Онахон. Ўғлим саломат юрибсанми? Тез, ҳозир Тўрткўлга жўна. Мана хат, Гурашиловга берасан. Ҳамма гапдан хабарим бор. Йўқса хон сени дорга тортади. Сен менинг кўрар кўзимсан. Отанг изидан бориб бозорда ўша гапларни айтибсан, баракалло. Гурашиловнинг измидан чиқма; у сенга ота ўрнида оталик

қилади. Ақлли, софдил одам, муҳими инқилобчи, дадангни, мени, сени ва халқни мана шундай аҳволга солган золимларга қарши энди қўл кўтармасак бўлмай-диган бўлиб қолди, болам. Сен Хивага нур келтирувчи бўл, нур болам.

С а р в а р. Ойижон, сиз бу ерда нима ҳам қила олишингиз мумкин, юринг бирга кета қолайлик.

О н а х о н. Йўқ, йўқ болагинам, мен худди шу ерда иш бераман, душманнинг ташинда бўлганидан ичида бўл, деганлар. Онанг ўргилсин, Сарвархон. *(Бағрига босади.)*

С а р в а р. Энди тушундим, ойижон.

О н а х о н. Мендан хавотир олма, ботирим, ишқилиб отанг руҳини шод қилайлик қани. *(Музика бошланади, тинади.)*

С а р в а р. Ойижон! Хўп. *(У чиқаятганда Расвога чап бериб чекиниб, воқеани кузатади.)*

Сайилда ўйнаётган қизлар Мумтоза билан хайрлашаётган Сарварни кўриб қоладилар ва қийқириб куладилар. Мумтозага тегизиб ҳазиломиз қўшиқ бошлайдилар.

Санга бир сўзим бор яхши, қулоқ сол,
Ака, қайдин олдинг бу тар ғунчани?
Ажиб бир хушсухан, ажиб бир хушхон,
Қайдин ола қўйдинг бу тар ғунчани?
Сарвига ўхшайди қадди қомати.
Оламни тутибди ҳусни сурати.
Бу қайси малакнинг моҳи талъати,
Қайдин олдинг, ака, бу тар ғунчани?

Ҳ а м м а. Ана, холос, бопладинг, бопладинг.

Р а с в о. Хўш, халфахон! Сизни сўрамаган жойим қолмади. Нима, ўзингиз, хон, ўзингиз султон бўлиб кетдингизми? Сизга ким рухсат берди, бу ерга келишга?

О н а х о н. Менга бекам рухсат этди, Ҳарам оға.

Р а с в о. Мен-чи?

О н а х о н. Сиз бека даражасида бўлмасангиз керак, ҳарам оға.

Р а с в о. Сизни мана шу шаккоклигингиз қачон бўлмасин, бошингизга тоғ ағнатади!

О н а х о н. Лоақал, бир йилда бир марта озодлик бўлмаса-я.

Расво. Эви билан-да. Бекани рўкач қилиб кибри ҳавога берилманг. Кибри ҳавога берилган хўжа вази-рингизни ҳам худди кеча қилич дами ўз комига тортди. Ҳа.

Ҳамма (*ҳанг-манг*). Бўғизландими?!

Расво. Ҳа. Халфахон оёғингизни қараб босинг, тегма эранлар итига, бир бошига юз бош кесилур деган гап бор-ку.

Онахон. Ўша нақлни хотирларида тутсалар бас, хўш, мақсад нима?

Расво. Хотирлар, хотирлар эмиш-а? Мақсадни ҳарамда бафуржа гаплашамиз. Қулоқ солинглар! Мен хусусан, маъсума аёлларнинг суянган тоғиман. Мен худди таолонинг хайрли ишлар учун яратган бандаси-ман.

Ҳамма. Дўзахи хайрли ишлар бандасимиш. Тоғ бўлмай гумдон бўл. (*Оҳиста*.)

Расво. Султони бокарам ҳазрати хоннинг жаннатнишон ҳарамларига қирқта маликайн султонлар лозим бўлиб қолди. Уларни ҳарамда бахт-саодат кутмокда.

Ҳамма (*чуввос кўтариб*). Бу нима дегани?

Расво. Бу деган сўз — ҳарамга хос қизларнинг бошига давлат қуши қўнди.

Ҳамма. Давлат қуши бошидан қолсин.

Расво. Ҳой, ким у ножўя забон очган.

Мумтоза. Ҳа, тожиям, қуши ҳам бошидан қолсин деганимизга шунчаям дағдағами?

Расво. Оғизларингга қараб гапиринглар. Бундай илтифотга бу дунёда ҳар ким ҳам муяссар бўлавермайди. Шоҳона қаср. Олтин сув юритилган хужра хазинаий — дафинадан чиққан инжую гавҳарлар, кимхобу атласдан либослар, еганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда. Ҳар кимга бир чўри канизак. Ана шу шону шуҳратга ҳавас этган не-не амалдорларнинг гулчеҳра қизлари ҳозир ўша ҳарамда даври давра сурмоқдалар. Ҳали мендан миннатдор ҳам бўла-сизлар.

Мумтоза. Миннатдор бўлармишмиз. Хоннинг шоҳона ҳарамидан фақирнинг хароб кулбаси афзал. Улардан қон ҳиди келади, қон.

Расво. Э, э, нима-нима?

Муқаддас. Аҳмоқона шараф кишига фақат тубанлик келтиради.

Ҳамма. Тўғри, бопла.

Мумтоза. Қалб дастурхон эмас. Ҳаммага очавермакка.

Расво. Ақли кўтоҳлик қилманглар!

Ҳамма. Ақли калтамишимиз.

Расво. Мен шу оқ сочларимни гувоҳ қилиб, сизларни саодат маконига йўлламоқчи бўлсам, сизлар...

Мумтоза. Мунофиқ минг йил яшаса ҳам каззобдир каззоб.

Расво. Ҳой, бетайин қиз, нима деб валдираяпсан? Тилда суяк йўқ, деб.

Онахон. Мен бу гапларнинг марзини чақсам, киши ақлдан озади.

Расво. Сиз ҳарам халфаси. Насиҳат қилиш ўрнига оловга ёғ сепяпсиз? Қозончининг эрки бор қайдин қулоқ чиқазса, нега ювилмаган қошиқдай суқулавеласиз, халфа.

Ҳамма. Вой қозончи бўлмай дўзахи бўлгурлар.

Онахон. Бу бир эмас, қирқ норасидани жувонмарг қилиш-ку, нега суқилмай. Мундоқ қабиҳ ҳолни бирон подшоҳ замонида бўлганини бирон одам эсламайди. Сиз у кекса ҳарам оғаси олий ҳазратга изох бериб бу ўта бераҳмлиқ деб тушунтирсангиз бўлмасмиди?

Расво. Ҳали шунақами? Мана шундай шаккоклининг учун қилич даמידан аранг қутулиб қолган эдинг, унут бўлдими? Бас, мана қўлимда ҳукм, фармон.

Ҳамма *(даҳшатга тушади)*. Фармон, фармон! *(Улар сочларини юлишади, бетларини тирнайдилар.)* Қандай даҳшат!

Маҳлиқо. Дин пешволари ҳам бунга фатво берган.

Мумтоза. Дин пешволаримиз қўшмачиликка ўтибди-да.

Онахон. Авазнинг мана бу мисралари бежўя айтилмаган экан-да.

Саноқсиз авлиёлар, шайхлар, эшону, муфтилар, Ланнлар комига далла эрур қози, шарият ҳам.

Муқаддас. Имом домла саждага бош қўйганларида ҳам пулу шуҳратни ўйлаб ётадилар *(кулги)*.

Р а с в о. Ҳой! (*Яширинган навкарларга ишора этади.*) Бу ёққа!

Навкарлар қизларни тутмоқчи бўлиб уларга ташланадилар, шу пайт Алиқул ва бир неча сайилга келган халқ навкарларни уриб қулатадилар.

О н а х о н. Сарвар, ҳозир Тўрткўлга жўнагин.

А л и қ у л. Мен ҳам Сарвар акам билан кетдим.

О н а х о н. Қизлар! Сизлар мазористон томонга боринглар. Уша ердан бошпана топинглар. У ерга хон навкарлари боришга бетлай олмайди. Ҳар қалай у ер муқаддас жой-ку, иложини топиб мен ҳам етиб бораман.

Қ и з л а р. Хўп, онахон. (*Кетадилар.*)

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

ИККИНЧИ ҚҰРИНИШ

Парда олди. Алиқул Таржимон билан учрашади.

Таржимон. Ўз вақтида келдинг.

Алиқул. Уч кундан бери сизга рўбарў келолмай бағрим қон.

Таржимон. Хўш-хўш, нима гап? У куни ҳамма гапларни гапиришган эдик-ку ёки бирон янги ҳодиса юз бердимми?

Алиқул. Янги фалокат десамми демасамми, ишқилиб Муқаддас исмли қиз тақдиридан хабарингиз борми?

Таржимон. Йўқ-йўқ, нима бўлди?

Алиқул. Биласиз, Қуллар авлодиданман, Муқаддасхон ҳам бир бечора тегирмончининг қизи. Муқаддасхоннинг хатга тушганини эшитиб, қидирмаган ерим қолмади. Уни кўрдим, деган одам йўқ. Балки ҳарамга келтирилгандир.

Таржимон. Билмадим, ука, билмадим. Майли ман уни ҳарамдан суриштирарман, Алиқул, вақт зиқ, мана бу шеърни ўзингга маълум хонадонларга олиб бориб топшир, уларга Онахон опадан салом етказ. Улар бу шеърларни ашула қилиб айтадилар. Тез, шошилиш керак.

Алиқул. Жоним билан Онахон опа қаердалар?

Таржимон. Аввало шеърларни топшир сўнгра *(қулоғига)* қалъа ташқарисидаги қабристонга бор. Опа бугун ўша жойда бўлсалар ажаб эмас, қани жўна!

Алиқул. Ҳозир, кетдим. *(Зудлик билан чиқади.)*

Парда очилади. Мозористон. Бир тўп қиз фарёд кўтармоқда. Уларнинг сочлари қирқилган, юзларида аллақандай жароҳатлар пайдо бўлган.

Хор. Не яратди бизни олло бу қадар афтодамиз,
Минг ҳақорат даштида бахти қаро ғамхонамиз.
Арз-ниёз айтмоққа кимса топсак эрди жон-жон.
Йўқса ўтгай бу умрким, тоабад афғонамиз.
Ҳолимизга инсу жон ҳам кўксин айлар чок-чок,
Дардимизга қайда ҳозиқ зулм ўтида ёнамиз,
Не фалокатлар босибдур бу жаҳон айвонини,
Минг ҳақорат бизга улфат, ғам эса кошонамиз.

Онахон кириб келади.

Онахон (*қизларга яқинлашиб*). Э, мени яратган парвардигори олам, бу не ҳол, бу не қисмат. Кўрган кўзларим кўр, эшитган қулоқларим кар бўлсин. Йиқил, қул бўл-э қаро замона. Сизлар ўтган сайилда кўрганим, Қизлархон, Маҳлуқохон, Саодатхонлар эмасмисиз? Сен кимсан?

Саодат. Саодатхон.

Онахон. Ҳа, ҳа, ота-онанг, кимларинг бор?

Саодат. Сиз сўраманг мен айтмай. Мен эшон қизиман. Имонсиз отам мени муридига узатмоқчи бўлди, мен фарёд кўтардим. Сўнгра суф-куф билан йўлга соламан деб жарга солди, турли жину парилар билан қўрқитди, патижада ваҳима касалига чалиндим, тутқаноқ тутадиган бўлдим, мана-мана. (*Қўл оёқлари қалтирайди, йиқилади, сўнгра ўзига келади.*) Шу аснода қирқ қиз деган гап чиқди, мени ҳам ўшанга хат қилибдилар. Ойим бечора ҳуснинг бошингга бало бўлди, дея йиғлаб-йиғлаб оламдан ўтди. Муҳаммад исмли севганим бўларди, ғариб бола эди, қўрққанидан билмадим қаерларга бош олиб кетди. Оҳ, Муҳаммад, Муҳаммад, эндиликда ўша ёвуз хон қучоғига кирармишман. Кириб бўпман.

Онахон. Хафа бўлма ақллик қиз экансан.

Саодат. Аммо, менинг ўз севганимга бўлган садоқатимнинг ҳар қандай қудратдан кучли деб биламан, хола.

Онахон. Балли, болам. Инсон ақли мулоҳазасининг кенглиги билан инсон. Ҳақоратга ва зўрликка

қарши жажжигина юрагингда жўш урган бу тугён мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Мана, ўн йилдан бери сарой азобидан қийналаман. Вазифам хон хотинларига ашула айтиб беришдан иборат. Ашула айтаман. Аммо юрагим йиғлайди. Қасрга рўбарў келмай, мотамсара ҳодисага пешонам урилади.

Қанча дод қилдим жаҳонда ҳол харобимдир менинг,
Қайғу-ғам, мотамсаролар бор китобимдир менинг.
Зулми бедод барини тақдирга йўлдош дейдилар,
Шул сабаб рўзгор бутунлай ул саробимдир менинг.
Онахон, шеъринг билан айла гулистон эл дилин,
Топса эрк мазлум аёллар бу китобимдир менинг.

Ҳ а м м а. Илоҳи узоқ умр кўринг.

Онахон. Сен Маҳлуқо эмасмисан?

Маҳлуқо. Ҳа мен Маҳлуқоман. Дардимни сизга айтмай, кимга айтай.

Онахон. Хўш-хўш.

Маҳлуқо. Умр гулим ҳазон бўлди, онажон.

Кўнглим қуши вайрон бўлди, онажон.

Нелар бўлди тақдиримга билмайман,

Умидларим ҳазон бўлди, онажон.

Онахон. Етар болам, ўтар. Юрагим эзилиб, адо бўлди. Болам, онанг ўргулсин, ўзингни дадил тут. Ўлимдан бўлагининг чораси топилади. Ноумид шайтон.

Қизлархон. Қирқ қизлар рўйхатида мен ҳам бор эмишман. Хонга хотин бўлгандан кўра шу ишларни ўзимга эп кўрдим. Севганимга етишай, у мендан жирканмас, ўзимга ўзим қилдим.

Онахон. Баракалло, қизим. Бардошингга балли, бөлам, ҳар қандай ўт алангасидан юрак алангаси кучлик.

Алиқул шошилиб киради.

Онахон. Вой, Алиқул, келдингми?

Алиқул. Тўрткўлда Сарвар акамни топдим. У мени аскарликка ёзди. Урис фуқаролигига ўзини ҳам, мени ҳам ўтказди. Мана, хат (Онахонга хатни беради.)

Онахон. Болалар! Хуррият, хуррият!

Ҳ а м м а. Бу нима деганингиз?

Онахон. Мана, Алиқул Тўрткўлда бўлди. Ҳуррият нима гапириб беради.

Ҳамма. Қани, эшитайлик?

Алиқул. Ҳуррият дегани — хон, бойларсиз яшаш экан. Юртга камбағал, бечора хўжайин бўлар экан. Тўрткўлда шунақа ишлар. Фақат мен шуни тушундим.

Ҳамма. Э, жуда қизик-ку.

Онахон. Э, жуда яхши-ку. Оз сабр қилинглар. Уша озодлик нурлари дарёнинг бу қирғоғига тушса ҳам ажаб эмас.

Ҳамма. Қани энди шундоқ бўлса.

Алиқул. Инқилобчилар бошлиғи Гурашилов мени бу ёққа жўнатган эди. Районларда бўлдим. Очарчиллик, бунинг устига вабо одамлар орқасида соядек пвирсиб юрибди. Булар ҳам етмагандек, зolim хоннинг қирқ қизлар ҳақидаги разилонa фармони ўлган устига тепган бўлди. Қизларни ким тўғри келса, ўшанга бир қошиқ сув билан никоҳлаб бермоқдалар. Эрга бермаганларини сочларини қирқиб, бетларини айбдор қилмоқдалар. Бу ҳолларни кўриб, юрагим орқага тортиб кетди. Мана зулмга қарши ҳаммасига халқ қасос отини эгарлаган. Бунга бир туртки бўлса бас.

Онахон. Ҳа, туртки керак.

Алиқул. Ҳа дарвоқе, қаерга бормай қазув бошидами, даладами, одамлар сизнинг: «Ҳазратихон хон бўлди, бағримиз тўла қон бўлди!» деган шеърингизни айтганлари айтган, қўрқмайдилар, қаранг-а?

Онахон. Пичоқ бориб суякка етган, болам, нега қўрқадилар, болам.

Алиқул. Шеърларингиз қўшиққа айланиб кетибди.

Онахон. Зора шундай бўлса.

Алиқул. Муқаддасхон қаерда?

Онахон. Ҳарамда.

Алиқул. Ҳарамда? (*Ҳаяжонланади.*) Аҳволи нечук?

Онахон. Хавотир олма. Эҳтиётини қилаётирман.

Алиқул. Хайрият, раҳмат, онахон. Мен кетдим. Бор гапларни тез Тўрткўлга етказишимиз керак. Сарвар акам агар кечиксанг орқангдан етиб бораман, деган эдилар. Яна овора бўлиб келиб қолмасинлар. (*Тез чиқади.*)

Саодат. Она сиз қандай қилиб дўзахга тушиб қолдингиз!

Онахон. Менинг қиссам жуда узоқ, ғам-андух билан тўлган қисса, қизлар. Бу золим хон эримни ҳурриятчисан, деб Сибирга юборди, ул киши ўша ёқда оламдан ўтди. Қарасам, бундай хунрезлик фақат бизнинг бошимизда эмас экан, халқнинг аҳволи бизникидан ҳам баттар, мотамзада экан. Нима бўлса бўлар деб шеър битиб, уни ўзим куйга солиб тўй-маъракаларда айта бошладим.

Ҳамма. Хондан қўрқмасдан-а?

Онахон. Улим, ваҳима, чиркин латтага ўхшайди, тафаккур инсонни мардона қилади.

Маҳлуқо. Хонга қарши шундай даҳшатли шеърлар ёзгансиз, нега сизга индамай қўйибди.

Онахон. Ҳамма гап ана шунда. Биласизлар. Аваз Утарни очиқчасига хон ўлдиришга ботинолмадим, йўқ. Чунки, бизнинг орқамизда халқ бор, болаларим. Авазини, йўлини қилиб, жинни деб эълон қилди. Мени ҳарамга қамаб қўйибди, токи мен унга қарши ёзган шеърларимни халқ ўртасида ташвиқ қилмасин деб. Барибир шеърларим ўз йўли билан эгаларини топмоқда, қизларим.

Ҳамма. Ҳали шунақа денг?

Онахон. Ҳа, шундай. Қани, қизлар, бас энди. Тарқалинглар. Мени пойлаб келишлари мумкин.

Қизлархон. Майли, майли, хола, сиз бора қолинг. Бизлар сал фурсатдан кейин чиқамиз. Ўзларимиз бундай бир...

Онахон. Тушундим, тушундим. Қўпам ҳаялланманглар. Мозористон киши иродасини букадиган жой, қизларим. Хўп, мен кетдим. *(Кетади.)*

Ҳамма. Хайр, хайр. Қўришгунча.

Хор. Хонлар қурсин, хонлигини билдирар,

Найзасини елкасига илдирар.

Норасидаларни никоҳ қилдирар.

Ўлар бўлдик бу хонларни дастидан.

Расво навкарлар билан бостириб киради.

Расво. У гал, майли, нима бўлса-бўлди. Энди бу гал менинг қўлимдан қутилишларинг амримаҳол.

Маҳлуқо. Бизлар ҳам йўлингизга тўрт кўз билан
тикилиб ўтирибмиз.

Расво. Жуда боп-да экан-да. Э-э, мен қари кал-
лаварам юрган эканман-да, от чоптириб. Гавҳар ах-
тараман деб мисга рўпара келиб. Гавҳари инжуларнинг
битмас-туганмас хазинаси бу ерда экан-да. Қани нав-
карлар, буларни ҳалқага олинглар, бугун мушқилимиз
тез осон бўладиган бўлди.

Навкарлар қизларни Расво олдига суриб келтирадилар. Қизлар
ўз юзларини бекитган бўладилар.

Қани, сен бетингни оч!

Саодат. Нимага зарур бўлиб қолдим, Ҳарам оға!

Расво. Мени калака қияпсанми, оч бетингни!

Саодат. Мана бўлдим, хурсандмисан?

Расво (*ҳанг-манг бўлиб тисарилади*). Нима бало
бўлди сенга? Дарё сайида кўрганимда бир жаҳон
қиз эдинг-ку?!

Саодат. Хон ва сен туфайли бахти қаро бўлган
ўша Саодатман, хўш, хизмат?!

Расво. Алжима, ҳусн мулкининг пошшоси эдинг-
ку?!

Саодат. Нима, энди бозор касот бўлдим?

Расво. Шу алфозда яна вайсайсан-а.

Саодат. Дам бўл ўлимтик, хоннинг юзига чанг
соламан.

Расво. Тутинглар, боғланглар!

Навкарлар Саодатни боғлайдилар.

Хор. Хонлар қурсин, хонлигини билдирар,

гайзасини елкасига илдирар.

Норасидаларни никоҳ қилдирар,

Улар бўлдик бу хонларни дастидан.

Парда

ТўРТИНЧИ КЎРИНИШ

Опахон учун ажратилган хона деворда дутор, танбур, чилдирма,
ноғора, най осифлиқ малика қўшиқ тингламоқда.

Онахон. Истарам кўнглим қушин парвозини,
Янгратиб қалб ўтидан овозини.
Гул битиб дилбоғига эрта баҳор,
Кўрса кўнглим ул баҳору ёзини.
Чўкма кўнглим ҳар даме дардингдаман.
Куйлагай қалбим ҳамон шаҳнозини.
Неча ўтли қиш-баҳор, ёзи билан,
Топса эрди ниятим мумтозини.

Малика. Уҳ, нақадар фусункор талқин. Миннат-
дорман. Ҳа, қалай соғлигингиз?

Онахон. Мен сиздан ўла-ўлгунча ризоман. Агар
сиз ҳимоямга ўтмаганингизда дорга тортилиб ҳам ке-
тардим. Ҳамма ёғим қақшаб огрийди. Мозористонга
борганим учун шунча азоб, маликам, начора.

Малика. Ҳа, ҳа қўлимдан келгани шу бўлди, хо-
лос.

Онахон. Бу кунлар ҳам бир кун ўтиб кетар.

Малика. Зора.

Онахон. Яхшиям сиз ҳужрамга ташриф буюра-
сиз, бўлак бекалар эса якка-якка ҳузурларига чақириб
тонггача айттиргани айттирган.

Малика. Сизни кўрсам кўнглим очилгандек, ғам-
андух булутларим тарқалгандек бўлади. Менинг ён
кезларим сиз ойимларга қанчадан-қанча ашулалар ай-
тиб, чолғулар чалиб берардингиз. Ўшандан бери сизга
ихлос қўйганман.

Онахон. Раҳмат, маликам.

Малика. Ҳа, сизга ўзимники деб айтаман.

Онахон. Тортинманг маликам, тортинманг.

Малика. Падари бузрукворимиз жанобларининг
хон пичоғи билан бўғизланди. Икки акам хон Жунайид
томонидан отиб ташланди. Ҳовли, молу мулк талон-
тарож қилинди. Онам, тоғаларим бадарға этилди.
Одамлар ҳовлисидан бир ўлик чиқса, меникидан неча
ўлик чиқди. Бир баданимда неча-неча аза либоси. На-
заримда менинг умрим бу азаларни тутишга етмаса
ҳам керак. *(Ийғлайди.)* Шунинг учун ҳам менга юрак
ортиқча юк бўлиб қолди.

Онахон. Маликам тош қаттиқми, бош деганда
бош деб жавоб берганлар. Ким шамол юборса, ўзи
бўронга учрайди. Ҳа, маликам.

Малика. Қанчадан қанча хунрезликлари етма-

гандек, яна қирқта норасида қизни ҳарамга келтиришга фармон берса-ю...

Онахон. Ҳа, бу гаплардан қон ҳиди келади.

Малика. Мен кетай, кўп ушландим. Туллар бўйи кўзимга уйқу келмайди. Уша маъсума қизларнинг тақдири учун йиғлаб чиқаман. Сиз билан учрашиб туришим хон жанобларига мақбул келмайдиганга ўхшайди. Яна бу ёқда Расво деган айғоқчи...

Онахон. Ҳа, Расво, Расво. Ўз оти билан расво.

Малика. Ҳўш, мен кетдим, Мумтозахон, Муқаддамхон, Қизлархонни менинг учун сўраб қўйинг, мен уларни дуо қиламан.

Онахон. Раҳмат. Сиз заковатли баркамол аёлсиз.

Малика. Шунинг учун ҳам виждоним мени кемираётгандек туюлади. Иложсизман. Насабда малика бўлсам-да, чарх кажрафторининг қонли саробига улоқтирилган беомад, маликаман. (*Хўрсинади, чиқади. Йўлакда Расво билан тўқнашади.*)

Расво. Ўзр, сиз олий ҳиммат маликам борлигидан беҳабар эканман; беодоблик бўлибди.

Малика. Бас, сени пичоқ билан сўйсалар пичоқ, дорга тортсалар арқон ҳаром бўлади. Сенинг баданларингга пина тикиб, ифлос баданларингни қийма-қийма қилиб, уни тузлаб, жазо майдонида қотириб қўйиш лозимким, токи минг йиллардан кейин ҳам сенингдек бир иблис бино бўлмасин. Тупураман, оқ сочларингга, муртад!

Расво. Маликам, маликам! (*Маликанинг оёқларига тармашади.*) Менда айб йўқ. Олий нишоннинг фармонлари.

Малика. Фармонлари. Газанда. (*Тез чиқади.*)

Расво. Ҳолвани ҳоким еб, калтакни етим ейди дегани шу эканда, менга нима. Ҳа, майли, маликамиз рашк қиладилар-да. Ишқилиб, чалкаш дунё экан-да. Менга ҳам осон тутманг. Янги канизакларни қайбирига гап айтсам, фарёд кўтариб, юзимга чанг солишга отланади. Чарчадим, толиқдим. Балки, сиз уларни эпақага келтиришга менга кўмаклашарсиз, йўл қуриқ бўлмайди.

Онахон. Қандай бўларкин?

Расво. Жуда соз бўлади-да, мукофотидан ташвиш тортманг.

Онахон. Майли, бир уриниб кўраман.

Расво. Баракалло, халфахон. Олам мавж уриб турган бир дарёи уммон. Эвини топсангиз қониб-қониб ичасиз. Йўқса, сахрою кабирда сув топмай тентиб юриб, чанқаб ўлган итларга ўхшайсиз. Бу ўтар дунё, роҳатинг нимада бўлса ўшанга юз бур. Менга қолса бутун олам фоҳишахонага айлансин.

Онахон. Қаранг-а.

Расво. Э, э, тозаям вайсабман-ку, гуноҳга ҳам ботдим, худо ўзи кечирсин, иш тиқилинч, мен кетдим. (Чиқади.)

Онахон. Ҳа, ҳа, мен эпақага келтириб берармишман. Мен келтирган эпақаларни қанақа эпақа эканини кейин биласан.

Таржимон кириб келади.

Таржимон. Манғит, Шовот, Гурлан, Урганч ва бошқа қалъалардан келган 20 минг кишилик исёнчилар қалъани қамал қилиб ётибди. Исён бошлиқлари хон макри билан зиндонга ташланди. Исённи бостириш учун генерал Галкиннинг жазо полки пойтахтга кириб келиш билан исёнчилар қалъаларига жўнаб, ҳозир у ерларни тўпга тутмоқда ва қирғин қилмоқда.

Онахон. Исёнга асосий сабаб?

Таржимон. Соддаликка олманг, онахон.

Онахон. Хўш?

Таржимон. Қирқ қизлар-да. Бу гапдан бутун эл оёққа турган.

Онахон. Ўзим ҳам шуни кутган эдим-да. Ахир сабр-бардош битганда бундан бўлак йўл қолмайди. Ҳатто бунақа вақтда инсон ўз яратган худосини нафратлайди.

Таржимон. Тўғри. Қизиғи шундаки, исёнчилар сизнинг қонхўр одам хон бўлди, бағримиз тўла қон бўлди, деган шеърингизни айтганлари айтган.

Онахон. Йўғ-э.

Таржимон. Худди шунақа.

Онахон. Агар ундақ бўлса мен бахтиёрман. Де-мак золим хон салтанатини қулашига йўл очилапти деган гап.

Таржимон. Ҳа, афсуски, исёнчилар бутун уй уйларига тарқалиб кетсалар керак.

Онахон. Оқибат нима бўларкин?

Таржимон. Исёнчилар дорга тортилади. Оқибат ёмон бўлади. Яна омадсизликми? Қайдам.

Онахон Йўқ сув соқадан ошган, учқун аланга бўлди, энди у золим дор билан халқ иродасини буколмайди.

Таржимон. Зора шундай бўлса. Яқинда қизиқ ҳол рўй берди.

Онахон. Хўш-хўш?

Таржимон. Ҳам хонга, ҳам Жунайид фойдасига жосуслик қилаётган бир шахс мени хонга чақибди. Мен ҳам уни Жунайид фойдасига олиб бораётган қўпоровчилик ишларини исбот этдим. Хон менга ишониб уни жаллодга топширди.

Онахон. Ишқилиб эҳтиёт бўлинг.

Таржимон. Албатта, йўқса, у золим бу бошни олдиради-я

Онахон. Шубҳасиз.

Таржимон. Яқинда сизни Расво хонга чақаётганини гувоҳи бўлдим.

Онахон. Расво, дегани расво экан-да.

Таржимон. Эҳтиёт бўлинг, хон сизни пинҳоний қатл қилдирмоқ ниятида.

Онахон. Ҳали шундайми? Тўғриси айтганда, хон фақат одам ўлдириш, қотиллик учун яратилган, холос.

Таржимон. Ҳа шундай. Мен бирон кориҳол юз беришининг олдини олиш учун Сарвар, Алиқул ва Анна, Соатларни чақирдим. Ўзим кўз-қулоқ бўлиб турибман.

Онахон. Раҳмат, миннатдорман.

Таржимон. Ҳазалингиз бу ерда ҳам зарур бўлиб қолди. Тайёрлари бўлса беринг. Илғор фикрли хонандаларга шу бугуноқ тарқатиш йўлини қиламан.

Онахон. Жоним билан.

Таржимон. Узр фурсатим йўқ. Бу йигирма кунда учрашмаганимиздан ранжиманг. Хон олдидан бир қадам силжишга иложим йўқ.

Онахон. Ҳа, Саодат масаласи нима бўлди.

Таржимон. Хавотир олманг, Саодатни эсон-омон жойига етказдим. *(Чиқади.)*

Онахон. Хўш, Онахон, ўзинг кимсан. Ҳа, шоира-сан, ғазал битасан, уни хонга қарши битасан. Шу

холосми. Ахир сен қачонгача аяқиссалар тўқиш, панди насихатлар билан бош қотирасан. Қизларга қўшиқларингни ўргат, улар қалбида зўрликка қарши туғён уйғот. Бу туғён жаҳонга акс-садо бергандек бўлсин.

Ҳ а м м а. Онажон ўзиниң онажонимиз.

О н а х о н. Қани, қизлар мен берган шеърларни ёдлаб келдингларми?

Ҳ а м м а. Ҳа, ёдладик, халфа она.

О н а х о н. Қани, якка-якка айтасизларми ё жўр бўлиб?

Ҳ а м м а. Ихтиёр сизда.

О н а х о н. Ҳой қиз, бу ёққа кел, сен йўлакда, даҳлизда бирон нарсани баҳона қилиб нвирсиб юр. Сал шарпани сездингми йўтал, хўпми, йўқса иш расво бўлади.

Қ и з. Хўп онахон. *(Чиқади.)*

М у м т о з а. Эҳтиёт яхши.

О н а х о н. Қани, бошланглар.

Шу пайт М у қ а д д а с ширакайф куйлаб киради.

М у қ а д д а с.

Ёр юзин бу кўз ёшимдан ғарқи тўфон айладинг,
Эй, бузул, чарх кажравий айшимни нолон айладинг.
Ёш бошимни мунча савдо, мунча ғамга дуч этиб,
Бор умидим кўксини чоки гирибон айладинг.

Шафқатинг шулми сенинг жаллодга ханжар тутқазиб:
Бегуноҳ маъсумани бағрин тўла қон айладинг...

Бузмоқ истаб севгининг сен мухташам кошонасин,
Бир разил жаллод қўлинда банди зиндон айладинг.

О н а х о н. Нима бўлди болам айт-чи?

М у қ а д д а с. Анову гўрмон ҳарам оға. Мени хон олдиға зўрлаб юбормоқчи бўлди. Мен унинг қўлидан қочиб зўрға қутулдим.

М у м т о з а. Оҳ, қора тақдир, қора тақдир!

Қ и з л а р х о н. *(югуриб кириб).* Қизлар бугун келтирилган Ойлархон деган исмли қиз заҳар ичиб ўлибди!

Ҳ а м м а. Вой бечора!

Б и р қ и з. Даҳшат.

М у м т о з а. Мен заҳар ичиб ўладиганлардан эмасман.

М а ҳ л и қ о. Нега биз онадан туғилдик? Туғилма-

сак бунча азоблар гирдобн сиз билан бизни ўз комига тортмасди.

Онахон. Тўғри, аёл бўлсак-да, энди ўзимизни тетик, уddaбуррон тутмасак бари бир ўлим ўз гирдобига тортади.

Эй кўнгил, ҳар дам ўзингни эрта—кеч мардона тут, Чўкма ғамга сен ўзингни ўзгадин мардона тут.

Номард ўлгай ул кишиким қўрқса ўлмак хавфидан, Бор экан баским умр билан қадрини шерона тут.

Майлига кенгдур жаҳон ободлиги инсон билан

Барча ўлса не бўлирким, сен ўзинг оқилона тут.

Яхшиликни бу жаҳонда тобадлик умри бор.

Бор ёмонлик умри қисқа маънида уммона тут.

Онахон, панду насихат бобида очдинг лабини.

Тут ўзинг ҳам пандларингни ёна-ёна — ёна тут.

Ҳамма. Сизга узоқ умр тилаймиз, халфа она.

Мумтоза. Хўп ўзимизни мардона тутдик деяйлик. Бу билан иш битмайди-ку. Биласизлар бизлар учун кафанд ўз кафанни, тобутсоз тобутни бут қилиб, жаллод пичоғини қайраб турибди.

Зевар. Ҳа, менинг хотирамга ёшлигимда эшитган бир ҳикоя келди.

Ҳамма. Қани, қандай ҳикоя экан у?

Зевар. Қадимда бир аёл подшо ўзидан зўр жаҳонгир бўлган подшони ўлдириб, унинг бош суягидан май касоси ясаганмиш.

Ҳамма. Йўғ-э?!

Маҳлиқо. Шундай экан, нима учун бизлар хонни ўлдиролмаймиз.

Мумтоза. Ўлдираимиз. Ўлдирганда ҳам яна қандай? Фақат юрак, жасорат керак холос.

Ҳамма. Тўғри, тўғри.

Онахон (чанга). Демак қизлар қалбида зулмга қарши туғён куртак отаяпти. Ахир қўрқоқни урсанг ботир бўлади, зулм кишини ҳам тоблайти, дегани шуда. Энди сизларга бир раҳбар керак бўлиб қолибди.

Ҳамма. Сиз раҳбар бўлинг, халфа она!

Онахон. Ана холос, қизларим, ўйлаб кўраман.

Мумтоза. Холажон, ўзим тўқиган қўшиқни айтсам. Зора ёнган юрагимга таскин берса.

Онахон. Майли, қўшиқ кишига қанот боғлайди. Ҳа, нима дейсиз қизлар.

Ҳамма. Айта қолсин эшитамиз. Бизларники каби уники ҳам дўзах дардику, қайтага яхши бўлади. Ёмган юракларга бир оз сув сепайлик.

Мумтоза.

Қўбузимни эрта-кеча чертаман,
Бир зах ҳужра ичра ёқа йиртаман.
Бу золимга маҳрам бўлгандан кўра,
Минг йил куйиб ўтда таним ёқаман.
Мотур рўмолимни ўраб чиққанда,
Ёрни қўмсаб ёр йўлига боққанда,
Ашур маҳрам тутиб отиға босди,
Ёшим менинг ўн саккизга борганда.
Олтин садоғ тақиб чиқдим майдонга,
Кўрсатаман ўзлигимни бу хонга.
Қиз наслидан ботир бўлмас деманглар,
Қилган ишим кетар жумла жаҳонга.

Ана шунинг учун мен бу қонхўр хонни ўз қўлим билан ўлдираман, йўқса бу золим хон мени ўлдиради.

Саодат. Ўлдирамин.

Онахон (четга). Яна аланга, ишқилиб иш чиқадиганга ўхшайди, аммо, сабр-тоқат билан улар тайёрланмаса ҳалокат деган сўз. Ҳой, ҳой, қизлар, бўлмағур гапларни қўйинглар. Аввало, ўлдиролмайсизлар. Борди-ю ўлдирганларингда ҳам иккинчи бойқуш хон унинг ўрнига ўтиради қўяди.

Ҳамма. Хола, йўлимизни тўсманг. Уни ҳам ўлдирамин.

Онахон (четга). Қаранг-а? Бу гаплар мардлик нишонаси йўлингизни тўсмайман, қизларим, ахир, мен ўз шеърларимда озодликни ташвиқ қилиб юрган бағри тошларданман-ку.

Мумтоза. Шундай экан нега?

Онахон. Эшитинглар. Россиядан сургун бўлиб келиб, Урганч ва Хива пахта заводларида усталик қилган, Гурашилов деган ўрис бўларди. У бизнинг ҳовлимизга тез-тез келгувчи бўлиб, турмуш ўртоғимиз билан қалин дўст эдилар. Улар инқилоб ҳақида кўп гапиришардилар. У киши айтардики, бир хонни ўлдириш билан иш битмайди. Балки унинг бутун салтанати билан йўқотиш керак, дерди. Бу сўзлар ҳозиргидек хотирим-

да. Гурашилов ҳозир Тўрткўлда инқилоб бошлиғи эмиш.

Онахон. Қизларим, жонларим, боя айтганимдек, ҳадеб... Бундан ташқари девор орқасида қулоқ бор.

Ҳамма ҳушёр торгади.

Зевар. Халфа она, хафа бўлманг бизлар...

Онахон. Тушунаман, тушунаман. Шошилган қиз эрга бориб ёлчимас дейдилар, сал сабр қилинглар, фикримни айтаман, мендан хурсанд бўласизлар.

Ҳамма. Хўп-хўп.

Қизлархон. Мана, шеърлар ҳам ўқилди, панду насиҳатлар ҳам қилинди. Қани, тенгдошларимиз эшитинглар. Шундай ўйлаб қарасам бошимга бир фикр келди. Шунини демоқчиман.

Ҳамма. Хўш-хўш?

Қизлархон. Менда не ота, не она, мен бировнинг асранди қизиман.

Онахон. Болам, мақсадингни айт, айта қол?

Қизлархон. Хўп, мени кечиринглар, қисқаси хон нима деса, шунга қўймоқчиман.

Мумтоза. Э, сени худо урдими, нима бало, жинни бўлдингми?!

Саодат. Қанча кундан бери куйинсак куйиндинг, йиғласак йиғладинг, нима бизларни калака қилиб юрганмидинг. Ё хон жосусимсан!

Қизлархон. Саодатхон мени койиманг.

Онахон. Сенга нима бало бўлди?

Ҳамма. Ҳей номуссиз!

Мумтоза. Бу ҳазилми, чинми?

Қизлархон. Мен ҳа десам, хон мени бошига соябон қилади.

Онахон. Ҳой-ҳой, қиз, нималар деяпсан? Ҳали мен сени йиқилсам турғизадиганларнинг бири деб юрсам-а? Сен тор эмаски нима деса ўшанга чертилаверадиган.

Маҳлиқо. Холва деган билан оғзинг чучимайди, Қизлархон.

Мумтоза. Ҳаммамизнинг фикри зикримиз шу жаҳаннам азобидан қутулиш ёки ўлиш. Турсак бир тепа, ўлсак бир чуқурда бўлайлик. Қизлархон, бу феълингдан қайт.

Қизлархон. Мени бўлганим шу.
Мумтоза. Шунақами?

Қизлар Қизлархонни урмоқчи бўладилар.

Онахон. Гап бундай: Бу қиз бесабрлик қилди.
Тегманглар! Қани, ким яна ғазал ёдлаган?

Мумтоза. Мен энди, мана бу шеърингизни айтай:

Онахон. Қани, қани?

Муқаддас. Қора сочим дуторингга тор бўлғай,

Мени севган йигит доим бор бўлғай,

Хива хони хароб бўлғай, хор бўлғай.

Мумтоза. Хонавайрон бўлсин Хиванинг хони.

Тегирмон устидан мармар кўчади,

Хон уйида ёр кўзимдан учади.

Ҳарам оға ҳар кун заҳрин сочади.

Хонавайрон бўлсин Хиванинг хони.

Онахон. Қани қўшилиб.

Қизлар. Золим бадкор элимизга хон бўлди,

Юрагимиз лахта-лахта қон бўлди.

Юзи қурсин азройилнинг юзидай

Олажаги жонон бўлди, жон бўлди.

Онахон. Умид шулдирки, бир кун сиз-бизу озод
бўлғаймиз.

Ва ё озод бўлиб, балли, абад обод бўлғаймиз.

Қани, қизларим, бас энди, нариги хонага чиқиб —
бир гаплашиб олайлик-чи...

Чиқадилар.

Парла

УЧИНЧИ ПАРДА

БЕШИНЧИ КҰРИНИШ

Хон саройи. У Шарқ ва Европа архитектурасининг сўнгги ютуқлари билан безатилган хона ложувард товланади. Олтин қандиллар электр нурида ранго-ранг ёнади. Хон беқарор, ташвиш гирдобиди гоҳ ўтиради, гоҳ туради, айланиб аъёнларга синовчан кўз билан тикилади, аъёнлар хон ўрнидан турса зудлик билан турадилар, айланса орқасидан айланадилар, қўрқа-виса ўтирадилар. Хон чапак чалади, машшоқлар мақомлардан машқ қилишади. Хон қўл силтайди куй тинади, чапак чалади маддоҳ шонрлар хори бошланади.

Хонимиз хон бўлди, хонлар хонидир,
Исмидур Асфандиёр султонимиз.
Бошимизга тож эрур ул тоабад.
Ул Жаҳон мулкиаро хоқонимиз.

Хон. Айни пайтда Тўрткўлда инқилоб, у ҳозир салтанатимни ўз комига тортишга ҳозирланмоқда.

Аъёнлар. Ё худо, ўз паноҳида асра!

Хон. Бунинг устига йўлтўсарлар, Жунайид пайт пойламоқда, у менинг ашаддий душманам.

Аъёнлар. Астафидулло!

Хон. Ўзи хон бўлмоқчи. Нимага қўл урсам экан?

Аъёнлар. Ўзингиз биласиз, олампаноҳ.

Хон. Ё Бухоро амири билан иттифоқ тузайми?

Аъёнлар. Бу ҳам маъқул гап, олампаноҳ.

Хон. Ёки Қолчак, Деникииларга нома йўлласам-ми?

Аъёнлар. Соҳиб, ихтиёр ўзларида, олампаноҳ.

Хон. Ёки Англия шартномаларга қўл қўйиб юбарайми?

Аъёнлар. Заковат соҳибисиз, ўзингиз биласиз, олий ҳазратим.

Хон. Ҳозирча Бухоро амири билан иттифоқ тузишга юз тутай, кейин воқеалар ривожин айтар.

Аъёнлар. Ўзингиздан қолар гап йўқ, олампа-ноҳ.

Хон. Аммо. Қалтаман Жунайид гарчанд душман-им бўлса-да, алоқалар риштасини тузиш йўлларини ахтармоғим шарт. Ахир у ҳам большевиклар душман-ни-ку!

Аъёнлар. Ҳавво, аъло ҳазрат.

Расво (кириб). Салом алайкум олампа-ноҳ, илти-фотингиздан умидворман.

Хон. Кел.

Аъёнларга ишора этади, улар нариги хонага чиқади-лар.

Хўш, олишувга тушган элатдек мулзам кўринасан? Ахир сен менга оромбахш этувчи боғбон, хазиначи-сан-ку.

Расво. Тақсир.

Хон. Хўп, йўтал, фурсат йўқ.

Расво. Қелиб-келиб большевой касали ҳарамин-гиз ичкарасига ҳам чанг солди.

Хон. Нималар деясан, муртад!

Расво. Шундай тақсир. Мана ҳарам халфасининг сизни ерга уриб ёзган шеърлари. Хотирингизда бўлса керак, бу жодугар тўғрисида неча бор, сиз олий нишонга, шипшитганлигим.

Хон. Мени ерга урган, яна менга қарши! Ман уни ўлдирмаганимга пушаймонман! (Шеърларига кўз югуртиради.) Ажабо, мени қастимга бирон фалокат юз бермаган кун йўғ-а. Гарчанд супрунди хотин бўл-са-да, ёзган шеърлари нишонга тегадиган даҳшат ўқи-дек-ку.

Расво. Шундай, олий нишон.

Хон. Маликамининг менинг олдимга ташриф бую-ришларини эслат.

Расво. Жоним билан (чиқади.)

Хон. Кишидан омад юз ўғурса, шоҳу гадо демас экап. Хукмронлигимнинг бу ўтган саккиз йили мо-байнида бирон кун беташвиш ўтмаса-я. Бир супрун-ди хотин гирибонимдан олишгача қўл чўзса. Унинг мисралари худди Аваз Утар шеърларининг акс-садо-

си-ку. Қани, юз йилдан ортиқ ҳукм сурган Хива хонлиги — салтанатининг қудрати-ю, доврғи, бироқ, бундай қалтис ва фожиавий ҳол юз очганида генерал Галкиннинг ўз полки билан тинчлик ўрнаттирдим деб эллик минг сўм олтинни олиб жўнаб қолишини қара-я!

М а л и к а (кириб). Сўратган экансиз, олий ҳазратлари.

Х о н. Ҳа, сўратганман. Жоним ҳалқумимга келганда сизни сўратмай кимни сўратай.

М а л и к а. Ташаккур, олий нишон.

Х о н. Мана бу ғазаллардан огоҳмилар?

М а л и к а. Йўқ, ўлимдан хабарим бор, бу гаплардан воқиф эмасман.

Х о н. Таажжуб, сиз воқиф бўлмай, ким воқиф бўлмоғи мумкин. Ахир таги паст менга дор тикипти, дор! Наҳот билмасангиз, наҳот шу қадар бағри тошсиз, менга ачинмайсиз.

М а л и к а (четга). Таажжуб биз бағри тош эмишмизу, бу киши бағри бўш. Тақсир, менга салгина бўлса-да, илтифот назари билан қарасангиз.

Х о н. Бошингизга тушган кулфатларга мени айбдор деб ўйлайсиз. Ўша кулфатларни мен эмас менинг душманларим қилган.

М а л и к а (четга). Бу мунофиқлик ва риёкорлиkning худди ўзгинаси. Ҳазратим, мен сизга ўтган ишга саловат, деганман-ку.

Х о н. Ҳозир, мен жар ёқасида турибман. Сиз ўша гинахонликдан воз кечишингиз керак.

М а л и к а. Воз кечганман.

Х о н. Агар ўша ҳарам халфаси билан алоқангиз бўлмаса, нега уни дор тагидан олиб қолдингиз? Сизни деб душманимни авф этганман. Ахир бу гаплар ташқарида бўлса ҳам майли эди. Ҳарамда-ку. Кимга кафил бўлганингизни эсланг.

М а л и к а. Кафилликка келганда бу аёллик қалбим туфайли бўлди. Бир-икки гуноҳкор бандаларнинг қонидан ўтишни сўраш бу менинг маликалик бурчим бўлса керак, хон?

Х о н. Бурчим бўлса керак...

М а л и к а. Демак, мендан ҳам шубҳаланасиз.

Х о н. Ҳозир юз берган вазиятда, ҳатто, отамдан ҳам шубҳаланаман.

М а л и к а. Тавба денг, шайтонга ҳай беринг. Ҳазратим, менга рухсат этсангиз юрагим алланечук бўлаётир.

Х о н. Майли, боринг, ўзингизни уринтирманг, маликам. Ҳозир халфани чақириб кўз олдидан уни бўғдириб ўлдиртираман.

М а л и к а. Нима ҳам дейишим мумкин. *(Чиқади.)*

Х о н. Келтиринглар, ул малъун халфани! *(Халфани келтирадилар.)* Дорга тортилиш олдидан ҳам, бўғилиш олдидан ҳам маликани сенга нисбатан бўлмиш илтифотини назарда тутиб, сени қонингдан кечганман. Хотин бошинг билан нималарга қўл уряпсан! Гурашилов деган ўрусга шеърлар юбориб турдинг, канизакларни чалғитдинг. Булар ҳам етмагандек бу шеърлар нимаси!! Сўнгги марта чалиб қол созингни! Яна нималар деб вайсаркансан, алвасти!

О н а х о н. Жоним билан...

Х о н. Қани!

О н а х о н. Асфандиёрхон тахтга минди адо Хоразм.

Иўқсул эли нон топмади гадо Хоразм.

Фасли баҳор бўлганида хазон Хоразм.

Хон дастидан мотамсаро зиндон Хоразм.

Х о н. Хўш, хўш, жуда қизиқ-ку?

О н а х о н. Қўлинг чўлоқ бўлгай, кўзинг кўр бўлгай.

Азиз умринг охирида хор бўлгай!

Ҳазрат Алиё — шоҳимардон пир ургай,

Умринг йиғлаб ўтгай бевафо золим!

Х о н. Ҳали бисотда кўп бўлса керак. Қани, яна!

О н а х о н. Халойиқнинг куч бергайлар қўлига,

Сира боқмай соғинг билан сўлингга

Етти туя занжир солгай бўйнингга

Умринг йиғлаб ўтгай бевафо золим!

Х о н *(қутуриб)*. Бас, бас, Жаллод! Жаллод!

Ж а л л о д в а м а ҳ р а м киради.

М а ҳ р а м. Тақсир, тақсир!

Х о н. Нима, тақсир?

М а ҳ р а м. Жуда шошилинич Қурбонсардор Жуна-

йидхондан сизга нома келтирибдилар. Кутишга фурсатлари йўқ экан. Нома махфий деб тиқилинч қилаётирлар.

Хон. Чақир, аъёнлар ҳам кирсин!

Маҳрам таъзим қилиб чиқади.

Бешта йигит туркманча либосда, қуролланган ҳолда киради.

Суворийлар. Салом, хон оға!

Аъёнлар кирадилар.

Хон. Ваалайкум ассалом, ботир йигитлар.

Аннасоат. Хон оға, сизга салом дедилар ва хат бериб юбордилар.

Хон (*хатни олиб*). Омон бўлсин Жунайидхон, олий ҳазратлари. Жаллод, ҳалфани илонхонага ташла!

Аннасоат. Хон оға! Сиздан бир сўровимиз бор эди?

Хон. Хўш, эшитаман.

Аннасоат. Шу бечора мазлума аёлни бир қошиқ қонидан кечсангиз уни ўлдирган билан бир мурод ҳосил бўлмас, хон оға. Шафқатингизни Жунайидхон оғага етказгаймиз. У кишининг кўнгли албатта сиздан хурсанд бўлғай.

Хон. Ақли баркамол ботир йигит экансан. Майли, Жунайидхон ҳазратлари учун бир қошиқ қонидан кечардим. Аммо бу алвасти...

Жаллодларга ишора этади, жаллодлар чиқадилар.

Онахон. Эзилган халқ қўзғолони, қизлар исёни бутун сулолангни тахти бахтингни таги томири билан яксон қилиш арафасида турибди, бу ҳаракат озод кунлар яқинлашувига туртки бўлиши муқаррардир. Ёруғ кунлар бошланди ҳисоб. Тортинг ханжарни болаларим, тортинг!

Дастлаб Мумтоза хонга пичоқ тортади. Сарвар, Алиқул ва Аннасоатлар бирваракайига хонга пичоқ торта бошлайдилар.

Аъёнлар қочиб чиқиб кетадилар.

Хон. Дод! Бу на ҳол, ким бор! (*Гандираклайди.*)
Шу пайт ҳарам оға киради. Унга Мумтоза ва Муқаддаслар ҳан-
жар урадилар, ҳарам оға қулайди.

Аннасоат. Мана бу, мазлум туркманлар ва азиз
синглим учун! (*Пичоқ санчади.*)

Мумтоза. Мана бу, Қизлархон учун! (*Хонга яна
ханжар тикади.*)

Муқаддас. Мана бу Маҳлиқо, Ойлархон ва бў-
лак маъсумалар учун! (*Хонга пичоқ тикади.*)

Алиқул. Мана бу, Хоразмнинг неча асрлар эзил-
ган мазлум халқи учун!

Онахон. Болаларим, қани, тез!

Чироқ ўчади. Чироқ ёнганда Хива ташқарисида Онахон, Мум-
тоза, Алиқул, Аннасоат, Муқаддас, Саодат ва
бошқалар.

Онахон. Болаларим, шитоб билан Тўртқўлга, Хо-
разм инқилоби бошига томон отланинглар! Тез инқи-
лобни бошлаб келинг! Энди етар, мазлум халқ яна
асорат занжирида қолиб кетмасин. Сизларни кун ва
соат сайин кутаман.

Сарвар. Онажон, сиз-чи?

Онахон. Йўқ, болам. Мен кетсам мамлакат ва
пойтахт онасиз қолган гўдакдек дарбадар етим қола-
ди. Мен халқни шай тутиб тураман. Қани, фурсат қўл-
дан кетмасин! Сизларга оқ йўл!

Сарвар. Хўш она. Мазлум халқ учун, сиз учун,
Нуриллабойга инқилоб байроғини ўз қўлим билан ти-
каман!

Алиқул. Қани, дўстлар, кетдик. Ташқарида отлар
тайёр.

Ҳамма чиқади. Узоқдан хор эшитилади.

Тонг отади, тонг отади,
Элимизда ҳуррият қуёши балқийди, элимизда.

Парда

МУНДАРИЖА

Зулматга — қаҳр, зиёга — мадҳ* М. Қўшжонов.

5

ШЕЪРЛАР

Баҳор ўлкасида*	9
Май тароналари*	10
Улка ишқи*	11
Дўстлик*	13
Бир Ватанки ер шарида яшнаяжак баркамол*	14
Бир сиқим тупроқ*	15
Дўстимга*	16
Салом Жуманиёз*	17
Ўзбегим*	18
Она*	19
Шоир*	21
Гилам тўқувчи қиз Гулчеҳрага*	23
Нахтакорларга*	25
Ўзбек элин дилбанди*	26
Она Амударё*	27
Хоразм*	29
Огаҳий*	30
Умр*	31
Мурод завқи*	82
Завқи тарона*	33
Умид*	34
Гул ўйнайик*	35
Шод эрурман*	36
Қўбузчи*	37
Даврон қалби*	38
Вафодин сўз очиб*...	39
Қамончи қизга*	40
Бор гўзаллар барчаси*	41
Келди жонон*	42
Гул диёр*	43
Оҳ ёшлик*	44
Назокат*	45
Комил мадҳи*	46
Буюклар ҳайкали олдида*	48
Қалб таронаси*	49
Ҳикмат билан*	50
Долзарб чоғидир*	51
Механизатор қизга*	52
Наққош*	53
Яхшидур*	54
Ҳаяжон*	55
Қамзурининг садафлари*	56
Урганчининг бозори*	57
Билмадим*	58
Етмиш ёшим ҳақида*	59
Бош эгиб ўтаман*	60
Мазмун ва шакл*	61

Феруза*
 Эй менинг гул юзли ёрим*
 Ошиқ ўлдим*
 Нафс*
 Бўлмадинг*
 Ашъори малеҳ*
 Пишиб қиёмга келдик*
 Шонли Ватаи ҳақида қўшиғи*
 Қиз қўшиғи*
 Инсоф*
 Бўлажак*
 Мувашшаҳ*
 Тошкент мадҳи*
 Тўртликлар*

ДРАМАЛАР

Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам
 Мавлоно Огаҳий
 Республика ўт нчида*
 Қизлар исёни*

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
 1978

На узбекском языке

Айёмпи (Юнус Юсупов)

ВРЕМЯ В МОЕМ СЕРДЦЕ

Стихотворения, драмы

Редакторлар О. Матжонов, Ж. Насриддинова, Рассом Э. Исҳоқов
 Рассомлар редактори А. Бобров, Техн. редактор Э. Саидов,
 Корректор О. Турдибекова

ИБ № 543

Босмахонага берилди 6/IV-78 й. Босишга рухсат этилди. 28/VII-78 й. Формати
 84×108^{1/32}. Босма л. 8,5. Шартли босма л. 14,28. Нашр л. 11,55. Тиражи 5000 P01347.
 Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўча-
 си, 30. Шартнона № 83—77.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб
 савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия
 ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-босмахонада № 1 қоғозга босилди.
 Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. 1978 й. Заказ № 454. Баҳоси. 1 с. 50 т.